ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби

«ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции

(V қисм)
(часть 5)

(2020 йил 21-22 февраль)
(21-22 февраля 2020 г.)

САМАРҚАНД – ТАМБОВ – 2020

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (V қисм). 2020 йил 21-22 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 268 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқ-лари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методо-логик муаммолари, туризм соҳасини ривожлантириш масалалари, хизмат кўрсатиш соҳасида менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”

М.М.Мухаммедов – д.э.н., профессор кафедры экономической теории СамИЭИ
С.А.Исхакова – и.о.доцент кафедры гуманитарных социальных наук СФ ТУИТ, PhD

ВЛИЯНИЕ КОРРУПЦИИ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ

Аннотация: мақолада коррупция иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши асосланган ва Ўзбекистонда коррупцияни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: коррупция, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, ривожланиш, бюрократия, давлат органлари, давлат хизматлари

Аннотация: в статье обосновано негативное влияние коррупции на экономический рост и даны предложения по искоренению коррупции в Узбекистане.

Ключевые слова: коррупция, экономический рост, эффективность, развитие, бюрократия, государственные структуры, взяточничество, государственные услуги

Abstract: the article substantiates the negative impact of corruption on economic growth and offers suggestions for the elimination of corruption in Uzbekistan.

Keywords: corruption, economic growth, efficiency, development, bureaucracy, state structures, bribery, public services.

Коррупция самый злейший враг экономического роста и развития. По мнению исследователей, коррупция воздействует на экономику страны весьма неблагоприятным и губительным образом. Посланник Аллаха указал и на чудовищные последствия коррупции для государства и общества: «Нет такого народа, в среде которого существует взяточничество, и который не впал бы в ужас и страх». Не случайно известный американский политик из Демократической партии Кори Букер развал могущественных империй связывает с коррупцией: «Если вы посмотрите на великие человеческие цивилизации, от Римской империи до Советского Союза, то увидите, большинство из них развалилось не от внешних угроз, а из-за коррупции и внутренней слабости».

Иначе говоря, ничто так не вредит экономическому росту и развитию производительных сил, как коррупция и все формы ее проявления без исключения. Сравнительный анализ статистических данных показывает прямую и тесную зависимость между состоянием и уровнем развития экономики страны и уровнем разгула в ней коррупции. Эта же зависимость подтверждается и многочисленными теоретическими и эмпирическими

исследованиями. [1] . Их анализ и обобщение позволили нам выделить, применительно к условиям Узбекистана, следующие, наиболее существенные, с нашей точки зрения, негативные социально-экономические последствия коррупции: замедление темпов экономического роста, низкие показатели эффективности использования ресурсов, высокий уровень безработицы, низкая конкурентоспособность национальной экономики, снижение качества образования, снижение эффективности систем мотивации труда и материальной заинтересованности работников в результатах труда, разгул теневой экономики, нарушение принципов социальной справедливости и некоторые другие.

Мировая практика показывает, что коррупция процветает, прежде всего, в государственных структурах, дискредитируя тем самым авторитет органов государственной власти перед народом, ухудшая экономическое положение страны. Объясняется это, прежде всего, наличием у государственных служащих особых полномочий и возможностей, которые позволяют им становиться посредниками между гражданами и органами государства, принимать определенные, не всегда справедливые с точки зрения общественных интересов, но «выгодные» для собственного кармана, решения. Более того, в экономической литературе распространена точка зрения, согласно которой значительно распространены коррупционные связи государственных органов власти и гражданского общества в странах с переходной экономикой, а также в развивающихся странах.[2]

В Республике Узбекистан последовательно и настойчиво реализуется программа широкомасштабных реформ с целью устойчивого и ускоренного развития национальной экономики, ведется активная борьба против коррупции.

Исходя из этого, Узбекистан в 2008 году ратифицировал Конвенцию Организации Объединенных Наций против коррупции (Нью-Йорк, 31 октября 2003 года),[3] а в 2010 году присоединился к Стамбульскому плану действий по борьбе с коррупцией Международной Организации экономического сотрудничества и развития.[4] С приходом к власти Ш.М. Мирзиёева борьба с коррупцией возведена на уровень государственной политики и стала неразрывной составной частью масштабного реформирования страны. Важным шагом в этом направлении послужило принятие в январе 2017 года специального Закона Республики Узбекистан “О противодействии коррупции”. Данный Закон послужил важной правовой основой в борьбе с коррупцией. Он регулирует основные направления политики государства по противодействию коррупции, участие органов самоуправления граждан, институтов гражданского общества, средств массовой информации

[1]См., вчастности: Li, Xu, and Zou (2000); Azfar, Lee, and Swamy (2001); Gyimah-Brempong and De Camacho (2006); Pellegrini and Gerlagh (2004); Akcay (2006); Salinas-Jiménez and Salinas-Jiménez (2007); Khamfula (2007).
[2]Интернет ресурс: https://cyberleninka.ru
[3]Там же.
[4] Там же.

и граждан, а также международное сотрудничество в данной сфере.[1]

Между тем, уровень коррупции остаётся в Узбекистане пока весьма высоким. Международная антикоррупционная организация Transparency International опубликовала ежегодный Индекс восприятия коррупции (Corruption Perception Index) за 2018 год. В этом рейтинге Узбекистан занял 158-е место среди 180 стран и территорий с индексом 23, но в общем рейтинге позиция страны снизилась (157 – ое место) на 1 пункт до 158-го места среди 180 стран и территорий. Такие же показатели зафиксированы и у Мозамбика.[2] Отметим, что индекс ранжирует страны по шкале от 0 - самый высокий уровень коррупции, до 100 - самый низкий уровень коррупции, на основе восприятия уровня коррумпированности государственного сектора.

Согласно данным этой международной организации «Узбекистан несёт огромные потери в объёме ВВП и темпах экономического роста из-за коррупции. Если даже взять за основу расчёта данные ООН (Организации Объединённых Наций), согласно которым ежегодно мировая экономика несёт ущерб от коррупции в размере 2,6 трлн. долларов США, а это около 5 процентов мирового валового продукта,[3] то ежегодний ущерб ВВП от коррупции в Узбекистане составляет около 2-х млрд. долларов по номиналу, что равносильно годовому объему ВВП целой области (например, ежегодный валовой продукт Сырдарьинской области по данным госкомстата республики составляет 1,10 млрд. долларов[4]). Однако следует иметь в виду, что ущерб, наносимый на экономику в Узбекистане гораздо выше по сравнению со средними показателями в мире. Мало того, негативные последствия коррупции на экономику помимо объёма валового национального продукта, отражаются и через социальные факторы (усиление материального расслоения в обществе из-за наличия криминальных каналов перераспределения национального дохода, рост недовольства и социального напряжения в обществе и другие).

Не взирая на принимаемые действенные меры по сокращению масштабов теневой экономики (либерализация валюты, реформа налоговой системы и др.), на сегодняшний день в Узбекистане пока высокой остаётся её доля в валовом национальном продукте. По некоторым данным доля теневой экономики в валовом национальном продукте Узбекистана составляет примерно 45-46 процентов.[5] Столь масштабные размеры теневой экономики связаны с незавершенностью реформирования экономики, нарушениями со стороны государственных органов прав других субъектов рынка, недостатками налогового и трудового законодательства. Значительную

[1]Закон Республики Узбекистан. «О противодействии коррупции». Газета «Народное слово» от 4 января 2017г.

[2]Узбекистан занял 158-е место (из 180) в Индексе восприятия. Интернет ресурс: https://www.gazeta.uz/ru/2019/01/29/ti

[3]См., вчастности: Li, Xu, and Zou (2000); Azfar, Lee, and Swamy (2001); Gyimah-Brempong and De Camacho (2006); Pellegrini and Gerlagh (2004); Akcay (2006); Salinas-Jiménez and Salinas-Jiménez (2007); Khamfula (2007).

[4] http://stat.uz

[5] Интернет ресурс: Самые крупные коррупционные дела в Узбекистане. Kaktakta.com.

негативную роль в развитии теневой экономики играет коррумпированность государственных органов. В свою очередь, теневая экономика создаёт большие проблемы для экономического роста, нарушает систему разделения труда, уменьшает возможность использования преимуществ крупного производства, увеличивает издержки производства, оказывает негативное влияние на качество товаров и услуг, способствует развитию коррупции.

Из изложенного выше следует, что уровень коррупции в Узбекистане на сегодняшний день достаточно высок и поэтому противодействие ей на государственном уровне приобретает чрезвычайную актуальность.

Отметим, что в нашем обществе предусматриваются строгие меры по противодействию коррупции, совершению различных преступлений и другим случаям правонарушений, их недопущению, обеспечению на деле требований закона о том, что наказание за преступление неизбежно. В своем докладе на 72-й сессии Генеральной ассамблеи ООН Президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев ознакомил весь мир с проводимыми реформами[1]. Заслуживает внимания то, что в докладе особо отмечается, что не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу. Претворение данного принципа в повседневную жизнь означает, что простой народ полностью освободится от тяжелого бремени незаконных платежей государственным служащим только за то, что до сих пор никто толком и не знал: кто же кому должен служить. Раз государственные органы должны служить народу, то становится понятно, что простым людям не за что давать взятки чиновникам, если они выполняют свои служебные обязанности и получают за это приличное жалованье из государственной казны.

Само собой разумеется, что добрая воля и слова Президента, закреплённые конкретными и весомыми его действиями, имеют решающее значение в искоренении коррупции. Однако делает всё это он «для народа», в интересах простых людей, добиться успехов он может «опираясь на народ», при поддержке его антикоррупционной политики со стороны широких слоёв населения, искоренить коррупцию можно будет только «вместе с народом», когда вся страна будет активно бороться с этим злом. Наряду с лидером искоренение коррупции существенным образом зависит от активности народа, который является также движущей силой истории. Пока в этой цепочке слабым звеном является население, его пассивное отношение и равнодушие к борьбе с коррупцией, безразличие и слабая поддержка инициатив Президента.

На самом же деле, народ должен не просто проявлять активность и сплотится вокруг Президента, образовав тем самим мощный заслон и единый фронт в борьбе против коррупции, но и быть кровно заинтересованным в его окончательном уничтожении как настоящего и злейшего врага народа и общества в целом. Ибо роль и значение народных масс в борьбе с коррупцией определяется тем, что они выступают единственным

[1] Мирзиёев Ш.М. В докладе на 72-й сессии Генеральной ассамблеи ООН Президент Узбекистана ознакомил весь мир с проводимыми реформами. Интернет ресурс: https://www.un.org/ru/ga/72/agenda/

источником всех поборов и финансирования коррупционных сделок. Мало того, негативное влияние коррупции на экономический рост в конечном итоге снижает уровень их жизни, расслоение в обществе, обогащение коррупционеров происходит за счет трудового народа в процессе его первичного и вторичного перераспределения. Поэтому простому народу предпочтительно и выгодно жить в обществе, где нет коррупции. Обогащение народа, кардинальное повышение уровня его жизни возможно только в той стране, где национальный доход распределяется справедливо, где из национального пирога получает больше тот, кто хорошо трудиться. Придавая огромное значение повышению уровня жизни широких слоёв населения Президент Ш.М.Мирзиёев сказал: «Если наш народ богат, регионы будут богатыми, если регионы будут богатыми, страна будет богатой»[1]. Логика здесь такая: народ-творец и хранитель всех культурных ценностей, он источник и фактор социально-экономического прогресса, он созидатель всех материальных и духовных ценностей. Поэтому он и должен жить хорошо, быть богатым и довольным своей жизнью, а не кучка коррумпированных людей, живущих за счет простого трудового народа. Здесь выбор модели развития должен быть однозначным исходя из того, что: «В коррумпированном обществе живут хорошо только избранные, а все остальные плохо, а в обществе без коррупции живут хорошо все, избранные тоже не исключение». Для доведения до глубокого сознания каждого потенциального коррупционера выдвинутого нами постулата необходимо в стране развернуть широкомасштабную борьбу против коррупции.

Объявленная в Узбекистане война против коррупции и постепенное её искоренение имеет не только экономическое, но и важное гуманистическое и социальное значение. Экономический рост будет эффективным лишь в том случае, если он сопровождается с ростом реальных доходов и жизненного уровня основной массы населения, а не только группы людей. В противном случае, богатые станут еще богаче, а бедные станут беднее, а пропасть между высокодоходными, богатыми семьями и низкодоходными семьями будет углубляться дальше. Негативные последствия такой диспропорции в распределении доходов для экономического роста хорошо известны в экономической литературе. При развитости коррупции распределение и перераспределение национального дохода (включая его приращенную часть) идет в пользу коррупционеров и способствует их обогащению, оставляя при этом в стороне основную массу населения и осуществляются практически за счет нее, поскольку тяжелое бремя коррупционных сборов ложится на ее плечи.

[1] Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 28 декабря 2018. Интернет ресурс: http://uza.uz/ru-28-12-2018.

Х.Х.Абдураманов – Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби мустақил изланувчиси, и.ф.н. профессор

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш тамойиллари таснифланган, демографик сиёсат концепциясини шакллантиришнинг зарурлиги асосланган ва демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш воситаларини шакллантириш механизми таклиф этилган.

Калитли сўзлар: аҳоли, демографик жараёнлар, демографик сиёсат, тамойил, тартибга солиш.

Аннотация: в данной статье классифицированы принципы государственного регулирования демографических процессов, обоснована необходимость формирования концепции демографической политики и предложан механизм формирования средств государственного регулирования демографических процессов.

Ключевые слова: население, демографические процессы, демографическая политика, принципы, регулирование

Abstract: This article classified the principles of state regulation of demographic processes, the necessity of formation of the concept of demographic policy and will propose a mechanism for the formation of the state regulation of demographic processes

Keywords: population, demographic trends, population policy, principles, regulation.

Ўзбекистондаги демографик вазият давлатнинг ижтимоий сиёсатини шакллантиришнинг асосида ётади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда демография муаммоларига катта эътибор бериб келинмоқда. Боз устига, республикадаги демографик вазият хусусиятлари мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ўзбек моделини шакллантиришга асос қилиб олинди ва уни амалда рўёбга чиқаришда диққат-эътибор марказида турибди.

Мамлакат аҳолисини такрор барпо қилиш жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: қонун ҳужжатлари қабул қилиш; мамлакатдаги демографик вазиятни прогноз қилиш; демографик сиёсат йўналишларини комплекс равишда амалга ошириш мақсадида зарур ҳажмда молиялаштириш; демографик вазиятни тартибга солувчи давлат органларини мувофиқлаштириш.

Бизнинг фикримизча, давлат томонидан тартибга солиш жараёни демографик вазиятнинг кескин ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган энг хавфли вазиятларни аниқлаш мақсадида демографик вазиятни баҳолашдан бошланади. Ушбу босқичнинг ахборот таъминоти аҳоли рўйхати, давлат статистика маълумотлари, ва социологик тадқиқотлар материалларидан фойдаланишни кўзда тутади. Олинган маълумотлар асосида давлат хокимияти органлари аҳолини такрор барпо қилиш жараёнларига давлат таъсири субъектлари у ёки бу чора-тадбирлар ўтказиш зарурати ҳақида қарор

қабул қилади. Тартибга солиш субъектлари мамлакат, ҳудудий хокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиши мумкин. Ҳукумат органлари таъсир этишнинг турли, жумладан, иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот-тарғибот усулларидан фойдаланиши лозим. Асосий восита – туғилиш, ўлим ва миграция соҳаларидаги алоҳида муаммоларни ҳал қилиш учун мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Мақсадли дастурлар иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, психологик чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига оладиган мураккаб маҳсулот сифатида кўриб чиқилиши мумкин ва шу сабабли келтирилган схемада алоҳида воситаларни ажратиш ва маълум бир усуллар қаторига киритиш мақсадга мувофиқ эмас бўлиб кўринади.

Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш объектлари бўлиб қуйидагилар намоён бўлади: ўлим кўрсаткичлари даражасини қисқартириш (энг аввало, меҳнатга лаёқатли ёшда); аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликлар даражасини пасайтириш; ҳаёт сифатини яхшилаш: оилаларда иккинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилиши ҳисобига туғилиш кўрсаткичлари даражасини ошириш; оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини тиклаш ва сақлаш; демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ мигрантларни жалб қилиш.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тизимида демографик сиёсатнинг ўрнини аниқлаш мақсадида демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш усулларини шакллантириш тартибини тадқиқ этиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Умумий кўринишда усуллар демографик ривожланиш борасида қўйилган мақсадларга эришишни ифодалайди. Усулларни шакллантириш жараёни демографик жараёнларни тартибга солиш субъектлари – мамлакат, ҳудудий хокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан узоқ муддатли тавсифга эга бўлиши лозим бўлган ва унинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини пасайтириш мақсадида аҳоли сонининг камайишини бартараф қилишга йўналтирилган демографик сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади.

Демографик ривожланишнинг ҳудудий хусусиятлари, минтақа ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий стратегияси ва демографик сиёсат таъсири остида субъектда демографик сиёсат концепцияси шаклланади. Концепция демографик жараёнларни тартибга солишнинг асосий йўналишларини, демографик ривожланишнинг мақсадли кўрсаткичларини, қўйилган мақсадларга эришиш бўйича чора-тадбирлар йиғиндисини, бу чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини, шунингдек, демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш тамойилларини ўз ичига олади. Бу тамойиллар ҳудудлардаги демографик ривожланиш тенденцияларига ва биринчи навбатда, субъектни демографик ривожлантиришнинг қўйилган мақсадларига эришиш учун давлат томонидан

ҳудудни қўллаб-қувватлаш даражасини ифодалайдиган давлат имкониятларига қараб аниқланади.

Аҳолини такрор барпо қилишни давлат томонидан тартибга солиш тамойилларидан бири комплекслилик тамойили бўлиб, у демографик сиёсат усулларини қўллашни кўзда тутади, бу эса қўйилган мақсадларга эришиш эҳтимолини оширишга имкон беради. Демографик жараёнларга таъсир кўрсатиш усуллари, юқорида айтиб ўтилганидек, маъмурий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ахборот-тарғибот усулларига бўлинади. Бу усулларнинг ҳар бири воситалар йиғиндисини ўз ичига олади. Масалан, биринчи усул никоҳ ва ажралишларни, фарзандларнинг оиладаги аҳволини, алимент мажбуриятларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.ни тартибга соладиган ҳужжатлар, фармонлар, қарорларни ўз ичига олади. Иқтисодий воситалар қаторига ҳомиладорлик ва фарзанднинг туғилиши бўйича пул тўланадиган таътиллар, фарзанд туғилишида бир марта тўланадиган нафақа пули, солиқларнинг оила ҳажми ва даромадларга қараб табақаланиши ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Ахборот-тарғибот усули соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни, 2-3 фарзанддан иборат оила барпо этишга йўналтирилган жамоатчилик фикри шакллантириш ва ҳ.к.ни ўз ичига олади.

Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш аҳоли сонини тартибга солиш ва сифатини ошириш мақсадида демографик ривожланиш тенденцияларини ўзгартиришга йўналтирилади. Тартибга солиш жараёни горизонтал ва вертикал алоқалар йиғиндисидан иборат мураккаб механизмни ифодалайди. Механизмнинг фаолият кўрсатиши демографик вазият таҳлили ва давлат томонидан тартибга солиш даражасидан келиб чиқиб белгиланадиган аҳолини такрор барпо қилиш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ.

Давлат томонидан тартибга солиш сиёсати демографик ривожланиш мақсадларига эришиш умумий ҳар томонлама режасини ифодалайдиган ва демографик такрор барпо қилиш жараёнларини соғломлаштириш учун қулай ижтимоий-иқтисодий шароитлар шакллантиришга йўналтирилган истиқболга ҳисоблаб чиқилган чора-тадбирлар тизимини ўз оладиган демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш стратегиясини шакллантиради. Стратегия давлат томонидан тартибга солишнинг белгилан-ган тамойиллари асосида демографик жараёнларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари шаклида амалга оширилади. Демографик ривожланиш йўналишлари қаторига туғилиш жараёнларини тартибга солиш, оила институтини мустаҳкамлаш, аҳолининг саломатлик даражасини ошириш, ўлим кўрсаткичлари даражасини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш ва аҳолининг миграцион оқимларини тартибга солишни киритиш мумкин.

Стратегиядан келиб чиқадиган давлат томонидан тартибга солиш механизми ривожланишнинг демографик омиллари мамлакат ва ҳудудий шароитларни ҳисобга олади. Ҳар қандай механизмнинг ажралмас қисми унинг мақсадларга эришишга йўналтирилган воситалари ҳисобланади. Бизнинг ҳолатда тартибга солиш объектлари интенсивлигини ҳисобга олган

ҳолда воситаларни қўллаш демографик ривожланиш тенденцияларининг ўзгаришида намоён бўладиган натижаларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон янги демографик вазияти шароитларида давлат фаол нуфуз сиёсатини амалга ошириш зарур. Бу фаолият республикадаги асосий демографик жараёнларни, шу жумладан туғилиш, миграция, урбанизация ва аҳолининг иш билан бандлигини илмий-асосли тартибга солишга йўналтириши зарур.

I.S.Hotamov – TDIU dotsenti
M.O‘.Raximov – TDIU magistr tinglovchisi

O‘ZBESKITON IQTISODIYOTINI GII INDEKSI ASOSIDA INNOVATSION RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada hozirda O‘zbekistonda innovatsion muhitni rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar, sohada qabul qilingan strategiya va unga asosan Global Innovation Index (GII) ko‘rsatkichlarini mamlakatimizda joriy qilish shu orqali jahon hamjamiyatiga yanada tezroq kirib borish masalalari o‘rganilgan. Maqola so‘ngida tegishli taklif va tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: Innovatsion muhit, inson kapitali, innovatsion g‘oyalar, GII, INSEAD, OECD.

Аннотация: В этой статье изучены вопросы по развитию инновационной среды в Узбекистане, принятая стратегия в данной сфере, на основе которой необходимо внедрение показателей Глобального инновационного индекса (ГИИ) в нашу страну, таким образом ускорить интеграцию в мировое сообщество. В конце статьи даны необходимые предложения и рекомендации.

Ключевые слова: Инновационная среда, человеческий капитал, инновационные идеи, ГИИ, INSEAD, ОЭСР.

Abstract: This article illustrates the development of the innovation environment in Uzbekistan, the adopted strategy in this area, on the basis of strategy introduce the indicators of Global Innovation Index (GII) in our country and by this way accelerate the integration into the world community. At the end of the article are given the necessary suggestions and recommendations.

Keywords: innovative environment, human capital, innovative ideas, GII, INSEAD, OECD.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy - iqtisodiy rivojlanish va iqtisodiyot tarmoqlaridagi tarkibiy o‘zgarishlar shuni anglatadiki, erishilayotgan yutuq va muvaffaqiyatlarning asosida iqtisodiyot va uning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya qilish, texnik va texnologik yangilash, ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish jarayonlarining o‘rni kattadir. Shu nuqtai nazardan kelib chiqib, amalga oshirilayotgan islohotlarni, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash va diversifikatsiya qilish, bunda har bir jarayonni amlaga oshirishda innovatsion yondoshuv muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda jahondagi barcha mamlakatlar uchun innovatsion muhitni yaxshilash, doimiy ravishda mahsulot sifati va turini yangilash, ishlab chiqarish

fondlarini yangi texnikalarga almashtirish, davlatni, umumjamiyatni rivojlantirish uchun juda ham muhimdir. Bu borada yaqinda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Nagoya universitetidagi uchrashuvdagi nutqida so‘zlagan so‘zlari ham yangilik yaratishni, innovatsiya muhitini O‘zbekistonda yanada rivojlantirish hozirda qanchalar muhimligini ifodalab turibdi. “Zamonaviy dunyoda inson kapitali, intellektual salohiyat, innovatsion g‘oyalar, yuqori texnologiyalar jadal va barqaror taraqqiyotning fundamental asosini tashkil qilmoqda. Bundan yarim asr muqaddam puxta o‘ylangan, taraqqiyotning ilm-fanga asoslangan “yapon modeli” tufayli mamlakatingiz bugun barcha sohalarda yetakchi davlatlardan biriga aylandi.”[1]deya ta’kidlab o‘tdilar.

Jahonning rivojlangan mamlakatlarida hozirda innovatsiya yaratish, intellektual bilimlarni sotish juda ham rivojlangan faoliyatdir. Natijada korxonalar juda katta foydaga erishmoqdalar. Tabiiyki savol tug‘iladi innovatsiyon texnologiyalar ularaga nima bermoqda?

Birinchidan ular yangilik yaratish orqali mahsulotlarning sifat va qulaylik jihatidan boshqalardan ustunlikka erishmoqdalar.

Ikkinchidan mahsulot tannarxini pasaytirish orqali mahsulotlarini boshqa raqobatchilarga qaraganda ko‘proq sotish imkoniyatiga ega bo‘lmoqda.

Uchinchidan mamlakatga valyuta kirib kelishini ta’minlamoqda.

To‘rtinchidan ular o‘zlari yaratgan sifatli, arzon mahsulotlar asosida jahon bozorini boshqarmoqda. Bularning barchasi har bir mamlakatni innovatsiya qilishga barqaror iqtisodiyotni ta’minlashga undaydi.

Har qanday faoliyat to‘g‘ri va aniq eng muhimi foydali amal qilishi uchun uning qonuniy asoslari yaratilgan bo‘lishi kerak. Ya’ni hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida barcha sohalarni muntazam modernizatsiya qilish zamon talabidir. Ularsiz yaxshi natijalarga erishib bo‘lmaydi. Ushbu jarayonning dolzarbligini anglagan holda mustaqillikdan so‘ng malakatimizda qator ishlar amalga oshirildi va bu jarayon davom etmoqda. Ammo dastlab bu o‘zgarishlar jadal surat’larda boshlanmadi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Avvalo, bilimlarga asoslangan iqtisodiyotning huquqiy ta’minoti ko‘pgina kamchiliklarga ega edi. Hozir esa sohadagi xujjatlar qaytadan ko‘rib chiqildi shuningdek yangilari qaul qilindi va jarayon davom etmoqda. Eng asosiysi “Innovatsiya faoliyati to‘g‘risida” gi qonun qabul qilinmoqda.

Bundan tashqari mamlakatimizda innovatsiya jarayonini amalga oshirish uchun muhim me’yoriy xujjatlardan biri 2017 yil 7-fevralda “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” PF-4947 sonli farmoni bo‘ldi. Unga ko‘ra “ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag‘batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarini amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish, oliy o‘quv yurtlari va ilmiy-tadqiqot institutlari huzurida ixtisoslashtirilgan ilmiy-eksperimental laboratoriyalar, yuqori texnologiya markazlari va texnoparklarni tashkil etish 2017-2021 yillardagi harakatlar

[1]https://president.uz/uz/lists/view/3158

strategiyasiga kiritildi.”[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi PF-5264 son “O‘zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida”gi farmoniga asosan O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tashkil etildi. Bu sohada muhim me’yoriy xujjatlardan yana biri bu PF-5544 “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi prezident farmonidir. Ushbu strategiyada mamlakatning xalqaro maydondagi raqobatbardoshliligi darajasini va innovatsion jihatdan taraqqiy etganini belgilovchi asosiy omil sifatida **inson kapitalini rivojlantirish** - strategiyaning bosh maqsadi ekanligi ko‘rsatildi. Bosh maqsadga erishishda **Strategiyaning** asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

O‘zbekiston Respublikasining 2030 yilga kelib Global innovatsion indeks reytingi bo‘yicha jahonning 50 ilg‘or mamlakati qatoriga kirishiga erishish;

Innovatsiyalar, ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va texnologik ishlarga davlat va xususiy mablag‘lar kiritilishini kuchaytirish, bu sohalardagi tadbirlarni moliyalashtirishning zamonaviy va samarali shakllarini joriy etish;

Mulkchilik huquqlari himoyasini ta’minlash, raqobatbardosh bozorlar tashkil etish va biznes yuritish uchun teng shart-sharoitlar yaratish, davlat-xususiy sherikligini rivojlantirish;”[2]

Yuqoridagi ishlarning barchasi O‘zbeskitonda innovatsion muhitni yaxshilash va bu orqali mamlakatimiz iqtisodiyotini yuksaltirishdan iborat. GII indeksi nisbatan yangi tushuncha bo‘lganligi sababli barchada ham yetarli ma’lumot mavjud emas.

Global Innovation indeks (GII) bu – davlatlarning innovatsiyalaridagi yillik yutuqlarini aks ettiradigan reyting hisoblanadi. GII Korrelenskiy SC Johnson biznes kolleji(universiteti), INSEAD – Yevropa Biznes Administratsiyasi Instituti hamda Butunjahon intellektual mulk tashkiloti tomonidan tuziladi. Reytingni tuzish uchun Jahon banki, Jahon iqtisodiy forumi hamda Xalqaro elektraloqa ittifoqidan ob’yektiv ma’lumotlar olinadi. Bu reyting dastlab 2007 yil INSEAD va Jahon biznes jurnali bilan birgalikda chop etilgan.

Hozirgi kunda bu indeks o‘z ichiga jami 7 ta katta guruh va ular har biri 3 tadan jami 21 ta bo‘limlardan tashkil topgan ma’lumotlardan iborat. Bundan tashqari ushbu bo‘limlar ham bir necha qismlardan tashkil topgan. Ya’ni bu indeksda aniqlik darajasi juda katta bo‘lib innovatsiya bo‘yicha barcha ko‘rsatkichlarni qamrab olishga qaratilgan.

- Birinchi ko‘rsatkich – Institutions-institutlar(tashkilotlar) 1. Bunda mamlakatdagi siyosiy holat. 2. Regulyatorlik muhiti - ya’ni qonunlar va ularning ishlashi; 3. Biznes muhiti. Institutions bu barcha yuqoridagi muhitlarni nazorat qiluvchi tashkilotlar holati hisoblanadi.
- Ikkinchi ko‘rsatkich – Inson kapitali va tadqiqotlar. Bu esa 1.Ta’lim 2.Oliy

[1] “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni.www.Lex.uz

[2] " Xalq so‘zi", 2018 yil 22 sentyabr “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”

ta’lim bilan qamrab olish darajasi. 3. Ilmiy izlanish va tadqiqotlar.

- Uchinchi ko‘rsatkich – Infrastruktura. Ushbu ko‘rsatkich 1. Informatsion va kommunikatsion texnologiyalarni, 2. Umumiy infrastruktura 3. Ekologik barqarorlik.
- To‘rtinchi ko‘rsatkich - Bozor muhiti. 1. Kredit olish. 2. Investitsiya 3. Savdo va raqobat.
- Beshinchi ko‘rsatkich – Biznes jozibadorligi. 1. Intellektual bilimlar bilan bo‘gliq ishchialr. 2. Innovatsion aloqalar. 3. Bilimlarni amaliyotga joriy qilish.
- Oltinchi ko‘rsatkich – Bilimlar va texnologiya natijalari 1. Yangilik yaratish 2. Bilimlar ta’siri 3. Bilimlarni tarqalishi.
- Yettinchi ko‘rsatkich – Ijodiy natijalar. 1. Nomoddiy aktivlar 2. Ijodiy mahsulotlar va xizmatlar 3. Onlayn ijodkorlik.

O‘zbekiston oxirgi marta bu ko‘rsatgichga 2015 yil kiritilgan va bunda O‘zbekiston 122 o‘rinni egallagan. 2016 yilda esa 27 sub indekslar bo‘yicha 60% dan kam ma’lumotlar berganligi sababli 13 ta mamlakat reytingga kiritilmadi.[1] Shu davlatlar qatorida O‘zbekiston keyingi yillarda indeksga qo‘shilmadi.

Ushbu indeksga qaytadan qo‘shilish va yuqori o‘rinlarga ko‘tarilish albatta murakkab jarayon. Indeksga kirish avvalo bu barcha sohalarda oldinga siljishdir. Ya’ni qaysidir ko‘rsatkichlarni bera olmagan bo‘lsak, hali o‘zimizda mavjud ko‘rsatkichlar bo‘yicha ham juda past o‘rinlarda turibmiz. Indeks juda katta ko‘rstakichlarni inson kapitaliga qilingan xarajatlar, ilmiy izlanish va tadqiqotlarga imkoniyatlar, innovatsiyalar yaratilishi, infrastruktura, internetdan foydalanish darajasi, biznes muhiti barcha barchasini a’lohida bo‘limlarga bo‘lgan holda o‘rganadi. Undagi ba’zi ko‘rsatkichlarni tahlil qilish mumkin.

Expenditure on education – Davlatning umumiy (mahalliy, mintaqaviy va markaziy) xarajatlari barcha sohalarga (sog‘liqni saqlash, ta'lim, ijtimoiy xizmatlar va shu kabilar) sarflanadigan davlat xarajatlarining foizli ulushi (joriy, kapital va transfertlar). Bunga xalqaro manbalardan hukumatga o‘tkazmalar orqali moliyalashtiriladigan xarajatlar ham kiradi. Singapur davlati hozirgi kunda reytingda TOP 5 talikka kirgan davlatlardan. Singapurning 1960 yildan 2017 yilgacha ta’limga ajratgan mablag‘larini tahlil qilganda o‘rtacha ko‘rstakich 10.24% ni tashkil qilgan. Yuqori daraja 1985 yilda 13.41% 1960 yilda 7.53 % miqdorda bo‘lgan. [2]

1980-yillardan boshlab Yaponiya barqaror va samarali ta'lim infratuzilmasini yaratishda YaIMning katta qismini 1987 yildagi 18% ga yetkazdi. O‘zbekistonda esa bu ko‘rsatkich past darajada. Xalqaro OECD statistikasiga ko‘ra 2015 yilda jahonda YaIMdan ta’limga ajratilgan xarajatlar 11% ni O‘zbekistonda esa 7% ni tashkil etgan. [3] Hozirgi kunda ta’limda sifat darajasini ko‘proq hisobga olinmoqda. Mamlakatimizda ham hozirda GII mavjud PISA dasturini qo‘llash bo‘yicha ishlar amalga oshirilmoqda.

[1] The Global Innovation Index 2016 - Winning with Global Innovation www.globalinnovationindex.org. 59-b

[2]https://www.theglobaleconomy.com/Singapore/Government_size/)%20,(%3ca%20href='https:/www.macrotrends.net/countries/JPN/japan/education-spending'%3eJapan%20Education%20Spending%201981-2019%3c/a%3e/

[3] https://www.weforum.org/agenda/2018/10/these-countries-spend-the-most-on-education/

Yana bir koʻrsatkich bu **Government funding per secondary student** – davlatning har bir maktab oʻquvchisi uchun ajratgan mablagʻi. Deyarli barcha tez rivojlanayotgan mamlakatlar, shu jumladan Janubiy Koreya, Singapur va Yaponiya, oʻrtacha jon boshiga yalpi ichki mahsulotning chorak qismini oʻrta ta'limga sarf qiladi. Ular infratuzilma va oʻquv jarayonining sifatini yaxshilashga urgʻu bermoqda, OECDga a'zo mamlakatlarning eng koʻp xarajatlari skandinaviya davlatlari va Avstriya tomonidan 28-30% tani tashkil qiladi. Qolgan mamlakatlarda aholi jon boshiga YaHMning 22% sarflanadi. Bu borada eng soʻnggi Qozogʻiston statistikasi taxminan 21 foizni tashkil etadi, bu OECD oʻrtacha koʻrsatkichiga yaqindir.

Yuqorida GII indeksi ba'zi koʻrsatkichlari boʻyicha tahlillar amalga oshirildi. Ushbu tahlillar va mavjud holatni e'tiborga olgan holda GII indeksini oʻzbekistonda toʻliq tadbiq etish uchun quyidagi taklif va tavsiyalarni bermoqchimiz.

- GII indeksiga tezroq TOP 50 ta mamlakatlar roʻyxatiga kirish uchun 21 ta boʻlimning har bir kichik qismi boʻyicha jami 81 yoʻnalish boʻyicha islohotlar olib borilishi kerak.
- Har bir koʻrsatkich oʻrganilayotganda GII indeksida berilgan shu yoʻnalishdagi eng kuchli davlat va iqtisodiy va ijtimoiy xususiyatlari jihatidan bizga yaqin sobiq sovet va uning ta'siri ostida boʻlgan davlatlari tajribasi ham oʻrganilgan holda yondoshilishi kerak.
- Bunda faqat koʻrsatkichlar uchun emas balki haqiqiy real hayot yaxshilanishi uchun harakat qilinishi kerak. Masalan GII indeksida **Tertiary enrolment**- oily ta'lim bilan qamrab olish darajasi nomli koʻrsatkich mavjud Bunda Gretsiya davlati dunyoda 1 oʻrinda turadi ammo sifat jihatidan esa bunday emas.
- Ushbu koʻrsatkichlar bilan birgina vazirlik yoki tashkilot taklif va tavsiyalarni ishlab chiqishi eng maqbul va soʻnggi togʻri xulosani bermasligi mumkin. Shuning uchun barcha sohadan eng yaxshi mutaxassisni olib kelib 10-15 kun davomida ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir. Chunki 81 ta yoʻnalishni barchasi chuqur tahlil qilishni va amaliyotga joriy qilishni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati

1. Oʻzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boʻyicha Harakatlar strategiyasi toʻgʻrisida" Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. www.Lex.uz

2. " Xalq soʻzi", 2018 yil 22 sentyabr "2019-2021 yillarda Oʻzbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida**"**

3. https://president.uz/uz/lists/view/3158

4. The Global Innovation Index 2016 - Winning with Global Innovation www.globalinnovationindex.org. 59-bet

5. https://www.weforum.org.

А.Н.Низамов – СамДУ доценти
Б.М.Имомов – СамДУ магистрант

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕСПУБЛИКАСИДА ИККИЛАМЧИ МЕТАЛЛ ТОВАР РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИНИ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мамлакатимизнинг металл товар ресурслари бозорлари ўрганилган иккиламчи рангли ва қора металларни хосил бўлиш манбалари ва уларни қайта ишлаш самарали эканлиги қайд этилган. Самарқанд вилояти бўйича иккиламчи қора металларни харид қилиш,тайёрлов фаолияти охрги 5-йил мобайнида тахлил қилиниб,ривожланиш йўналишлари белгиланган.

Калит сўзлар тоғ кон саноати,импорт,қора ва рангли металлар бозори, харид қилиш,тахлил,таклифлар самара,барқарорлик.

Аннотация. Изучены рынок товарных ресурсов металла в нашей стране Указены источники образования цветиых и чёрных металлов а такиси их эффективность переработки,По Самаркандской области изучены загатовна закуп вторичного чёрного металлома за поспудные 5-лет и определение их развития,

Ключеве слова Горно-зобывающая промышленностъ,импорт,рынок цветных и чёрных металлов, закуп, анализ, предложения, эффект, стабильности.

Abstract. It was noted that secondary sources of secondary and non-ferrous and ferrous metals have been studied and their processing efficiency is studied in the country. Purchasing and processing of secondary ferrous metals in Samarkand region for the last 5 years has been analyzed and development directions are defined.

Keywords. mining industry, import, ferrous and non-ferrous metals market, purchasing, analysis, supply efficiency, stability.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожланиши, иқтисодиётнинг хар бир соҳаси унинг моддий-техника таъминот даражаси бино-иншоотлар,ишлаб чиқариш воситалари машина,механизмлари меҳнат воситалари кабилар билан жихозланиш даражасига боғликдир.Буни эса металл таъминотисиз тасаввур хам этиб бўлмайди.Металл хар қандай иқтисодиётнинг ажралмас астлабки пойдевори деб айтсак,муболаға бўлмайди.

Ҳар қандай мамлакатнинг металга бўлган талаби 3та манбаа эвазига қопланади.

1) Тоғ-кон рудаларида темир моддаларини қазиб ишлаб чиқариш.
2) Импорт
3) Иккиламчи темир парчалари ва чиқиндиларни йиғиш ва уни қайта ишлаш.

Кончилик саноатини ривожлантириш асосида рангли ва қора металларни ишлаб чиқариш кўп сарф харажатларни талаб қилганлиги туфайли у хамма вақт хам самарали натижани бермайди. Халқ хўжалигини металлга бўлган талабини импорт орқали қондириш бевосита олтин ва валюта захираларига боғликдир. Шунинг учун металл ресурсларини шакллантиришнинг нисбатан арзон ва қулай йўли уни ишлаб чиқариш корхоналари ва ахолининг қўлидан темир парчалари,ва чиқиндилар, яроқсиз холга келган асбоб-ускуна,эхтиёт қисмлар хизмат муддатини ўтаб бўлган халқ истеъмол товарлари кабиларни иккиламчи металл сифатида харид қилиш ва уни қайта ишлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккиламчи металларни қайта ишлаш, уларни қазиб чиқаришга нисбатан нафақат самаралироқ бўлиб балким у кончилик саноати ишини енгиллаштиради ва атроф мухитни мухофазасига ўзини муносиб хиссасини қўшади.Шу билан бирга минерал хом ашёни қазиб чиқариш ва ишлов бериб металлга айлантириш билан боғлиқ бўлган ёнилғи,энергия каби сарф харажатларни тежайди. Амалий тажрибалардан маълумким иккиламчи рангли металларни қайта ишлов жараёнида ёнилғи энергия алюминий бўйича -95%, мис-85%, қўрғошин-65% тежалади. Ишлаб чиқариш корхоналари,ташкилотлар, ва ахоли қўлида тўпланиб қолган темир парчалари ва чиқиндилардан қутулишнинг энг қулай ва самарали йўли уларни харид қилувчи ташкилотларга сотишдир.

Иккиламчи металларни сотиб олиш икки йўналишда амалга оширилади.
1) Рангли металларни харид қилиб олиш «Узвторцветмет»
2) Қора металларни харид қилиб олиш «Узметкомбинат»

Рангли ва қора металларни харид қилиш асосан юридик шахслардан сотиб олинади. Жисмоний шахслардан эса фақатгина уй-рўзғорда ишлатиладиган ва хизмат муддатини ўтаб бўлган маиший товарлар қабул қилинади. Иккиламчи металлар Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида чегараланмаган миқдорда қабул қилинади.Металл парчалари ёки чиқиндилар сотувчига айрим қийинчиликлар туғдирса иккиламчи металларни харид қилувчилар ўзтранспортлари билан жойларга бориб нақд пулга ўлчаб сотиб оладилар.

Харид қилинган рангли металл парчалари ёки чиқиндилар соф холда бўлиши шарт эмас. Рангли металлар бузилган эхтиёт қисмлар,синган механизмлар ёки яроқсиз холга келган ишлаб чиқариш воситалари ва предметлари шаклида намоён бўлиши мумкин.
Иккиламчи металлар (металлом) қуйидаги гурухларга бўлинади:
1) Физик белгиларига қараб-классларга
2) Кимёвий таркибига кўра-гурух ва маркаларга
3) Сифат кўрсаткичларига қараб—сортларга

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини кўпгина тармоқларида ўзларининг эритиш ва қайта ишлов бериш цехлари мавжуд бўлиб у йерда шу тармоқга зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва механизмларни қайта таъмирлайдилар ва айрим эхтиёт қисмларини ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар.Булар қуйидаги хиссадорлик жамиятлари «Олмалиқ тоғ-кон комбинати», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзагротехсаноат маш холдинг», «Ўзнефтгаз», «Ўзкимёсаноат»,ва давлат қармоғида бўлган «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати», қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари қошидаги корхоналар. Металлпарчалари, темир-терсак нодир металлар ва чиқиндиларни ҳар хил ишлов бериш хусусиятларидан келиб чиққан холда рангли металл ва қора металларни қайта ишлов берувчи корхона ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари мавжуд.

Самарқанд вилоятида иккиламчи қора металларни тайёрлаш холати қуйидаги жадвалда берилган.

«SAMARQANDIKKILAMCHIQORAMETALL» МЧЖ да 2013-2014-2015-2016-2017-2018-2019 йилларда қора металл парчаларини тайёрлаш бўйича

МАЪЛУМОТ

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар							
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2019 йил 2013 йилга нисбатан фарқи
1	Цехга тушди	23180	23988.8	202073	20032.96	21253.90	31148	38365.7	+
2	Транзит	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Ўз эхтиёжи учун ишлатилган	1189.0	1011.0	1025.0	778.4	762.6	1526	1289	-
4	Бошқа цехларга топширилган	1581.4	1156.96	1341.13	1324.115	1771.160	1221.6	667.8	+
5	Бошқа вилоят ва туманлардан қабул қилинди	3462.6	3482.4	1775.2	1611.39	1886.27	693.4	648.0	+
	Жами	22487.8	22674.4	20798.3	20524.1	21902	33202.7	39674.8	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турубтики охирги 6 ой давомида Самарқанд вилояти бўйича тайёрлаш 1.8 баробарга ошган шундан цехга келиб тушган миқдори эса 1.8 баробарга ошган келажакда цехга тушган қора металлар кўпайиши эвазига янги машина ускуналар сотиб олиб халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлови билан шуғулланувчи «Узметкомбинат» фаолиятини хозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида мослаштириб ривожлантириш учун бизнинг фикримизча қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

Темир-терсак ва чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлов бериш жараёнида ишлатиладиган техника ва технологияни янгилаш;

-Харид қилинган хом ашё базасида ахолининг эхтиёжи учун зарур бўлан халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш;

-Инвестицияларни жалб қилган холда янги технологияларни сотиб олиш ва провард натижада маҳсулот таннархини тушириш ва саноатни махаллийлаштиришга эришиш.

-Шу сохани мукаммал билармон кадрлар сонини кўпайтириш,мавжуд ишчи хизматчиларни мунтазам қиқа муддатли малакасини ошириш.

Фақат шундагина қора металл ва чиқиндиларни харид қилиш имкониятларини кенгайтириш мумкин.Бу эса ўз навбатида халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва корхонани барқаарор ривожлантиришга олиб келади.

О.Ю.Ашурова – Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
С.Ш.Эргашева – Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчилари

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Аннотация: мақолада мустақиллик йилларида иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширалаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги ўрн и давлат эътиборида эканлигига урғу берилган.

Калитли сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ялпи ички маҳсулот, реал даромад, молиявий хўжалик фаолият, текшириш ва тафтиш, давлат хизматлари кўрсатиш.

Аннотация: в период независимости в развитии нашей экономики, было показана масштабная работа в статье в том числе было отмечено внимание государством развития национальной экономики малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, валовый внутренний продукт (ВВП), реальный доход, финансова—хозяйственная деятельность , проверка и ревизия, государственная услуга.

Abstpact: this article is about reforms on developing our economy in the years of independence in private entreprenourship in developing economy is in the main place of state.

Key words: small business, private entreprenourship, GDP (grass domestic product), real profit, financial activity, revision and audit, state service.

Мамлактимизда мустақиллик йилларида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бош мақсадимиз бўлган – халқимизга муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш йўлида муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётганлигида ўз аксини топмоқда.

Бу 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида “хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш” вазифаси белгиланганлигида намоён бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган жуда кўп муаммоларни ҳал этмоқда. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг ажралмас

қисмидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодиётдаги ўзгаришларга тез мослашувчанлик ва сафарбарлик ҳамда юқори самарадорлик, энг муҳими бу фаолиятни иқтисодиётнинг барча соҳаларида ташкил этиш мумкинлиги каби белгилар хосдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг келтирилган устунликлари миллий иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир давлат ушбу соҳани ривожлантиришни изчил қўллаб-қувватлаши шартдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини аниқлашда иқтисодиёт ижтимоий ва иқтисодий нуқтаи назардан ўрганилади. Аммо бу соҳани кўпроқ иқтисодий томондан ўрганиш аҳамиятлироқдир. Жаҳон тарихида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали белгиланади:

- кичик бизнеснинг мамлакат ЯИМдаги улуши;
- кичик бизнеснинг мамлакат миллий даромадидаги улуши;
- кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар улуши;
- кичик бизнеснинг экспорт ҳажмидаги улуши;
-жами солиқлар миқдорида кичик бизнесдан келадиган солиқларнинг улуши;
-аҳоли даромадлари таркибида кичик бизнесдан олинаётган даромадларнинг улуши.

Ушбу кўрсаткичлар аҳамияти ортиб бориши билан кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги роли ортиб боради. Масалан, АҚШда реал даромадларнинг 35%и, банд бўлганларнинг 54%и, 45% активлар ва ЯИМнинг 52%и, Европа Иттифоқи мамлакатларида банд бўлганларнинг 70%и, ЯИМнинг 67%и, Японияда 55%и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келади.

Мамлактимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва эркинлаштиришга катта эътибор берилиши натижасида унинг ЯИМдаги улуши 56.7%га етди ёки 2000 йилга нисбатан 1.8 баробар ошди, аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинаётган даромадлар 2010 йилдаги 47.1%дан 52%гача ошди. Иш билан банд жами аҳолининг 77%дан ошиғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Умуман олганда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2015 йил октябрь ойида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингига кўра, Ўзбекистон бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни, “Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” мезони бўйича жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланган кўрсаткич бўйича сўнгги уч йил ичида 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлайдиган яна муҳим

жиҳатлардан бири улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий кафолатларини изчил эркинлаштириш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда охирги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар ва бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2019 йилда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилди. Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди.

Шу билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий – ҳуқуқий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятларни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ҳамда у жавобгарликка тортилмайди.

Бундан ташқари микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилиши ва бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилиши аҳамиятлидир. Бу борада молиявий хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 календарь кунига қисқартирилиши ҳамда бу меъёрлар банк ва молия институтларига ҳам тегишлилиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини енгиллаштиради. Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш ҳолатлари учун маъмурий жавобгарлик чораларининг кучайтирилиши тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклайди. Бундай чоралар хўжалик субъектлари фаолияти ва уларнинг банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиш, уларнинг ҳисоб рақамларида маблағ борлиги тўғрисидаги маълумотни асоссиз талаб қилиш, тадбиркорларни маблағ ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилиш каби ҳолатлар учун ҳам тааллуқлиги эътиборлидир.

Умуман олганда, мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилишнинг устувор йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бунинг учун изчил иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ҳамда энг олий мақсад аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим шартидир.

И.И.Эргашев – СамДУ доценти,
О.А. Рустамов– СамДУ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ИШСИЗ ЁШЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада ёшлар меҳнат бозорида кадрлар рақобатбардошлигининг назарий жиҳатлари, кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари ва айрим жиҳатлари келтирилган.

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, меҳнат бозори, ишсизлик, рақамли иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, таълим тизими, битирувчи

Аннотация: в данной статье представлены теоретические аспекты конкурентоспособности молодежи на рынке труда, специфика и некоторые аспекты повышения конкурентоспособности кадра.

Ключевые слова: конкурентоспособность,рынок труда, безработница, цифровая экономика, информационно-коммуикационные технологии, система образования, выпускник

Abstract: This article presents the theoretical aspects of youth competitiveness in the labor market, the specifics and some aspects of improving the competitiveness of the staff.

Keywords: Competitiveness, labor market, unemployment, digital economy, information and communication technologies, education system, graduates

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ёшлар ўртасида ишсизлик - 2017” маърузасида таъкидланишича, ҳозирги вақтда дунёда 15-24 ёшдаги йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 12,0%ни ташкил қилади. 2017 йилда курраи заминимиздаги 70 млн.дан кўпроқ йигит-қиз иш топа олмаган. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан камайган бўлса ҳам, бугунги кунда жаҳон бўйича жами ишсизларнинг 35,0%ни ёшлар ташкил этади. Бу эса дунё бўйича ишсизликнинг ўртача даражасидан деярли уч баравар кўплигини англатади[1].

Рақобатдошликни эволюцион ривожланишидаги илмий қарашларни ва рақобат функцияларини ўрганиш орқали чуқурроқ ўрганиш мумкин. Классик иқтисодчи олимлардан А.Смитнинг фикрича, рақобат “кўринмас қўл” асосида намоён бўлади ва бозор орқали вужудга келиб тартибга солинади, деб таърифлаган. Ҳозирги вақтда эса рақобатга тартибга солинган тизим сифатида қараш мумкин. Бу ҳолатни биринчи бўлиб немис неолиберал мактаби намоёндалари В.Оукен, Х.Лампертлар асослашган[2].

Ўзбекистонда ҳам иқтисодчи олимларнинг рақобатга алоқадор бир қанча илмий қарашлари ҳам мавжуд. Ш.Ш.Шодмонов ва У.В.Ғофуров таърифига кўра, рақобат – бозор субеъктлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади[3]. Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни

[1]Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 279-б.
[2]Оукен В.Основные принципы экономической политики. – М.: Прогресс, 1996. – С.85.
[3]Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. – 220-б.

ифодалайди.

А.А. Малышева ва И.В. Невраевалар меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини бошқача нуқтаи назардан кўриб чиққан. Уларнинг фикрига кўра, касб таълими тизими ёш битирувчисининг рақобатбардошлиги, бу – биринчидан, талаб юқори бўлган ва шахсий қобилиятлар билан унинг ўрнини тўлдириб бўлмайдиган махсус билимларга (масалан, ахборот технологиялари, геофизика, микробиология ва ҳ.к.) эга бўлишдир. Махсус билимлар муайян ихтисосликдаги битирувчиларни рақобатбардошлик ҳудудидан ташқарига чиқариб қўяди. Иккинчидан, бозор иқтисодиётида талаб қилинадиган ва бир битирувчининг уни бир қатор курсдошларидан (шу билимларга эга бўлган, лекин зарур қобилиятларга эга бўлмаган) ажратиб турадиган шахсий сифатлари мавжудлигини кўрсатади. Бу қобилиятлар ўз эгаларини ҳатто улар таклиф талабдан устун бўлган мутахассислик олган бўлсалар-да рақобатбардош қилиши мумкин. Бу қобилиятлар қуйидагилардан иборат:

- фаол ҳаётий позицияга эга бўлиш;
- касбга жиддий ёндашиш;
- ўзини ўзи ривожлантиришга мойиллик;
- меҳнатсеварлик;
- мулоқот кўникмалари;
- юқори натижаларга эриша олиш қобилияти;
- саломатлик[1].

Бундай ёндашув бизнинг тадқиқотларимиз учун яқинроқ, чунки у ўзининг нуқтаи назари асосига ёшларга меҳнат ҳаётида ўз ўрнини ишонч билан ҳимоя қилишга имкон берувчи ёшлар рақобатбардошлигининг муҳим омилларини киритган.

Академик Қ.Х.Абдураҳмонов ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслигини уларнинг зарур кўникмаларга, иш тажрибасига эга эмаслиги билан изоҳлаган[2].

Кўриб турибмизки, олимлар ва мутахассислар, асосан, меҳнат бозорида касбий таълим ўқув муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини кўриб чиққан. Ва ушбу ҳолат мантиқан тўғрилиги шундаки, меҳнат бозорида умумтаълим мактабини битирганлар камдан-кам ҳолларда касбий маҳорат ва кўникмаларга эга бўлишади (бу, асосан, турмушда зарур бўлган энг оддий операцияларни бажариш маҳорати ва қийин бўлмаган қишлоқ хўжалик ишларидир). Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, бундай фуқароларнинг бир қисмида касбга эга бўлиш имконияти ва истагининг йўқлиги, малакали меҳнат талаб қиладиган ва одатда оммавий талаб предмети бўлмаган иш ўринларига ишга жойлашишга тўсиқ бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат бозорида ёшларнинг меҳнат билан бандлиги улар ўртасидаги рақобатбордошлик даражасини оширишда ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган тизимларни жорий этиш, ўзимиздаги маҳаллийчилик, уруғчилик ҳамда коррупцион тизимни

[1]Малышева А.А.,Невраева И.В. Компетенции молодых выпускников вузов глазамиработодателей//Известия Томского государственного политехническогоуниверситета, 2015, № 8 – С.226-227.

[2]Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 281-б

парчалаш орқали эришишимиз мумкин.

Мисол учун, халқаро миқёсда касб-ҳунар таълими тизими бўйича WORLDSKILLS INTERNATIONAL ассоциацияини келтиришимиз мумкин,бу ассоциация нуфузи ва ўрни кучайиб бормоқда.

WORLDSKILLS INTERNATIONAL (WSI) – касбий таълимни халқаро даражада ривожлантириш бўйича очиқ халқаро нотижорат (сиёсий ва диний нуқтаи назардан нейтрал) ассоциация (ҳаракат)дир. Ҳаракатга 1946 йилда Испаниянинг ёшлар ташкилоти раҳбари Х. Оласо меҳнат бозорида малакали ишчиларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида касблар бўйича мусобақа ўтказиш орқали асос солган.

Бугунги кунда WSI томонидан 80 га яқин мамлакатлар иштирокида жами 83 дан ортиқ касб ва компетенциялар бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.

WORLDSKILLS INTERNATIONAL ҳаракатининг мақсадлари:

бутун дунё миқёсида халқаро мусобақаларни ўтказиш орқали ишчи касбларни тарғиб қилиш ва касбий кўникмаларни ривожлантириш, касбий тайёргарлик мавқеи ва стандартларини ривожлантириш;

касб ва таълим стандартлари, WorldSkills меъёрлари тўғрисида маълумотларни тарқатиш ва алмашинувини таъминлаш;

касбий билимларга оид тадқиқотларни ривожлантириш бўйича аъзо давлатларнинг экспертлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

бутун жаҳон бўйича касблар, билимлар ва компетенциялар бўйича инновациялар алмашинувини рағбатлантириш ва бошқалар.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш мумкинки, рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида ёшлар меҳнат бозорида замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус билимлар ва кўникмаларга эга, янгича фикрлайдиган рақобатбардош кадрларга эҳтиёж янада ортиб боради. Шу билан бирга,кадрлар рақобатбардошликни таъминлашнинг омиллари сифатида таълим муассасаларида берилаётган мутахассислик бўйича билимларнинг амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш, бунда замонавий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ж.А.Жабборов – магистрант Национального исследовательского ядерного университета "НИЯУ МИФИ", Институт финансовых технологии и экономической безопасности. Москва

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СФЕРЕ ОКАЗАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: данная статья раскрывает тему внедрения электронной системы управления очередью в сферу оказания услуг в Республике Узбекистан. А так же решения различных социально-экономических проблем, посредством внедрения этой системы.

Ключевые слова: цифровая экономика, система управления очередью, государственные услуги, оптимизация, терминал регистрации, главное табло, пульт оператора, информационные технологии, интернет.

Annotatsiya: ushbu maqola O‘zbekiston Respublikasida xizmatlar ko‘rsatish sohasiga navbatni boshqarishning elektron sistemasini joriy etish hamda ushbu sistema yordamida bir qator sotsial- iqtisodiy muammolarni yechishga bag‘ishlanadi.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, navbatni boshqarish sistemasi, davlat xizmatlari, maqbullashtirish, ro‘yxatga olish terminali, asosiy tablo, operator pulti, axborot texnologiyalari, internet.

Abstpact: This article addresses the topic of introducing an electronic queue management system in the provision of services in the Republic of Uzbekistan. As well as solving various socio-economic problems through the introduction of this system.

Keywords: digital economy, queue management system, public services, optimization, registration terminal, main display, operator panel, information technology, Internet.

В рамках создания и развития цифровой экономики, в первую очередь необходимо, подготовить инфраструктуру и обеспечение технологической базы. К подобной подготовке относится, обеспечение бесперебойной подачи электроэнергии, прокладка кабелей передачи информационного сигнала, а также обеспечение быстрым и стабильным интернетом.

Следующими важными этапами, являются создание системы безопасности сбора, хранения, обработки и передачи информации. Для этой цели необходимо, улучшение, как технической, так и программной, сохранности и безопасности национальных серверов.

Улучшение национальной системы подготовки в сфере информационных технологий и привлечение из за рубежа квалифицированных кадров.

Формирование правового поля, нормативного регулирования сферы применения информационных технологий. В рамках выполнения задач по созданию условий перехода к цифровой экономике, были приняты: Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» ПП – 3832 от 03.07.2018г. и Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей модернизации цифровой инфраструктуры в целях развития цифровой экономики» ПП – 4022 от 21.11.2018г.

В части экономической стороны внедрения элементов цифровой экономики, необходимо отметить, что непосредственно задачами государства, является создание условий и непосредственное внедрение автоматизированных и цифровых систем в сфере государственных услуг в бюджетных организаций.

В связи с этим в данной статье рассматривается предложение по внедрению системы управления очередью (СУО). Она представляет собой автоматизированную электронною систему организации, учета и контроля очереди.

Подобные системы повсеместно внедрены в различные государственные учреждения, а также в компаниях, работа которых так или иначе связана с обслуживанием большого потока клиентов и обращений граждан, во всех развитых странах мира.

Существуют различные комплектации и вариации подобных систем, однако она состоит из трех основных технических компонентов. К ним относится: терминал регистрации, главное табло и пульт оператора.

Терминал регистрации представляет специальное приспособление с дисплеем и интерфейсов для выбора необходимой услуги, после чего специальная программа обрабатывает введенную информацию и выдает талон с указанием номера в очереди. При этом номер состоит из буквенно цифровых символов. Буквенные символы отвечают за прикрепление к определенному окну по виду необходимой услуги, а цифровые символы отвечают за указание места в очереди к этому окну.

Главное табло визуально сообщает о состоянии очереди, в некоторых вариация так же существует возможность звукового сигнализирования.

Пульт оператора – устройство, находящееся у сотрудника оказывающего услугу и прикреплено к каждому окну. Оператор освободившегося окна нажимает на кнопку пульта, тем самым направляя человека в очереди к себе.

Специальная программа сохраняет информацию о том, к какому окну был направлен тот или иной клиент, а также о времени обслуживания каждого клиента. То есть, временной интервал между закреплением клиента за окном и сигналом об освобождении окна.

Эта система позволяет экономить время, оптимизировать работу операторов, тем самым повышая эффективность работы в целом.

Так же она дает возможность сбора статистики в различных разрезах, что позволяет принимать эффективные управленческие решения. Например: статистика загруженности окошек, востребованности тех или иных услуг, что позволяет эффективно распределять ресурсы, так же создает условия для контроля качества работы операторов для проведения эффективной кадровой работы.

Еще одним преимуществом является, появления еще одного действенного инструмента борьбы с различными коррупционными проявлениями. Например: пресечение пропуска без очереди по знакомству и специального затягивания оказания услуги с целью вымогательства взятки.

Так же подобные системы увеличивают порядок предоставления услуг, тем самым снижая стресс, как для потребителей этих услуг, так и для сотрудников их оказывающих, увеличивая трудоспособность операторов.

По причине повсеместного внедрения этой системы по всему миру, появляется возможность унифицировать процедуры оказания государственных услуг, что увеличить удобство и привлекательность для иностранцев заинтересованных в открытии бизнеса в Республике Узбекистан, а так и для простых туристов.

Системы управления очередью обладают необходимо гибкостью и универсальностью, что позволяет внедрить их во многие учреждения, таки как:

- финансовые структуры;

- государственные многофункциональные центры;
- учреждения здравоохранения;
- подразделения налоговой службы;
- подразделения МВД;
- компании телекоммуникационного и медийного сектора;
- и многих других.

Популярность этой системы, а также обширный опыт ее применения в различных странах, доказывает ее эффективность, а так же реальное решение задач указанных в статье.

Список использованные литературы:

1. «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» ПП–3832 03.07.2018г.
2. «О мерах по дальнейшей модернизации цифровой инфраструктуры в целях развития цифровой экономики» ПП – 4022 от 21.11.2018г.

Ш.Ш.Якубова – Қарши ДУ, “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА: СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ДЛЯ РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАН

Аннотация: в научной статье освещена сущность понятия “цифровая экономика”, рассмотрены положительные стороны и возможные отрицательные последствия развития цифровой экономики для развивающихся стран, приведены рекомендации по ускоренному развитию цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые данные, цифровые платформы, развивающиеся страны.

Аннотация: Илмий мақолада “рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг моҳияти очиб берилган, ривожланаётган мамлакатлар учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижобий ва салбий жиҳатлари кўриб чиқилган, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли маълумотлар, рақамли платформалар, ривожланаётган мамлакатлар.

Abstract: The scientific article highlights the essence of the concept of “digital economy”, considers the positive aspects and possible negative consequences of the development of the digital economy for developing countries, provides recommendations on the accelerated development of the digital economy.

Keywords: digital economy, digital data, digital platforms, developing countries

В XXI веке ключевым фактором развития современной экономики выступают данные, представленные в цифровой форме. В этой связи первостепенная роль отводится IT-технологиям. В связи с развитием компьютерной техники происходит быстрое снижение стоимости крупномасштабных вычислений, с развитием мобильного интернета

получают все широкое распространение мобильные приложения для ежедневного использования, а также возрастает роль социальных сетей и коммерческих платформ, открываемых в сети Интернет. Развивающиеся цифровые технологии привели к появлению новых современных терминов, такие как интернет вещей (Internet of Things), искусственный интеллект (artificial intelligence), и большие данные (Big Data). Это непосредственным образом оказывает существенное влияние на развитие экономики и глубокое воздействие на бизнес, государственные и общественные организации и личную жизнь каждого человека.

Однако, несмотря на то, что цифровая революция вносит значительный вклад в достижение целей устойчивого развития, существуют как огромные преимущества, так и некоторые трудности получения положительных результатов. Поэтому актуальным является вопрос полного изучения и раскрытия социально-экономического потенциала цифровых технологий, анализа ключевых возможностей и последствий развития цифровых технологий для экономик развивающихся стран.

Изучение литературных источников показывает, что впервые термин «цифровая экономика» был введен канадским ученым Доном Тэпскоттом в его издании «Цифровая экономика: обещание и опасность в эпоху сетевого интеллекта» (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) [3] от 1994 года. Впоследствии, Николас Негропонте, основатель медиа лаборатории Массачусетского технологического института и автор книги 1995 года «Быть цифровым» (Being Digital), описал цифровую экономику как «использование битов вместо атомов» [2].

Профессор Российской Академии наук, доктор технических наук Р. Мещеряков выделяет два подхода к определению термина “цифровая экономика”: классический и расширенный. Согласно первому, т.н. классическому подходу, цифровая экономика — это экономика, основанная на цифровых технологиях и при этом следует характеризовать исключительно область электронных товаров и услуг. Классическими примерами являются телемедицина, дистанционное обучение, продажа медиконтента (кино, ТВ, книги и пр.). второй подход подразумевает, что "цифровая экономика" — это экономическое производство с использованием цифровых технологий. [7]

Международная сеть компаний, оказывающих услуги в области консалтинга и аудита «Делойт» считает, что цифровая экономика – это форма экономической активности, которая возникает благодаря миллиарду примеров сетевого взаимодействия людей, предприятий, устройств, данных и процессов. Основой цифровой экономики является гиперсвязуемость, т.е. растущая взаимосвязанность людей, организаций и машин, формирующаяся благодаря Интернету, мобильным технологиям и Интернету вещей [1].

Всемирный банк в своем отчете приводит следующее определение цифровой экономике: это экономика, в которой благодаря развитию цифровых технологий наблюдается рост производительности труда, конкуренто-

способности компаний, снижение издержек производства, создание новых рабочих мест, снижение бедности и социального неравенства. [4]

Обобщая многочисленные определения цифровой экономики, можно сделать вывод, что цифровая экономика это современный тип экономики, в котором происходит активное внедрение и практическое использование цифровых технологий по сбору, хранению, преобразования и передачи информации во всех сферах общества. Цифровая экономика – это система социальных, экономических и технологических отношений, которая функционирует в глобальном информационном пространстве.

Следует отметить, что основными предпосылками развития цифровой экономики являются цифровые данные и цифровые платформы. Несмотря на то, что цифровая экономика находится на начальном этапе своего развития, к 2022 году объем глобального IP-трафика прогнозируется на уровне 150700 ГБ в секунду, вместо 46000 ГБ в 2017 году [5]. Развитие цифровых технологий будет иметь важное значение для всех стран, что невозможно без расширения и увеличения количества цифровых платформ. Цифровые платформы выступают в качестве механизмов, позволяющих различным сторонам взаимодействовать в режиме онлайн. Например, операционные платформы стали основной бизнес-моделью для крупных цифровых корпораций (таких, как «Амазон», «Алибаба», «Фейсбук» и «иБэй»), а также для корпораций в секторах, где широко используются цифровые технологии (таких, как «Убер», «Диди чусин» или «Эйрбнб»).

Однако, существуют огромные различия в развитии цифровой экономики между регионами мира. В докладе ООН о цифровой экономике (2019) говорится, что наблюдается огромный разрыв между странами со слабым развитием Интернет-связи и странами с весьма высоким уровнем цифровизации. Например, в наименее развитых странах Интернетом пользуется лишь каждый пятый житель, тогда как в развитых странах доступ к Интернету имеют четверо из каждых пяти человек. Это лишь один из примеров цифрового разрыва.

Согласно аналитической информации, предоставленной в издании “Экономическое обозрение”, доля цифровой экономики в ВВП в Узбекистане составляет 2,2%. При этом средним оптимальным показателем считается 7-8%, например, в Великобритании это 12,4%, Южной Кореи – 8%, Китае – 6,9%, Индии – 5,6%, в то же время в России – 2,8%, Казахстане – 3,9%. В соответствии с проектом Концепции развития системы «Электронное правительство» Республики Узбекистан к 2025 году планируется довести долю услуг ИКТ в ВВП до 5,0%, а к 2030 году – до 10%. По показателям скорости интернета (данные сайта Speedtest Global Index за сентябрь 2019г.) Узбекистан в рейтинге из 176 стран занимает 116-е место по широкополосному (стационарному) и 129-е по мобильному интернету, уступая Таджикистану (111-е и 135-е места), Кыргызстану (83-е и 101-е), Казахстану (68-е и 97-е), Беларуси (51-е и 121-е) и России (46-е и 93-е). [6]

При подробном рассмотрении положительных сторон развития цифровой экономики можно выделить следующие: - улучшение уровня жизни населения посредством возникновения новых возможностей оказания услуг; - внедрение цифровых технологий в процесс производства приводит к безусловному снижению производственных затрат и росту производительности труда, тем самым повышается конкурентоспособность предприятия; повышение спроса на современные виды специальностей; доступность к цифровым услугам приводит к снижению неравенства между разными слоями населения и с социальной, и с экономической точки зрения.

Однако, существуют и определенные негативные последствия развития цифровой экономики. Во-первых, возникает вопрос защиты и сохранения конфиденциальности персональных данных и риск развития мошенничества. Во-вторых, владение всей информацией о субъектах экономики может привести к попытке управления их поведением. В-третьих, появление новых видов специальностей приводит к исчезновению некоторых профессий, а это влечет за собой рост уровня безработицы, для преодоления которого потребуется довольно длительное время. Так, эксперты по цифровым технологиям и экономике сходятся во мнении, что в ближайшие десятилетия на рынок труда существенно повлияет автоматизация. По оценкам института McKinsey, в мире к 2036 году будет автоматизировано до 50% рабочих процессов. Это приведет к значительному высвобождению персонала, сокращению количества рабочих мест, требующих средней квалификации, и увеличению разницы в уровнях оплаты труда. В-четвертых, может увеличиваться разрыв в уровне развития между определенными секторами экономики и общества, так как некоторые отрасли (например, туризм, сельское хозяйство) не имеют возможностей прямого доступа к цифровым технологиям. Данное обстоятельство приводит к разрыву в уровне благосостояния населения как внутри страны, так и между соседними странами.

Поэтому на современном этапе для развивающихся стран необходимо применить огромные усилия и меры по уменьшению негативного эффекта развития цифровой экономики.

Развитие цифровой экономики ставит перед государствами вызовы по управлению новой реальностью. Появляется необходимость создания дополнительных основ для развития интернет-технологий и распространения цифровых платформ: нормативно-правовой базы, которая позволяет использовать возможности интернета для конкуренции и инноваций, совершенствование навыков, позволяющих людям в полной мере использовать возможности цифровых технологий, и подотчетность институтов, обеспечивающей оперативное реагирование государства на нужды и требования граждан [4]. Отсутствие должного сопровождения процесса внедрения инноваций может привести к следующим рискам:

– Концентрация цифровых технологий у отдельных игроков рынка ввиду неконкурентоспособной среды.

– Недостаточность специализированных навыков, что может привести к

росту неравенства в трудовой сфере. Сопутствующая этому тенденция — это поляризация, или «опустошение», рынка труда, происходящее не только в развитых, но и — во все большей степени — во многих развивающихся странах. Доля рабочих мест, требующих навыков как высококвалифицированного, так и низкоквалифицированного труда, растет. Доля же рабочих мест, для которых требуется средний уровень квалификации, напротив, падает в большинстве развивающихся стран.

– Интернет зачастую укрепляет, но не заменяет уже сложившиеся между правительством и гражданами отношения подотчетности, в том числе за счет наращивания потенциала правительства в сфере надзора и контроля. Чтобы преодолеть разрыв между изменяющимися технологиями и остающимися неизменными институтами, необходимы инициативы, которые укрепляли бы транспарентность и подотчетность правительств.

Таким образом, перед государственным управлением стоят одновременно две задачи: не блокировать внедрение новых технологий и одновременно с этим снижать риски, связанные с развитием цифровых трендов.

Подводя итоги можно привести следующие рекомендации, имеющие практическое значение: для развивающихся стран, в том числе и для Республики Узбекистан, предстоит осуществление задач по реализации разработанных стратегий и направлению усилий на ускорение темпов трансформации частного и государственного секторов; повышению уровня информированности общественности об использовании цифровых технологий, укреплению взаимодействия научно-образовательного сообщества с частным и государственным секторами; а также созданию бизнес-среды, которая будет благоприятствовать внедрению инноваций, развитию науки и предпринимательства. Совершенствование законодательства и налоговой среды, стимулирование инвестиций в инновации и развитие предпринимательства должны стать приоритетными направлениями государственной политики по развитию цифровой экономики.

Список использованной литературы

1. Deloitte (2019). What is Digital Economy? <https://www2.deloitte.com/mt/en/pages/technology/articles/mt-what-is-digital-economy.html> (дата обращения: 17.03.2019).
2. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. NY: Knopf. 1995. 256 p.
3. Tapscott, Don, The Digital Economy: Promise and Peril In The Age of Networked Intelligence. NY: McGraw-Hill. 1994. 368 p.
4. Группа Всемирного Банка, Цифровые дивиденды. // URL: http://documents.worldbank.org/curated/en/224721467988878739/pdf/102724-WDR-WDR2016Overview-RUSSIAN-WebResBox-394840B-OUO-9.pdf
5. Доклад о цифровой экономике - 2019 // Организация Объединенных Наций. UNCTAD/DER/2019 (Overview)
6. https://review.uz/ru/post/staty/trendi/uzbekistan-otsifroviyvaetsya#
7. https://ria.ru/20170616/1496663946.html

S.A.Bobonazarova – SamISI katta o‘qituvchisi,
S.A.Xamidova – SamISI, KTB-118 guruh talabasi,
Z.A.Xushvaqtova – SamISI, KTB-118 guruh talabasi

INNOVATSION RIVOJLANISH SHAROITIDA RAQOBATNING AHAMIYATI

Annotatsiya: maqolada innovatsion rivojlantirish sharoitida raqobatning ahamiyati, uning mamlakatimiz iqtisodiyotiga ta’siri hamda raqobat muhiti yanada orqali iqtisodiyotimiz tarkibiga qay darajada ta’siri o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: innovatsiya, innovatsion faolyat, investitsion faolyat, mamlakatimiz, raqobat, modernizatsiya, diversifikatsiya, monopoliya.

Аннотация: В статье изучено место конкуренции в положение инновационного развития, её влияние на экономику нашей страны и уровень влияния конкуренции в состав экономики.

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, наша страна, конкуренция, модернизация, диверсификация, монополия.

Abstract: The article explores the importance of competition in the context of innovative development and its impact on the economy of the country and the impact it has on the economy through competitive environment.

Key words: moderinization innovative activity our country competetion diversification modernization monopoly.

> Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir.
>
> ***Shavkat Mirziyoyev***

Hozirgi kunda mamlakatimizda har bir sohada chuqur islohotlar amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning tub mohiyati shundan nomoyon bo‘ladiki, bu ham bo‘lsa mamlakatimizda sof raqobatga asoslangan ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotini yanada takomillashtirish va mustahkamlashdir. Albatta, bozor iqtisodiyoti samarali ishlashi va amal qilishi bozor mexanizmlarining samarali ishlashiga bevosita bog‘liq hisoblanadi. Sof raqobat bozor iqtisodiyotining asosiy mexanizmi hisoblanib, raqobatsiz bozor iqtisodiyoti bo‘lishi mumkin emas. Innovatsion rivojlanish sharoitida raqobatli bozor tizimining qulayliklaridan biri resurslarni samarali taqsimlash hisoblanadi. Boshqacha aytganda, har bir turdagi tovar va xizmatlarni ishlab chiqarishda resurslardan unumli foydalanishni taqozo etadi.

Har xil turdagi tovar va xizmatlarni ishlab chiqarish yoki iste’mol qilishda qo‘shimcha samara bo‘ladi. Monopoliyaga qarshi siyosat natijasida resurslar nomutanosib taqsimlanishining oldini olish uchun qonunlar va o‘ziga xos soliqlar amal qiladi. Hozirgi paytda nodavlat sektoriga yalpi ichki mahsulotning 81 foizidan ko‘prog‘i, sanoat ishlab chiqarishining 94 foizi va barcha band aholining 82 foizdan ziyodi to‘g‘ri kelmoqda [1]. Shu bilan birga, milliy iqtisodiyotning

[1] www.stat.uz –O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo’mitasi rasmiy internet sayti.

raqobatbardoshligi xususiy mulkchilikning rivojlanganlik darajasi, uni davlat tomonidan kafolatlash tizimi hamda mamlakatning innovatsion siyosati va siyosiy muhit darajasining yuqoriligi bilan ham belgilanadi. Qabul qilingan 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishdagi muhim vazifa sifatida xususiy mulkning ustuvor rolini kuchaytirish va xususiylashtirilgan obektlar negizida xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish belgilangan[1]. Bundan ko‘rinib turibdiki, tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish belgilangan va iqtisodiyot tarmoqlari uchun samarali raqobatbardosh muhitni shakllantirish hamda mahsulot hamda xizmatlar bozorida monopoliyani bosqichma-bosqich kamaytirishdan iborat sanaladi. Raqobatni rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish natijalari bo‘lib iqtisodiy agentlar faoliyatini tartibga solishda bozor mexanizmlari rolining kuchayishi, bozorga kirishdagi ma’muriy to‘siqlarning bartaraf etilishi, iqtisodiyotning barcha sub’ektlari uchun raqobat sharoitlarining shakllanishi hisoblanishi kerak. Raqobatning rivojlanishidagi muhim strategik maqsadi bu, iste’molchi tomonidan iqtisodiy jihatdan maqbul narxlarga barqaror ravishda sifatli ijtimoiy xizmatlarni olish imkoniyatini yaratishdan iborat. Milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish innovatsion jarayonlarni faollashtirish bilan chambarchas bog‘liq. Bular ishlab chiqarishga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, eng yaxshi iste’mol xususiyatlariga ega hamda ichki va tashqi bozorlarda xorijiy shu kabi mahsulotlar muvaffaqiyatli raqobatlasha oladigan innovatsiya mahsulotlari ishlab chiqarishni kengaytirishdir. Shu sababli, innovatsiya faoliyatini mikrodarajada tizimli boshqarishga bog‘liq masalalar, shu o‘rinda, innovatsion faollikni oshirish bo‘yicha qarorlar qabul qilish darajasi ham nihoyatda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu o‘rinda bir masala aytish joiz, raqobat muhitini yaxshilash va rivojlantirishda investitsion faolyatni ham keltirish mumkin.

Bozor munosabatlarida ishtirok etuvchi har bir sub’ektning bunda, ular o‘rtasidagi raqobat muhitining yuzaga kelishi va yanada rivojlanishiga asos bo‘lib xizmat qiladi. Shuning uchun mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning muhim jihati raqobat muhitini yaratish bilan bir qatorda, ishlab chiqarish va tovarlar raqobatbardoshligiga keng yo‘l ochib berish asosiy masala hisoblanadi. Raqobatbardoshlik tovar va xizmatlarning tashqi yoki ichki bozorga mo‘ljallanganligidan qat’iy nazar iste’mol, sifat va baho ko‘rsatkichlarini dunyo standartlari darajasiga ko‘tarishdan iborat bo‘lishi zarur. Afsuski, korxonalarning raqobatchilar bilan iqtisodiy kurashda ustunlikka ega bo‘lishi ko‘p jihatdan mamlakatdagi iqtisodiy-siyosiy sharoitga bog‘liq hisoblanadi.

Xulosa va taklif sifatida aytadigan bo‘lsak, mamlakatda biznes yuritish sharoitlarini yaxshilash orqali investitsiya faoliyatini rivojlantirish bilan birga,

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonining 1-ilovasi: 2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. Lex.uz.

qulay ishbilarmonlik muhitini shakllantirishga qaratilgan davlat siyosati va mamlakatdagi mavjud to‘laqonli raqobat muhitidagi kurash milliy firmalarni sifat va narx jihatdan ustunlikka erishish uchun ishlab chiqarishni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish bilan bir qatorda texnik qayta qurollantirishga undaydi. Bu orqali innovatsion texnika-texnologiyalar shu bilan birga, zamonaviy ilmiy yutuqlardan foydalangan holda, ishlab chiqarishga jadal joriy etilishi, ishlab chiqarish tarkibini diversifikatsiya qilinishiga erishiladi. Ichki bozordagi raqobat kurashida korxona o‘z tajribasini raqobat yanada kuchliroq bo‘lgan xalqaro bozorda qo‘llaydi. Ichki kurash qanchalik og‘ir kechgan bo‘lsa, jahon bozorida ham muvaffaqiyatga erishish imkoniyati katta bo‘ladi. Bu jahon tajribasidan o‘tgan umumiy haqiqatdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni. Toshkent.: 1991.12.19 www.lex.uz
2. Shodmonov Sh.Sh., Mamaraximov B.E , “Iqtisodiyot nazaryasi” : Ma’ruzalar matni / ; - T.: “Iqtisod-Moliya” , 2016 y. 496 b.
3. Xudoyberdiyev U., Abdiqobilov Sh, “Investitsiya:mohiyati, turlari va samaradorligi” : Risola / ; - Samarqand.: “SamDChTI“ nashriyoti, 2019 y. 27 b.
4. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo‘mitasi rasmiy internat sayti.
5. www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi qonun, qarorlar va farmoishlar e’lon qilinadigan rasmiy portal.

И. Б.Маттиев – СамГИИЯ кафедра педагогики и психологии независимый научный исследователь

ИДЕЯ «ЗДОРОВОГО ПОКОЛЕНИЯ» - ОДНА ИЗ ОСНОВО ПОЛАГАЮЩИХ ИДЕЙ СТРОИТЕЛЬСТВА НОВОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация: в данной статье говорится о государственной политики здорового поколения и здравоохранения, проводимой в Республике Узбекистан. В статье рассматриваются сущность значения “здоровое поколение”, а также роль семьи и государства при воспитание здорового поколения.

Ключевые слова: Здравоохранение, здоровое поколение, строительство нового общества, общественная задача, правовое обеспечение, система образования.

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган соғлом авлод ва саломатликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати борасида сўз юритилган. Шунингдек, “соғлом авлод” тушунчасининг моҳияти ҳамда бундай авлодни тарбиялашда оила ва давлатнинг ўрни тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: саломатликни асраш, соғлом авлод, янги жамият қуриш, ижтимоий вазифа, ҳуқуқий таъминот, таълим тизими.

Abstract: This article says state policy of a healthy generation and a health care in the Republic of Uzbekistan. Article considers the essence of the values of healthy generation and the role of the family and the state in the education of a healthy generation.

Keywords: Health care, healthy generation, building a new society, social task, legal support, education system.

В Республике Узбекистан принято много документов, указов, деректив, направленных на правовое развитие и охрану здаровья молодого поколения. Среди них «Об охране здоровья граждан», «О предупреждении населения заболеваниями вирусом иммунной недостаточности» (СПИД), «О социальной защите инвалидов Республики Узбекистан. Указы Президента Республики Узбекистан за УП – 1096 принятый в год, посвящённый «Развитию и процветанию села», «О дополнительных мерах по формированию здорового поколения и о защите здоровья матери и ребёнка» особое место занимает Указ Президента за № 1144 (2009 год) «Об укреплении здоровья репродуктивного населения, о рождении здорового ребёнка, об укреплении и повышении мероприятий и их эффективности по воспитанию физически и духовно развитого поколения» на 2009-2013 годы.

Семья является одной из основных и начальных ступеней учебно – воспитательного процесса. В связи с этим значение семьи в охране здоровья человека является незыблемым.

На этом основании приняты постановления КМ Республики Узбекистан за №242 от 5/VII 2002 г. «О повышении медицинской культуры в семье, укрепления здоровья женщин претворение в жизнь главных направлений при рождении и воспитании здорового поколения», и от 25/I 2002 г. «О дополнительных мероприятиях по укреплению здоровья женщин и подрастающего поколения». В этих постонавлениях поставлены (указаны) такие задачи, как защита репродуктивного насиления, укрепление материально-технической базы соответствующих организации, обспечение их самыми передовыми оборудованиями, разработать мероприятия по охране здоровья, раннее диагностирование и предотвращение генетических паталогий, улучшить службу гематологии в Республике.

Программа, рассчитанная на 2005 –2009 годы по усилению деательности службы сети по репродуктивному здоровью, охране репродуктивного здоровья, совершентсвование деятельности управления на всех уровнях.

Национальная программа, рассчитанная на 2005-2009 годы «О фортификации муки», и другие государственные документы обращены на защиту подрастающего поколения, предупреждение в широких кругах населения, особенно малодёжи, таких заболеваний, как малокровие, недостаток железа и йода в организме, а также совершенствование деятельности системы, и планового её обеспечения.

Целенаправленная защита молодежи от разных инфекционных заболеваний и вредных привычек превратилась в специальное направление политики здорового поколения, в том числе и такие документы, как Указ Президента Республики Узбекистан за № 1023 от 26/XII 2008 г. «Дополнительные мероприятия по повышению эффективности борьбы против распространения информации ЧИВ», а также Постановление кабинет министров № 1 от 5/I 2005 г. «О совершенствовании деятельности центров по борьбе со СПИДом».

Во всех этих документах главенствующая цель – усилить эффективность

работы среди разных слоев населения, особенно молодёжи, формировать принципы здорового образа жизни, защищать здоровье подрастающего поколения, формировать здоровое мышление, особенно у молодёжи-медицинскую, правовую, физическую культуры.

За годы Независимости были даны названия годам:

1997 год - «Год интересов человека», 1998 год - «Год семьи», 1999 год - «Год женщин», 2000 год - «Год здорового поколения», 2001 год - «Год матери и Ребёнка», 2002 год - «Год почитания пожилых», 2004 год - «Год доброты и милосердия», 2005 год - «Год здоровья», 2006 год - «Год благотворительности и мед работников», 2007 год - «Год социальной защиты», 2008 год - «Год молодёжи», 2009 год - «Год всестороние развитой личности», 2012 год - «Год крепкой семьи»

И в данных годы Государством были приняты программы, в основу которых были заложены охрана здоровья молодежи в масштабах страны.

Если объеденить вышеуказанные годы - то ярко выражена общая, главная идея – блогосостояние человека нашей страны, а именно, его здоровье, его социальная защита, воспитание здоровой, всесторонне развитой личности.

С первых лет независимости идея здорового поколения являлась главенствующей идеей при строительстве нового общества.

На 9–ой сессии Олий Мажлиса Республики руководитель республики отдельно отметил, что в центре проводимых социально-политических, духовно-просветительских, идейных преоброзаваний главным является блогосостояние человека. Потому что «Если общество не может гарантировать права человека, и на деле обеспечить необходимые гарантии, значит, это не демократическое общество».

В годы незвисимости неотрывной частью гарантий по правам человека главенствующим направлением является здоровье, и защита собственного здоровья.

В течение 24 лет постепенно, шаг за шагам, по плану, адресно, целенаправленно в нашей стране претворятса в жизнь идея здорового поколения. Её процесс осуществления обспечивалось постоянной материальной, финансовой и самой передовой материально – технической базой. Идея здорового поколения включает в себя:

-в новом, строящемся демократическом, правовом государстве и гражданском обществе осознание перво степенности человеческих ценностей.

-беречь и здоровым сохранить национальный генофонд.

-распространять и претворить идею здорового поколения, для чего создать материальную, социальную, политическую экономическую, медицинскую и педагогические условия.

-чтобы воспитать подрастающее поколение хозяином здорового мировоззрения, мышления, чтобы подготовить ему соответствующий уровень жизни, нужно создать в масштабе страны оздоровительную инфроструктуру (медицина, социальную, оздровление, физкультура и спорт).

-создать структуру, защищающее человека от медицинских, экологичес-

ких, идеологических, ирформационных катастроф.

-физкультура и спорт –структура укрепляющяя здоровье молодых, которая своей инфраструктурой охватила все уголки нашей Родины.

2005 год в Узбекистане объявлен «Годом здоровья». Идейное мировоззрение Президента Узбекистана И. А. Каримова в докладе «Только здоровый народ и великие дела» получили широкий отклик Кабинетом Министров была разработана специальная программа и претворена в жизнь. Настоящая программа состоит из 8 частей (разделов), 107 пунктов, направленных главным оброзом на защиту здоровья молодых. Разработанные мероприятия направлены в основном на предупреждение молодых от различных вредных привычек-курение, наркомания, распивание спиртных напитков, заразных венеречиских заболеваний, СПИДа. В связи с «Годом здоровья» проводились работы широкого спектра-формирование здорового образа жизни, укрепление здоровья населения развитие видов спорта, усиление (повышение) социальной защиты населения.

В масштабах республики совместно с министерством Народного образования, министерством высшего и средного специального образования, институтами гражданского общества, хокимиятами **ОАВ** проводились следующие мероприятия: «Здоровье-главное богатство», «Будущее-без наркотиков», «Поезда здоровья», «Путешествие в страну здоровья», «СПИД – чума века», «В молодой жизни нет места вредным привичкам», «Берегитесь вредных привычек», «Умение оказывать первую помощь», «Принципы здорового образа жизни в узбекском нородном творчестве», «Основы здоровья в народной педогогике», «Источником здоровья», «Я здоров – общество здорово», «Здоровый человек - здоровое общество», «Буду здоровым – буду сильным», «Кто ловче, кто быстрее», «Страна со здоровыми детьми», «В купкары играют смелые», «Репродуктивное здоровье – здоровая мать, здоровый ребенок, здоровое общество», «Правила гигиены», «Самосахранение (самозащита) от заразных болезней», «Здоровье – богатство общества», «Социальные мероприятия для здоровья» и другие.

В годы Независимости для улучшения здоровья репродуктивности, и планирования семьи, для защиты здоровья матери и ребенка, было принято ряд документов и мероприятий по их претворению в жизнь, такие, как программа «Здоровое поколение» (2000 г), Государственная Программа «Мать и ребенок» (2001 г), «Дополнительные мероприятия по укреплению здоровья женщин и подрастающего поколения», «ВИЧ/СПИД –эпидемия» - стратегическая программа против распространения СПИДа.

Для внедрения здорового образа жизни в образование, для организации педагогико – психологической, учебно-воспитательной базы в планы средне – специального, высшего оброзаваний были включены, уроки здоровья, вопросы изучения валеологии, углублены уроки физкультуры, созданы условия занятия спортам.

Например, в 2007 году, на основе Государственной Программы, посвящённой году «Социальной защиты» для общеобразовательных школ и

других учубных заведений были разработаны методические и мультимедийные пособия: «Уроки здоровья», «Основы здорового поколения», «Основы здоровой семьи», «Здоровая мать-здоровый ребёнок» и другие. А также были основаны общенациональные движения «Спорт гарантия здоровья», «Здоровая мать-здоровый ребенок».

Во многих школах республики совместно с Министерством здравоохранения, Народного образования, Всемирной организацией Здравоохранения организованы классы «Охрана здоровья».

Результатом этой совместной деятельности было издание методического руководства «Здоровый образ жизни» для организации базы, включающую в себя материально-техническую, обеспеченность кадрами. В республике было принято несколько основополагающих документов: Закон Республики Узбекистан «О физкультуре и спорте», УказПрезидента Республики Узбекистан от 29/VIII 2004 года «О мероприятиих по усовершенствованию детского спорта в Узбекистане», Постановления кабинета Министров от 31/X 2002 года «Об организации при Министерстве Народного образования фонда развития детского спорта в Узбекистане», «Об усовершенствовании деятельности фонда развития детского спорта в Узбекистане», «Мероприятия по усилению массового спорта» от 1 января 2004 г.

Министерство Народного образования, Министерство Высшего и Средне-спициального образования, Государственный спортивный комитет, Национальный олимпийский комитет, Республиканская спортивная федерация, и все гражданские институты совместными усилиями наметили планы и практические действия для привлечения молодёжи, детей к физкультуре и спорту. В стране стало традицией проведение в общеобразовательных школах спортивных соревнований «Умид нихоллари», в средне – специальных учебных заведениях «Баркамол авлод», в высших учебных заведениях «Универсиады».

В целях поддержки развития женского спорта с 2000 года в стране стали проводиться соревнования по синхронному плаванию «Сув париси» (Русалочка).

В целях поощрения занятий спортом среди молодёжи по месту их проживания, то есть в махаллях, стали проводиться постоянно спортивные соревнования, мероприятия «Папа, мама и я», «Самая спортивная семья;», «Семья здорова, значит и я здоров» и другие…

Список использованные литературы:

[1] Сейтхалилов Э.А. Педагогические основы оздоровительной направленности учебно-воспитательного процесса в общеобразовательных школах Узбекистана. Автореф. дис…. доктор.пед.наук. -Т.2000. - 60 с.

[2] Мухамедиева С.Р. Формы и методы повышения эффективности гигиенического воспитания студентов. Дисс. …. канд.пед.наук, -Т.: 2006. – 21 б.

[3] Рискулова К. «Совместная деятельност негосударственных организаций для развития культуры здорового образа жизни молодёжи» Автореф. дис....пед.фан.номз. – Т.: 2011. -21 б.

[4] Ахраменко Е. В. Здоровьесберегающие технологии: здоровье учащихся // Молодой ученый. — 2015. — №24. — С. 910-912.

[5] Холматова М. «Вопросы воспитания здорового поколения и культуре в семейных отношениях» Фалс. ф. докт. ....дисс. автореферати. –Т.: 1998

Н.Б.Улуғмурадова – СамДУ ассистенти

ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ-МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннатоция: мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик-да ижтимоий меҳнат муносабатларининг ривожлантириш олатлари, меҳнат фаолиятининг янги шарти шароитларига мослашиш жараёнлари ёритилган.

Калит сўзлар: ижтимоий меҳнат, категория инновация, ялпи маҳсулот, даромад, меҳнат салоҳият.

Аннатоция: в статье расматривается развития социально-трудовых отношений в инновационном и экономическом контехстах, процесс адаптации труда к новым условиям.

Ключевые слова: Социальная работа, инновационная категория, валовой продукт, доход, трудовой потенциал.

Abstpact: In the article the business in the new evolution is expressed in a new way and adaptation progress to society.

Keywords: social labour, category invest, total product, profit, labour capacity

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни, шу жумладан, меҳнат соҳасидаги жараёнларни ҳам ўрганишни тақазо этади.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим категориялари бўлган, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги асосида амалга ошириладиган эркин тадбиркорлик, товар ва хизматлар, талаб ҳамда таклифни ўзаро боғлиқлиги, ресурслар чекланган шароитда товар ва хизматлар қийматини аниқлашдаги ўта фойдалилик, меҳнат нархи ва бошқалар маъмурий-буйруқбозлик тизими замонларидаги меҳнат иқтисодиётига асос қилиб олинган назарий қоидаларни қайта идрок этишни тақазо этмоқда[1].

Меҳнат фаолияти жараёнларида одамлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари туфайли юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг замонавий назариясини макро ва микродаражада тадқиқ этиш бир томондан республикамизда мулкчилик муносабатларининг ривожланиши бўлса, иккинчи томондан, фан-техника тараққиётининг меҳнат самарадорлигини оширишдаги ва одамларнинг яшаш шароитини яхшилайдиган барча воситаларни ривожланиб бораётганлигидир.

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини яратувчи куч бу – меҳнатдир. Меҳнат – инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлар (буюмлар, товар хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказолар) ни ишлаб чиқиш бўйича онгли, мақсадли ва легитм (тақиқланмаган) фаолиятдир[2]. Шу туфайли меҳнатнинг характерини ўрганиш ҳамиша долзарб бўлиб келган.

[1] Абдурахмонов.Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик, Т.: “Меҳнат”, 2004-Б. 6.
[2] Ўша ерда. -Б.45.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг характерини тадқиқ қилиш фақатгина назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир соҳада иш билан банд бўлган ходимлар меҳнатининг характерини ўрганмасдан шу соҳанинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида тутган ўрнини, давлатимизнинг ички ялпи маҳсулотига ва ялпи миллий маҳсулотига қўшган ҳиссасини аниқлаш мураккаб. Қайсики, бу кўрсаткичлар шу давлатнинг қудратини, аҳолининг ижтимоий аҳволини, иқтисодий ўсиш даражасини, бошқа давлатлар ўртасида тутган ўрнини ифодаловчи кўрсаткичлардир.

Масаланинг муҳимлиги шу муаммоларнинг бир қанча назарий жиҳатларини ҳозирги давр нуқтаи-назаридан ўрганиш ва талқин қилишни талаб қилади. Булар жумласига, кўп мулкчилик шароитида маиший хизмат соҳасидаги меҳнатнинг характерини (унинг унумли ёки унумсизлигини), унинг қайси соҳага мансублигини (ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш), маҳсулот натижасини қандай баҳолашни (меҳнат унумдорлиги, меҳнат сиғими, меҳнат самарадорлиги, иш ҳақи жамғармаси даражаси, меҳнат ҳақининг меҳнат натижаларидаги ҳиссаси) аниқлаш каби муаммолар киради. Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки, булар мавжуд меҳнат салоҳиятининг қанча қисмини шу соҳада жалб қилиш зарурлигини, улардан самарали фойдаланиш йўналишларини, турли хил мулкчиликка асосланган мазкур соҳанинг жамиятни иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятига қандай ҳисса қўшаётганлигини аниқлашда назарий асос бўлиб ҳисобланади.

«Инновацион» меҳнат муносабатлари мазмунининг контекстида ижтимоий-иқтисодий самарани олиш имконияти билан меҳнат фаолиятининг янги шарт-шароитларига тезда мослашиш, доимий янгиланишини ифодалайди. Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг тадрижий ривожланиш таҳлили қуйидаги ҳолатларни тасдиқлайди. Биринчидан, уларнинг субъектлари сифати ва ўзаро муносабатларидаги ўзаро таъсир ўзгаради. Иккинчидан, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг предмети (анъанавий предметлар доирасида у ёки бу ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектлари учун турли хил аҳамиятга эга) мураккаблашади. Учинчидан, кўпчилик ҳолатларда табақалашишни ажратиш мумкин. Учинчидан, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг профили мураккаблашади. Туртинчидан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ташкилий таркибидаги анънавийларининг ривожланиши ва янги институтларнинг пайдо бўлиши. Бешинчидан, жамиятда иқтисодий жараёнларга ижтимоий-меҳнат муносабатларининг таъсирини кучайиши ва иқтисодиёт модернизациялашишининг тезлашиши.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг тадрижий ривожланиши жараёнида, биз, ижтимоий-меҳнат муносабатлари шаклларини инновационга ўтишнинг қуйидаги мезонларини аниқладик:

– баъзи ёки барча ижтимоий-меҳнат муносабатлари (иш билан бандлик, меҳнатни ташкил этиш, рағбатлантириш) предметлари бўйича «ишчи-иш

берувчи» тизимида субъектларнинг ўзаро муносабатида принципиал янгилик;

– ижтимоий-меҳнат муносабатларининг янги шаклига киритилган ёлланма ишчилар ҳиссаси;

– меҳнат бозори субъектларининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари янги шаклларини юзага келиши;

– ижобий ижтимоий-иқтисодий самараларнинг мавжудлиги (иш берувчилар учун: ижара, персоналга харажатларнинг пасайиши, корхоналарда иш билан бандлик эгилувчанлиги ўсишини таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ўсиши; ишчилар учун: даромадларнинг олиниши, ишнинг эгилувчан жадвали, меҳнат бозорига кирувчилар учун дастлабки меҳнат тажрибаларини олиниши, қўшимча иш билан бандлик, даромадларни диверсификациялаш ва б.; давлат учун: ишсизликнинг пасайиши, иқтисодиётнинг янги секторлари ривожланишини кадрлар билан таъминлаш, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошиши, яхлит меҳнат бозори эгилувчанлигини ўсиши, ЯИМ ўсиши ва б.);

– ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида фан сиғимини ошиши (ҳам меҳнат жараёнининг ўзида, ҳам унинг якуни натижасига тегишли).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-меҳнат муносабатларининг инновацион шакллари асосида турли хил субъектлар (даромадларнинг ўсиши, харажатларнинг қисқариши, эгилувчанликни таъминлаш, ишсизликни пасайиши, даромадларнинг табақалашиши ва б.) учун ижобий ижтимоий-иқтисодий самарани юзага келтирувчи ва амалда реализация қилувчи меҳнат бозори субъектларини талаб этиш, ишчилар, иш берувчилар, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасида комплекс янгиликлар тушунилади. Бизнингча, ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизимида инновациялар ижтимоий-меҳнат муносабатлари доираси, субъектлар ўзаро муносабатларида макон-замон шаклларининг ўзгаришида ифодаланади.

Б.С. Болтаев– СамДУ ассистенти
К.Н. Зайналова– СамДУ ассистенти
С.Ж.Султонов – СамДУ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТИЗИМЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Аннотация: меҳнат бозорини тизимли тартибга солиниш даражаси асосан давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари моҳиятига боғлиқдир. Ушбу мақолада меҳнат бозорини давлат томонидан тизимли тартибга солиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг тамойиллари ва элементлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: меҳнат бозори, тизимли ёндашув, тамойил, иш билан бандлик, тартибга солиш, ташкилий-ҳуқуқий механизм, инфратузилма, модел, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи.

Аннотация: степень системного регулирования рынка труда во многом зависит от характера социально-экономических задач государства. В данной статье исследуются принципы и элементы рынка труда на основе особенностей государственного системного регулирования рынка труда.

Ключевые слова: рынок труда, системный подход, принцип, занятость, регулирование, организационно-правовой механизм, инфраструктура, модель, спрос на рабочую силу, рабочая сила.

Abstpact: Step-by-step adjustment of the right value of the current state of the social-economic character. In the state of warming the principle and element of the rudder trunk on the oscillation of the gosudarstvennogo system.

Keywords: labor market, system approach, principle, employment, regulation, organizational and legal mechanism, infrastructure, model, demand for labor, supply of labor.

Мамлакатимизда “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” долзарб масала ҳисобланади.

Шунга кўра, давлатнинг ўз зиммасига оладиган ижтимоий-иқтисодий вазифалари меҳнат бозорини тартибга солиш йўналиши ва тамойилларини белгилаб олишдан иборат.

Тизимли ёндашувнинг моҳиятини объектлардаги тушуниш ва кузатиш қийин бўлган хоссалар ва муносабатларни мазкур объектларни изчил тизимлар кўринишида ифодалаш йўли билан ўрганиш методологияси ташкил этади. Тизимли таҳлил – мураккаб ва ўта мураккаб объектларни ўрганиш ва тузишда фойдаланиладиган услублар ва воситалар, аввало, ижтимоий, иқтисодий ва инсон-техника тизимларини лойиҳалаштириш, яратиш ва бошқариш вақтида қарорлар ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш ва асослаш услублари мажмуидир.

Тизимли ёндашув – муаммоли (тизим кўринишида ифодаланган) вазиятни ўрганишнинг махсус услуби. У тизим элементларининг ички боғланишларини, шунингдек ташқи ва ички муҳит таъсирларини ўрганишни назарда тутади. Тизимли ёндашувда муаммоларни ўрганиш илмий билишнинг олдинги услубларига қараганда, янгироқ чизмаси мужассамлашган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тизим яхлитлигининг муайян механизмларини излаш;
- тизимдаги алоқаларнинг мукаммал типологиясини аниқлаш;
- аниқланган алоқаларни назарий жиҳатдан асосланган ягона тизимга бирлаштириш.

Тизимли ёндашув нафақат алоқаларни аниқлайди, балки солиштириш ва таққослашга имконият яратиш учун уларни мантиқий таснифлашни ҳам амалга оширади.

Меҳнат бозори ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ўзининг махсус хусусиятлари билан биргаликда яхлитлик ва динамиклик, очиқлик ва муқобиллик, импульсивлик ва кўп жиҳатлик, таркибий тузилиш ва ахборот тизими, эксперт ва ўз-ўзини тартибга солувчи хусусиятларга эга.

Динамиклик меҳнат бозорининг ўзаро шартланган ривожланиш ҳолати ҳақида гувоҳлик беради. Бунда ишчилар бир тармоқ, корхона ва

ташкилотлардан бошқасига ўтишлари мумкин ҳамда махсус чекловларсиз улар ўртасида ҳам иш жойларини ўзгартиришлари мумкин.

Яхлитлик хусусияти янги ва энг мураккаб масалаларни ечиш имкониятига эга бўлиб, меҳнат бозори ва унинг инфратузилмаси ривожланишида сифат кўрсаткичларни ифодаловчи элементлар алоҳида аҳамиятга эга.

Импульсивлик – конкрет шароитларда муаммолар ечимига йўналтирилган марказий кучларнинг доимий жойини ўзгартиришда юзага келади. Масалан, собиқ социалистик тузум даврида ҳамманинг тўлиқ иш билан бандлигининг таъминланиши билан боғлиқ масалалар ҳал этилган бўлса, мамлакатимизда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида оқилона ва самарали иш билан бандликни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, иш билан бандликни субсидиялаш, ишсизлик оқибатларини юмшатиш ва бошқа тадбирлар меҳнат бозорида амалга ошадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Кўп жиҳатлилик – иш билан бандликнинг турли кўриниши ва меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг турли шаклларини назарда тутади.

Таркибийлик – ишчи кучининг ёш кесимида ва малака нисбатлари мавжуд тармоқ ва ҳудудларга тегишлилигини назарда тутади.

Меҳнат бозорининг инертлиги шуни кўрсатадики, мазкур тизимда мавжуд жараёнлар бир-бирига нисбатан кечикиши мумкин. Масалан, муайян касбларга талаб меҳнат бозорида уларнинг лаҳзалик содир бўлишини юзага келтирмайди. Иш берувчиларнинг талабларига биноан мувофиқликда кадрларни қайта тайёрлаш ва зарурий ихтисосликдаги янги кадрларни тайёрлаш учун муайян вақт ўтиши зарур.

Меҳнат бозорининг нобарқарорлиги ва ўз-ўзини тартибга солиши тизим сифатида доимий ривожланишни, иш берувчилар ва ишчилар ўртасида муносабатларни, тизимнинг трансформацияси ва касбий ҳаракатчанликни, уларни талаб қилиш шароитларига кадрлар тайёрлаш тизимини мослаштиришни назарда тутади.

Ахборотга эгалик ижтимоий-иқтисодий тизимда ички ва ташқи ўзгаришларда таъсир кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида унинг таркибий элементлари ёки бошқа тизимлар ўртасида ахборот алмашишини назарда тутади. Меҳнат бозорида ҳудудий ахборот тизимларини жорий этиш иқтисодиётнинг ахборот секторини интенсив ривожлантириш жараёнини қамраб олади. Шунинг учун ҳудудий даражада иқтисодиётни ахборотлаштиришнинг шаклланиш белгиси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорини тартибга солиш ишчи кучининг ижтимоий меҳнат тақсимотида қатнашиши, ихтисос топиши ва ривожланишини таъминловчи меҳнат ресурслари шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг барча босқичларида таъсир кўрсатишини тартибга солишдан иборат.

Илмий-назарий нуқтаи назаридан меҳнат бозорини тартибга солиш тизимли ёндашув асосида қўйидаги йўналишлар бўйича кўриб чиқилиши лозим: 1) Тизимли – элементли ёндашув (тизимни ташкил этувчи элементлар ва унинг таркибий қисимларини таҳлил этиш); 2) Тизимли таркибий (тизимни

ташкил этувчи элементларни ва унинг ички таркибий қисмларини ўрганиш); 3) Тизимли – функционал ёндашув (тизим ва унинг элементларининг функцияларини таҳлил қилиш); 4) Тизимли – коммуникацион (мавжуд тизимнинг бошқа тизимлар билан вертикал ва горизонтал боғлиқлиги); 5) Тизимли интегратив ёндашув (тизимнинг шаклланиши ва ривожланишининг омиллари ҳамда манбаларини аниқлаш); 6) Тизимли – тарихий ёндашув (Тизимни илк пайдо бўлиши, ўсиши, ривожланиши, пасайиши ва инқирозга юз тутиши) [3].

Тизимли ёндашувда унинг барча таркибий қисмларини бирданига тавсифлаш, бир вақтда улардан фойдаланишни кўрсатиш имкони мавжуд эмас. Бундан алоҳида тамойилларни ажратиш ва уларни кетма-кет қараб чиқиш зарурати ҳар қандай илмий билиш учун табиийликни юзага келтиради.

Тизимли ёндашувнинг бош тамойили сифатида – мақсадлар тамойили кўпинча чуқур таҳлилни ва барча қолган тамойиллар реализациясини аниқлайди. Бу тамойил ҳар қандай мураккаб объект учун фақат тадқиқотчи олдида турган муайян вазифалар ечими нўқтаи назаридан қараб чиқилиши зарур. Тадқиқотчилар томонидан танланган мақсад объект тавсифининг шакл ва усуллари, унинг умумий даражасини аниқлаб, компонентлар тўпламини қайд этади ҳамда яхлит хусусиятларини, яъни тизимнинг атрофлича тавсифи доирасини аниқлайди.

Тизимни назарий жиҳатдан лойиҳалаштиришда танланган мақсад тизимни ташкил этувчи элементлар, функциялар ва тизим таркибий қисмларини қидиришнинг аналитик чегарасини кўрсатувчи муайян йўналишда хизмат қилиши зарур.

Тизимлиликнинг муҳим тамойили бўлиб, яхлитлик тамойили ҳисобланади. Яхлитлик тамойили, бир томондан, унинг компонентларини ажратиш ва улар ўртасида турли хил боғлиқликни ўрнатиш билан тизимнинг ички бўлиниш имкониятини, иккинчи томондан, унинг табиати, ўзига хос хусусиятлари, тизимни ўз ичига олувчи яхлитликнинг таркибий қисми сифатида ҳар бир компонентни қараб чиқиш зарурлигини ифодалайди. Бунда яхлитлик, авваламбор ўзининг компонетлари маҳсули сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида ҳар қандай тизимнинг асосий компонентлари яхлит ҳолда айнан ушбу яхлитлик доирасида юзага келади ва ривожланади, улар бир-бири билан чамбар-час боғланган ва бу алоқадорликдан ташқари тизим моҳиятини ўрганиш мумкин эмас.

О.Ю.Ашурова – Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
Ш.Т.Очилов – Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқитувчилари

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Аннотация: мақолада илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга оширлиши кўзда тутилган давлат дастурларига асосланган таклифлар ҳисобга олинган. Ўзбекистонга ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар инновацион ёндашувни талаб этади.

Калит сўзлар: модернизациялаш, инновация, инфратузилма, бизнес инкубаторлар, инновацион – технолгик марказлар, инвестицион фондлар, технопарклар, венчур фондлар.

Аннотация : в год развития науки, просвещения и цифровой экономики , в статье подразумевают выполнения на основе государственных программ учитывая предложения, модернизировать производство в Узбекистане требует инновационного отношения ко всем реформам которые ведутся в нашей стране.

Ключевые слова : модернизация, инновация, интраструктура, бизнес инкубаторы, центры инновационной технологии , инвестиционные фонды технопарки, венчурные фонды.

Abstpact: this article deals with recomdation based on state programs whic are planned to carry aut in the year of science, enlightenment and digital economics. Reforms on modernizing the production in Uzbekistan require innoval approach.

Keywords: modernizing, innovation, infrastructure, business incubators, innovatsional technological centres, investment fonds, technoparks, venture-fonds.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарув ҳисобини ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади.

Ишлаб чиқаришни илм ва фанда яратилаётган инновациялар билан бойитиш, нафақат давлат сиёсатининг муҳим қисми, балки ҳудуднинг стратегик мақсади ҳамда корхона ва корпорациялар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиши лозим. Республикамизда 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши давлат томонидан инновацион сиёсатининг янгиланганлигидан далолат беради.

Аммо мамлакатимизда инновация инфратузилмасининг ривожланмаганлиги инновацияларнинг ишлаб чиқариш жараёнига тезкорлик билан татбиқ этилмаётганлигига сабаб бўляпти.

Инновация ва унинг турли йўналишлари XX асрдан бошлаб кенг ўрганила бошланган ва унинг назарияларига асос солинган. Инновация - бу жараён бўлиб, унда янги фикрлар иқтисодий тус олади.

Ўзбекистонда 2010 йилда инновациялар асосан ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69.7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55.4 фоиз) ошган. 2016 йилда ташкилотларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 6.4 баробарга ошган. Аммо технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар қаторида инновацион инфратузилма харажатларининг йўқлиги мамлакатимизда ушбу йўналишни ривожлантириш заруратини туғдиради.

2019 йилда 893 та корхона ва ташкилот томонидан 1816 турдаги технологик инновациялар жорий этилди. Уларнинг 44 фоизи (799 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Албатта, иқтисодиёт либераллашиб бораётган мамлакат учун бу катта кўрсаткич эмас.

Инновациялар жараёнини бошқаришда махсус ташкилий иқтисодий механизм талаб этилади. Бу механизм таркибига давлат томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий асослардан ташқари инновацияларни яратиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этувчи ташкилотлар, бизнес инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, инвестицион фондлар, технопарклар ва венчур фондлар киради.

Технопарклар инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг асосий элементларидан бўлиб, резидент тадбиркорлар ривожи учун инновацион муҳит яратиш билан шуғулланадилар. Шу билан биргаликда технопаркларда тадбиркорлар билан бизнес-инкубаторлар, трансфер технологиялари маркази, кластер ривожланиш марказлари, инженеринг марказлари жойлашишлари мумкин.

Инженеринг марказлари-ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига техник ва технологик татбиқ қилиш йўналишлари ва ишлаб чиқариш жараёнига оид бошқа масалаларда маслаҳат бериш ва ташкил этишга ихтисослашган ташкилотлардир.

Кластер ривожланиш марказлари ҳудудий бир-бирига боғлиқ бўлган кластерларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш мақсадида тузилади. Кластер ривожланиш марказлари таълим ва тадқиқот муассасалари, нотижорат ва жамоат ташкилотлари, ҳудудий кластер ривожланишига қизиқиш билдирувчи инвесторлар фаолиятини бир-бирига яқинлаштириш ва қўшма лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашишга ихтисослашган марказлардир.

Ҳозирги кунда ёш тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар берилмоқда:

-рухсат берувчи ҳужжатлар, кредитлар олиш, бизнес режалар тайёрлаш, маркетинг тадқиқотлар ўтказиш, савдо бозорларини топиш ва бошқалар учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда амалий кўмаклашиш;

-ёшларга бизнесни юритиш асосларини ўргатиш, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, шунингдек ёш тадбиркорларга малакали ходимларни танлашда ёрдам бериш;

-старт-уплар ташкил этиш учун бизнес-инкубаторлар вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини ошириш, улар фаолиятини барқарор ривожлантириш.

Бизнес – инкубаторлар кичик тадбиркорлик субъектларини старт-уп босқичида қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади. Бизнес – инкубаторлар резидентлар учун имтиёзли тартибда ишлаб чиқариш майдонлари ва офисларини ижарага берувчи. Офис техникаси ва коммуникация буюмлари билан таъминловчи, аутсорсинг ва бухгалтерия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлардир.

Замонавий инновацион иқтисодиётларда кенг қўлланувчи инновацияларни қўллаб-қувватлаш усулларидан бири-коворкингдир. Коворкинг-ишлаш модели бўлиб, якка тадбиркор сифатида битта ёки иккита ишчига эга бўлган субъектлар бошқа ҳудди шундай тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда каттароқ бинони ижарага олишади ва шу билан биргаликда ўз

мустақилликларини сақлаб қолишади. Бундан асосий мақсад ахборот ва фикрлар алмашинувини тезлаштириш, кооперацияни ривожлантиришдир.

Замонавий адабиётларда “Венчур капитали” ва “Венчур инвестициялаш” атамалари тез-тез қўлланила бошлади. Хорижий мамлакатларда венчур молиялаштириш орқали инновацион фаолиятни ривожлантириш имкони ортиб бормоқда. Кўплаб илмий ишларни таҳлил қилиш натижасида венчур молиялаштириш тўғрисида бир хулосага келинди.

Мамлакатимизда венчур молиялаштиришни ривожлантириш тизими қуйидагиларга асосланади:

1.Венчур молиялаштириш тизимининг асосий дастаклари сифатида мамлакатимиздаги фонд биржасининг хизмат сифатини яхшилаш, биржа листингида трансмиллий компаниялар ва халқаро банкларнинг улушини ошириш.

2. Венчур молиялаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш. Инновацион бизнеснинг бошқа кўринишлари учун ҳам ҳуқуқий асослари мавжуд эмас, фақатгина “Фуқаролик кодекси”да айрим асослар келтирилган. Ҳаракатлар стратегиясига “Венчур молиялаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашни ҳам киритиш лозим.

3.Эркин иқтисодий ҳудудлар билан ҳамкорликда венчур капитали иштирокида технопарклар ва бизнес инкубаторларни ташкил этиш. Бу эркин иқтисодий ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш билан бирга самарадорлик даражасининг кўтарилишида муҳим рол ўйнайди.

4.Мамлакатимизда Савдо-саноат палатаси ва БМТнинг “Тараққиёт дастури” билан ҳамкорликда “Старт-уп” лойиҳаси, инновацион лойиҳалар танлови мунтазам равишда, “Инновация кооперацияси” ўн йилдан ошиқ вақт давомида ўтказилаётган бўлса ҳам, янгиликларнинг молиялаштириш манбаи сустлиги сабабли ишлаб чиқариш жараёнига тезкорлик билан татбиқ қилинмаётганлиги маҳсулотлар рақобатбардошлигининг юқори эмаслигига таъсир кўрсатяпти. Шу сабабли ҳам, илмий-текшириш институтларида яратилган янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат венчур фондларини ташкил этиш лозим.

5.Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кенгроқ йўлга қўйиш лозим. Бундан профессор – ўқитувчилар ҳам, илмий тадқиқотчилар ҳам, талабалар ҳам моддий манфаатдорликка эга бўлиши лозим. Шундагина давлат олий таълим муассасаларига субсидия маблағларини қисқартириш ва ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш имкониятига эга бўлади. Илғор хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш орқали мамлакатимизда ҳам венчур молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш имконияти мавжуд бўлади.

6.Мамлакатимизда технопарк ва техношаҳарлар ташкил этиш орқали илм ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш билан биргаликда, инновацион инфратузилманинг бошқа йўналишлари ривожланишига ҳам кенг йўл очган бўламиз.

Бекзод Қўзибоев – Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақола рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг айрим иқтисодий-ижтимоий хусусиятларига боғишланган. Шунингдек, мақолада иқтисодиётнинг рақамлаштиришга тайёргарлигини ифодаловчи дунё рейтинглари ва мамлакат хизматлар соҳаси корхоналарида электрон маълумотлар базасини шакллантириш таклиф қилинган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, дунё рейтинглари ва индекиси, хизматлар соҳаси корхоналари, электрон маълумотлар базасини шакллантириш.

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые социально-экономические особенности развития цифровой экономики. В статье также представлены мировые рейтинги и индекси по подготовки цифровизации экономики страны. Даны предложения по созданию электронных базы данных на предприятиях сферы услуг.

Ключевые слова: цифровая экономика, мировые рейтинги и индекси, создание электронных базы данных, предприятия сферы услуг.

Abstract: This article discusses some of the socio-economic features of the development of the digital economy. The article also presents world ratings and indices for preparing the digitalization of the country's economy. Suggestions are given for the creation of an electronic database at service enterprises.

Key words: digital economy, world ratings and indices, the creation of electronic databases, service enterprises.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида барча иқтисодий тизимларнинг трансформациялашувига ва унинг янги шакли бўлган электрон (рақамли) иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келди.

Хозирги пайтда давом этаётган рақамлаштириш жараёни глобал иқтисодиётда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатларнинг тежалиши ҳисобига туб ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Рақамли трансформациялашув илғор технологиялар асосида инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш, мутлоқ янги бўлган бизнес моделлар ва илғор таҳлилий усулларнинг яратилиши орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида 2018 йил 21 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қарори қабул қилинди. Унга кўра рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни келажакда ривожлантириш мақсадида хукумат томонидан “Рақамли Ўзбекистон- 2030” дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Дастурда рақамли иқтисодиётни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари, тартиби, тармоқ ва худудларнинг даражалари, функциялари белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатида замонавий хизмат турларини, айниқса ахборот-коммуникацион хизмат турларини (уяли алоқа, Интернет, мобил алоқа, рақамли телевидения ва шу кабилар), шунингдек замонавий молиявий хизматлар (банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, консалтинг ва шу кабилар)ни ҳам ривожлантиришга катта урғу берилмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш кўплаб афзалликларга эга бўлиб, у турли хизматлар, кўнгилочар, таълим, илмий ва ахборотга оид контентларга эга бўлган ҳолда ушбу жараёнларнинг сифатли, тез ва қулай бўлишини таъминлайди. Рақамлаштириш тўловлар нархини ва қийматини пасайтиради ва янги даромад манбаига айланади. Онлайн муҳитда кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлаш анъанвий иқтисодиётдагидан сезиларли даражада кам бўлади (айниқса, реализация билан боғлиқ хизматлар харажатларини камайтириш хисобига), шу билан бирга давлат ва тижорат хизматлари барча учун оммабоп бўлиб боради.

Бундан ташқари рақамли дунёда товарлар ва хизматлар глобал бозорда ўз харидорини тезда топиши ва дунёнинг исталган нуқтасидан ҳам ҳаммабоп бўлиши мумкин. тақдим этилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг ҳохиш-истакларига мос ҳолда қисқа муддатда қайта ишланиши мумкин бўлади. рақамли иқтисодиёт чакана савдо,транспорт, телекоммуникация, суғурта ва банк ишида ҳақиқатга айланиб улгурди.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё аҳолисиининг 60%и Интернетдан фойдаланмайди ёки фойдаланиш учун маблағ етарли бўлмагани сабабли ундан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Дунё аҳолисининг 15% гина кенг полосали интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятига эгадир. Ривожланган мамлакатларда интернет хизматларидан фойдаланишнинг асосий воситаси мобил телефонлар ҳисобланиб, дунё аҳолисининг 80% таъминланган, бироқ, 2 млрд. га яқин аҳоли ҳозиргача мобил телефонлардан фойдаланмайди[1].

[1]Цифровые дивиденды, 2018.

Хизматлар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш унинг ривожланишига қўшимча туртки беради, бу ўз-ўзидан аҳолининг турмуш сифатининг ортишига олиб келмоқда

Бу фикирни Евро Иттифоқи (ЕИ) фуқаролари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Сўров натижаларига кўра иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ижобий эканлигини респондентларнинг 75% и, жамият учун ижобий жиҳатларини 64% и, турмуш сифатига таъсирини 67% респондентлар маъқуллашди (1-жадвал). Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг турмуш сифатига салбий таъсир кўрсатишини ЕИ аҳолисининг 18% и маъқуллашди, бу масала алоҳида аҳамиятга эганлигидан далолат беради.

1-жадвал

Янги рақамли технологияларнинг иқтисодиёт, жамият ва турмуш сифатига таъсирини баҳолаш[1]

(ЕИ фуқаролари ўртасида сўров натижалари бўйича % ҳисобида)

№	Баҳо	Таъсирининг кузатилиши		
		Иқтисодиёт	Жамият	Турмуш сифати
1.	Юқори даражада	23	15	17
2.	Ижобий	52	49	50
3.	Салбий	10	20	14
4.	Жуда салбий	3	5	4
5.	Сезиларсиз/ билмайман	12	11	15

Замонавий шароитларда рақамли трансформациялашув ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Бироқ, ханузгача уни тадқиқ қилиш ва ўрганишнинг умумқабул қилинган методологияси ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунда олимлар ва мутахассислар томонидан рақамли иқтисодиётга турли таърифлар берган бўлсада, унинг иқтисодиёт фанида умумқабул қилинган атама сифатидаги таърифи ҳали ишлаб чиқилмаган.

Илмий-техник, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда рақамли ўзгаришларга эътиборнинг ортиб бориши ушбу ўзгаришларнинг у ёки бу жиҳатларини ифодалашга хизмат қиладиган ҳамда дунё миқёсида мамлакатнинг ўзига хос индекс/кўрсаткичларини кўрсатиб берувчи рейтинглари мавжуд (1-расм).

Халқаро индекс ва рейтинглар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақамлаштиришга тайёргарлик даражаси ушбу соҳада етакчи ҳисобланган Финляндия, Норвегия, Швеция, Сингапур, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг рақамлаштириш борасидаги бу каби рейтинг/индекслардан сезиларли даражада ортда қолаётганлиги ахборотлаштириш инфратузилмасининг суст ривожланганлиги ва киритилаётган инвестицияларнинг

[1] Доклад о мировом развитии 2019: изменения характера труда // ISSUU. [Электронный ресурс]. URL: https://issuu.com/world.bank.europe.central.asia/docs/211328ru (дата обращения: 14.03.2019). С. 3.



1-расм. Иқтисодиётнинг рақамлаштиришга тайёргарлигини ифодаловчи дунё рейтинглари ва индекслари

камлиги, меъёрий-ҳуқуқий базасининг такомиллаштирилмаганлиги, давлат ва бизнеснинг ахборот-коммуникацион технологияларни қўллашда фаол иштирок этмаслиги, интернетдан фойдаланиш кўникмаларининг етарли эмаслиги, ҳудудларда Интернет жараёнларининг секин ишлаши ҳамда аҳолининг ишонч даражасининг сустлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ахборот коммуникацион технологиялар асосида ривожланишга тайёргарлик даражасининг ўсишини баҳолаш электрон техникалардан фойдаланиш даражаси, интернетга уланиш, веб-сайтларнинг мавжудлиги кабилар билан аниқланади.

Бизнингча, мамлакат минтақаларида хизматлар соҳаси корхоналари – туризм, соғлиқни сақлаш, таълим, кадастр, қурилиш кабиларнинг кўрсатилаётган хизматлари бўйича электрон паспортларини яратиш, таклиф этилаётган хизматлар ҳажми, нархи ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган электрон маълумотлар базасини шакллантириш лозим. Бундай маълумотлар базалари Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Германия каби илғор ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб хизматлар соҳасида рақамли трансформациялашув жаарёнлари юқори суратларга эга бўлиб, бир томондан аҳолининг турмуш

сифатининг ошишига, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамиятининг ошишига олиб келади, бошқа томондан иқтисодиётнинг айрим тармоқларини рақамлаштирилиши натижасида мижозларнинг содиқлик даражасининг ортишига, уларнинг эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга, вақтини тежаш орқали аҳолининг турмуш сифатининг ошишини таъминлайди. Хизматлар соҳасининг рақамли иқтисодиётга трансформациялашуви ушбу жараёнларнинг аҳоли турмуш сифатини оширишга таъсирини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишни ва бу борада алоҳида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни таклиф қиламиз.

G.B.Nuriddinova – BuxDU, "Iqtisodiyot va turizm" fakulteti 1-bosqich talabasi
G.S.Narzullayeva – BuxDU, "Turizm va mehmonxona xo‘jaligi" kafedrasi o‘qituvchisi, Ilmiy rahbar

INNOVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA UMUMIQTISODIY VA IJTIMOIY MUAMMOLAR

Annotatsiya: Ushbu maqola raqamli iqtisodiyot haqida va unda “Raqamli iqtisodiyot nima?”, “Raqamli iqtisodiyot vazifalari va maqsadlari”, “Raqamli iqtisodiyotning O‘zbekistonda rivojlanishidagi to‘siqlar” kabi muhim muammolar haqida.

Kalit so‘zlar: Elektron tijorat, internet banking, electron to‘lovlar, internet reklama.

Аннотация: Эта статья о цифровой экономике и “Что такое цифровая экономика?” по таким важным вопросам, как “Проблемы и задачи цифровой экономики”, “Влияние цифровой экономики в Узбекистане”.

Ключевые слова: Электронная коммерция, интернет-банкинг, электронные платежи, интернет-реклама.

Abstpact: This article is about the digital economy and “What is the digital economy?” on such important issues as “Problems and tasks of the digital economy”, “The impact of the digital economy in Uzbekistan.”

Keywords: E-commerce, internet banking, electronic payments, internet advertising

Dunyo aholisi soni o‘sishi va resurslarning safarbar etilishi natijasida raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har jabhasiga bevosita ta'sirini o‘tkazmoqda: sog‘liqni saqlash, ta'lim, internet-banking va boshqalar. "Raqamli iqtisodiyot" tushunchasi o‘zida turli texnologiya tarmoqlari va axborot telekomunikatsion vositalarini qamrab oladi. Raqamli iqtisodiyot bugungi kun jamiyat hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Ko‘plab rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot ularning rivojlanish omillariga sezilarli darajada ta'sir o‘tkazgan.

O‘zbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo‘yicha quyidagilarni aytib o‘tdi:

“Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko‘zda tutadigan “Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsitasi”ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda “Raqamli O‘zbekiston-2030” dasturini hayotga

tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga oʻstirish, korrupsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli halqaro tashkilotlar oʻtkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda.Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga oʻtish boʻyicha “yoʻl xaritasi”ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot havfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratish zarur”[1].

Raqamli iqtisodiyot tushunchasi 1995-yili Massachusets universiteti amerikalik olimi Nikolas Negroponte tomonidan aniqlab berilgan. Olim axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga oʻtishda qanday oʻzgarishlar roʻy berishi mumkinligini aytib oʻtgan.

Raqamli iqtisodiyot - bu xoʻjalik faoliyatini yuritish boʻlib, bunda ishlab chiqarish va xizmat koʻrsatishdagi asosiy omil raqamlar koʻrinshidagi ma'lumotlar boʻlib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat koʻrsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiq qilishdir. Boshqacha qilib aytganda, raqamli iqtisodiyot bu online xizmatlar koʻrsatish, elektron toʻlovlarni amalga oshirish, internet savdo va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bogʻlangan faoliyatdir.[2]

Axborot texnologiyalarining rivojlanishi va tadbiq qilinishi natijasida kundalik hayotimizda koʻpgina qulayliklar paydo boʻlmoqda. Masalan, biror yaqinimizga pul oʻtkazishimiz kerak, buning uchun bank yoki moliya muassasalariga borishga hojat yoʻq, biz pulni mobil bank orqali oʻtkazishimiz mumkin. Yoki ishdamiz, hamkasblar bilan ovqatlanmoqchimiz, buning uchun bor yoʻgʻi internetdan ovqat yetkazib berish xizmati orqali xohlagan taomni online buyurtma qilishimiz mumkin. Shu kabi koʻplab xizmat turlarini online tarzda smartfon yoki kompyuter orqali amalga oshirishimiz mumkin.

Raqamli iqtisodiyotning afzalliklari albatta, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi, zamonaviy texnologiyalarning hayotimizga tadbiq etilishi har bir inson hayotida koʻplab ijobiy imkoniyatlar berishi mumkin. Raqamli texnologiyalar rivojlanishi ortidan inson, unga kerakli xizmatdan tezroq foydalanishi, internet orqali oʻziga kerakli mahsulotlarni arzon sotib olish bilan anchagina pul mablagʻlarini tejashi mumkin. Masalan biron bir kitobning elektron koʻrinishda sotib olish shu kitobni chop etilgan koʻrinishini sotib olishdan ancha arzonga tushishi mumkin. Yoki boʻlmasa oddiy iste'molchi oʻzi ham tadbirkor boʻlishi, uyidan chiqmagan holda online savdo-sotiq bilan shugʻullanishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishining yanada afzallik tomonlari quyidagilar boʻlishi mumkin:

-ishlab chiqarishda mehnat samadorligini oshishi;

-kompaniyalarning raqobatbardoshligini oʻsishi;

-ishlab chiqarishdagi harajatlarning kamayishi;

-yangi ish oʻrinlari yaratilinishi;

-yangi zamonaviy kasblar paydo boʻlishi;

-kambag‘allikni yengish va ijtimoiy tengisizlikni yo‘qolishi.

Bular raqamli iqtisodiyotning bor yo‘gi bir nechta afzalliklari xolos. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi oddiy foydalanuvchiga ko‘plab qo‘shimcha imkoniyatlar beradi va qolaversa, bozorni o‘sishi va rivojlanishini ta'minlab bera oladi.

Raqamli iqtisodiyot keltirib chiqarishi mumkin bo‘lgan xavflar:

-kiber hujum xavfi, shaxsiy ma'lumotlar himoyasi bilan bog‘liq muommolar;

-"raqamli qullik" (millionlab insonlar ma'lumotlaridan keyinchalik ularni o‘zlarini tutishini boshqarish uchun foydalanish);

-ishsizlikni oshishi, axborot texnoloiyalarini rivojlanishi va uni tadbiq qilinishi ortidan bir qancha sohalar va kasblar yo‘q bo‘lib ketishi mumkin.[3]

Dunyo tajribasini o‘rganish natijasida shu narsa aniqki, raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotda davlat (hukumat) bozor qoidalarini barcha ishtirokchilari uchun belgilaydi va bunda davlatning eng muhim vazifasi sifatida ishtirokchilari uchun bir xil, teng huquqli va imkoniyatli sharoit yaratib berish hisoblanadi. Ya'ni, bozorda katta kompaniya bo‘ladimi yoki kichik biznes, ular teng huquqli hisoblanadi. Ularga bir xil imkoniyatlar beriladi. Davlat qoidalarga amal qilinishi va oxir oqibatda oddiy iste'molchi sifatli, zamonaviy xizmat yoki mahsulot olishi ta'minlanadi. Demak, raqamli iqtisodiyot rivojlanishi uchun davlat hamma uchun teng sharoit yaratib berishi, iloji boricha bozor qoidalari, qonunlar, shartnomalar shaffof bo‘lishi, qonunlar bozor talabidan kelib chiqqan holda (ya'ni bozordagi rivojlanish tendensiyalarini oldindan aniqlay olishi va kerakli normativ hujjatlarni qabul qilishi) bozor ishtirokchilari uchun erkinlik berishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
2. https://ru.wikipedia.org/wiki/- Vikipediadagi sahifa
3. Гулямов С.С. va boshqalar.Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.

А.А.Хорунов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 1 йиллик магистратура тингловчиси

ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада инновацион ва рақамли иқтисодиёт ривожланаётган жараёнда давлат ва жамият манфаатларига қилиниши мумкин бўлган таҳдидларнинг олдини олишда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳамда ушбу соҳа мутахассислари фикрлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион, рақамли иқтисодиёт, таҳдид, ўта муҳим маълумотлар.

Аннотация: в данной статье обсуждается роль информационной безопасности в предотвращении угроз интересам государства и общества в развивающейся инновационной и цифровой экономике, а также анализируются мнения экспертов в этой области.

Ключевые слова: инновационный, цифровой экономический, угрожающий, особо важные информация.

Abstract: This article discusses the role of information security in the prevention of threats to the interests of the state and society in the evolving innovation and digital economy, and analyzes the opinions of experts in this field.

Keywords: innovative, digital economic, threatening, especially important information.

Ахборот маконининг глобаллашуви ва мафкуравий қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётган ҳозирги шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда” дея таъкидлаб ўтди [1] . Демак, барча соҳаларда ахборот технологияларини кенг тадбиқ этилиши лозимдир. Бу эса ўз навбатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасига муҳим масъулиятни юклайди. Чунки рақамлаштирилган, замонавий маконда кибер хужум ва таҳдидларнинг ортиши ҳаммага равшан.

Ушбу ҳолат мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим жихатларидан бири сифатида, Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ барча муаммолар комплексини жиддий равишда илмий тадқиқ этишга объектив эҳтиёжни белгилайди.

Сўнгги пайтларда "ахборот хавфсизлиги" тушунчаси нафақат ахборот технологиялари соҳасидаги олимлар ва мутахассислар, балки ҳукуматнинг барча тармоқлари, махсус хизматлар, бизнес, сиёсатчилар, ҳарбийлар, молиячилар ва журналистлар томонидан кенг қўлланилмоқда.

Бир томондан, бу ахборот хавфсизлиги ва унда жамоат манфаатларини таъминлаш масалаларининг муҳимлигини таъкидлайди, иккинчи томондан эса бу ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ барча муаммолар мажмуасини тушунишда умумий тамойиллар ва ягона, умумий ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилади.

"Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" тушунчасининг маъносини аниқ-лашдан олдин, уни ташкил этувчилари бўлган, "таъминлаш", "хавфсизлик" ва "ахборот" тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш лозим.

Шундай қилиб, "таъминлаш" тушунчаси фаолият турларидан бири сифатида очиб берилган ва "мумкин бўлган, ҳақиқий, ҳақиқатан бажаришнинг имкони бўлган" нарсани амалга ошириш учун қилинадиган ҳаракатлар мажмуасини англатади.

"Хавфсизлик" тушунчаси, хавфсизликнинг мумкин бўлган элементлари-дан бирини акс эттирувчи сифатида "хавф йўқлиги, хавф йўқ бўлган вазият мавжуд, хавфдан ҳимоя бор" деган тушунчалар мавжуд. Ўз навбатида, "хавф" тушунчаси "бирор бир хавф солувчи, яъни зарар ёки кулфат етказиши мумкин бўлган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, www.prezident.uz

таҳдид мавжуд эканини" деган маънони англатади, "таҳдид" тушунчаси эса - бу "содир бўлиши мумкин бўлган хавф, қўрқитиш, ёвузлик". Демак, "хавфсизлик" тушунчаси кимгадир ёки бирор нарсага нисбатан таҳдид йўқлиги деб талқин қилинади[1].

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз "хавфсизлик" таҳдидлар натижасида кимгадир ёки бирон бир нарсага зарар этказишнинг имкони йўқли яъни уларнинг таҳдидларга қарши ҳимояси мавжуд эканлигини тушунамиз.

"Ахборот" тушунчаси маълумотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш билан боғлиқ фаолият соҳасини ўз ичига олади. Манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар. манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар[2].

Ахборот хавфсизлиги ҳақида гап кетганда, ушбу тушунчанинг мазмуни ва моҳиятини аниқ белгилаб олиш керак.

Айрим олимлар илгари ахборот хавфсизлигини таъминлаш фақат маълумотни ҳимоя қилиш билан чекланганлигига асосланиб, хато, эҳтимол инерция билан иккита турли тушунчаларни - "ахборотни ҳимоя қилиш" ва "ахборот хавфсизлиги" ни илгари сурганлар, аммо бугунги кунда булар ҳар хил аҳамият касб этади.

Рус олими А.И. Василев ўзининг "Россия Федерациясининг миллий хавфсизлиги тизими" номли диссертациясида "ахборотларни ҳимоя қилиш миллий хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир" деб таъкидлайди. Шу билан бирга, "ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий ҳимоянинг устувор объектлари бу шахснинг ҳуқуқлари ва жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатларидир"[3].

Юқоридаги қоидадан аниқ кўриниб турибдики, муаллиф, давлат хавфсизлигини ахборот хавфсизлигини таъминлаш объектларидан четлаштиради, бу эса ахборот хавфсизлиги унинг ажралмас қисми ҳисобланган миллий хавфсизлик мавзусига тўғри келмайди.

Ахборот хавфсизлигини, шунингдек, "ахборотни рухсатсиз киришлар-дан, йўқ қилишдан, ўзгартиришдан, модификациялашдан ҳимоя қилиш" деб ҳам тушунтирилади. Шу билан бирга, "ўта муҳим маълумотлар" атамаси ишлатилади, бу улар тасодифан ёки қасддан ошкор қилинган, ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда шикастланиш эҳтимоли мавжудлиги ва унинг катталиги сабабли ҳимоялашни талаб қиладиган маълумотлар тушунилади[4].

Бошқа олимлар, ахборот хавфсизлиги ҳақида гапирганда, кўпинча бу ата-мани жуда тор доирада англаб, унинг таркибини фақат компютер тармоқларида маълумотларнинг хавфсизлиги, мавжудлиги ва махфийлигини таъминлашга

---

[1] Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. – С.5.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги прициплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сон Қонуни, 3-модда.

[3] Васильев А.И. Система национальной безопасности Российской Федерации (конституционно-правовой анализ): Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – СПб.: СПбУ МВД РФ, 1999. – С. 16-17.

[4] Герасименко В.А. Защита информации в автоматизированных системах обработки данных. Т.1.п.2. – М.: Энергоатомиздат, 1994. – С. 57.

мўлжалланган аппарат ва дастурий таъминотлар тўпламини тушунадилар[1].

Ҳуқуқшунос А.Р.Рахмановнинг фикрича, ҳозирги пайтда дунёда ахборот хавфсизлигининг моҳиятини аниқлашда иккита тендентсия мавжуд. Гуманитар йўналиш вакиллари буни фақат махфийлик институти билан боғлиқ деб биладилар, қуролли кучлар идоралари эса уни ахборот соҳасидаги деярли барча муаммолар ва муносабатларга, ахборот хавфсизлигини моҳиятан бир-бирига мослаштирадиган қилиб кўрсатишни таклиф қиладилар. Бу икки ўзига хос ёндашув нафақат журнал мақолаларида, балки қонун ҳужжатларида ҳам чалкашликларни келтириб чиқаради[2].

Таҳлил натижаси бизга, ахборот хавфсизлиги деганда, муҳим бўлган миллий манфаатларнинг яъни шахс, жамият ва давлат манфаатлари ички ва ташқи таҳдидлар таъсиридан ишончли ва ҳар томонлама мустаҳкам ҳимоя қилинганлигини аниқлашга имкон беради.

Ахборот жараёнларининг глобаллашуви ва ахборот жамиятининг шаклланиши дунёда янги глобал таҳдидларнинг пайдо бўлишига, шу жумладан ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларига бўлган таҳдидларнинг ошиб бориши ҳам сир эмас. Шу муносабат билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базасини, меъёрий ҳужжатларни ва ахборот хавфсизлиги тизимларини такомиллаштириш зарурати келиб чиқади. Бундан ташқари вазирлик ва идоралар ҳодимларининг онгига ахборот хавсизлигини таъминлаш муҳим эканлиги сигдирилиши лозим, чунки ахборот хавфсизлигига оид ҳар қандай мукаммал норматив-ҳужжат ишлаб чиқилмасин ёки замонавий қурилмалар амалиётга тадбиқ этилмасин, уларнинг барчасидан бевосита инсон омили фойдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, www.prezident.uz

2. Фролов К.В., Шерстюк В.П. и др. Безопасность России. Правовые, социально-экономические и научно-технические аспекты. Информационная безопасность. – М.: МГФ «Знание», 2005. – С.5.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ахборот эркинлиги прициплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сон Қонуни, 3-модда.

4. Васильев А.И. Система национальной безопасности Российской Федерации (конституционно-правовой анализ): Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – СПб.: СПбУ МВД РФ, 1999. – С. 16-17.

6. Ярочкин В.И. Информационная безопасность. – М.: Фонд «Мир», 2003. – С. 26.; Козлов В.Е. Теория и практика борьбы с компьютерной преступностью. – М.: «Горячая линия – «Телеком»», 2002. – С. 202.

7. Рахманов А.Р. Роль и место информационной безопасности в системе обеспечения национальной безопасности. / Проблемы информационной безопасности. – Т.: «Университет», 2008. – С. 253-259.

[1] Ярочкин В.И. Информационная безопасность. – М.: Фонд «Мир», 2003. – С. 26.; Козлов В.Е. Теория и практика борьбы с компьютерной преступностью. – М.: «Горячая линия – «Телеком»», 2002. – С. 202.

[2] Рахманов А.Р. Роль и место информационной безопасности в системе обеспечения национальной безопасности. / Проблемы информационной безопасности. – Т.: «Университет», 2008. – С. 253-259.

II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

T.S.Sharipov – SamISI katta o‘qituvchisi, i.f.n.,
M.O‘.O‘roqova – SamISI, MXT-118 guruh talabasi

EKOTURIZMNI RIVOJLANTIRISH – TURIZMNING TARAQQIYOTI OMILI

Annotatsiya: ushbu maqolada yurtimizda ekoturizmga bo‘lgan talablar, uning mamlakat uchun foydali tomonlari, sayyohlarni jalb qilishdagi ahamiyati, rivojlantirish usullari va turizmni rivojlantirishda tutgan o‘rni kabi masalalar yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: ekoturizm, turizm, turizm turlari, sayyohlar, tabiiy muhit, turistik xizmat ko‘rsatish, ekotur, tabiatni asrash, tabiiy sharoitdagi g‘orlar va tog‘lar, ekot urizm faoliyati.

Аннотация: в данной статье освещаются требования к экотуризму в нашей стране, его преимущества для страны, ее важность в привлечении туристов, пути ее развития и ее роль в развитии туризма.

Ключевые слова: экотуризм, туризм, туризм, туристы, природная среда, туристические услуги, экотуризм, охрана природы, пещеры и горы, экотуризм.

Abstpact: This article highlights the requirements for eco-tourism in our country, its benefits to the country, its importance in attracting tourists, the ways of its development and its role in tourism development.

Keywords: eco-tourism, tourism, tourism, tourists, natural environment, tourism services, eco-tourism, nature conservation, caves and mountains, ecotourism activities.

Bugungi kunda turizm jahon iqtisodiyotidagi tez rivojlanib kelayotgan tarmoqlardan biri hisoblanadi. Ayni vaqtda bu tarmoq neft qazib chiqarish va avtomobilsozlikdan keyin yirik uchlikka kiradigan, katta daromad keltiruvchi sohadir. Shu bois, hozirda turizm va unga bevosita hamda bilvosita xizmat ko‘rsatuvchi sohalarda jahon mehnat resurslarining butun dunyoda, turizm sohasini eng jadal rivojlanayotgan hamda serdaromad sohalardan biri deya aytolamiz. Shu sababli butun dunyoda, shuningdek, jannatmakon o‘lkamiz o‘zbekistonda ham turizmning barcha turlarini, xususan, ekoturizmni rivojlantirish mamlakat iqtisodiyotining yuksalishiga xizmat qilishi aniq.

Hozirgi vaqtda ekologik turizmga har qachongidan ham talab katta. Bu dunyoning barcha davlatlariga tegishli bo‘lib, faol dam olishning bir turi hisoblanadi. Unga ko‘ra, inson o‘z sog‘ligini tiklabgina qolmay, balki bir qancha estetik hissiyotlar oladi. Shu sababli ham ekologik turizm eng rivojlangan dam olish turi bo‘lib, bu sport turi ham hisoblanadi va u turizmning

eng rivojlangan sohasiga aylanmoqda. Ekoturizmning maqsadi hozirgi va kelajak avlodlarning ekologik xavfsizligi va barqaror rivojlanishini ta’minlash uchun tabiatdan turistik maqsadlarda oqilona foydalanishdan iborat.

Mamlakatimizda 865 ga yaqin sayyohlik korxonasi, 970 ga yaqin mehmonxona va kempinglar faoliyat yuritmoqda. Tarixiy obyektlar, tabiat ajoyibotlari va sog‘lomlashtirish majmualarining aksariyatini qamrab olgan 110 ta xalqaro sayyohlik yo‘nalishlari bo‘yicha xizmat ko‘rsatilmoqda. Ekologik turizmni rivojlantirish ayni paytda sohaning faoliyati va rivojlanishi, shuningdek, sohaning samaradorligini ta’minlaydigan muhim omillardan biridir.

Ayni paytda turizmning bu turi tabiiy muhitga eng kam salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi, barqaror rivojlanish konsepsiyasi talablariga to‘liq javob beradigan, o‘z navbatida katta daromad olishga imkon yaratadigan ayni bir soha. Bu sohaning rivojlanishi uchun uning metodologik asoslarini ishlab chiqarish zarur va shart. Bu metodologik asoslar esa o‘z navbatida birinchi o‘rinda O‘zbekiston respublikasining “Turizm to‘g‘risida’’ gi Qonunga, Prezidentimiz qaror va farmonlariga, hukumatimiz qarorlariga va davlat dasturlariga tayanadi.Shu o‘rinda davlatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning turizm sohasi bo‘yicha aytgan fikrlarini keltirib o‘tishni lozim topdik: “Turizm – iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri. Mavjud imkoniyatlardan samarali foydalangan holda, ushbu tarmoqni yanada takomillashtirish zarur, buni davrning o‘zi taqozo etmoqda’’.

Ma’lumki, mamlakatimiz turizm sohasi bo‘yicha rivojlanayotgan mamlakatlar qatoriga kiradi. Shu o‘rinda ekoturizm ham rivojlanishning dastlabki bosqichida turganligi sababli, turfirma va korxonalar taqdim etayotgan sayohatlar ro‘yxati va yo‘nalishlari juda past ko‘rsatkichga egadir. Shunga qaramay, mamlakatimiz turizmning barcha asosiy yo‘nalishlari bo‘yicha Toshkent mintaqasi yuqori ko‘rsatkichga ega. Boshqa mintaqalarning aksariyati esa past ko‘rsatkichlarni ko‘rsatadi. Shunday ekan, mavjud holatni yaxshilash uchun zarur chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amaliyotga tadbiq etish lozim. Ekoturizmning yil fasllariga bog‘liqligini va mavsumiyligini inobatga olgan holda kerakli tavsiyalarni berish kerak. Fikrimizcha, muhofaza etiladigan tabiiy hududlarning ma’lum bir qismini ekoturistik hududlarga ajratib, uning muhim ko‘rsatkichlarini hisoblab chiqib, undan keladigan daromad prognozini ishlab chiqish va kelajakdagi istiqbolini belgilash lozim bo‘ladi.

Ekoturizmni takomillshtirishda korxona va firmalar faoliyatini tubdan yangilash, shuningdek, ulardagi boshqaruv jarayonlarini isloh qilish, uning samaradorligini oshirish, xorij tajribalaridan ko‘proq foydalanish va amaliyotga joriy etish, turistik xizmatlar bozorini kengaytirish, mavjud resurslar salohiyatidan kengroq foydalanish, xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish hamda bozor iqtisodiyoti talablariga mos yo‘nalishlarni ishlab chiqish ham muhim hisoblanadi. Shuningdek, jahon miqyosida muhofaza etiladigan tabiiy hududlar ekoturizmni rivojlantirishning asosiy obyektlariga aylantirilganligi, kichik korxonalar sayyohlik firmalarining asosiy qismini tashkil etishi, ilgarigi oddiy dam olish ko‘nikmalari o‘rniga yangi taassurotlarga ega bo‘lish sayyohlarning

asosiy maqsadlariga aylanganligi, Markaziy Osiyo mamlakatlarida mahalliy hamjamiyat negizida turizmni shakllantirish loyihasi hamda boshqa xorijiy tajribalardan O‘zbekiston shart-sharoitlarini hisobga olgan holda foydalanish yo‘nalishlari bo‘yicha kerakli tavsiyalarni ishlab chiqishdan dalolat beradi.

Bugungi kunda mamlakatimizda ekoturizmdan olinadigan yalpi daromad va YaIM o‘rtasida kuchli chiziqli bog‘lanish mavjud bo‘lib, unga ko‘ra, ekoturizmdan keladigan qo‘shimcha daromadning 1 % ga ortishi Respublika YaIMning qo‘shimcha ravishda 0,87 % ortishiga olib keladi. Agar mazkur tarmoqning jahon YaIMdagi ulushi 10,2 % ni tashkil etishini inobatga oladigan bo‘lsak, u holda bizda olingan ushbu qiymat Respublika YaIM ning barqaror tendensiyasini ta’minlashga qodir emas.

Ko‘pgina ilmiy va ommabop adabiyotlar, shuningdek, ommaviy axborot vositalarida ham ekoturizmning o‘rni va ahamiyatini ochib berishga qaratilgan ko‘plab qarashlar olg‘a surilmoqda. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: “O‘zbekiston Respublikasida ekoturizmni rivojlantirishning ahamiyati nimalardan iborat?’’. Buning bir necha asoslari bor:

- Birinchidan, xalqaro maqomdagi tashkilot va muassasalarning ma’lumotlariga qaraganda, turizmning ko‘p turlari yiliga o‘rtacha 5% ga ortib borayotgan bo‘lsa, ekoturizm yiliga o‘rtacha 20-30 % ga ko‘payib bormoqda. Ko‘pchilik soha mutaxassislari va tadqiqotchilarining ilmiy tajriba va xulosalari shuni ko‘rsatadiki, ekoturizm turizmning nisbatan yangi va yosh yo‘nalishlaridan biridir. Shunga qaramay, uning ommalashuvi turizmning boshqa yo‘nalishlariga nisbatan 2-3 barobar jadal rivojlanib bormoqda;
- Ikkinchidan, O‘zbekistonda turizmning tarixiy, diniy, madaniy turizm kabi turlari bo‘yicha muayyan yutuq va tajribalar bazasi shakllandi;
- Uchinchidan, ayni paytda O‘zbekistonda 30 dan ortiq muhofazaga olingan qo‘riqxona, milliy bog‘, nodir tabiat yodgorliklari, 60 ta o‘rmon xo‘jaliklari faoliyat yuritmoqda. O‘z navbatida mamlakatimizda 400 dan ortiq tabiatning noyob yodgorliklari mavjud.

O‘lkamiz ekoturistik resurs va imkoniyatlarga juda boy. Turoperatorlik firmalari tomonidan “Toshkent-Chorvoq-toshkent’’, “Toshkent-Bildirsoy-Chimyon-Toshkent’’, “Toshkent-Zomin-Toshkent’’, “Toshkent-Aydarko‘l-Toshkent’’ kabi marshrutlarida o‘tkazilgan ekoturlar, cho‘l hududlarida tuyalarda sayr qilish, nafaqat O‘zbekiston, balki butun dunyo turistlarining e’tibot va e’tiroflariga sazovor bo‘lmoqda. Shunga qaramay, tadqiqotchilarimiz olib brogan tahlil natijalariga ko‘ra, ekoturistik xizmat faoliyatlarini yuritayotgan turoperatorlik firmalarining aksariyat qismi, asosan, Chimyon-Chorvoq rekreatsiya zonasi doirasida faoliyat yuritmoqda, xolos. Bu juda achinarli hol albatta. Buning asosiy sababi, mamlakatimiz hududi tabiiy ekoturistik resurslar, tabiatning noyob yodgorliklariga boy bo‘lishiga qaramay, majmuali va mavzuli ekoturlar tashkil etish to‘laqonli yo‘lga qo‘yilmagan. Bundan tashqari, o‘lkamizda 500 dan ortiq g‘orlar mavjud bo‘lib, yetarli turistik infratuzilmaga ega bo‘lmaganligi sababli ularning birortasiga hanuzgacha ekoturlar tashkil etilmayapti. Ma’lumotlarga ko‘ra, bu boradagi

tahlillar shuni ko‘rsatadiki, ekoturizm yo‘nalishada tabiatni, geotizimlarni yaxshi biladigan, tabiatda va tabiatning ekstremal sharoitlarida guruhni boshqara oladigan, zarur bo‘lganda birinchi tibbiy yordamni ko‘rsatish malakasiga ega bo‘lgan malakali kadrlar tayyorlash dolzarb masalalardan biri ekanligini. Sababi diniy, tarixiy madaniy turizmlar asosan markaziy, ya’ni shahar joylarda, turistik infrastruktura va servis obyektlari yetarli joylarda o‘tkazilsa, ekoturlar tabiat qo‘ynida va geotizimlarda olib boriladi, aksariyat ekoturlar ekstremalligi bilan harakterlanadi.

Dunyo tajribasida ekoturizmni rivojlantirishning qulayligi shundaki, unda turistlarga yuqori darajada xizmat ko‘rsatuvchi mehmonxonalar va joylashtirish vositalarini qurish talab etilmaydi. Sayyohlikning bu turida an’anaviy hordiq chiqarish va maishiy qulayliklarga ikkinchi darajali masala deb qaraladi. Bundan tashqari, ekoturizm dasturlarida sayyohlarning ekologik bilimi va madaniyatini oshirish maqsadi ham alohida nazarda tutiladi. Tabiatning betakror manzaralarini tomosha qilish uchun chodir tikib tayyorlash va kempinglar qurishda o‘ziga xos talablarga rioya qilinadi. Bunda yuqori malakali mutaxassislar xizmati, dam oluvchilarning xavfsizligini ta’minlash eng muhim masalalardan biridir.

Qisqacha aytganda ekoturizmni rivojlantirishdan ko‘zlangan asosiy maqsad bu – jahon turistik xizmat bozorida O‘zbekistonning ekoturistik salohiyati, tabiiy potensiali va resurslarini namoyish etish, shuningdek, hududlarning, ayniqsa, tabiatning ekoturistik resurslari va imkoniyatlaridan yanada samarali foydalanishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar olib borishni rag‘batlantirish, turizmni rivojlantirishda ekoturizmning ahamiyati va ulushini oshirish, joriy etilgan turistik faoliyatda ekoturistik xizmatlar sifatini tubdan takomillashtirish va ekoturistik xizmatlar hajmini jadal oshirish, istiqbolda ekoturizmni rivojlantirishga qaratilgan ilmiy, innovatsion va metodik ishlanmalarini yaratish hisoblanadi. Yurtboshimiz rahnamoligida amalga oshirilayotgan bunday keng ko‘lamli ishlar mamlakatimizning jahon miqyosidagi obro‘-e’tiborini yanada yuksaltirish, milliy qadriyatlarimizni keng targ‘ib qilish borasidagi izchil islohatlarning amaldagi ifodasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1.Егоренков Л.И. Экология туризма и сервиса: учебное пособие. – М .,2004

2.Tuxliyev I.S. Turizm asoslari. O‘quv qo‘llanma – Samarqand. SamISI, 2010.

3. Internet saytlari :

- www.ekonomtour.ru- экономические туры.
- www.world-tourism.org-всемирная туристская организация.

Х.И.Турдибеков – к.э.н., доцент Международный университет туризма “Шелковый путь”

ОСОБЕННОСТИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА РАЗВИТИЯ ОТРАСЛИ ТУРИЗМА

Аннотация: в этой статье авторы рассмотрели особенности стратегического анализа туристической отрасли, оценивая новые задачи, стоящие перед развитием национальной экономики туризма. Используя инструменты стратегического анализа SWOT критически оценены слабые стороны и угрозы, а также определены сильные стороны и возможности развития туристической отрасли отдельного региона. Стратегическое управление как наука управления в долгосрочном периоде нашла своё отражение во всех отраслях экономики. Однако изучение стратегического управления в сфере туризма в развивающихся странах с учетом переходного периода в постиндустриальное общества не до конца исследована и считается актуальной задачей.

Ключевые слова: стратегия, туризм, стратегический анализ, SWOT анализ, региональный туризм

Аннотация: ушбу мақолада муаллифлар туризм соҳасини стратегик таҳлил қилиш хусусиятларини ўрганиб чиқиб, миллий туризм иқтисодиётини ривожлантириш олдида турган янги муаммоларни кўриб чиқишган. Стратегик таҳлилнинг SWOT воситаларидан фойдаланиб, кучсиз томонлар ва таҳдидлар танқидий баҳоланган ва маълум бир ҳудудда туризм саноатини ривожлантириш учун кучли томонлар ва имкониятлар аниқланган. Бошқару бўйича билимлар соҳаси сифатида узоқ муддатли стратегик ривожланиш иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўз аксини топди. Бироқ, ривожланаётган мамлакатларда туризм соҳасида стратегик ривожланиш масалалари тўлиқ ўрганилмаган ва долзарб ҳисобланади.

Калит сўзлар: стратегия, туризм, стратегик таҳлил, SWOT таҳлили, минтақавий туризм

Abstract: In this article, the authors examined the features of the strategic analysis of the tourism industry, evaluating the new challenges facing the development of the national tourism economy. Using SWOT strategic analysis tools, weaknesses and threats are critically evaluated, and the strengths and opportunities for the development of the tourism industry in a particular region are identified. Long-term strategic management as a management science has been reflected in all sectors of the economy. However, the study of strategic management in the field of tourism in developing countries, taking into account the transition period into a post-industrial society, has not been fully studied and is considered an urgent task.

Keywords: strategy, tourism, strategic analysis, SWOT analysis, regional tourism

Стратегическое управление как наука управления в долгосрочном периоде нашла своё отражение во всех отраслях экономики. Однако изучение стратегического управления в сфере туризма в развивающихся странах с учетом переходного периода в постиндустриальное общества не до конца исследована и считается актуальной задачей.

Современная индустрия туризма является одной из наиболее динамично развивающихся сфер в международной торговле услугами. В последние 2018

году среднегодовые темпы роста числа прибытий иностранных туристов в мире составили 5,1%, валютных поступлений- 14%, количество прибытий туристов в мире составляет около 1,4 млрд. А общая сумма экспорта международных туристических услуг превысило 1,7 триллионов долларов США[1]. Удовлетворить сегодня быстро меняющиеся потребности туристов становится возможным за счет усиления интеграционных процессов как внутри системы туризма, так и с внешней средой.

Однако вместе с развитием туризма возникают, развиваются и актуализируются проблемы устойчивого развития туризма, решение которых методами, сложившимися в прошлом, практически невозможно, что приводит к снижению конкурентоспособности этой прибыльной отрасли, отсутствие возможности наиболее полного удовлетворения растущего спроса на качественные туристские услуги. Все это показывает на необходимость использования системного подхода в стратегическом планировании туризма.

Цель исследования состоит в решении следующих задач:

– изучить особенности стратегического управления развития туризма и его места в системе регионального управления;

– охарактеризовать проблемы воспроизводства туристской инфраструктуры и направления их разрешения в системе стратегического планирования развития туризма как части социально-экономической системы региона;

– изучить методологические основы ресурсного обеспечения развития туризма, гостиничного хозяйства;

– установить особенности и основные инструменты разработки стратегии развития туризма, гостиничного хозяйства;

– охарактеризовать современные технологии и процедуры стратегического планирования развития туризма в регионе;

– разработать действенную стратегию регионального развития туризма на примере города Самарканда.

В работе изучены особенности и разработана методология стратегического анализа внешней среды на примере туристической отрасли. В частности на основе обзора литературы выявлены особенности стратегического анализа в отрасли туризма и даны рекомендации по разработке стратегии развития туристической отрасли. Проанализированы пути развития туризма в отдельных регионах Республике Узбекистан на примера города Самарканда.

При этом на основе стратегического анализа туристического кластера города Самарканда и разработки рекомендаций по развитию туризма в регионе авторы постулируют следующие гипотезы:

1. Существует взаимосвязь при изучении туризма на основе кластерного подхода по типологии Портера относительно уровней кластера. В работе предполагается разделение участников кластера на три уровни.

2. Разработка общей стратегии для туристического кластера города

[1] International Tourism Highlights, 2019 Edition /https://www.e-unwto.org/doi/pdf/10.18111/9789284421152

Самарканда имеет очень большое значение особенно при начальном развитии туристического региона.

3. При стратегическом анализе туристического кластера наиболее эффективен метод анализа SWOT.

4. Существует разница применяемых стратегий на уровне государства, отрасли, региона и предприятия. Однако данные стратегии взаимосвязаны. Так, стратегия туристического кластера региона на прямую влияет на корпоративную стратегию предприятий, входящих в туристический кластер.

5. При выборе стратегии на основе сопоставления вариантов сценарий развития будет выбрана оптимальная стратегия. Развитие туризма в городе Самарканд на основе этой стратегии приведет к повышению социально-экономического уровня региона. Реализация общей стратегии туристического кластера положительно скажется на повышении качества предоставляемых услуг участников кластера.

6. Принятая стратегия на основе кластерного подхода позволит сократить срок внедрения инноваций в туристическую отрасль города Самарканда. Стратегическое управление на основе кластерного подхода имеет не только экономические выгоды, но подразумевает положительные социальные последствия.

Проблема научно-методического связана прежде всего с отсутствием методических рекомендаций по разработке и реализации концепций развития туризма в регионах, которые отвечают на вопросы: что?, в каком порядке?, каким образом? и кто? должен делать, чтобы в результате получить документ, характеризующий территориальное стратегическое развитие туризма; по комплексной оценке качества концепций развития туризма в регионах, с помощью которых можно было бы как производить самооценку подготовленных материалов (и вносить на их основе соответствующие коррективы), так и обоснованно «защищать» их в ходе разного рода согласований. Огромный круг проблем научного, организационного, информационно-технического и финансового характера в сфере информационного обеспечения процесса стратегического регионального планирования развития туризма имеется, без решения которых трудно рассчитывать на существенное улучшение ситуации.

При этом необходимо осуществить следующие меры:

- Для уточнения сути и перспектив стратегического развития туризма следует законодательно сформулировать конкретный понятийный инструментарий в этой области.
- Для реализации на практике выявленных закономерностей зависимости предприятий туристического комплекса (гостиницы, турфирмы, транспортное хозяйство, музеи, и прочие) сформулированы концептуальные положения региональной кластерной политики, направленные на развитие туризма в городе Самарканд.
- Будет разработан методический подход в формировании стратегии туризма в городе Самарканд, базирующийся на активной роли региональных

органов власти, поддержании кластерных инициатив, стимулировании их развития и проведении мониторинга их эффективности.

•При этом будет обоснована гипотеза о создании широко разветвленной сети информационного сопровождения в виде единой информационной службы. Региональные государственные органы опираясь на анализ данных единой информационной службы, разработать комплекс программ по формированию стратегии развития туризма контролировать ход его выполнения.

•Будет разработан методический инструментарий по стратегическому анализу туризма и разработке и реализации стратегии региона и инструмента государственной социально-экономической политики с учетом инновационного и инфраструктурного туристского потенциала города Самарканда, способствующий повышению конкурентоспособности потенциального ядра кластера. Будет система критериев и показателей оценки эффективности стратегии развития туризма в городе Самарканд.

Развитие туриндустрии города Самарканда приведет к созданию дополнительных рабочих мест, это в свою очередь, это увеличит вклад туриндустрии в экономику региона за счет налоговых поступлений в бюджет, потребность в новых туристских маршрутах будет содействовать сохранению и рациональному использованию потенциала региона, в первую очередь это касается памятников истории, культуры, архитектуры, репутация города Самарканда, как региона благоприятного для туризма, упрочится, также это благотворно повлияет на имидж региона в целом.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ, ҲАМДА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада “Туризмнинг иқтисодий вазифаси, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда меҳмонхоналарнинг ўрни ва ривожлантириш йўналишлари кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Туризм, меҳмонхона, туристик ресурс, туристик мажмуа, саёҳат, хизмат кўрсатиш.

Аннотация: в статье широко представлена статья «Экономическая функция туризма, роль и развитие гостиниц в развитии народного хозяйства Узбекистана».

Ключевые слова: Туризм, гостиница, туристический ресурс, туристический комплекс, путешествия, сервис.

Abstpact: The article “The economic function of tourism, the role and role of the guest in the development of the national economy of Uzbekistan” is widely represented in the state.

Key words: Tourism, hotel, tourist resource, tourist complex, travel, service.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида Меҳмонхона хўжалиги туризм соҳасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли

туризм ривожланиши меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бундай ҳудудларда туристик марказларни очиш кўпгина давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида туристик марказларнинг ташкил қилиниши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли яшаш даражасининг яхшиланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда бой туристик ресурсларга эга бўлишига қарамай, мавжуд имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда ортиқча иш кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим соҳа ҳисобланади. Чунки, хусусий тадбиркорлик учун жазибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам қишлоқда ҳам етарли даражада ривожланган эмас. Хизмат ва сервис соҳасининг ривожланмаганлиги аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил қилади [1] . Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори ривожланган мамлакатларда 50-60 фоиздан кам эмас.

Кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда, хусусан ўзимизда ҳам шаҳарларда яшовчиларнинг хордиқ чиқариши учун дам олиш кунлари қишлоқларга чиқиши одат тусига кириб бормоқда. Бу шунга олиб келдики, қишлоқ аҳолиси туризм билан боғлиқ иккинчи ихтисосликка эга бўлиш ва қишлоқнинг хушманзара жойларида туристик мажмуаларни қуриб ишга туширишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаб олиш имконини яратади.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида**,** Туризм кўламининг кенгайиши билан хизмат кўрсатиш корхоналарининг, жумладан меҳмонхоналарнинг сони ҳам ошиб бораверади. Булардан ташқари туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ соҳага яна кўплаб корхоналар, хўжалик юритувчи субъектлар (овқатлантириш шахобчалари, транспорт, кўнгилочар объектлар ва б.) киради ва улар туристик мавсум давомида фаолият кўрсатади. Уларнинг пул айланмаси туристлар сонига қараб ортади.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли бўлиб, иқтисодиётнинг тезлик билан ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда туризмнинг юқори суръатлар билан ўсиши, ката ҳажмдаги валюта тушумларини таъминлаш орқали иқтисодиётга ижобий таъсир этиб, мамлакат туризм индустриясининг ривожланишига ҳам имкон беради. Чунки, туризм тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосида меҳмондўстлик ётади. Бу инсониятнинг азалий одати бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Олдин меҳмонлар ўз уйида, хонадонида кутиб олинган. Ҳозир унинг мазмуни ўзгарди. Одатда одамлар бир неча кун, хафта, ой мобайнида уйидан узоқда яшашига тўғри келади. Унга «бегона» кишиларнинг қўллаб-

[1] Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2017. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2018.-72 бет.

қувватлаши ва ёрдами керак бўлади. Бу эса меҳмондўстлик орқали амалга оширилади.

Туризм асосан, ўз ичига инсонларнинг кўнгил ёзиш, хордиқ чиқариб дам олишга мўлжалланган ҳатти-ҳаракатларини олади. Бундан ташқари, туризмга иш ҳамкорлари ва узоқдаги дўст-қариндошлар билан учрашиш кабилар ҳам кирсада, бундай саёҳатлар давомида ҳам кўнгилхушлик ва хордиқ ёзишлардан воз кечилмайди.

Жумладан сайёҳнинг ёши талаб сегментининг улушини ва у ёки бу ёш гуруҳларнинг туризм хизматларига асосий талабларини (болаларга, ёшларга аталган, ўртача ёшлилар) белгилайди Масалан, бугунги кунда ёши белгиси бўйича талаблар туризм бозорининг долзарб гуруҳини 35 ёшгача бўлган оиласиз ёшлар ташкил этадики, улар билим даражасининг юқорилиги муваффақиятга интилишлари, моддий жиҳатдан таъминланганликлари, ўзининг оила ва уй ташвишлари билан боғлашни истамасликлари билан характерланади. Европанинг йирик саноат шаҳарларида "ёлғиз" лар гуруҳи умумий аҳоли сонининг қарийиб 50% ни ташкил қилади. Туризмнинг ғарбий бозорида фақат шу сегмент билан ишлайдиган фирмалар мавжуд. Жумладан, Германияда бу сегментдаги талаблар даражаси 6-8 миллион кишини ташкил этади, ёки талабнинг яна бир истиқболли ёш гурухи "сенъиорлар" (50 ёш ва ундан катта ёшдагилар)дир. Бу гуруҳ вакиллари моддий жиҳатдан таъминланганлар ҳаётдан фаол ҳузурланишга интиладилар ва шахсий эҳтиёжларига "чиройли ҳаёт"га пул сарфлашга тайёрдирлар[1].

Туризм мураккаб социал-иқтисодий система сифатида турли вазифаларни бажаради. Уларга: таништирув, рекреацион ёки соғломлаштириш, сиёсий, иқтисодий, тарбиявий йўналишларни киритиш мумкин. Саёҳат орқали инсон дунёни танийди, тажриба орттиради, янгиликлар кашф этади, ўзининг дунёқарашини шакллантиради ва бунинг натижасида фан, маданият, санъатни ривожлантириб ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларига айланади. Саёҳат орқали одамлар ўзларининг соғлиқларини тиклайдилар, янги таъссуротлар олиб ўзларининг физик ва психологик ҳолатларини яхшилайдилар. Туризм ёрдамида мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўядилар. Чунки тарихан туризм доимо тинчлик ва дўстлик тимсоли сифатида мамлакатларни ўзаро боғлаган. Буларнинг барчаси миллат маданиятини кенгайтирган ва ўзаро тинч муносабатларни ўрнатган.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида**,** туризмнинг иқтисодий вазифаси шуки, туризм бу мамлакатда илғор тармоқ бўлиб, туризм билан ҳамкорликда ишлаётган айрим иқтисодий фаолият турларини ривожланишига ёрдам беради. Туризмнинг тарбиявий йўналишдаги вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, бундан ташқари чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, мамлакатини соғинади ва қадрлайди, бошқа миллат дунёқарашига, урф-одатларига ҳурмат билан

[1] Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. – 1063 с.

қарайдиган бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризм ва меҳмонхоналарнинг ўрни ва аҳамиятини оид масалаларни тадқиқ қилиб, ушбу муаммоларнинг мамлакатимиз олимлари томонидан назарий ва амалий жиҳатлари кам ўрганилганлигига ва шу масалаларнинг иқтисодий адабиётларда кам ёритилганлигига гувоҳ бўлдик. Натижада Ўзбекистон бой туристик ресурсларга эга бўлишига қарамай, мавжуд имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳажмда эмаслигига ҳам амин бўлдик. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда мавжуд меҳмонхоналардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга маълум даражада тўсиқ бўлаётганлиги ҳам сир эмас.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризм ва меҳмонхоналарнинг ўрнини таҳлил қилиб шундай хулосага келиндики, ҳали туризмнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни жуда паст. Аммо унинг ўсиш даражасининг жадаллиги унинг мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлиши мумкинлиги хусусида умид бағишлайди.

Х.М.Сайдахмедов – к.э.н., доцент Институт прогнозирования и макроэкономических исследований

ПЕРСПЕКТИВЫ СОЗДАНИЯ И РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ ГЕОТУРИЗМА

Аннотация. Статья посвящена перспективам создания и развития геотуризма в Узбекистане. Приводятся критерии отнесения природных территорий к геологическим памятникам. Дается оценка природному потенциалу республики для создания геотуризма, а также конкретные предложения и направления по развитию геотуризма.

Ключевые слова: геотуризм, туризм, геопарк, геологические памятники природы, природные геологические феномены, основные направления, критерии оценки.

Аннотация: мақола Ўзбекистонда геотуризмни яратиш ва ривожлантиришга бағишланган. Бунда табиий ҳудудлар геотуризмни ривожлантириш нуқтаи назаридан баҳолаш мезонлари келтирилган. Республикада геотуризмни яратиш учун мавжуд табиий салоҳият баҳоланган ҳамда бу соҳани ривожлантириш учун аниқ таклиф ва йўналашлар берилган.

Калит сўзлар: геотуризм, туризм, геопарк, геологик қўриқхоналар, табиатнинг геологик ҳодисалалари, асосий йўналишлар, баҳолаш мезонлари.

Abstpact: The article is devoted to the prospects of creating and developing geotourism in Uzbekistan. Criteria for classifying natural areas as geological monuments are given. The assessment of the natural potential of the republic for creating geotourism, as well as specific proposals and directions for the development of geotourism is given.

Keywords: geotourism, tourism, Geopark, geological monuments of nature, natural geological phenomena, main directions, evaluation criteria.

Всем известно, что в последние годы в Узбекистане большое внимание уделяется развитию туризма. В связи с этим в январе 2020 года в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису отмечено, «…мы должны превратить индустрию туризма в стратегическую отрасль экономики. Как известно, ряд авторитетных зарубежных изданий назвал Узбекистан в числе стран, которые обязательно стоит посетить. ... Нам нужно эффективно воспользоваться этим высоким вниманием и доверием. Еще одна важная задача – ускорить включение в списки объектов материального и нематериального культурного наследия ЮНЕСКО новых объектов Узбекистана».

С этой точки зрения диверсификация туристических услуг и создание геотуризма в Узбекистане является актуальным направлением развития отрасли.

Геотуризм – сравнительно новое, но чрезвычайно интенсивно развивающееся направление деятельности глобальной индустрии туризма. Опираясь на мировой опыт по развитию геотуризма можно выделить некоторые общие критерии организации подобных предприятий и общие принципы успешной реализации таких проектов в Узбекистане. Геологические памятники природы для туристов могут быть не менее привлекательными чем памятники архитектуры. Об этом говорит тот факт, что сегодня во всем мире набирает обороты зародившееся в 80-е годы прошлого столетия направление туристической индустрии – геотуризм.

С точки зрения геологии, а также экономики, геотуризм можно трактовать, как специфический метод недропользования, при котором сами недра и их ресурсы остаются нетронутыми, а используются только их информационные и эстетические атрибуты. Основными объектами геотуризма являются геопарки – музеи, где представлены геологические образования, официально признанные объектами национального природного, исторического и культурного достояния. Системообразующими элементами геопарка являются геологические памятники природы. При этом, с позиций организации рентабельного предприятия, геопарки не рассматриваются как территории, предназначенные только для геологов. Наиболее эффективной маркетинговой формой стал вариант, когда геопарки, рассматривают как составную часть национального, культурного и исторического достояния.

Согласно критериям отнесения природных территорий к геологическим памятникам («Конвенция ООН об охране культурного и природного наследия Земли», 1972 г., Париж) подобные объекты должны:

- представлять шедевр человеческой созидательной деятельности, строительную, архитектурную, технологическую или ландшафтную целостность, величайший природный геологический феномен;
- обеспечивать обмен человеческими ценностями, сохранность культурных традиций различных эпох цивилизации;
- отражать естественное, традиционное для той или иной эпохи, человеческое поселение или результаты недропользования, геологические эпохи в развитии Земли, развитие форм рельефа или природных геологи-

ческих процессов;

- характеризовать современные важнейшие эколого-биологические процессы, происходящие на земле, и естественные среды обитания.

Однако, в практике выявления и сертификации потенциальных объектов геологического наследия Узбекистана, возникла необходимость несколько расширить атрибуты геологических памятников природы. В связи с чем к таковым предлагается относить не только «… величайшие природные геологические феномены» и «территории с уникальными, невосполнимыми, ценными в экологическом, научном, культурном и эстетическом отношении природными объектами», но и целый ряд геологических образований.

Подобный подход объясняется следующими причинами:

- большая часть существующей дневной поверхности геосферы сформировалась под воздействием именно геологических процессов и представляет собой результаты их проявлений;

- большая часть населения Земли существует в окружении геологических образований и знания именно об их формировании и развитии имеют важное значение в повседневной жизни;

- нередко именно геологические «феномены» становятся эталонами.

Яркий пример, государственный Китабский геологический заповедник, расположенный в Китабском районе Узбекистана, где на основе уникальных разрезов выбран эталон (= стандарт) нижней границы Эмсского яруса Девонской системы.

В результате исследований геологов Узбекистана, на территории страны выявлено:

- более 100 объектов, которые по своим научным, познавательным характеристикам отвечают требованиям, предъявляемым к геологическим памятникам природы. Еще большее число объектов определены как резервные. Неординарным объектом является восточный чинк Устюрта на западном берегу Аральского моря. Здесь происходят процессы разрушения, обусловленные как геологическим строением самого плато, так и гидрогеологическими, гравитационными и другими процессами.

Другой зоной, подходящей для организации геопарка, является юго-западный Гиссар, где существуют участки с ненарушенным первичным залеганием слоев, что является редким явлением в молодых и растущих складчатых (горных) областях.

Третий перспективный участок – верховье Пскема. Здесь туристов ожидает знакомство с процессами, формирующими геоморфологический облик территории.

Однако все это относится к научной стороне обоснования объектов геотуризма. Практическая работа по организации и эксплуатации научно – познавательных предприятий зависит от определенных факторов. В первую очередь, следует ясно представлять, какие именно функции присущи подобным структурам.

Также необходимо достаточно ясно представлять общие принципы

технологии создания геопарка, как рентабельно функционирующего предприятия. При этом, очень важным обстоятельством является то, что на всех этапах организации объектов геотуризма необходимо прямой участие государства, выражающееся в реализации специальной государственной программы по созданию геопарков и развитию геотуристического направления в стране.

Основными направлениями создания и развития геотуризма в Узбекистане являются:

- определение геологических объектов и территорий, наиболее перспективных для создания геопарков. Выбор конкретных объектов. При необходимости доизучение;
- составление профессионального бизнес-плана по созданию геопарка;
- межведомственное согласование всех вопросов, связанных с темой;
- создание производственной и социальной инфраструктуры;
- профессиональная и активная реклама самой программы и конкретных объектов геотуризма, как в стране, так и за рубежом;
- подготовка гидов, разработка маршрутов осмотра, мониторинг состояния объектов;
- получение необходимого минимума специальных знаний по выявлению и оценке неординарных геологических объектов, основам туристического бизнеса, маркетинга и др.

Z.O.Raximov – SamISI turizm kafedrasi katta o‘qituvchisi, i.f.n.,
Sh.Omonov – SamISI turizm kafedrasi assistenti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TURIZM RIVOJLANISHINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI

Annotatsiya: maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm rivojlanishining o‘ziga xos jihatlari qarab chiqilgan bo‘lib, dastlab raqamli iqtisodiyot tushunchasi bo‘yicha va raqamli iqtisodiyot sharoitida turizmda raqamli texnologiyalarni faol joriy etishga qaratilgan masalalar yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, internet, mobil va sensorli tarmoqlar, raqamli texnologiya, biznes xamkorlik, turizm, turizmda raqamli texnologiyalar.

Аннотация: в статье рассматриваются особенности развития туризма в условиях цифровой экономики, в первую очередь объясняются понятие цифровой экономики и вопросы применения цифровых технологий в условиях в цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, интернет, мобильные и сенсорные сети, цифровые технологии, деловые партнерства, туризм, цифровые технологии в туризме.

Abstpact: the article reviews the peculiarities of tourism development in the context of digital economics, firstly explaining the issues of digital economy and the active application of digital technologies in tourism in the digital economy.

Keywords: digital economy, internet, mobile and sensor networks, digital technology, business partnerships, tourism, digital technologies in tourism.

Raqamli iqtisodiyot uy xo‘jaligining o‘ziga xos turi bo‘lib, unda ishlab chiqarish, tarqatish, almashish va iste’mol qilishda eng muhim manba raqamli ma’lumotlar va ma’lumotlarni boshqarishning tegishli usullari hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyot raqamli infratuzilishga asoslanadi, bu hisoblash, telekommunikatsiya, tarmoq ehtiyojlarini ta’minlaydigan va raqamli asosda ishlaydigan texnologiyalar va infratuzilma elementlari to‘plamidir.

Raqamli iqtisodiyotni o‘rganishimizda dastlab raqamli iqtisodiyotga chet elda berilgan ta’riflarini ko‘rib chiqamiz[1]:

Raqamli iqtisodiyot internet, shuningdek mobil va sensorli tarmoqlar tomonidan qo‘llab-quvvatlanib boshqariladigan global tarmog‘li iqtisodiy va ijtimoiy faoliyat [Avstraliya hukumati, 2009].

Raqamli iqtisodiyot jamiyat, biznes va davlatning bilim va raqamli texnologiyaga tayangan yangi raqamli ko‘nikma doirasida shakllanadigan iqtisodiyotning yangi bug‘ini [Jahon banki, 2016].

Raqamli texnologiyaga asoslangan iqtisodiyot. Internet tarmog‘i va butunjahon o‘rgimchak turiga asoslangan holda bozorlarda biznes xamkorlikni yuritishni amalga oshirilishini ko‘proq tushunamiz. [British Computer Society, 2013].

Deyarli cheksiz va doimiy ravishda o‘sib boradigan tugunlar bilan o‘zaro bog‘langan bir necha darajalardan yoki qatlamlardan tashkil topgan murakkab tuzilma [Yevropa Parlamenti, 2015].

Raqamli texnologiyalarga asoslangan, ya’ni Internetda elektron tijoratdan foydalangan holda tovarlar va xizmatlar savdosini osonlashtiradigan bozor [Fayyaz, 2018].

Yuqori sifatli AKT infratuzilmasini namayon qilishga va AKT imkoniyatlarini iste’molchilar, biznes va davlat foydasi uchun safarbar qilishga qodir iqtisodiyot [The Economist, 2014].

Odamlar, korxonalar, qurilmalar, ma’lumotlar va jarayonlarning tarmoqlararo o‘zaro munosabatlari tufayli milliardlab misollarda namayon bo‘ladigan iqtisodiy faollik shakli. Raqamli iqtisodiyotning asosi giperaloqalik, ya’ni Internet va mobil texnologiyalar tufayli odamlar, tashkilotlar, mashina va texnikalarning o‘zaro bog‘liqligi oshib borishidir [Deloitte, 2019].

Raqamli texnologiyalarga bog‘liq bo‘lgan iqtisodiyot [European Commission, 2014].

Raqamli iqtisodiyot nomoddiy aktivlarga tayangan holda, ma’lumotlardan ommaviy foydalanish, ko‘p qirrali biznes modellarining keng qo‘llanilishi va narxlarning yaratilishda yurisdiktsiyasini aniqlashning murakkabligi bilan tavsiflanadi [OECD, 2015].

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishning asosiy manbai hisoblanadi. Investitsiyalar va innovatsiyalar raqobatini rivojlantiradi, bu esa xizmatlar sifatining yaxshilanishiga, iste’molchilar talablarining oshishiga, yangi ish o‘rinlarining yaratilishiga olib keladi [European Commission, 2018].

[1] Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение. - Москва: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019. 12-13 стр.

Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi tufayli mehnat unumdorligi, kompaniyalarning raqobatbardoshligi, ishlab chiqarish, ish o‘rinlari tashkil etilishi, kambag‘allikning kamayishi va ijtimoiy o‘sish kuzatiladigan iqtisodiyotdir [Jahon banki, 2016].

Fan, texnologiya va innovatsiyalar bilan bog‘liq holda yangi tarmoqlarning shakllanishi raqamli iqtisodiyotni rivojlanishiga turtki bo‘lmoqda, biz yuqoridagilarni hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotda o‘zaro bog‘liq bo‘lgan quyidagi ta’riflarni ko‘rib chiqamiz:

- raqamli iqtisodiyot – bu raqamli texnologiyalar va unga bog‘liq bo‘lgan mahsulotlar va xizmatlarni yaratish, tarqatish hamda ulardan foydalanish sohasidagi faoliyat;
- raqamli texnologiya - ma’lumotlarni to‘plash, saqlash, qayta ishlash, qidirish, uzatish va elektron ko‘rinishda taqdim etish texnologiyasi.

Raqamli iqtisodiyot uchun raqamli ma’lumotlarning ishlab chiqarishning barcha boshqa elementlariga nisbatan ustunlik darajasi, ya’ni raqamli ma’lumotlar ishlab chiqarishning hal qiluvchi omilidir.

Turizm butun dunyo iqtisodiyoti va ko‘plab mamlakatlarning milliy iqtisodiyoti uchun iqtisodiy faoliyatning eng muhim sohasiga aylandi. Bunga qo‘shimcha ravishda, turizm va mehmondo‘stlik sanoati ma’lumotlarga boy, bu yerda raqamli boshqaruvni to‘plash, uzatish va qayta ishlash juda muhimdir, turizmni boshqarishning barcha darajalarida qaror qabul qilishda. Shu sababli, raqamli iqtisodiyot paradigmasining shakllanishi raqamli iqtisodiyotning yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan faol foydalanayotgan turizm sohasiga bevosita bog‘liq emas. Turizm biznesini axborot bilan ta’minlash - bu turistik faoliyatning ma’lumotlar bazasi va uni qayta ishlashga mo‘ljallangan, turizm tizimining samarali ishlashini ta’minlaydigan ixtisoslashgan axborot texnologiyalarining to‘plami.

Turizmda yagona axborot makonini shakllantirish masalalari muhokama qilinmoqda va turizm sohasi rahbarlari bu borada ko‘p ishlarni amalga oshirmoqdalar. Turizmda raqamli texnologiyalarni faol joriy etishga qaratilgan, ko‘plab biznes-jarayonlar olib borilmoqda. Bunda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning yangi paradigmasiga binoan, shu jumladan turlarni bron qilish tizimlari, elektron tijorat texnologiyalari va shu kabilar.

Turizm ichidagi turizmning axborot makoni bozorning barcha ishtirokchilari, shu jumladan turoperator sayyohlik agentliklari, turar joy binolari, transport kompaniyalari va o‘z-o‘zini turizmning o‘zaro aloqasini tashkil qiladi. Axborot makonining asosiy tarkibiy qismlari axborot resurslari, axborot va o‘zaro ta’sir o‘tkazish vositalari va axborot-axborot infratuzilmasi hisoblanadi.

Axborot muhitining rivojlanishi zamonaviy iqtisodiyotning hal qiluvchi omiliga aylanadi va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanish darajasi turizm biznesini tashkil etishning barcha jihatlariga bevosita ta’sir qiladi. Virtual kompaniyalar, turoperator va tuzilmaning keng tarqalgan tarmoqlari va boshqalarni o‘z ichiga olgan tashkilotlarning printsipial yangi turlari paydo bo‘ladi.

Raqamli iqtisodiyotning asosiy manbai axborot, shu jumladan turizm

infratuzilmasining o‘zgarishi. Raqamli iqtisodiyotning asosiy infratuzilma elementlari - bu axborot va infratuzilma, axborot xavfsizligi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida, ijtimoiy hayot, sayyohlik faoliyati texnologik jihatdan rivojlanmoqda, turistik turizm uchun yagona axborot makoni yaratilmoqda, axborot ta’minoti va turizmni boshqarishning yangi tamoyillari shakllanmoqda. Turizm biznesini axborot bilan ta’minlash va uning raqamli ko‘rinishi turizmning raqobatdoshligini oshirishni ta’minlovchi strategik manbalardir.

Sayyohlar uchun birinchi raqamli xizmatlar 2000-yillarning boshlarida, dotcom davrining boshida paydo bo‘ldi - onlayn bron qilish tizimlari va chiptalarni sotib olish. Bunday platformalardan foydalanmasdan zamonaviy sayohatni tasavvur qilish qiyin.

Turizmning ko‘plab startaplari turistik ma’lum bir turga, masalan, gastronomik yoki tibbiy turizmga e’tibor qaratish orqali o‘zlarining manfaatlarini topishga harakat qilishadi. Masalan, Frantsiyaning Tripnparty platformasi sayohatchilarga har qanday mamlakatda haqiqiy bar va pablarni qidirishga imkon beradi, ular to‘g‘risida odatda mahalliy odamlargina bilishadi, ko‘plab Evropa shaharlari uchun ma’lumotlar taqdim etiladi.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, an’anaga ko‘ra, sayyohlik kompaniyalari birinchilardan bo‘lib biznesni rivojlantirish uchun texnologik yangiliklarni joriy etishadi. Biroq, barcha tashkilotlardan uzoq bo‘lgan holda, tez rivojlanayotgan raqamli sohani kuzatib borish imkoniga ega, ko‘pchilik taraqqiyot chegaralarida qolmoqdalar va raqamli tinglashdan to‘liq foydalanmaydilar. Resurslarning yetishmasligi yoki moslashuvchan emasligi sababli, kompaniyalar zamonaviy voqeliklarni hisobga olgan holda biznesni boshqarish mexanizmlarini qayta ko‘rib chiqish vaqtini kechiktiradilar yoki shunchaki ularga e’tibor bermaydilar. Biroq, uzoqroq turishni istaganlar yangi texnologiyalarni o‘zlashtirishi va mijozlarni jalb qilishning ilmiy yondashuvi asosida rivojlanish strategiyasini yaratishi kerak.

Sayyohlik kompaniyalari yangi voqelikka duch kelmoqdalar, bunda sayohatchilar haqida iloji boricha ko‘proq ma’lumotga ega bo‘lish juda muhimdir, chunki bugungi mijozlar shunchaki foyda olishdan tashqari ko‘proq foyda keltiradilar; ular brend obro‘siga ta’sir qiladi, yangi mijozlarni jalb qiladi va kelajakdagi mijozlarga qiymat qo‘shadi. Turistlarning brendga ta’siri juda muhim: sayyohlik kompaniyalarining taklifiga bo‘lgan ishonchning 70 foizi mijozlarning fikrlari va tavsiyalariga bog‘liq. Agar mijozlar tomonidan yozilgan va nashr etilgan ijobiy sharhlaringiz bo‘lmasa, ayirboshlash qiymati sezilarli darajada oshadi va maqsadga erishish xarajatlari biznes uchun ancha yuqori bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др. Что такое цифровая экономика? Тренды, компетенции, измерение. - Москва: Изд. дом Высшей школы экономики, 2019, 82 с.
2. Z.O.Raximov Turizmda tadbirkorlik. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamISI, 2020, 232 b

М.Дж.Раимова – Қарши ДУ катта ўқитувчиси
С.И. Махатов– ТДШИ докторанти

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИЯЛАР ТАДБИҚИ

Аннотация: мақолада туризм соҳасини ривожлантиришга инновацияларни тадбиқ этишнинг асосий йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: туризм, туризм индустрияси, инновация.

Аннотация: в статье освещены основные направления внедрения инновации в сфере туризма.

Ключевые слова: туризм, индустрия турзма, инновация.

Abstpact: The article highlights the main directions of introducing innovation in the field of tourism

Key words: tourism, tourism industry, innovation.

Туризм индустрияси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очиш объектлари ва воситалари, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туризм инфратузилма ташкилотлари мажмуидан иборат бўлади.

Мамлакатимизда туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ҳозирги вақтда туризм соҳасида инновацияларни янги туристик маҳсулотни яратишга ёки мавжудларини ўзгартиришга қаратилган, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга, туристик, транспорт ва меҳмонхона хизматларини тақдим этишни олдиндан бронлаш (банд қилиш)ни такомиллаштиришга, туристик корхонанинг фаолиятига ташкилий-бошқарувнинг замонавий шаклларини жорий қилишга йўналтирилган фаолиятлар натижаси сифатида тушуниш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда мамлакатнинг юқори туристик имижини сақлаш мақсадида туризм соҳасини тарғиб қилувчи реклама ва бошқа маҳсулотларни (мамлакатнинг туризм салоҳиятини акс эттирувчи реклама аудио-видеоматериаллар, рисолалар, фотоальбомлар, китоблар, хариталар ва бошқа реклама-ахборот

материаллари, мақолалар, компьютер дастурлари, веб-сайтлар, поталлар) яратиш, чоп этиш, кўпайтиришни амалга ошириш, сувенирлар ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш, шунингдек, мамлакат ҳудудида ва хорижда тадбирлар ташкил этиш учун меҳмонхона, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш мақсадида мустақил ёки идоравий мансуб ташкилотлар орқали белгиланган тартибда шартномалар тузиш [3] каби инновацияларни тадбиқ этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 22 февраль куни бўлиб ўтган видеселектор йиғилишда туризм соҳасида янги хизмат ва савдолар ташкил этиш орқали валюта тушумини кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилиб, сувенирлар ишлаб чиқариш ва уларни махсус киоскларда сотиш, аэропортларда фаолият юритадиган “Duty free”, “Tax Free” тизимидаги савдо шохобчаларини туристик шаҳарларда ҳам очиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда автомобиль ижараси марказлари ва Wi-Fi зоналар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди ҳамда қадимий шаҳарларда туну-кун ишлайдиган сайёҳлик ҳудудлари, “Қадимий Бухоро” ва “Самарқанд сити” туристик зоналари ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи [4] эшитилди.

2019 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони эълон қилинди. Фармонда туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукаммаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслиги, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилаётганлиги [2] кўрсатиб ўтилди.

Фармонда туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилди ва 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг амалга оширилиши 2019-2025 йилларда туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни

имплементация қилиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш, туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш кўзда тутади.

Биринчидан, Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қуйидагилар учун грантлар ажратилади:

- Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадиий, қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун - лойиҳа қийматининг 30%и, лекин 3 млрд сўмдан ошмаган миқдорда;
- туризм учун инновацион бизнес ғоя ва стартапларни амалга ошириш учун - лойиҳа қийматининг 30%и, лекин 100 млн сўмдан ошмаган миқдорда;
- тематик хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари учун олиб кириладиган мебель ва инвентарь ҳам божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимдан ташқари) озод этилади.

Бугунги кунда туризм соҳасини янада ривожлантириш, инновацияларни тадбиқ этишнинг асосий йўналишлари:

- Ҳар бир туристик ҳудудда ягона дизайндаги информацион кўрсаткичлар ўрнатиш;
- Йирик ахборот информацион маркази, вокзал ва аэропортлар, аҳоли гавжум жойларида эса унинг шохобчаларини яратиш;
- Ўрнатилган банк терминалларида туристик ҳудуд ҳақидаги информацион дастурни ўрнатиш ва уни янгилаб туриш, туристик объектларда стационар дурбинларни ўрнатиш;
- Ягона интернет портали яратиб, унда шаҳарда мавжуд бўлган барча туристик ташкилотлар, диққатга сазовор жойлар, дўконлар ва ҳоказолар ҳақидаги барча маълумотларни жойлаштириш;
- Туристлар учун “Call” марказни ташкил қилиш, меҳмонхоналарда туристларга маълумот берувчи пунктларни яратиш;
- Пиёда юришга мўлжалланган зоналарни ташкил қилиш ва такомиллаштириш, намойиш объектларнинг кўрсаткичларига QR-кодларини ўрнатиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон

Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 февралда “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3510-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида туризмни ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 22 февраль куни бўлиб ўтган видеселектор йиғилиши.

I.A.Tursunqulov – Jizzax Politexnika Instituti, katta o‘qituvchi

O‘ZBEKISTONDA TURIZM INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya: ushbu maqolada O‘zbekistonda sayyohlik infratuzilmasi rivojlanishini prognoz qilish, o‘zbek mehmondo‘stligi va xalqaro xizmat ko‘rsatish standartlarini o‘z ichiga olgan sayyohlik modelini ishlab chiqish, shuningdek respublikamizning barcha hududlaridagi turistik yo‘nalishlarga sayyohlik oqimini tashkil etish masalalari muhokama qilinadi.

Kalit so‘zlari: turizm, turizm infratuzilmasi, turizm infratuzilmasi elementlari, ekoturizm, agroturizm va h.k.

Аннотация: в данной статье обсуждается развитие туристической инфраструктуры в Узбекистане, разработка модели туризма, которая включает в себя узбекское гостеприимство и международные стандарты обслуживания, а также организацию туристических потоков во всех регионах страны.

Ключевые слова: туризм, инфраструктура туризма, элементы инфраструктуры туризма, экотуризм, агротуризм и др.

Abstract: This article discusses the development of tourism infrastructure in Uzbekistan, the development of a tourism model that includes Uzbek hospitality and international service standards, as well as the organization of tourist flows to all regions of the country.

Keywords: tourism, tourism infrastructure, elements of tourism infrastructure, ecotourism, agrotourism, etc.

Mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirish bilan bir qatorda ko‘plab sohalarda, ko‘plab islohotlar amalga oshirilmoqda. Turistik talabni qondirish uchun bir qancha elementlar zarur - agar biron bir muhim element yetishmasa, turizmning strategik maqsadiga erishib bo‘lmaydi. Aholining turistik ehtiyojlarini o‘z vaqtida sifatli va to‘liq qondirish uchun yuqori natijalarga yo‘naltirilgan ilg‘or texnologiyalar va infratuzilmani samarali boshqarish zarur.

A.Chudnovskiyning so‘zlariga ko‘ra, infratuzilma elementlarini turli mezonlarga ko‘ra tasniflash mumkin. Senin V. S. fikriga ko‘ra, ijtimoiy-iqtisodiy tabiati, iqtisodiy va mehnat xususiyatlariga ko‘ra, turistik infratuzilma quyidagilarni o‘z ichiga oladi: turar joy, ovqatlanish, transport, ekskursiya xizmatlari, hordiq chiqarish faoliyati, axborot va reklama xizmatlari va boshqalardir.

Hozirgi kunda dunyoning aksariyat mamlakatlari turizmni rivojlantirish orqali milliy iqtisodiyotni rivojlantirmoqdalar. O‘zbekistonda ushbu sohani rivojlantirishning asosiy manbai bo‘lgan xorijiy mamlakatlardan kam bo‘lmagan turizmni shakllantirish uchun barcha zarur shart-sharoitlar mavjud. Istiqlolning dastlabki yillaridanoq hozirgi zamon talablariga muvofiq sayyohlik infratuzilmasini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Turizm infratuzilmasi deganda turistlarning turizm resurslariga, qurilish tizimlariga, muhandislik va kommunikatsiya tarmoqlariga, shu jumladan yo‘llar, turli kompaniyalar va xizmat ko‘rsatish sohasida xizmat ko‘rsatadigan boshqa tizimlarga oson kirishlari tushuniladi. Masalan, ular tarkibiga avtomobil, temir yo‘l, temir yo‘llar harakatini tartibga soluvchi tizimlar kiradi.

Havo, dengiz va daryo marshrutlari, shuningdek issiqlik, elektr va telefon aloqalari ham turizm infratuzilmasini tashkil etadi. Sobiq ittifoq tizimi davrida, ushbu sohada daromadlarni taqsimlash doimo markazda hal qilindi. 1985-1989 yillarda O‘zbekistonning ichki va mintaqaviy sayohati 1,4-1,5 million kishini tashkil etdi, chunki chet ellik sayyohlar soni atigi 130-180 ming kishiga yetdi. Bu vaqtga kelib, 1985 yilda Turkiyada chet ellik sayyohlar soni 1,5 millionga, 1992 yilda 7 millionga, 2003 yilda 11 million kishiga yetdi. 1981 yilda Vengriyaga 14,2 million kishi tashrif buyurgan bo‘lsa, 1991 yilda sayyohlar soni 19,1 millionga ko‘paydi. 1992 yilda O‘zbekiston sayyohlik sohasida chet ellik sayyohlarga atigi 27 turdagi xizmat ko‘rsatilar edi, 2008 yilda esa ularning soni 50 tadan oshdi. Turkiya, Italiya va Ispaniya kabi mamlakatlarda bu raqam 250-400 ga etadi. Prezidentimiz tashabbusi bilan mamlakat mustaqillikka erishgach, sayyohlikni rivojlantirish ustuvor vazifalardan biriga aylandi.

Turizm bozorida tijorat faoliyatining muvaffaqiyati, avvalambor, jozibali turistik mahsulot bilan belgilanadi. Turistik mahsulot bir vaqtning o‘zida juda qiyin xilma-xil elementlarning to‘plamini anglatadi[1].

Har bir mamlakat o‘z turistik resurslariga ega, ular turistlar uchun har xil ahamiyatga ega. Ko‘p sayyohlarning e'tiborini jalb qiladigan, shuningdek sayyohlarni qabul qilish va ularga xizmat ko‘rsatishda zarur bo‘lgan rivojlangan sayyohlik industriyasi va transport kommunikatsiyalariga ega bo‘lgan turistik resurslarga ega bo‘lgan shaharlar yoki mamlakatlar odatda sayyohlik markazlari deb ataladi.

Infratuzilmaning tarmoq tarkibi murakkab, tarmoqlarning bir qismi xizmat ko‘rsatish sohasiga, boshqalari ishlab chiqarish sohasiga tegishli. Ammo turizmni rivojlantirish uchun sharoitlar nuqtai nazaridan ularning infratuzilmaning tarkibiy qismlari sifatida umumiy xarakteristikasi muhimroqdir. Ular uchta asosiy blokka - transport, mehmonxona va ovqatlanishga ajratiladi.

Transport xizmati rivojlangan transport tizimining mavjudligini, ya'ni. geografik mintaqalarni bog‘laydigan transport koridorlarining (ko‘chma transport vositalari, barcha turdagi transport vositalarining statsionar qurilmalari, yo‘lovchilarni tashish uchun qonuniy shart-sharoitlar) va bitta yoki bir nechta transport turlaridan foydalangan holda muayyan vaqt oralig‘ida yo‘lovchilarni

[1] D.Saidakhmedova. Development of management of tourism in the dzhizak area of the republic of Uzbekistan. J. “Theoretical & Applied Science” N75, july. 2019. Pp. 382-385.

ma'lum masofalarga tashishni ta'minlovchi transport zanjirlarining umumiyligi.

Har qanday mamlakatda butun sayyohlik sanoatining rivojlanishi, birinchi navbatda, **mehmonxona** sohasining rivojlanish darajasiga bog‘liq. Shu bilan birga, mehmonxonalardagi yoki boshqa turdagi turar joy binolaridagi(jumladan uy mehmonxonalari) joylar xizmatlar sifati va ma'lum bir sayyohlik markazida yoki mintaqada turistlarni qabul qilishning haqiqiy imkoniyatlarini baholashda foydalaniladigan asosiy ko‘rsatkichdir. Har qanday mamlakatda mehmonxona sohasi jamoaviy va individual turar joy ob'ektlaridan iborat: mehmonxonalar, motellar, yotoqxonalar, sayyohlik markazlari, fermalar, turar joylar, uy mehmonxonalari va boshqalar.

Ovqatlanish - bu mehmonxona sohasidan keyin turistik sayohatlarning ikkinchi muhim elementi. Ovqatlanish joylari restoran, kafe, Fastfood, oshxonalar, choyxonalar, barlar, klublar va boshqalarni o‘z ichiga oladi. Qoida tariqasida, sayyoh ertalab nonushta olishi kerak, shuning uchun ko‘pchilik mehmonxona muassasalari bunday xizmatni taqdim etadi, uning narxi odatda shunchaki qo‘shiladi. Muayyan mehmonxona korxonasining oziq-ovqat markazidagi o‘rindiqlar soni, qoida tariqasida, mehmonxonalar xonalarini to‘liq yuklash uchun joylar soniga mos keladi. Har qanday mamlakatda turizmni rivojlantirish sanoatining asosiy bloki turistik infratuzilma bilan birga ko‘ngilochar, hordiq chiqarish, sog‘liqni saqlash va sport sohalarini o‘z ichiga oladi. Yetakchi rol o‘yin-kulgi va hordiq chiqarish maskanlariga tegishli bo‘ladi. Chunki, statistik ma’lumotlarga ko‘ra O‘zbekistonga tashrif buyurayotgan xorijiy sayyohlarning yosh toifasiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, unda 31-55 yoshdagi kishilar ko‘pchilikni tashkil qilishini ko‘rish mumkin, bu yosh toifasidagi kishilar sayyohlar umumiy sonining 51 foizini tashkil qiladi. Undan keyingi o‘rinlarda 30 yoshgacha bo‘lgan turistlar tashrif buyurgan – 29 foiz, 55 yoshdan oshgan xorijiy sayyohlar esa 20 foizni qayd etgan.

Bugungi kunda shoshilinch tibbiy yordam va sayyohlar uchun maishiy sharoitlar talablarga javob bermaydi. Shuni ta'kidlash kerakki, joylarda bunday inshootlarni qurishga yetarlicha e'tibor berilmaydi. Bu nafaqat sayyohlar, balki mamlakat fuqarolari uchun ham muhim vazifadir.

Bugungi kunda xalqaro standartlarga javob beradigan turistik infratuzilmani rivojlantirish maqsadida ish olib borilmoqda va investitsiyalar ajratilmoqda.

Jahon tajribasidan ma’lumki, odatda turistlar o‘zlaridagi stresslik holatidan qutilish,telefon,har xil trafiklar va hokazolardan qochish uchun muayyan yo‘nalishlarga safar qilishadi. Ayniqsa, ota-onalar o‘z farzandlarini xursand qilish uchun sayohat qilishdan manfaatdor[1].

2019 yilning to‘qqiz oyi ichida “2019-2025-yillarda O‘zbekiston Respublikasida turizmni rivojlantirish konsepsiyasi”ni amalga oshirish doirasida mamlakatga sayyohlar oqimini oshirishga doir tizimli ishlar amalga oshirildi. Statistika ma’lumotlarini o‘rganish natijalari O‘zbekistonga tashrif buyurayotgan sayyohlar soni o‘sishida yuqori sur’atlarni namoyish etmoqda.

[1] Z.O.Umarova, F.Ya.Obidova - Ichki turizm – imkoniyatlar va istiqbollar. Servis ilmiy-amaliy jurnal. 2019 yil 3-maxsus son. 78 bet.

Shunday qilib, 2019-yilning to‘qqiz oyi davomida yurtimizga kelgan xorijiy sayyohlar soni 4,9 million kishini tashkil qilgan. Mazkur ko‘rsatkich o‘tgan yilning xuddi shu davriga (2018-yilning 9 oyida – 3,9 million kishi) nisbatan 26 foizlik o‘sishni ko‘rsatmoqda. O‘zbekistonga turli mintaqalardan kelayotgan xorijiy mehmonlar oqimining o‘sish sur’atlari turlicha: Markaziy Osiyo va MDH mamlakatlaridan tashrif buyurayotgan xorijiy sayyohlar sonining o‘sishi 24,1 hamda 26,3 foizni tashkil qilgan bo‘lsa, uzoq xorijiy mamlakatlardan kelayotgan turistlar soni 54,8 foizga o‘sgan. Uzoq xorij hamda MDH mamlakatlaridan O‘zbekistonga sayohat qilganlar orasida eng ko‘p tashrif Rossiya Federatsiyasi, Turkiya, Afg‘oniston, Xitoy, Koreya Respublikasi va boshqa mamlakatlardan qayd etilgan.

Oylar kesimida eng ko‘p xorijiy sayyohlar soni avgust oyiga to‘g‘ri keladi – 692,2 ming kishi. Shu bilan birga, o‘tgan yilning shu davriga nisbatan yanvar va fevral oylarida sayohat qilayotgan xorijliklar soni keskin oshgan. Yanvar oyida O‘zbekistonga kelgan sayyohlar soni 2018-yilning shu davriga nisbatan 64 foizga (266,2 mingdan 437,2 mingga), fevral oyida 48 foizga (264,9 mingdan 393,5 mingga) oshgan.

So‘nggi paytlarda dunyoda turizmning ahamiyati kun sayin ortib bormoqda. Bu turizm iqtisodiyotiga bevosita ta'sirining natijasidir. Bugungi kunda turizm MDH mamlakatlari iqtisodiyotida o‘sib borayotgan sohaga aylandi. Shuning uchun tadqiqotlar turizmning barcha yo‘nalishlari va darajalarida olib boriladi. Turizm tashkilotlari foyda olish uchun bozor tadqiqotlarini o‘tkazadilar, mehmonxonalar majmualarini, transport xizmatlari, oziq-ovqat xizmatlari, chakana savdo do‘konlari tarmog‘ini va turizm infratuzilmasining bir qismi bo‘lgan boshqa operatsiyalarni rivojlantiradilar.

O‘zbekistonda turizm salohiyatini oshirish maqsadida oxirgi 3 yilda 10 ga yaqin Prezident qarorlari va farmonlari chiqarildi.

Davlatimiz Rahbari Sh.M.Mirziyoyevning 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga mirojatnomasida turizm to‘g‘risida quyidagicha ta’kidladilar: “…turizmni rivojlantirish, sohaga investitsiyalar jalb etish, kadrlar salohiyatini oshirish bo‘yicha kompleks choralar ko‘rishimiz lozim. Bizda turizm ko‘pincha qadimiy shaharlarimiz, tarixiy-madaniy yodgorliklar doirasida cheklanib qolmoqda. Vaholanki, mamlakatimizning betakror tabiati, milliy qo‘riqxonalar, tog‘li hududlarda turizmni rivojlantirish uchun katta salohiyat mavjud. Ayniqsa, tibbiyot turizmi, ziyorat turizmi va ekoturizmni rivojlantirish nafaqat iqtisodiyot, balki ijtimoiy sohalar rivojiga ham katta turtki beradi. Vazirlar Mahkamasi bir oy muddatda 2019-2025 yillarda Turizmni rivojlantirish milliy konsepsiyasini ishlab chiqishi va ijrosini ta'minlashi zarur. Shu asosda 2025 yilda yurtimizga tashrif buyuradigan xorijiy sayyohlar sonini 7 million nafarga, turizm eksportidan keladigan yillik daromadni esa 2 milliard dollarga yetkazish lozim[1]”.

Xulosa qilsak, bu bilan biz turizm sohasida qiladigan ishlarimizning ko‘pligini va turizm xizmatlarini sifatli tashkil etishimiz kerakligini anglashimiz kerak. Buning uchun turizm infratuzilmasinig tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirib, infratuzilma elementlarini sifatli amalga oshirishimiz kerak.

[1] Sh.M.Mirziyoyev – Murojatnoma 2020. 2020 yil 24 yanvar. Kun.uz

Turizm infratuzilmasi qishloq xo‘jaligini va iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarini rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda turizm infratuzilmasi iqtisodiyot uchun juda foydali bo‘lib kelmoqda. Turizm infratuzilmasi ish o‘rinlari yaratish omili hisoblanadi. Ushbu sektor ishsizlikka qarshi kurashda yordam beradi; turizm infratuzilmasi mamlakatlar va mintaqalar o‘rtasida ekologik va madaniy sohalardagi muloqotning vositachisi bo‘lib xizmat qiladi va mehmondo‘stlik industriyasi hisoblanadi. Turizmning asosiy maqsadi tabiiy va ijtimoiy resurslarni yo‘q qilish emas, balki samarali siyosatni ishlab chiqishdir.

С.А.Шералиева – Навоий давлат педагогика институти Иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида мавжуд тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари ва муқаддас қадамжоларнинг ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ва уларнинг дастлабки натижалари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туристик хизмат, туристик объектлар, туристик салоҳият, туристик зона, лицензия, сертификат.

Аннотация: в статье рассматриваются прогрессивные меры по развитию туризма в Республики Узбекистан, которые имеют большой потенциал для ближайшего решения наиболее важных социально-экономических задач, таких как памятники истории, объекты культурного наследия и священные кладбища.

Ключевые слова: туризм, туристические услуги, туристические объекты,туристический потенциал, туристическая зона, лицензия, сертификат.

Abstpact: The article examines progressive measures to develop tourism in the Republic of Uzbekistan, which have a great potential for the near-term solution of the most important socio-economic tasks, such as historical monuments, cultural heritage sites and sacred cemeteries.

Keywords: tourism, tourist services, tourist facilities, tourist potential, tourist zone, license, certificate

Бугунги кунда сайёҳатга чиқиш ҳаётий эҳтиёж, талаб ва заруриятга айланди. Ҳар йили ер куррасида миллионлаб инсонлар сайёҳат қилади, ўзга юртлар анъаналари, халқларнинг урф одатлари, табиатнинг гўзал гўшаларини, тарихи, маданияти ва маърифати инсонларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишади.

Ўзбекистон туристик хизматларни ривожлантириш имкониятларини берадиган ноёб шифобахш манбаларга ва меъморчилик обидаларига, табиий тоғ салоҳияти ва маъданли сув манбаларининг кўплиги республикамизда бу соҳани кўпайтириш, ривожлантиришга имконият беради. Шу мақсадда

Ўзбекистон Республикасида туризмни жадаллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистан Республикаси ПрезидентиФармони 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармонига асосан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси туризм сохасини ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияга асосан туризм соҳасини ривожлантириш учун иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган. Мазкур фармон ижроси бўйича республикамиз миқиёсида бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Йилдан йилга худудларимизда ташкил қилинган сайёҳлик тизими асосида чет эл давлатлардан келаётган сайёҳлар сони ортмоқда.



Таъкидлаш керакки, туризмни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар боис иқтисодиётнинг, чин маънода стратегик тармоқларидан бирига айланди. Замонавий инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилди. Хусусан, 2019 йилнинг ўзида 220дан зиёд меҳмонхоналарни жойлаштириш объектлари ишга туширилган бўлса, шундан 60дан зиёди йирик меҳмонхоналар улушига тўғри келади. Келгуси йилда эса 300та шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.Кейинги пайтда юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқими

кўпайиб бораётгани мисолида кўришимиз мумкин. Агар 2016 йилда хориждан 1,3 миллион турист келган бўлса, бу кўрсатгич 2017 йилда 2,7 миллион, 2018 йилда эса 5,4 миллион нафарга етди. 2019 йилда эса 6,4 миллион нафар сайёҳлар ташриф буюрган. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, рақамлар йил сайин ўсиб бораверади. Чунки соҳа вакиллари ўз олдиларига 2023 йилда хорижлик сайёҳлар сонини 10 миллиондан оширишни кўзлаган.

Мазкур тизимни янада ривожлантириш мақсадида туризмни ривожлантирувчи вазифалар ва мақсадларни амалга ошириш муҳим эканлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши учун асосий омил ҳисобланашини назарда тутиб соҳа вакиллари сидқидилдан фаолият олиб боришлари зарур. Мазкур омиллар асосида турзимни ривожлантиришнинг мақсадларига ижтимоий, маданий ривожлантирувчи этномаданий ҳолатига эътибор қаратиш зарур. Сайёҳларни нафақат дам олишлари, шу жойнинг маданиятига ҳам жуда қизиқишларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш керак. Шунингдек, бир нечта туризм турларини:турли тадбирлар билан бойитиш орқали туристик турларининг жозибадорлигини ошириш, мавжуд меҳмонхоналарни реконстукция ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш; замонавий ҳолда кўча, йўл ва кичик йўлакларнинг, меҳмонхона атрофидаги шохобчаларни санитар-гигеник ҳолати бўйича аниқ чора тадбирларни амалга ошириш туризм ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Чора-тадбирларни фаол амалга ошириш, туризм соҳасини иқтисодий ривожланиш учун мазкур соҳанинг қонунчилик тизимини такомиллаштириш, уларга барча шарт-шароитларни янада ривожлантириш, тизимга енгиллик яратиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳага қаратилган меъёр ва стандартларни жорий этиш зарур. Туристик фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим. Бу орқали Ўзбекистонда туризмнинг миллий тизимлаштириш билан чегараланиб қолмасдан, миллийликни уйғун тарзда хизматларни йўлга қўйиш орқали мақсадга эришилади.

Биргина Навоий вилоятимизни мисол қилиб оладиган бўлсак, туризм соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Нурота туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ID-3221сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Навоий вилоятининг Нурота туманида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Навоий вилоят ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш қўмитаси билан биргаликда, Хорижий Молия институтлари имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига туманнинг туристик салоҳиятини ошириш, сайёҳларга ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда тарихий обидалар билан тўлақонли танишиш, уларни мазмунли дам олишлари учун қулай имкониятларни яратиш мақсадида, 2020 йил якунига қадар, “Чашма” тарихий мажмуасидан, унинг юқори тоғ ён бағридаги қадимий ёдгорлиги ҳудудига олиб борувчи “Осма дор йўли” қуриш

чораларини кўриш вазифалари белгиланди. Бу орқали ҳар бир вилоятларда ўз шарт шароитларидан келиб чиқиб, туристик хизматларни миллий руҳда ташкил этиш ва хизмат кўрсатишга бўлган эътибор дебочасидир. Чунки ҳар бири Ўзбекистон ҳудудида туризмни ривожлантириш учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган бир вақтда, чет элдан келаётган сайёҳларнинг йилдан йилга ортиб бораётгани иқтисодиётимизни ҳамда мамалакатимизни қанчалик маънавий-маданий ривожланганлиги билан бир қаторда иқтисодиётимизга кириб келаётган сармоя ривожланиш омили ҳсобланади. Бу орқали аҳолига қўшимча даромад, янги иш ўринларини яратиш имконияти ҳамда ёшларимизни миллий руҳда тарбияланиш, аждодлар меросидан маҳрурланиш ҳиссини уйғотади.

Хулоса ўринда шуни айтиш жоизки,бугун иқтисодий тараққиётнинг муҳим омиллардан бири-туризм соҳаси даромад нуқтаи назардан халқаро рейтингда автомобиль ҳамда нефть-газ саноатидан кейинги учунчи ўринда туради. Дунёда жами 200 миллион нафардан зиёд киши ушбу тармоқда меҳнат қилади Хусусан, мамлакатимизда ҳам турзм ривожи тобора жадал тус олаётган Кўхна заминимиздаги мавжуд тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари ва муқаддас қадамжоларнинг 4 мингдан ортиғи давлат рўйхатига олингани юртимизда сайёҳлик салоҳияти улкан эканидан далолат беради. Самарқанд, Бухоро,Шаҳрисабз, Хива, Қўқон, Тошкент, Навоий сингари бир неча минг йиллик тарихга эга ҳамда айни пайтда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида чирой очиб борётгани ҳудудларимизга яқин ва олис ўлкалардан келаётган сайёҳлар сафи йил сайин кенгаймоқда.Туризм соҳасини изчил тараққий этаётганини, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқарини учун барча шарт-шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида туризимни жадаллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистан Республикаси Президенти Фармони 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2021 йилларда Навоий вилоятининг Нурота туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ID-3221сонли қарори.
3. Халқ сўзи газетасининг 2019 йил 17 декабрдаги №260 сонли нашри.
4. Интернет сайтлари.

С.Х.Махмудов – СамТИ «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедрасининг катта ўқитувчиси

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада тарихий-маданий туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил этилган, шунингдек муаллиф ушбу туризм турини янда жадал ривожланиши учун таъсир этувчи янги омилларни аниқлаган.

Калит сўзлар: туризм, даромад, самарадорлик, иқтисодий ўсиш, талаб, таклиф.

Аннотация: В данной статье анализируются факторы, влияющие на развитие историко-культурного туризма, и автор выделяет новые факторы, которые могут повлиять на развитие этого вида туризма.

Ключевые слова: туризм, доход, эффективность, экономический рост, спрос, предложение.

Abstpact: This article analyzes the factors affecting the development of historical and cultural tourism, and the author identifies new factors that may affect the development of this type of tourism.

Keywords: tourism, income, efficiency, economic growth, demand, supply.

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлисга мурожаатномасида «Туризмни ривожлантириш соҳага инвестицияларни жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз зарурлигини, республикамизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолаётганини таъкидлаб ўтдилар [1] ». Шу жиҳатдан олиб қаралганда республикамизда тарихий-маданий туризм, туризм тармоғининг бошқа турларига қараганда кўпроқ ривожланганлигини англатади. Шу сабабли тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш, келгусида истиқболли фаолиятини амалга оширишга қаратилган ёдашувларни белгилаб бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Негаки, туризмнинг бошқа турлари жумладан, гастроном туризми, таълим туризми, спорт туризмлари учун сарфланган маблағларнинг қопланиши қийинроқ. Тарихий-маданий туризмни ташкил этиш ҳаражатлари эса, туризмнинг бошқа турларига нисбатан бизнинг ҳисобимиз бўйича, 3-4 марта камроқ маблағ талаб этилади. Аммо тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар жуда мураккаб. Уларни иккита ёки учта омиллар билан таҳлил этиш мумкин эмас. Чунки туризм самарадорлигини оширишда тинчлик, хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик муҳим ўрин тутади. Демак тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлашда уларни ҳам инобатга олиш зарур. Кўпгина илмий тадқиқот ишлари ўрганилганда жумладан, тадқиқотчи Ф.Илҳомжонованинг «Ўзбекистоннинг туризм индустриясини жаҳон стандартлари асосида жадал ривожлантириш истиқболлари» номли илмий мақоласида асосан иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишнинг сайёҳлик соҳасига жалб қилинаётган молиявий маблағлар билан бевосита боғлиқлиги, транспортдаги йўл ҳақининг арзонлашиши, ёлланма ишчилар сонининг кўпайиши, хизматлар сифати ва мамлакатлар ўртасида маданий алоқаларни яхшиланиши, давлатлараро ва ҳудудлараро ўзаро алоқаларни ривожланиши[2]

[1] Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 28.12.2018 й. Ҳалқ сўзи газетаси, 29.12.2018 йил

[2] Ф.Илҳомжонова.Ўзбекистоннинг туризм индустриясини жаҳон стандартлари асосида жадал ривожлантириш истиқболлари. Бизнес эксперт. №1. 2018 йил.

каби омиллар таҳлил этилган. Ёки айтайлик, М.М.Дадажонованинг «Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш масалалари» номли илмий мақоласида маданий омилларни туризмни ривожлантиришдаги бошқа омиллардан устун қўйишни таклиф этган[1]. Хорижлик иқтисодчи олимлардан В.В.Бохановни «Организационные и экономические аспекты развития историко-культурного туризма в регионе (на примере Смоленской области)» номли илмий тадқиқот ишида тарихий-маданий туризмни ривожланишидаги инвестицион муҳитга, уларни молиявий маблағлар билан таъминланиши, мижозларга ахборотларни етказиб берилиши, тармоқни сифатли кадрлар билан таъминлаш каби омилларга эътибор қаратиш орқали тарихий-маданий туризмни ривожланишга эришиш мумкинлигини таъкидлаган[2]. Никольская Е.Ю. «Стратегии развития внутреннего туризма в России» деб номланган илмий мақоласида туризмни ривожланишига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни келтирган: туризм соҳасида тадбиркорликни ривожланмаганлигини, инвесторларни жалб этишда иқтисодий муҳитни етарли даражада яратилмаганлигини, туроператорлар тажрибасининг камлиги, туризм соҳасида янгидан мутахассисларни тайёрланиши, темир йўл ва ҳаво йўллари чипталар нархининг ниҳоятда қимматлиги каби омилларни таҳлил этган[3] ва уларнинг таъсири ўрганилган. Баъзи адабиётларда туризмни ривожланишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гурухларга бўлишган[4]: «…..табиий-географик; маданий-тарихий; иқтисодий; ижтимоий; демографик; техник; сиёсий; ҳуқуқий; экологик». Кўрсатилган ушбу омиллар туризм соҳасини барча турларини жадал ривожланишига таъсир этади. Агарда бизлар туризм турларини ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумлаштирадиган бўлсак, мавзу доирасидаги тадқиқот ишларининг деярли барчасида молиявий маблағларнинг етишмаслигини, коммуникацион алоқалар яхши ривожланмаганлигини, транспортда йўловчи ташиш муаммоларнинг мавжудлиги ва шу каби бошқа омилларни кўришимиз мумкин.

Бироқ, тадқиқотчи М.М.Дадажонованинг илмий мақоласида кўрсатилган омиллари, юқорида номлари келтирилган жумладан, Ф.Илҳомжонованинг ёки хорижий олимларнинг В.В.Боханов ва Е.Ю.Никольскаяларнинг кўрсатилган омилларига қараганда ёки айталик Дуровиц А.П., Н.И.Кубашкин., Т.М.Сергеевалариинг қўлланмаларида

[1] М.М.Дадажонова. Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш масалалари. Евразийский Научный Журнал. №5. 2019 г.

[2] Боханов В.В. Организационные и экономические аспекты развития историко-культурного туризма в регионе(на примере Смоленской области).08 00 05 - Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами сферы услуг, региональная экономика) Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: 2007.27 С., 12с.

[3] Никольская Е.Ю. Стратегии развития внутреннего туризма в России //Россия–Казахстан: приграничное сотрудничество, музейно-туристический потенциал, проекты и маршруты к событиям мирового уровня: сб. ст. Междунар. науч. - практ. конф. Вып. 1. - Самара, 2016. URL: https://regrazvitie.ru/wp - content/uploads/2016/02/Nikolskaya. pdf

[4] Организация туризма: Учеб. пособие / А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, Т.М. Сергеева и др.; Под общ. ред. Н.И, Кабушкина и др. — Мн.: Новое знание, 2003. — 632 с.

келтирилган омиллардан муҳимроқ ҳисобланади. Дуровиц А.П., Н.И.Кубашкин., Т.М.Сергеевалар нинг «Организация туризма» номли қўлланмаларида туризм соҳасини ривожланишига ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни гурухлаган ва уларни ички ва ташқи омилларга бўлганлар. Бизнинг назаримизда Дуровиц А.П., Н.И.Кубашкин., Т.М.Сергеевалар маданий-тарихий омилларни туризмни ривожланишга таъсир этувчи омиллар деб кўрсатяпти ҳамда маданий-тарихий омиллар туризм соҳасини жадал ривожланишида катта рол ўйнаши туғрисида фикрлар билдирилган. Аммо улар ҳам тарихий-маданий туризмни ривожланишига айнан қайси омилллар кучли таъсир этишини кўрсатиб беролмаганлар. Тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи алоҳида омиллар бор. Буларга ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари маданий омилларни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан қаралганда тадқиқотчи М.М.Дадажоновaнинг таклиф этаётган омиллари катта аҳамиятга эга. Айнан тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга маданий омилларнинг таъсири катта. Масалан, туризмнинг ушбу турида маданиятнинг «маҳорат» элементи катта рол ўйнайди. Тарихий-маданий обеъктларга ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёҳларга улар тўғрисида тарихий-воқеа ҳодисаларни қизиқарли маълумотлар асосида тушунтириш учун маҳорат керак. Бизнинг кузатувларимиз тарихий-маданий туризмдаги мутахассисларимизда тарихий воқеа ҳодисаларни қизиқарли қилиб, бўрттириб, тингловчини бевосита маҳлиё қиладиган даражада тушунтириш маҳорати йўқлигини аниқлади. Ваҳоланки, тарихий-маданий объектлар, миллат қахрамонлари ва уларнинг жасорати тўғрисида кўплаб, янгидан-янги маълумотлар мавжуд. Бироқ, бизлардаги мутахассисларимиз бир неча йиллардан бери тарихий-маданий ёдгорликлар тўғрисида айтиб келинаётган маълумотларни сайёҳларимизга такрор ва такрор сўзлаб беряптилар. Ушбу маълумотлар «Ўзбекистон тарихи» дарсликларида ёки айтайлик интернет манбаларида кенг ёритилган. Маҳаллий сайёҳларимиз тарихий-маданий ёдгорликлар тўғрисидаги маълумотларни асосан мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тарих фани ўқитувчиларидан билиб олишади. Шу сабабли ҳам маҳаллий сайёҳларимиз мамлакатимизнинг тарихий-маданий ёдгорликларига ташриф кунлари кам. Улар фақатгина тарихий-маданий ёдгорликларга ташриф буюрганда уларнинг саловатига махлиё бўлиб қолмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун тарихий-маданий объектлар ҳақида янги маълумотлар, миллат қахрамонларимизнинг кўрсатган жасорати қизиқарли. Тарихий-маданий объектлар ўзгармас лекин улар тўғрисида турли афсоналар мавжуд. Тарихий-маданий объектлар, миллат қахрамонлари тўғрисида маълумотларни тўплашда чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши лозим. Демак, шу соҳада сарфланган маблағлар тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи кучли омил. Тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва

ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи навбатдаги омил - бу аҳолининг пул жамғармасидир. Аҳоли пул жамғармаси жорий даромадларининг келажакдаги эхтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир. Аҳоли пул жамғармасини ошиб бориши келгусида хизмат турларидан кенг фойдаланишни англатади. Чунки аҳолининг моддий эхтиёжини қондириши натижасида номоддий эхтиёжларни қондириш иштиёқи пайдо бўлади.

Бўш вақт ҳам тарихий-маданий туризмни ривожланишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи кучли омилдир. Агарда маҳаллий аҳолининг иш кунига эътибор қаратадиган бўлсак, қарийб 80-90 фоиз вақти иш билан банд бўлади. Қолган 10-20 фоизини оила даврасида ўтказади. Демак улар истаган вақтларида тарихий-маданий объектларга ташриф буюра олмайди. Фақатгина дам олиш ва байрам кунлари тарихий-маданий ёдгорликларга саёҳат қилиш учун имконият бўлади. Бундай қисқа муддат оралиғидаги бўш вақти маҳаллий аҳолини республикамиздаги тарихий-маданий ёдгорликларига тўлиқ сайр қилиш учун етарли эмас

Тарихий-маданий туризм соҳасида тадбиркорлик ҳам ушбу туризм турини ривожланишида катта аҳамият касб этади. Бироқ, ҳозирги кундаги тадбиркорларимизинг асосан 26,0 фоизи қишлоқ хўжалиги, 59,3 фоизи саноат, 30,5 фоизи қурилиш, 6,9 фоизи, тиббиёт ва 75,1 фоизи савдо соҳаларида фаолият юритаяпти[1]. Туризм соҳасидаги тадбиркорлар асосан туристларни мамлакат ичида саёҳатини ташкил этиш ёки айтайлик меҳмонхона хўжалиги бизнеси билан шуғулланаяпти. Бироқ туризм ресурсларидан фойдаланиб даромад топиш эса эътибордан четда қоляпти. Бизнинг назаримизда мамлакатимизда туризм соҳасида тадбиркорликни жадал ривожланмаганлигининг қуйидаги сабаблари бор:

биринчиси, мамлакатимизда туризм тармоғига иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда кеч эътибор берилди;

иккинчиси, мамлакатимизда мустақиллик йилларидан то ҳозирги кунга қадар туризм соҳасида жуда кам мутахассислар етиштирилди;

учинчиси, мамлакатимизда туризм инфратузилмаларини ривожланиши эътибордан четда қолиб келди;

тўртинчиси, туризмнинг ўзига хос хусусиятлари жумладан, мавсумий ҳарактерга эга эканлиги тадбиркорларни йилнинг ўн икки ойи давомида барқарор даромад олиш имкониятига эга бўлмаганлиги.

Мамлакатларда тез-тез содир бўлиб турадиган фавқулотдаги ҳолатлар (ер қимирлаш, сув тошқинлари, ёнғинлар) тарихий-маданий объектларга катта талофат етказиб туради. Тарихий-маданий ёдгорликлар жумладан, қадимий иморатлар бир неча асрлик, агарда уларни қурилганидан буён хисобласак, камида 70-80 марта ҳатто ундан ҳам зиёд фавқулотда ер қимирлашлар таъсирини ўтказган. Шу нуқтаи назардан қаралганда тарихий-маданий ёдгорликларга фавқулотдаги ҳолатлар катта хавф солиб турадиган омиллар ҳисобланади. Масалан, 1999 йилда Туркияда содир бўлган ер

[1] Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам.Тошкент, 2019 йил., 117 Б.

қимирлаши натижасида хорижий сайёхлар ташрифи 1998 йил билан таққослаганда 2 миллион кишига камайган ва халқаро туризмдан тушадиган даромад ҳам 3 миллион АҚШ долларига қисқарган[1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 28.12.2018 й. Ҳалқ сўзи газетаси, 29.12.2018 йил
2.Ф.Илҳомжонова.Ўзбекистоннинг туризм индустриясини жаҳон стандартлари асосида жадал ривожлантириш истиқболлари. Бизнес эксперт. №1. 2018 йил.
3.М.М.Дадажонова. Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш масалалари. Евразийский Научный Журнал. №5. 2019 г
4.Боханов В.В. Организационные и экономические аспекты развития историко-культурного туризма в регионе(на примере Смоленской области).08 00 05 - Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами сферы услуг, региональная экономика) Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: 2007.27 С., 12с.
5.Никольская Е.Ю. Стратегии развития внутреннего туризма в России //Россия–Казахстан: приграничное сотрудничество, музейно-туристический потенциал, проекты и маршруты к событиям мирового уровня: сб. ст. Междунар. науч. - практ. конф. Вып. 1. - Самара, 2016. URL: https://regrazvitie.ru/wp - content/uploads/2016/02/Nikolskaya. pdf
6.Организация туризма: Учеб. пособие / А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, Т.М. Сергеева и др.; Под общ. ред. Н.И, Кабушкина и др. — Мн.: Новое знание, 2003. — 632 с.
7. Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам.Тошкент, 2019 йил., 117 Б.

С.И.Шукуров – ТГЭУ, старший преподаватель кафедры «Корпоративное управление»

РОЛЬ БОЛЬШИХ ДАННЫХ В УСОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: на сегодняшний день большие данные являются основными элементами для улучшения качества туристического бизнеса и путешествия. Такие большие данные объединяют информацию из различных источников, чтобы создавать знания, делать более точные прогнозы и адаптировать услуги. В этой статье анализируются большие данные как отрасль для разработки эффективного аналитического центра развития туристических программ в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: туризм, большие данные, платформы, отрасль, диджитализация, цифровая экономика.

Аннотация: бугунги кунда катта маълумотлар сайёҳлик бизнеси ва саёҳатлар сифатини оширишнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади.Бундай катта маълумотлар билимларни яратиш, янада аниқроқ прогнозларни амалга ошириш

[1] Организация туризма: Учеб. пособие / А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, Т.М. Сергеева и др.; Под общ. ред. Н.И, Кабушкина и др. — Мн.: Новое знание, 2003. — 632 с., 12 стр.

ҳамда махсус хизматларни мослаштириш учун турли манбалардан олинган маълумотларни уйғунлаштиришга имкон беради. Ушбу мақолада катта маълумотларни Ўзбекистон Республикасида туризм дастурларини ривожлантириш бўйича самарали таҳлил марказини яратиш соҳаси сифатида таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: туризм, каттамаълумотлар, платформалар, кластер, рақамлаштириш, рақамли иқтисод

Abstract: Today big data is one of the main elements to improve the quality of tourism and travellingbusiness. Such big data unites information from various sources to create knowledge, to carry out more accurate predictions and adapt services. Thus, in this article, the big data is examined as the sector to develop effective analytical center of the development of touristic programs in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: tourism, big data, platforms, sector, digitalization, digital economy

Информатизация современного общества и бурное развитие информационных технологий создают колоссальную площадку для развития туристических инфраструктур для присоединения цифровых «умных» технологий таких как QR коды. При этом, огромный эффект отдает обработка больших данных для построения стратегических планов развития туристического потенциала Республики Узбекистан в периоде 2020-2023 гг.

Концепция «умный и безопасный» туризм постепенно внедряется в узбекскую систему управления туристическими потоками по всей республике и в Республике Каракалпакстан. Связи с этим, спрос на человеческий капитал и полноценно подключенные инфраструктуры, которые будут работать автономно, собирая данные для построения обратной связи и отзывов посетителей в страну очень важно проанализировать для эффективного внедрения структурных и институциональных изменений совместно с агентством «Узбек туризм». Кроме этой национальной компании, страна нуждается в малом бизнесе, которая обусловить отраслевые недостатки в туризме. Эти малые предприниматели будут оказывать качественные услуги в сфере туризма и оцифровизации национальной экономики.При этом, необходимо провести диджитализацию отраслитуризма через социальные сети и платформы и через национальные каналы СМИУзбекистана.

В настоящее время, зарубежный опыт показывает, что большие данные помогают повысить национальную безопасность, повышения эффективности маркетинга, снижения кредитного риска, улучшения медицинских исследований и содействия городскому планированию. Используя легко наблюдаемые характеристики и события, большие данные объединяют информацию из различных источников новыми способами для создания знаний, более точных прогнозов или адаптации услуг.

А также, в странах с продвинутой экономикой, правительственные органы лучше обслуживают своих граждан, больницы безопаснее, фирмы предоставляют кредит тем, кто ранее был исключен из рынка, правоохранители ловят больше преступников, а страны безопаснее.

В стратегических разработках для усовершенствования туристической отрасли с большими данными в Республике Узбекистан необходимо учесть

суть больших данных как некоторые скептики еще ссылаются на них как «морально нейтральными или имеют преимущества, которые перевешивают любые затраты».Большие данные, как и все технологии, являются этически нейтральными» потому что, они подразумеваются в отчетах, посвященных стратегическим и оперативным задачам больших данных, но в значительной степени игнорируют этические и социальные последствия которые являются очень важным в продвижении туризма. Авто подбор и анализсхожих данных исключает этический анализ как на практике, так и в научных кругах. Однако создание, агрегация и продажа данных могут изменить отношения и бизнес - модели и требуют переосмысления стратегий управления информацией, включая вопросы, касающиеся этики и конфиденциальности не только физических лиц как индивидуальных туристов, а также тех юридических лиц, которые обслуживают их.

Для решения таких вопросов, система«BDI» - индустрия больших данных помогает определить системные риски в современной практике больших данных. Такой подход помещает большие данные в большую систему фирм, организаций, процессов и норм для анализа. Объем, разнообразие и скорость данных, а также новая аналитика, необходимая для получения действенной информации, превращают большие данные в разницу, а не в степень. Чтобы создать и использовать эти большие наборы данных для достижения максимального эффекта, многие фирмы собирают данные для создания нового «целого» и продают доступ к этому новому набору данных. Такой подход и такая система пока не существует у национальной компании «Узбек туризм» или под рукой у малого бизнеса в отрасли туризма в Узбекистане, которая усложнять процесс улучшения услуг и сегментации рынка с таким основным преимуществом, чем свои конкуренты.

Важно отметить, что если для товара существует рынок, то существует соответствующая отрасль, отвечающая этим требованиям. И поскольку рынок больших данных продолжает расти и измеряться, соответствующая отрасль больших данных, в которую входят фирмы, занимающиеся производством, анализом и использованием больших данных, начинает объединяться со стандартными отраслевыми практиками. Это значит что, национальные компании должны преступать к сотрудничеству с такими компаниями, чтобы овладеть такими большими данными для развития дополнительных туристических услуг.

Заключение

В этой статье было рассмотрено роль больших данных как отрасль для разработки эффективного аналитического центра развития туристических программ в Республике Узбекистан. Туристическая отрасль в стране нуждается в устойчивой платформе объединения социальных и экономических услуг для продвижения краткосрочных и долгосрочных туристических программ в областях Узбекистана и в Республике Каракалпакстан. В таких условиях, это отрасль выявляет не только бытовые проблемы, но культурные и этические проблемы, с которыми сталкиваются

локальные и иностранные туристы. Одна из главных причин является нехватка данных локального характера. Большие данные являются основными элементами для улучшения качества туристического бизнеса и путешествия. Национальная компания «Узбек туризм» и туристические агенты в отрасли туризма в Узбекистане, не имеют прямой общий доступ для обработки данных для установления обратной связи с туристами. Необходимо учесть то что, в зарубежных странах, система «BDI» помогает определить системные риски в современной практике больших данных. Такой подход помещает большие данные в большую систему фирм, организаций, процессов и норм для анализа. Эти данные объединяют информацию из различных источников, чтобы создавать знания, делать более точные прогнозы и адаптировать услуги.Иностранные туристические платформы такие как «booking.com» опережают их в собрании необходимых данных для продвижения туристических программ и услуг. Эти компании из-за перепродажи данных потребителей на вторичном рынке больших данных, делают огромный шаг в цифровой экономике и в диджитализации туризма через социальные сети и платформы, делая при этом огромный прибыль на рынке Узбекистана. Связи с этим, в этой статье былирассмотрены способы решения развития и обработки данных для создания конкуренции в отрасли туризма в Республике Узбекистан.

Список использованные литературы:

1. Mohammed Saqr, “Big data and the merging ethical challenges”, IJHS, Vol. 11, Issue 4., Sept-Oct. 2017/ ijhs.org.sa.
2. Varley-Winter O, Shah H. The opportunities and ethics of big data: Practical priorities for a National Council of Data Ethics. Philos TransR Soc Math Eng Sci 2016.
3. Макафи, А. и Бриньольфссон, Э. «Большие данные: Революция менеджмента», Harvard Business Review, октябрь 2012 <https:org/2012/10/big-data-the-management-revolution/
4. «Развитие индустрии туризма создаст 2,6 миллиона новых рабочих мест в Узбекистане», 19 октябрь, 2019 г. <http://uzbektourism.uz>

Ф.Ф.Зохидов – СамИСИ PhD докторанти

ИЧКИ ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: Туризм иқтисодиётнинг мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожланишида катта таъсир кўрсатувчи соҳаси ҳисобланади. Бу соҳа иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан узлуксиз боғланган бўлиб, уларга мультипликатив таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда туризмнинг асосий даромад келтирувчи соҳалари қаторида ички туризм алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ички туризм соҳаси АҚШ, Хитой, Италия, Япония хамда Россия Федерациясига нисбатан яхши даражада ривожланмаган ҳисобланади. Мақоланинг мақсади ички туризмни янада ривожлантиришга доир метод хамда услубарни такомиллаштиришда чет эл тажрибасини хамда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш, натижалардан келиб чиқиб мамлакатда ички туризмни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган .

Калит сўзлар: ички туризм, туризмни ривожлантириш Концепцияси, ичку туризмда туристик кластер, ички туризмда анимация

Аннотация: Туризм - это отрасль, которая оказывает большое влияние на социально – экономическое развитие страны и отдельных регионов. Данный вид экономической деятельности характеризуется мультипликативным эффектом, генерируя образование доходов от смежных отраслей экономики. Среди видов туризма особое значение приобретает внутренний туризм как один из основных источников финансовых поступлений туристской деятельности. При этом в Республике Узбекистан в отличии от зарубежных стран, США, Китай, Италия, Япония и Российская Федерация данное направление слабо развито. Предметом исследования являются методы и формы стимулирования развития внутреннего туризма в странах мира и в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: внутренний туризм, Концепция развития туризма, туристический кластер во внутреннем туризме, анимация во внутреннем туризме

Abstract: Tourism is a sector has a significant impact on territories` socio-economic development. This kind of economy activity is characterized by the multiplier effect due to the generating income determination in related industries. Among all types, domestic tourism become of key importance as the main source of financial receipts from other lines of tourist activity. At that in Uzbekistan this branch is underdeveloped as contrasted with such foreign countries as USA, China, Italy, Japan and Russian Federation. Requisite resistance of domestic tourism in Uzbekistan is organizing, and government pay a good attention for developing this sphere. The target of research is the market of domestic tourism in foreign countries and in Uzbekistan.

Keywords: domestic tourism, Tourism development concept, tourism cluster in domestic tourism, animation in domestic tourism

Существует большое количество подходов к классификации внутреннего туризма, различаемых по принципам построения, прикладным задачам и пониманию его сущности. Наиболее распространенной классификацией внутреннего туризма является его деление на виды, категории услуг и организационные формы.

В соответствии рекомендации Всемирной Туристической Организации (ВТО) в отношении отдельной страны, дано следующие толкование внутреннему туризму:

- внутренний туризм - путешествие жителей, какой либо страны по своей собственной стране.[1]

В законадательстве Республики Узбекистан дано следующее понятие внутреннему туризму: **Внутренний туризм** включает в себя путешествие в пределах Республики Узбекистан лиц, постоянно проживающих в Республике Узбекистан.[2]

Внутренний туризм оказывает активное влияние на экономику как региона, так и страны, в целом он также влияет на социальные и гуманитарные сферы. Внутренний туризм один из главных факторов устойчивого социально-экономического развития регионов. Так как внутренний туризм это:

- индустриальная форма, расщирающая и углубляющая связи туризма с другими секторами экономики;
- взаимодействует со многоми секторами экономики и видами человеческой деятельности, создающие потенциал туристической индустрии, привлекающий людей;
- он является одним из механизмов перераспределения доходов для развития туристических регионов;
- это источник создание новых рабочих мест;
- внутренний туризм является одним из катализаторов развития региона и страны в целом, так как он оказывает мультипликативный эффект на рост национального дохода, занятости уровня жизни населения;
- инвестиции во внутренний туризм отличаются высокой экономической окупаемостью;
- внутренний туризм служит сохранению культурного наследия и окружающей среды, являющимися факторами развития туризма.

Опыт развитых стран свидетельствует об высокой эффективности развития внутреннего туризма. Так в Европе внутренний туристический поток охватывает более 50% населения, в Китае он превышает 73%, в США 80% населения путешествуют только внутри страны. По данным экспертов совокупные расходы внутренних туристов 5 стран – лидеров по этому показателю в 2017 году составили 2252,2 млрд. долларов США. Это говорит о том, что внутренний туризм является не менее значимым источником доходов для государственного бюджета, чем международный.

Таблица №1[3]

Расходы внутренних туристов 5 стран – лидеров по сумме расходов во внутреннем туризме в 2017 году.

[1] Учебник «Организация туризма» Минск. 2006 г. 35 стр.

[2] Статья 5. Формы и виды туризма. “Закон Республики Узбекистан о туризме” ЗРУ-549 от 18.07.2019 г. www.lex.uz

[3] Журнал экономическое обозрение.№ 7 (235) Ташкент. 2019 г. авт. Е.Ким. “Локомотив” региональной экономики.

№	Наименование государства	Расходы внутренних туристов. (млрд. долларов США)
1.	Китай	840,9
2.	США	802,8
3.	Германия	339,7
4.	Индия	186,0
5.	Япония	182,8
6.	Республика Узбекистан	0,4

Республика Узбекистан на фоне лидеров по внутреннему туризму с результатом 0,4 млрд. занимает скромную 121-ю позицию.

На сегодняшний день в республике ведется активная работа по развитию внутреннего туризма. Совершенствуется нормативно правовая база, развивается инфраструктура, проводятся практические мероприятия. Так, 7-февраля 2018 года вышло Постановление Президента Республики Узбекистан (ПП-3514) «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма». В документе была принята комплексная программа развития внутреннего туризма, в которой определены меры по практической реализации и создан перечень районов и городов, обладающих высоким потенциалом для развития внутреннего туризма.

По итогам 2019 года, который можно считать отправной точкой развития внутреннего туризма, как стратегического направления региональной экономики, были реализованы 77 мероприятий и туров по программе «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» .

Таблица №3[1]

Целевые показатели реализации Концепции развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019-2025 годах



[1]Указ Президента Республики Узбекистан УП-5781 от 13.08.2019 года «О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан». www.lex.uz

В целях повышения эффективности проводимых реформ в сфере туризма и кардинального увеличения въезжающих иностранных граждан в республику путем решения имеющихся проблем туристической инфраструктуры, повышения качества предоставляемых услуг и активного продвижения национального туристского продукта на мировых рынках, усиления кадрового потенциала туристской отрасли, а также в соответствии с основными направлениями был принят указ Президента Республики Узбекистан УП-5781 от 13.08.2019 года «О мерах по дальнейшему развитию сферы туризма в Республике Узбекистан». В рамках указа разработана Концепция развития сферы туризма в Республике Узбекистан в 2019 — 2025 годах. В Концепции также отражены вопросы развития и совершенствования внутреннего туризма в Республике Узбекистан. Обозначены целевые показатели количества внутренних туристов до 2025 года.

Исходя, из указанной таблицы можно сделать вывод о планировании стабильного роста количества внутренних поездок в Республики Узбекистан с 2018 до 2025 года. Точнее, планируется увеличение на 61% количество поездок с 15493 тыс. поездок (2018 г.) до 25010 тыс. поездок (2025 г.). Для достижения целевых показателей требуется системный подход в организации работ во внутреннем туризме.

В заключении хочется отметить, что изучение мирового опыта развития внутреннего туризма показало, что реформы, проводимые в данной сфере в Узбекистане, целесообразны и отвечают требованиям времени. Внутренний туризм один из актуальных аспектов регионального развития страны. Применением инновационных идей и проектов в сфере внутреннего туризма можно стимулировать более ускоренный темп его развития, тем самым создавая новые рабочие места, развивая инфраструктуру туристских дестинаций, расширяя и увеличивая палитру оказываемых услуг. Это может дать большой импульс развитию международного туризма, так как известно не развивая внутренний туризм, не возможно создать благоприятные условия развитию международного туризма.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ж. Абдурасулов – Бх-116 гуруҳ талабаси

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТУРЛАРИ ВА СОЛИҚЛАР АУДИТИНИНГ ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада республикамизда қабул қилинган ва 2020 йилнинг 1 январидан жорий этилган Солиқ кодексининг янги таҳририга мувофиқ белгиланган солиқ назорати турларининг моҳияти, мақсади, уларнинг бир биридан, шунингдек аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган солиқлар аудитидан фарқли жиҳатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: солиқ назорати, камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити, солиқларнинг аудиторлик текшируви.

Аннотация: в статье раскрыты сущность, цель видов налогового контроля, отличительные особенности между ними, а также отличия их от аудита налогов, проводимого аудиторскими организациями.

Ключевые слова: налоговый контроль, камеральная проверка, выездная проверка, налоговый аудит, аудиторская проверка налогов

Abstract: the article reveals the essence, purpose of types of tax control, the distinguishing features between them, as well as their differences from tax audits conducted by audit organizations.

Keywords: tax control, desk audit, field audit, tax audit, tax audit

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (СК) янги таҳрирда тасдиқланди, ушбу кодекс 2020 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Солиқ кодексининг янги таҳририга мувофиқ республикамизда солиқ солиш тизимига кўплаб ўзгаришлар киритилди. Бундай ўзгаришлар, чунончи, солиқ назорати ва текширувларини ҳам қамраб олди.

Солиқ кодекси янги таҳририга мувофиқ (V бўлим. Солиқ назорат, 17-боб. Солиқ назорати тўғрисидаги умумий қоидалар.Солиқ текширувлари - 135 - 155-моддалар) солиқ назоратининг иккита шакли, солиқ текширувларининг эса учта тури назарда тутилган (1-расмга қаранг).

Таъкидлаш жоизки, солиқ назоратининг ҳар бир шакли, шунингдек солиқ текширувларининг ҳар бир тури ўзининг аниқ мазмунига, мақсад ва вазифаларига эга. Улар Солиқ кодексининг тегишли моддалари билан белгиланган. Чунончи, республикамизнинг Солиқ кодексига мувофиқ:

***солиқ текширувлари** – бу ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти.



1-расм. Солиқ назоратининг шакллари ва солиқ текширувларининг турлари

***солиқ мониторинги** – бу солиқ органи томонидан олдинги йилда даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида ўн миллиард сўмни ташкил этган юридик шахснинг солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги аризасига асосан у томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги) юзасидан ўтказиладиган назорат тури.

***камерал солиқ текшируви** – бу солиқ органи томонидан солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида жойларга чиқмасдан текшириш.

***сайёр солиқ текшируви** – бу солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини жойларга чиқиб текшириш.

***солиқ аудити –** бу солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларнинг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини бевосита жойларга бориб текшириш.

Юқорида таърифлари берилган солиқ текширувлари турларининг бир биридан фарқланадиган асосий жиҳатларига қуйидагилар киради (1-жадвал).

Солиқлар ва йиғимлар нафақат ваколатли органлар томонидан ўтказиладиган солиқ текширувларининг объектларидир. Улар аудиторлик ташкилотлари томонидан юридик шахсларда ўтказиладиган мажбурий ва ташаббус тарзида, шунингдек комплекс ёки тематик (махсус савол тарзида) аудиторлик текширувларининг ҳам ўта муҳим объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

1-жадвал

Солиқ текширувлари турларининг фарқли жиҳатлари

№	Фарқловчи белгилар	Камерал текширув	Сайёр текширув	Солиқ аудити
1	Мақсади	Солиқ тўловчилар тақдим этган солиқ ҳисоботлари ва молиявий ҳисоботлардаги тавофутларни солиқ органининг ўзида таҳлил қилиш асосида аниқлаш	Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашга доир айрим мажбуриятларини, шуниндек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини жойларга чиқиб текшириш.	Солиқ тўловчиларнинг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини бевосита жойларга бориб текшириш.
2	Текширувнинг максимал муддати	Белгиланмаган	10 кундан кўп бўлмаган муддатда	30 кундан ортиқ давом этиши мумкин эмас
3	Солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш	Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилади.	Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилмайди.	Солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилади
4	Текширув усуллари	Таққослаш, таҳлил	Хронометраж, кузатиш, инвентаризация, таҳлил, экспертиза, анкета сўрови	Хронометраж, кузатиш, ҳужжатлаштириш, инвентаризация, экспертиза, икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калькуляция, таҳлил, гуруҳлаш, умумлаштириш, гувоҳларни жалб этиш, тушунтириш олиш, таққослаш ва бошқалар
5	Текширув натижаларини расмийлаштириш	Тафовутларни бартараф этиш бўйича талабнома	Сайёр солиқ текшируви далолатномасини	Солиқ аудити далолатномаси
6	Молиявий санкциялар қўллаш	Молиявий санкциялар қўлланилмайди, аммо пенялар ундирилиши мумкин	Молиявий санкциялар қўлланилмайди	Молиявий санкциялар қўлланилиши мумкин.

Республикамизда амалда бўлган аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунга[1] мувофиқ ҳам мажбурий, ҳам ташаббусли аудитнинг пировард мақсади бўлиб хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даври учун тузилган

[1] 2000 йил 26 майда 78-II-сон Қонун билан янги таҳрирда қайта тасдиқланган.

молиявий ҳисоботининг реаллиги ва амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларининг энг муҳим жиҳатлари бўйича республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ҳужжатларига мос келишлиги ёки келмаслиги тўғрисида холис аудиторлик хулосасини шакллантириш учун исботу-далилларни йиғиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун ўтказилган аудит молиявий ҳисоботнинг барча элементларини, чунончи активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни қамраб олади. Корхоналарнинг солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблари молиявий ҳисоботнинг юқоридаги барча элементларига бевосита тегишлидир. Шу боис ҳам, солиқлар реаллигини текширмасдан туриб, молиявий ҳисобот реаллигига аудиторлик баҳосини бериб бўлмайди.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган солиқлар аудити давлат солиқ органлари томонидан ўтазиладиган солиқ аудитига айрим жиҳатлари бўйича ўхшаш, айрим бошқа жиҳатлари бўйича эса ундан фарқланади. Уларнингўхшашлик жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган солиқлар аудити, ҳам давлат солиқ органлари томонидан ўтазиладиган солиқ аудитининг предметини ташкил қилувчи объектлар бир хилдир. Бундай объектлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (2-расмга қаранг).



2-расм. Солиқлар аудити ва солиқ аудити предметини ташкил қилувчи объектлар

Иккинчидан, ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувлари, ҳам давлат солиқ органи томонидан ўтказиладиган солиқ аудитининг ташкилий дастаклари бўлган аудит режаси ва аудит дастури бир-бирига ўхшаш бўлган текширув саволларни ўз ичига олади, бинобарин ушбу саволлар аудит режаси ва дастурида кўрсатиладиган бевосита текширув предметини ташкил қилувчи объектлардан келиб чиқиб бир хил кетма-кетликда шакллантирилиши мумкин.

Учинчидан, ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган аудиторлик текширувлари, ҳам давлат солиқ органи томонидан ўтказиладиган солиқ аудити дастурига киритилган саволлар бўйича ўтказиладиган текширув усуллари бир-бирига ўхшашдир. Чунончи, солиқ турлари бўйича солиқ базаси улар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар маълумотларига тегишли гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар асосида текширилади, бунда солиқ базасига кирувчи суммаларни, шунингдек солиқ суммасини ифодаловчи ҳужжатлар реестри ҳам яхлит шаклда тузилади. Мисол учун ҚҚСга тортиладиган сотиш ҳажми ва ҚҚС суммасини акс эттирувчи ишчи аудит ҳужжати ҳар иккала текширувда ҳам қуйидаги шаклда расмийлаштирилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Акциз ва ҚҚС бўйича солиқ базасини ва солиқ суммасини акс эттирувчи счёт-фактуралар реестри

№	Счёт-фактура		Харидор	Сотиш қий-мати	ҚҚС		Жами сотиш қиймати
	№	Сана			ставка	Сумма	

Текширув усуллари ва уларни ишчи аудит ҳужжатлари билан расмийлашлаштириш тартиблари бошқа солиқ турлари бўйича аудиторлик текширувида ва солиқ аудитида ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилмайди.

Шу билан бирга аудиторлик текширувлари томонидан ўтказиладиган солиқлар аудити ва солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудити бир биридан қуйидаги жиҳатлари бўйича фарқланади (3-жадвал).

3-жадвал

Солиқ текширувлари турларининг фарқли жиҳатлари

№	Фарқловчи белгилар	Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган солиқлар аудити	Солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ аудити
1	Мақсади	Молиявий ҳисобот ҳаққонийлиги тўғрисида холис аудиторлик хулосасини бериш учун солиқ ва йиғимларнинг ҳисобланиши, тўланиши,	солиқ тўловчиларнинг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг Солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқлигини

		имтиёзлари, улардан фойдаланиш, шунингдек солиқ ва йиғимларга доир дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолатини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлиги бўйича исботу-далилларни йиғиш	аниқлаш
2	Текширувнинг максимал муддати	Шартномада келишилган муддатда	30 кундан ортиқ давом этиши мумкин эмас
3	Текширув натижаларини расмийлаштириш	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси	Солиқ аудити далолатномаси
4	Солиқ ҳисоби ва ҳисоботини тўғрилаш	Солиқ ҳисоби ва ҳисоботидаги тафовутларни тўғрилаш бўйича тавсиялар берилади	Текширув натижалари бўйича солиқ ҳисоби ва ҳисоботида аниқланган тафовутларга келгусида йўл қўймаслик бўйича тавсиялар берилади
5	Молиявий ва бошқа турдаги санкцияларни қўллаш	Молиявий ва бошқа турдаги санкциялар қўлланилмайди	Молиявий ва бошқа турдаги санкциялар қўлланилади
6	Текширув нати-жалари бўйича мижозга етказил-ган зарарни қоплаш	Етказилган зарар шартнома шартларига кўра қопланади	Етказилган зарарни қоплаш суд қарори асосида белгиланади

Юқоридагиларнинг барчаси ваколатли органлар томонидан ўтказиладиган солиқ аудити ва аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган солиқлар аудитининг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигидан дарак беради, шунингдек ушбу хусусиятлар давлат солиқ аудити ва холис солиқлар аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини яратишни объектив зарурат қилиб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.

2.Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда 78-II-сон Қонун билан тасдиқланган.

Д.Р.Рафеев – СамИСИ доценти
Э.А.Раббимов – СамИСИ 2 курс магистранти

ТЕЛЕРАДИО ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТИ
(Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси мисолида)

Аннотация: мақолада телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектлар аудитининг зарурияти, мақсади, ташкилий, ахборот таъминоти ҳамда реаллиги кўриб чиқилган

Аннотация: в статье рассматривается аудит деятельности субъектов, оказывающие телерадио услуги, необходимость, цель, организационное и информационное обеспечение, а также реальность аудита

Abstpact: The article examines the need, purpose, organizational, information support and reality of auditing entities that provide broadcasting services

Калит сўзлар: аудит, халқаро аудит, халқаро аудит стандартлари, оммавий ахборот воситалари, рақамли иқтисодиёт, рақамли радиотехника, ахборот таъминоти, аудитни режалаштириш, аудитнинг дастури, бюджетдан молиялаштириш, даромадлар аудити, харажатлар аудити, ҳисоб-тўлов шартномаси, харажатлар сметаси

Ключевые слова: аудит, международный аудит, международные стандарты аудита, средства массовой информации, цифровая экономика, цифровая радиотехника, информационное обеспечение, планирование аудита, программа аудита, бюджетное финансирование, аудит доходов, аудит расходов, расчетно-платежный договор, смета расходов

Key words: audit, international audit, international audit standards, media, digital economy, digital radio, information support, audit planning, audit software, budgeting, revenue audit, cost audit settlement agreement, cost estimate

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ва кутилаётган режалар тўғрисида доимий равишда ахборотларни ҳалқимизга етказиб келмоқда. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутади.

Президентимиз ҳам ўзларининг қатор нутқларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида ўз фикрларини билдириб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Ҳаммамиз яхши тушунамиз, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутади...ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади” деб таъкидлаганлар.[1]

[1]Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқида оммавий ахборот воситалари тўғрисида қуйидаги фикрни баён этган: "Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди".[1]

Мамлакатимизда телерадио хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича кўплаб муаммоли масалалар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Республикада телекоммуникация технологиялари ривожланишининг қонунчилик ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актларда хисоб объектининг таснифий асослари яратилмаган. Телекомуникация хизматларининг алохида турлари бўйича махсулот таннархини калькуляция қилиш хозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ўзбекистонда ҳам умуммамлакат миқёсида ахборот коммуникациялар йўналишларидан бири, рақамли иқтисодиёт таркибида рақамли радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение тизимига ўтишдек ғоят муҳим ва катта аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда телерадиоэшиттириш соҳаси 50 та телестудия, 13 та радиостанция, 36 та кабелли телевидениедан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ўзига қамраб олади.[2]

Мамлакатимизда асосий телерадио корхонаси бўлиб "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси" ДУК фаолият олиб бормоқда.

Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандардлари асосида ўтказилган аудитни тўғри ташкил этиш улар фаолиятини ривожланишига олиб келади. Шу боисдан ҳам биз телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандардлари асосида ўтказилган аудитни нафақат текшириш объекти сифатида қарамасдан унга консалтинг хизматларини кўрсатишини таъминлашдан иборат деб қарашимиз лозим.

Бошқарув нуқтаи назаридан аудит бошқарув қарори қабул қилишдан олдинги босқич бўлиб, унинг мақсади: бошқарилаётган объект ҳолатига тўғри баҳо бериш ва бу ҳолатнинг талаб қилинаётган ҳолатдан қанчалик фарқ қилишини кўрсатиб бериш; объектни амалдаги вазиятдан талаб қилинаётган ҳолатга ўтказиш имкониятлари ва йўлларини аниқлаш; мақбул қарорлар қабул қилиш учун материаллар тайёрлашдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, корхона даромадларини бошқариш тизимида аудит ахборот олиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ўртасидаги оралиқ жойни эгаллайди. Улар бошқарув қарорларини қабул қилиш асоси бўлиб ҳисобланади, қарор қабул қилишнинг ўзи эса бошқарув тизимида етакчи ўрин тутади.

Агарда телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда молиявий хисоботлар БҲМС асосида тузилган бўлса, халқаро аудит стандартлари

йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. www.prezident.uz 08.12.2018.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.prezident.uz 24.01.2020.

[2] www.mtrk.uz

асосида аудиторлик текширувини ўтказишдан олдин ҳисоботларни МҲХС ларига мослаштириб трансформация қилишимиз зарур.

Биз тадқиқот олиб бораётган Самарқанд вилоят ТРКсининг Низоми Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2006 йил 10 мартдаги 50-сон буйруғи билан тасдиқланган.

“Самарқанд ТРК” ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари, ҳомийлар ва реклама маблағлари, шунингдек, қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади. 2019 йил штатлар жадвалида 69 та штат бирлиги мавжуд, шулардан: телевидение гуруҳида 13,5 бирлик ва радио гуруҳида 12 бирлик фаолият олиб бормоқда.

Қуйидагилар телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда халқаро аудит стандардлари асосида ўтказилган аудитнинг ахборот таъминоти бўлиб ҳисобланади:

- Телерадиокомпания Низоми
- Харажатлар сметаси
- Шартномалар, счёт-фактуралар, медиа-жадваллар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар
- Синтетик ва аналитик счётлар маълумотлари
- Мемориал ордерлар
- Бош китоб маълумотлари
- Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар
- Бошқа ҳисоботлар.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишдан олдин аудитор корхона фаолияти билан танишади ва аудиторлик риски, иш ҳажмини аниқлайди. Шундан сўнг томонлар ўртасида шартнома тузилади. Халқаро аудит стандардлари асосида ўтказилган аудит жараёнида аудитни тўғри режалаштириш унинг самарадорлигини оширади. Шу сабабли ҳам аудитни режалаштириш 300-сонли “Аудитни режалаштириш” номли халқаро аудит стандарти талаблари асосида амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви режасидан сўнг унинг дастури тузилади. Аудиторлик дастурида аудиторнинг иш ҳужжатлари ҳамда аудит жараёнида қўлланиладиган текшириш усуллари ифодаланади. Биз корхона даромадлари ва харажатлари аудити бўйича аудиторлик дастурини туздик. Аудиторлик дастурига асосан корхона даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги асослилиги аниқланади.

Аудиторлик режаси ва дастурида бажариладиган тадбирларни амалга оширувчи аудиторлар ўзига бириктирилган тадбирлар юзасидан аудит қилишнинг тахминий кетма-кетлигини белгилаб олади ва шунга асосан аудиторлик текширувини маълум тартибда амалга оширади. Бу аудиторлик иши сифати ҳамда самарадорлигини таъминлайди.

Аудиторлик текшируви таркибида даромадлар аудити ўта муҳим ҳисобланади.

Биз тадқиқот олиб борган “Самарқанд ТРК” ўз фаолиятини давлат

бюджети маблағлари, ҳомийлар ва реклама маблағлари, шунингдек, қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

Самарқанд вилоят ТРК даромадларини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлдик (1 -жадвал).

1- жадвал

Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йилдаги даромадлари тўғрисидаги маълумот (минг сўм)[1]

№	Кўрсаткичлар	Сумма	Улуши, %
1	Бюджетдан олинган маблағлар	2037716,5	44,2
2	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди даромадлари, шундан:	2563428,9	55,5
2а	Хизматлар кўрсатишдан	391897,1	15,3
2б	Бошқа тушимлар	2171531,8	84,7
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар	12540,7	0,3
Жами		**4613686,1**	**100,0**

Жадвал маълумотларини ўрганганимизда шуни кўришимиз мумкинки, компаниянинг 44,2 %, яъни 2037716,5 минг сўм маблағи бюджет маблағлари, 55,5 %, яъни 2563428,9 минг сўм маблағи бюджетдан ташқари маблағларидан, ҳамда 0,3% яъни 12540,7 минг сўм бу солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлардан иборат.

Аудитор Самарқанд вилояти ТРКда кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадларни текширишда авваламбор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан бюджетдан ташқари, яъни Бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди даромадларини ўрганишдан бошлайди.

Биринчи жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Самарқанд вилояти ТРКда кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромадлар 2563428,9 минг сўмни ташкил этади. Бу даромад суммаси бир нечта хизмат турларидан иборат. Жумладан, реклама, эълонлар, мусиқий клипларни намойиш этиш, тижорий кўрсатувлар ва бошқалар.

Текширишлар шуни кўрсатдики, 2019 йил давомида реклама хизматлари бўйича 193 та тижорат ҳисоб-китоб шартномалари тузилган. Ушбу шартномаларнинг 35 таси турли сабабларга кўра бекор қилинган ва бу қўшимча даромад манбасининг камайишига олиб келган.

Биз ушбу шартномаларни тўғри, сифатли ва ўз вақтида бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун мустақил аудиторлик текширувини ўтказдик ва реклама бўйича тузилган 49/Р-сонли ҳисоб–тўлов шартномасини ва ушбу шартнома бўйича бажарилган ишларни текширдик.

49/Р-сонли ҳисоб–тўлов шартномаси 2019 йил 11 апрельда “ERKIN EMINA EXPRES TOUR” МЧЖ билан “Янги автобус қатнови” номли реклама ролигини тайёрлаш ва узатиш бўйича тузилган. Шартнома бандлари

[1]Маълумот Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясини 2018 йил ҳолатига Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан олинган(2 илова)

қуйидагича (2- жадвал).

2- жадвал

“ERKIN EMINA EXPRES TOUR” МЧЖ билан тузилган шартнома маълумотлари

№	Иш ёки хизмат тури	Ўлчов бирлиги (дақиқа, сония)	Сони	Баҳоси	Таъминлаш баҳоси
1	ТВ рекламани тайёрлаш	20 сония	1	421 000	421 000
2	ТВ рекламани эфирга узатиш	дақиқа	30	125 000	3 750 000
Жами					**4 171 000**

Шартномага асосан реклама ролиги 15 апрелдан 15 майга қадар намойиш этилиши лозим эди ва Самарқанд вилояти ТРК шу муддат ичида ҳар куни соат 8:10, 19:10 ва 21:45 да эфирда узатган. 2019 йил 16 май куни ишларни бажариш бўйича 16-сонли далолатнома тузилган ва 16-сонли счёт фактура ёзиб берилган. Бухгалтер шу хужжатларга асосан даромадни тан олган.

Самарқанд вилояти ТРКнинг лавҳа тайёрлаш бўйича 48/Л-сонли шартномаси ва бошқа ҳужжатларни ва мусиқий дастур бўйича тузилган 02/М-сонли шартномаси ҳамда бошқа асословчи ҳужжатларни ҳам текширувдан ўтказдик ва ҳеч қандай четланишлар мавжуд эмаслигини гувоҳи бўлдик.

Аудит режаси ва дастури бўйича текшириш лозим бўлган муҳим кўрсаткич харажатлар ҳисобланади. Самарқанд ТРК бюджет ташкилоти бўлганлиги сабабли харажатлар сметаси бажарилишининг реаллигини текшириш энг муҳимдир. Биз Самарқанд ТРК смета харажатларини текширишини мустақил амалга оширдик. (3-жадвал)

3- жадвал

Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил смета харажатлари ижросининг текшириш натижалари

№	Харажат номи	Тасдиқланган режа	Молиялаштирилган	Касса харажатлари	Ҳақиқий харажатлар	Фарқи (+/-)
1	Иш хақи	**1 142 704,0**	**1 134 650,0**	**1 134 650,0**	**1 156 476,2**	**21826.2**
2	Ногиронлик бўйича имтиёзлар	**12 455,0**	**18 206,6**	**18 206,6**	**19 047,9**	**841.3**
3	**1-гуруҳ. Иш ҳаққи ва унга тенглаштирилган тўловлар**	**1 155 159,0**	**1 152 856,6**	**1 152 856,6**	**1 175 524,1**	**22667.5**
4	**2 гуруҳ. Ягона ижтимоий тўлов**	**284 437,0**	**282 880,3**	**282 880,3**	**289 119,0**	**6238.7**
7	Коммунал хизматлар	**31 588,0**		**31 586,6**	**28 909,4**	**-2677.2**
8	Товар моддий захиралар	**19 235,0**		**19 235,0**	**19 241,2**	**6.2**
9	Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун бошқа	**551 158,0**		**551 158,0**	**551 158,0**	**0**

	харажатлар					
10	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизмати	**1 521,0**		**1 521,0**	**1 521,0**	**0**
11	Объект хавфсизлиги хизмати	549 637,0		549 637,0	549 637,0	0
12	**4-гуруҳ. Бошқа харажатлар**	**601 981,0**	**601 979,6**	**601 979,6**	**599 770,1**	**-2209.5**
	ЖАМИ:	**2 041 577,0**	**2 037 716,5**	**2 037 716,5**	**2 064 413,2**	**26696.7**

Жадвалдан кўриниб турибдики смета харажатлари 3 та гуруҳ ва 32 моддалардан иборат. Ҳақиқий харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасининг 1 ва 2 гуруҳига нисбатан кўп бўлиб фақат 4 гуруҳ харажатларига нисбатан камни ташкил қилган. Ҳақиқий харажатлар молиялаштирилган маблағларга нисбатан 26696,7 минг сўмга кўп бўлиб, у асосан ходимларнинг иш ҳақининг ошиши ҳисобидан вужудга келган.

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ва кутилаётган режалар тўғрисида доимий равишда ахборотларни узатиш тизимидир.

2. Янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида, жумладан рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

3. Мамлакатимизда хусусий телерадио каналларининг камлиги бу соҳада кучли рақобатнинг вужудга келишига тўсқинлик қилмоқда.

4. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитни ўтказишдан асосий мақсад корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мос ҳолда олиб бораётганлигини текшириш ва унга ҳолисона баҳо беришдан иборат.

Тадқиқот олиб бориш натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Самарқанд вилоят ТРКсида мажбурий аудит текшируви ўтказилмаслигини ҳисобга олган ҳолда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни олдини олиш, корхонанинг иқтисодий жихатдан янада юксалишини таъминлаш мақсадида ташаббусли аудит текшируви ўтказиш тавсия қилинади.
2. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказиш кетма кетлиги ишлаб чиқилди.
3. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудит ўтказишнинг режаси ва дастури ишлаб чиқилди.
4. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда асосий тўловлардан бири бўлган янги махсулотларга муаллифлик қалам ҳаққи (гонорар) тўловларини аудитор томонидан синчиклаб ўрганишни тавсия қилар эдик. Чунки яратилган янги махсулот учун тўланадиган қалам ҳаққи тегишли меъёрий хужжатларга мос келиши лозим.(Ўз МТРК 118 буйруқ)
5. Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектларда тижорат йўналиши-да мижозлар билан тузилган шартномалар ялпи текширувдан ўтказилиши лозим.

С.Н. Ташназаров – СамИСИ доценти, и.ф.д.
А.А. Амонов – СамИСИ катта ўқитувчиси

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Аннотация: ушбу мақолада янги концептуал асослардаги ўзгаришлар, жумладан активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар ва хусусий капиталга берилган янги таърифлар келтирилган.

Таянч атамалар: концептуал асослар, активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, хусусий капитал.

Аннотация: в этой статье приводится изменения в концептуальных основах, даны новые определения активов, обязательств, доходов, расходов и собственный капитал.

Ключевые слово: концептуальные основы, активы, обязательства, доходы, раходы, собственный капитал.

Abstpact: This article provides changes to the conceptual framework, gives new definitions of assets, liabilities, income, expenses and equity.

Key words: conceptual framework, assets, liabilities, income, expenses and equity.

Жаҳонда замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг интеграциялашуви шароитида молиявий ҳисобот унификацияси, ривожланаётган мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ўта муҳим масалалар ҳисобланади.

2016 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуннинг янги таҳрири 22-моддасида “Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади” [1] деб қайд этилиши мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўлланилишининг қонуний асосларини белгилаб беради.

Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда молиявий ҳисобот воситасида ахборотларни халқаро стандартлар талабларига мос ҳолда хорижий инвесторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчиларига тақдим этиш, МҲХСлари асосида молиявий ҳисобот трансформацияси методологияси ҳамда молиявий ҳисоботнинг янги форматлари борасида илмий изланишларни олиб боришни тақозо қилади. Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этишнинг умумий қоидалари унинг концептуал асослари бўлиб хизмат қилади. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари умумқабул қилинган концепциялар, қоидалар ва принципларни белгилайди. Концептуал асослар алоҳида стандарт эмас, балки барча стандартлар учун фундамент бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун у концептуал асослар деб номланган. Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш 2018 йил март ойида “Молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг концептуал асосларини” янги таҳрирда қабул қилди. Ушбу янги қабул қилинган концептуал асослар 2020 йил 1 январдан амалиётга жорий қилинди.

Концептуал асосларнинг талабларидан келиб чиқиб МҲХСларига ўзгартиришлар киритилади. Концептуал асослардаги асосий ўзгаришлар нималардан иборат. **Биринчидан**, янги концепцияда “иқтисодий ресурслар ва уларга талаблар”, молиявий ҳисоботнинг элементи ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар, хусусий капиталга ҳуқуқ юзага келиши нуқтаи назаридан янги такомиллашган таърифлар келтирилди, “ҳисобот бераётган ташкилот” каби атамаларга алоҳида эътибор қаратилди. **Иккинчидан**, молиявий ҳисоботнинг принципларига янгича ёндашилди. Янги концептуал асосларда мазмуннинг шаклдан устунлигига устувор аҳамият қаратди. Молиявий ҳисобот принципларининг таснифий асосларига ҳам маълум ўзгартиришлар киритилди. **Учинчидан,** олдинги концептуал асослардан фарқли ўлароқ янги концептуал асосларда молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари белгиланди. Бунда ҳисоботларнинг номлари аниқ белгиланмаган ҳолда қайси ҳолатлар ва жараёнлар билан боғлиқ ҳисоботлар тузилиши кераклигини кўрсатиб берди. Чунки, ҳисоботларни компаниялар ва турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Ҳисоботларнинг номланиши бўйича ҳам ягона тўхтамга келиш қийин. Масалан, “Ташкилотнинг тан олган активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари, уларнинг характери ва улар билан боғлиқ рисклар киритилган ҳолда маълумотлар тўғрисида”ги, “Ташкилотнинг тан олмаган активлари ва мажбуриятлари, уларнинг характери ва улар билан боғлиқ рисклар киритилган ҳолда маълумотлар тўғрисида”ги ҳисоботлар тақдим қилиши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳисоботнинг шакли, номланишини компаниялар мустақил белгилайди.

Молиявий ҳисоботнинг муҳим концептуал масалаларидан бири бу унинг элементлари масалаларидир. Олдинги концептуал асосларда ва янги концептуал асосларда ушбу масалаларнинг қайд қилинишишини қуйидаги 1-жадвалда расмийлаштирамиз.

1-жадвал

Молиявий ҳисобот элементларининг янги таърифлари

“Молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларида” олдинги таҳририда (2010) [3]	**“Молиявий ҳисоботни тақдим қилишнинг концептуал асослари”нинг янги таҳририда (2018) [2]**
Активлар – бу корхона томонидан ўтган ҳодисалар натижасида назорат қилинадиган ресурслар бўлиб, улардан фойдаланиш келгусида корхонага иқтисодий наф келтиради	**Активлар** – бу ташкилот томонидан ўтган ҳодисалар натижасида назорат қилинадиган мавжуд бўлган иқтисодий ресурсдир. Иқтисодий ресурс деганда, иқтисодий нафни яратиш потенциалига эга бўлган ҳуқуқ тушунилади
Мажбуриятлар – бу корхона фаолиятида ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган ҳақиқий мажбуриятлари ҳисобланиб, уларнинг сўндирилиши	**Мажбуриятлар** – бу ташкилотнинг ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган иқтисодий ресурсларни узатиш бўйича мавжуд бўлган ҳуқуқий мажбуриятларидир

Даромад – бу ҳисобот даври давомида компания мулкдорларининг бадал киритиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда капиталнинг кўпайишида ўз аксини топган активларнинг келиб тушиши ва бошқа ўсиши ёки мажбуриятларнинг камайиши шаклида юз берадиган иқтисодий нафларнинг кўпайишидир	**Даромад** – бу ҳисобот даври давомида активларнинг келиб тушиши ёки сифатининг яхшиланиши ёки мажбуриятлар миқдорининг камайиши кўринишида иқтисодий нафнинг кўпайиши, қайсики унинг натижасида ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талабнома ҳуқуқи эгалари томонидан бадал киритиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг кўпайиши юз беради
Харажатлар – бу ҳисобот даври давомида компания мулкдорларига бадал тўловлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда капиталнинг камайишида ўз аксини топган активларнинг чиқариб кетилиши ва бошқа эскириши ёки мажбуриятларнинг ўсиши шаклида юз берадиган иқтисодий нафларнинг камайишидир	**Харажатлар** – бу ҳисобот даври давомида активларнинг камайиши ёки мажбуриятлар миқдорининг кўпайиши кўринишида натижасида ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талабнома ҳуқуқи эгалари фойдасига бадал тақсимланиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда хусусий капиталнинг камайишида ўз аксини топади
Хусусий капитал – бу барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин ташкилотнинг активларига бўлган қолдиқ ҳиссаси	**Хусусий капитал –** бу барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин ташкилотнинг активларига бўлган қолдиқ ҳиссаси

Ушбу жадвал асосида хулоса қилиш мумкинки, активларга иқтисодий ресурс сифатида тавсиф берилган. Иқтисодий ресурс эса иқтисодий нафни яратишга қодир бўлган ҳуқуқ нуқтаи назаридан тавсифланган. Мажбуриятларда ҳам иқтисодий ресурсларни узатиш бўйича ҳуқуқий мажбурият эканлиги таъкидланган. Даромад ва харажатларни тавсифлашда эса “Хусусий капиталига нисбатан талабнома ҳуқуқи эгалари” тушунчасидан фойдаланилган. Бундай кўриниб турибдики, активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатларни тавсифлашда ҳуқуқ нуқтаи назаридан ёндашилган. Ушбу янгиликларни миллий концептуал асосларимизда ҳам ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. 2020 йил 1 январдан жорий қилинган янги концептуал асослар барча стандартларимизни янги таҳрирда тайёрлашга асос бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни. 2016 йил 13 апрель. http://www.lex.uz/acts/2931253
2. О.Б. Фомина. Изменение концептуальных основ МСФО. file:///C:/Users/SamISI-ATM/Desktop/34%20-%20Фомина%20Фомин.pdf
3. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Т.:2019. 122-123-б.

М.М.Ибрагимов – СамИСИ катта ўқититувчиси, и.ф.н.,
У.А.Ширинов – СамИСИ катта ўқитувчиси
О.Т.Ширинова – СамИСИ, МА 116 – гурух магистранти

СУҒУРТА ХАРАЖАТЛАРИНИНИГ АУДИТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта корхоналарида харажатларрни таснифлаш ва тавсифлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, суғурта, суғурта харажатлари, харажатлар,таннарх суғурта фаолияти.

Аннотация. В статье рассматривается классификация и характеристика расходов страховых компаний на развитие цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, страхование, страховые затраты, издержки, стоимость страховой деятельности.

Abstpact. The article covers the classification and characterization of costs in insurance companies for the development of digital economy.

Keywords: Digital economy, insurance, insurance costs, costs, cost insurance activities.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғини ривожлантириш зарурлигини ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш кераклигини англатди. Ҳозирда барча соҳаларни ривожлантириш ва модернизациялашга катта эътибор берилмоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларини жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида суғурта фаолиятида турли рискларнинг пайдо бўлиш тезлигини ҳам ошириб юборади. Зеро, ҳар қандай ривожланиш янги-янги ноаниқликлар пайдо бўлишини ошириб юборади. Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар учун рискларни суғурталаш энг тўғри амаллардан бири бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, айнан суғурталаш бошқа усулларга қараганда кам харажат талаб этади ва салбий оқибатларни қоплаш имконини беради, яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фойдаланиш учун жуда қулай ҳисобланади.

Президентимиз ҳам ўзларининг маърузаларида суғурта бозорини ривожлантириш борасида таъкидлаб ўтганлар. Жумладан, “....суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.[1]

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун харажат энг мухим омиллардан бири бўлиб ҳисобланаи. Суғуртачининг жами маблағлар сарфи суғурта «маҳсулот»и таннархини ташкил этади. У амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ҳамда суғуртачи харажатларнинг таркибини белгилаши учун асос ҳисобланади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда суғуртачининг жами харажатлари ва уларнинг таркибини

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. 20.01.2020 https://prezident.uz/uz/lists/view/3304

аниқлаштириш ҳам талаб этилади.

Суғурта ташкилоти харажатларининг таркиби ҳам хилма-хилдир (1-жадвал). Суғурта ташкилотининг харажатлари саккиз турдан иборат бўлиб, ҳар бир тур ўз навбатида, асосий ва мақсадли фаолият ҳамда харажатларнинг амалга оширилиши вақтига қараб гуруҳланади. Суғурта ташкилоти харажатларининг турларига тўхталадиган бўлсак, улар ўз аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) суғуртани амалга ошириш харажатлари. Бу харажатлар суғуртачи фаолиятини молиялаштириш учун амалга оширилади. Суғурта ташкилоти фаолиятини таҳлил этишда мазкур харажатлар таркибини маълум белгиларига кўра гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғуртачининг фаолияти жараёнида маблағлар сарф этилиши юзасидан белгиланган вазифаларга кўра, суғурта ташкилоти даромади ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботига мос равишда суғурта ишини юритиш харажатлари таркибини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- шартномаларни тузиш ва бажариш харажатлари;
- инвеститсия фаолияти бўйича харажатлар;
- бошқарув харажатлари.

Б) суғурта ишини юритиш харажатлари сарфланишига кўра қуйидагича бўлиш мумкин:

- иш ҳақи тўловлари;

-давлат фондларига ажратмалар, ходимларни тайёрлаш харажатлари, реклама ҳамда маркетинг харажатлари, хўжалик харажатлари ва бошқалар;

Суғурта ишини юритиш харажатларининг юзага келиши даврига кўра, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- суғурта шартномасини тузиш учун олдиндан қилинган (иш қоғозларини тайёрлаш, статистик маълумотларни йиғиш, тариф ҳисоб-китоблари ва шу каби) харажатлар;
- суғурта шартномаси тузиш даврида қилинган харажатлар;
- суғурта шартномаси амал қилиш даврида қилинган (масалан, рискни қайта суғурталашга ўтказиш бўйича) харажатлар;
- суғурта ҳодисаси юз берганда (сабабларини ўрганиш ва унинг оқибатларини тугатиш учун) қилинадиган харажатлар.

Суғурта ишини юритиш харажатларини, шунингдек, айрим суғурта тури ёки шартномасига дахлдор бўлган ўзгарувчан ва барча тузилган суғурта шартномалари портфелига алоқадор бўлган доимий каби гуруҳларга ҳам бўлиш мумкин[1].

Халқаро амалиётда суғурта ташкилотининг харажатлари аквизиция (оммавий-ташкилий комплекс тадбирлар), инкассация (суғуртанинг айрим турлари бўйича мукофотларнинг нақд пулларда қабул қилиниши), ликвидация (суғурта ҳодисаси юз берганлиги юзасидан суғурталанувчи аризасида баён қилинган талабларнинг қондирилиши) ва бошқарувга оид

[1]Dubrovina T.A., Suxov V.A., Sheremet A.D. Auditorskaya deyatelnost v straxovanii. Uchebnoye posobiye pod red. prof. Sheremeta A.D.-M.: INFRA-M, 2012. s. 160.

каби турлардан иборатдир[1].

Суғурта ташкилоти даромад ва харажатларини суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ўрни ва ролига қараб таснифлаш кўпроқ мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагичадир:

- суғурта ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ бўлган (суғурта операциялари ҳамда инвеститсия жойлаштирилуви бўйича) даромад ва харажатлар;

- суғурта ҳимояси билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқа даромад ва харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 65-сон буйруғи билан “Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги НИЗОМ” тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 18 октабрда 1517-сон билан рўйхатга олинган) бўлиб, мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли "Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибша солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ:

суғурта хизматларининг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркибини;

суғурта фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сғурталовчилар фаолиятини молиявий натижаларини шакллантириш тартибини аниқлайди.

1-жадвал

Суғурта ташкилоти харажатларининг турлари ва уларнинг таснифланиши

Т/р	Харажат турлари	Харажатларнинг таснифи		
		Асосий фаолият бўйича	Мақсадли фаолият бўйича	Амалга оширилиш вақтига кўра
1	Маъмурий-хўжалик юритиш харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани амалга ошириш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
2	Воситачилик тақдирлашларини ундириш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
3	Реклама ва маркетинг хизмати харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани тайёрлаш ва тузиш харажатлари	Шартномани тузишга қадар
4	Махсус иш қоғозларини	Суғурта операцияларини амалга	Шартномани тайёрлаш ва	Шартномани тузишга қадар

[1]Straxovoye delo. Uchebnik. Pod red. Reytmana L.I.-M.: Bankovskiy i birjevoy nauchno-konsultatsionnыy sentr, 2011. s. 333.

	тайёрлаш харажатлари	ошириш харажатлари	тузиш харажатлари	
5	Суғурта захираларига ажратмалар	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
6	Қайта суғурталаш харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
7	Инвеститсия жойлаштирилуви харажатлари	Суғурталаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган харажатлар	Шартномани бажариш харажатлари	Шартномани амалга ошириш жараёнида
8	Суғурта қопламаси харажатлари	Суғурта операцияларини амалга ошириш харажатлари	Шартномани бажариш харажатлари	Суғурта ҳодисаси юз берганда

Суғурта ташкилотларининг харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланади, бунда суғурта хизматларининг таннархи таркибига қўшимча (махсус) харажатлар киритилади:

суғурта қилиш (биргаликда суғурта қилиш) ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товонларининг тўловлари суммаси (хусусан, суғурта ташкилотига тегишли улуш);

суғурта ҳолатлари бўйича тартибга солиш ҳамда тўлов билан боғлиқ бўлган харажатлар;

суғурта қилинган мулкнинг бахтсиз ҳодисага дуч келиши, йўқотилиши ёки шакастланишини огоҳлантириш бўйича молиявий чора-тадбирлар захирасига бўладиган ажратмалар;

қайта суғурта қилиш операциялари бўйича ҳисоблаб чиқилган воситачилик мукофотлари ва тантъемалар.

Бошқарув ҳисоби мақсадлари учун харажатлар моддаларининг рўйхати ва уларнинг таснифи ҳисобот йилида суғурта ташкилотининг ҳисоб сиёсатида акс этиши лозим.

А.Т.Мамажонов – ТДАУ Андижон филиали катта ўқитувчиси, PhD
М.Хожибоев – ТДАУ Андижон филиали доценти, и.ф.н.

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши талабалри учун ўқитиладигвн бухгалтерия ҳисоби фанининг асосий йўналишлари хақида фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: мулкчилик, маблағ, манба, ҳисоб, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот, назорат.

Аннотация: в данной статье представлен обзор основных областей бухгалтерского учета для студентов, специализирующихся в области бухгалтерс-

кого учета и аудита в высшем образовании.

Ключевые слова: собственность, фонды, источник, учет, бухгалтерский учет, отчетность, контроль.

Abstract: This article provides an overview of the main areas of accounting for students majoring in accounting and auditing in higher education.

Keywords: Proprietary, Funds, Source, Account, Accounting, Reporting, Control.

Маълумки, мулкчилик ва тармоқ шаклидан қатъий назар, барча корхоналарда бухгалтерия ҳисоби юритилади. У корхонадаги хўжалик маблағларининг тузилиши, жойланиши, қайси манбалардан ташкил топганлиги ҳамда хўжалик жараёни ва муомалалари таъсири остида бўлаётган ўзгаришларнинг бориши устидан узлуксиз назорат олиб боради.

Бухгатерия ҳисобида корхона ихтиёридаги, хўжалик жараёни ва унинг таъсири остидаги хўжалик маблағларининг ҳажми, тузилиши, жойланиш ва тайинланишидаги содир бўладиган ўзгаришлар акс эттирилади ҳамда корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари аниқланади.

Бухгалтерия ҳисоби воситасида корхоналар хўжалик фаолияти жараёни, маблағлари, акс эттирилади ҳамда уларнинг ташкил топиш манбалари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги маълумотлар олинади.

Ҳар қандай фаннинг вужудга келиши учун ҳаётий зарурият туғилиши лозим. Шу туфайли фаннинг шаклланиши бирор киши ёки вазирликнинг ижод маҳсули бўлиб қолмасдан, балки объектив жараёнга таянади. Хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби фани кўп асрлик тарихга эга бўлган фан ҳисобланади. Бу учун эса объектив шарт-шароитлар яратилган.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топган ҳозирги пайтда ҳар бир касбнинг, жумладан бухгалтерия ҳисобининг ҳам тарихини ўрганиш зарурлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтмиш тажрибасини пухта билган бухгалтер, йиллар ўтиб ўз касбининг пирига айланади.

Ўтмишда аждодларимиз ҳам ҳисоб-китоб илмига алоҳида аҳамият беришган. Жумладан, “Темур тузуклари”да ҳисоб, молия ва назорат ишлари мамлакатни бошқаришда муҳим восита бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Масалан, “Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги”да салтанатни бошқаришда ҳисоб ва назорат ишлари ҳақида шундай дейилган: “... ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун бўлиб, ундан йиғиладиган солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин” {1}.

Демак, бизнинг мамлакатимиз тарихида ҳам ҳисоб, ҳисобот ва назорат ишлари тарққий этган дейишимизга асос мавжуд.

Барча фанлар қатори бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз тарихи давомида такомиллашиб келмокда ва бир қанча бошқа фанларнинг вужудга келиши учун методологик асос бўлиб хизмат қилмокда. Чунки ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, корхоналарнинг йириклашуви, хўжалик фаолиятининг кенгайиши иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳисоб ишларини такомиллаштириш заруратини туғдирди.

Бозор муносабатлари ривожланиши натижасида бошқарувнинг ахборот тизими ривожланмокда. Унинг асосини бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими ташкил этади. Бу ахборот тизимининг ажралиб турувчи белгилари: тўлиқлик, ҳужжат билан асосланганлик, пул ўлчовининг қўлланилиши ва бошқалар бўлиб, ҳисоб ахборотларини ўзгартириш ва бошқарув аппаратига ҳамда ҳар қандай даражадаги ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга етказиш ва умумлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга улар хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Бухгалтерия ҳисобини илмий асосланган услубиёт, илғор чет эл ва мамлакатимиз тажрибасини умумлаштириш ҳамда бошқарув соҳасидаги замонавий талаблар негизида ташкил этиш амалиёти манфаатдор ахборотдан фойдаланувчиларга ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тақдим этиш имконини беради.

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талаба аввало, бухгалтерия ҳисоби услубини мушоҳада қилиши ва ақлий тафаккурдан ўтказиши лозим. Фақат шундагина унинг моҳиятини ўзлаштиради ва молия-хўжалик ҳодисаларини ўрганишнинг дедуктив усулини ташкил этувчи кейинги босқичга ўтади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган ривожланиш ҳамда давлат дастурларини изчил бажарилишида ҳисоб тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарур. Жумладан, 2015 - 2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланди{2}.

Шунингдек, ҳисоб тизимини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди{3}.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат дастурига кирган устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий масалаларни ечишда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Бухгалтерия ҳисоби барча иқтисодий фанлар учун ҳам манба ҳисобланади. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча маъмурий- бошқарув ходимлари ва ишчи-хизматчилари иқтисодий тушунча ҳамда жараёнлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Бундай иқтисодий

тушунча ҳамда жараёнлар мазмуни “Бухгалтерия ҳисоби” фанида кўриб ўтиладиган усул ва тамойиллар орқали ифодаланади.

Бухгалтерия ҳисоби фани аниқ, қизиқарли, тортишувли ва муаммоли фанлардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш борасида тўртта йирик давлат: италян, француз, немис ва англия-америка мактаблари мавжуддир.

Баррий Эллиот ва Жамие Эллиотларнинг фикрига кўра бухгалтерлар ахборот берувчилардир, яъни бухгалтерия - акциядорлар ва бошқарувчилар каби фойдаланувчиларга бизнесни молиявий ҳолатини санъат даражасида етказиб беришдир. Маълумотлар умумий молиявий ҳисоботлар шаклида бўлиб, бошқарув назоратида иқтисодий ресурсларни рақамларда кўрсатади. Акциядорлар даврий маълумотларни талаб қилади, қайсики менежерлар уларнинг ресурслар назорати остида бўлиши керак деб ҳисоблашади. Бу маълумотлар акциядорларга менежерларни фаолиятини баҳолаш учун ёрдам беради{4}.

Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий жиҳатлари борасида бу мактабларнинг қарашлари бир-бирига ўхшамайди. Уларнинг таълимотларига кўра бухгалтерия ҳисоби фанининг асоси ҳам ҳар хил талқин қилинади. Масалан, италян мактаби вакиллари бухгалтерия ҳисоби фанининг асосини альгебра ва ҳуқуқ, француз мактаби вакиллари сиёсий иқтисод, немис мактаби вакиллари математика, англия-америка мактаби вакиллари психология деб қарайдилар. Шу сабабли бухгалтерия ҳисоби фанининг вазифаси, предмети, объекти, усул ва услубиёти, тамойиллари ҳамда таркибий тузилиши борасидаги уларнинг қарашлари турличадир.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдалилик даражасини доимо таҳлил қилишга ва амалга оширилаётган жараёнларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бу шароитда, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан янада унумли фойдаланиш зарурияти ортиб боради. Чунки, айнан шу соҳалар иқтисодиёт субъектларининг айтиб ўтилган талабларнинг бажарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Иқтисодиётимиздаги ҳисоб турлари асосан қуйидаги функцияларни бажаради:

– иқтисодиёт тармоқлари корхона ва ташкилотларда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;

– кузатиш орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;

– корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиш натижаларини махсус ҳужжатларда қайд этиш;

– махсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга таъсир этиш.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб

тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

- махсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, мехнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, мехнат хаки фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс эттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

- субъектнинг ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, курилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тўла акс эттириш, назорат қилиш хамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жихатдан асосланган ҳисобот калькуляциясини тузиш;

-субъект ва унинг айрим бўлимларининг рахбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўла ва аниқ иктисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

- таъсисчилар, акциядорлар, сармоя эгалари, юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

- бошқарув қарорларини иқтисодий жихатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таъминлаш;

- тўла хўжалик ҳисобини субъект миқёсида хамда унинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустахкамлаш;

- субъектнинг маблағларидан тўла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иктисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.

Бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳисобчилик ва статистика функцияларини бажарувчи воситасидан субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш қуролига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар ўз ихтиёридаги вақтинча ортиқча маблағларни самаралирок инвестиция қилиш тўғрисидаги асосланган қарорлар қабул қилиш учун фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини бизнес тили деб аташади. Уни ўрганиш хар қандай тилни ўрганишга жуда ўхшаб кетади ва бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган кўпчилик сўзлар хаётда қўлланиладиган худди шундай сўзларга қараганда бошқача маънога эга бўлганлиги сабабли уни ўрганиш бироз қийинроқ туюлади.

Молия вазирлиги давлат органи сифатида бухгалтерия ҳисоби соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш йўли билан бухгалтерия ҳисобини тартибга солишни амалга оширади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш учун “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт”лари, шу жумладан, Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш учун концептуал асослар тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган. Булардан ташқари, ҳозирги кунда республикада бухгалтерия ҳисобининг айрим жиҳатларини тартибга солувчи 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Бундай ҳуқуқий

ва меъёрий ҳужжатларнинг яратилиши ҳамда ишлаб чиқилиши республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб бориш учун асос бўлади. Республикамизда ҳисоб сиёсатини олиб боришдан асосий мақсад жаҳон амалиёти ва бозор муносабатлари талабларига мос келувчи ҳамда халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожлантириш консепциясини яратишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро стандартларига жавоб берадиган ва бозор иқтисодиёти хусусиятларига мос келадиган ҳисобнинг янги тизимини ишлаб чиқишда, олимлар ва амалиётчилар ривожланган бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда бу соҳада яратилган нарсаларга кўр-кўрона ёндошаётганлари йўқ. Лекин хориж мамлакатларининг амалиётини ўрганиш, уларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳисобини такомиллаштириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Темур тузуклари. Тошкент: 1996, 125 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда). Тошкент ш., 2015 йил 24 апрель, ПФ-4720.
3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.
4. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition. 3 p.

А.Б. Абдуллаев – ТМИ катта ўқитувчиси

СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада “солиқ тўловлари” “солиқ харажатлари” ва “солиқ мажбурияти” тушунчаларининг иқтисодий моҳияти очиб берилган. Солиқ харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масалалари МҲХС талаблари асосида тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, солиқ ислоҳотлари, солиқ концепцияси, солиқ стратегияси, солиқ тўловлари, солиқ харажатлари, солиқ мажбуриятлари, солиқ харажатлари таркиби.

Аннотация: В статье объясняется экономическая сущность понятий «налоговые платежи», «налоговые расходы» и «налоговые обязательства». Вопросы, связанные с учетом налоговых расходов, были исследованы в соответствии с требованиями МСФО.

Ключевые слова: налоговая политика, налоговая реформа, налоговая концепция, налоговая стратегия, налоговые платежи, налоговые расходы, налоговые обязательства, структура налоговых расходов.

Abstpact: The article economic meaning of the concepts of “tax payments”, “tax expenses” and “tax liabilities” have been disclosed. The issues of recognizing tax expenses in accounting have been investigated in accordance with the requirements of

IFRS.

Keywords: tax policy, tax reform, tax concept, tax strategy, tax payments, tax expenses, tax liabilities, tax expense structure.

Халқаро амалиётда солиқ ҳисоби ва солиқ менежменти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижалари асосида солиқ ҳисоби ва таҳлили бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежментнинг муҳим бўғинларидан эканлиги илгари сурилаётган бўлсада, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлили алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Жадал иқтисодий ўзгаришлар ва рақобат муҳитининг кучайиши, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловларини қонуний асослар билан оптималлаштириш ва мунтазам таҳлил қилиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда солиқ харажатлари ва унинг ҳисобини юритишни илмий жиҳатдан такомиллаштиришга етарлича аҳамият берилмаётганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини оширмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон фармонида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган. Фармонда келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектларда солиқ харажатларини тўғри ҳисобга олиш ҳамда тўловларни ўз вақтида амалга оширишни талаб этади. “Солиқ тўловлари” ёки “солиқ мажбуриятлари” корхона учун харажат бўлса, бу тушунчаларнинг харажат сифатида моҳиятини кўриб чиқишимиз зарур.

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисид”ги Низомнинг “Бошқа операцион харажатлар” таркибида солиқ тўловлари харажат сифатида қуйидагича баён этилган: “Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар.”[1]

Солиқ харажатига “Фойда солиғи” номли 12-сонли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида “Солиқ харажати – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма” – деб таъриф берилган[2].

Е.В.Егорованинг фикрича “солиқ мажбуриятлари корхоналар учун солиқ харажатлари бўлиб ҳисобланади”.[3]

Е.Г.Дедковнинг ёзишича: Солиқ харажатлари бу - солиқлар билан боғлиқ

[1]“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисид”ги Низом. ВМ №54-сонли Қарори, 05.02.1999й.
[2]“Фойда солиқлари” номли 12-сонли БҲХС.
[3]Егорова, Е. В. Налоговый анализ как самостоятельный вид экономиче-ского анализа / Е. В. Егорова // Государственный университет Минфина России. Финансовый журнал. - 2012. - № 4. - С. 131-138.

бўлган, ҳисобланган мажбуриятлардир.[1]

З.Н.Қурбанов солиқ харажатлари тушунчасига кенг маънода қараган ва қуйидагича таъриф берган: Солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг (солиқ тўловчининг) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлари, солиққа тортишни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар йиғиндисидир[2].

Солиқ харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун улар таркибини ўрганиш зарур.

С.А.Смирнова солиқ харажатларини назорат қилиш ва бошқариш учун уларни тизимга келтиришни таклиф қилади[3]. Бир гуруҳ иқтисодчилар ушбуни амалга ошириш мақсадида солиқ харажатларини тизимлашга ва таркибини беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, М.Ф.Сафонованинг фикрича солиқ харажатларига ҳисобланган солиқ мажбуриятларидан ташқари қуйидагилар ҳам киради:

- ахборот характеридаги харажатлар – иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини ўрганишдаги маълумотларни мониторинг қилишда фойдаланадиган вақтинчалик ва ресурс потенциали;
- корхонанинг назорат ва таҳлилни ташкил қилиш харажатлари, яъни бўлим, ички солиқ аудити хизматини шакллантириш харажатлари;
- ташқи солиқ назорати харажатлари, уларга иқтисодий субъектнинг солиққа тортиш тизимини текшириш доирасидаги ташқи аудит ва консалтинг ўтказиш харажатлари киради;
- солиқ тўловчи сифатидаги иқтисодий субъектнинг хатолари ва ножуя харакатлари билан боғлиқ харажатлар, солиқ қонунчилигига риоя қилмаганлиги учун ҳисобланган жарима суммалари, пенялар;
- қўшимча харажатлар, солиқ мажбуриятларини сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори билан маъқулланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”” [5] нинг 7-бандида “Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига тўлиқ мослаштириш” вазифаси қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун “солиқ тўловлари” ва “солиқ харажатлари”

[1]Дедкова, Е. Г. Анализ и прогнозирование налоговых затрат на промышленных предприятиях :дис. канд. экон. наук: 08.00.10. - Орел, 2010. - 23 с.

[2]Қурбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари. “Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари. Тошкент, 2016.147-148 бетлар.

[3]Смирнова, С.А. Концепция налогового учета. Практические советы по ведению регистров налогового учета // Новое в бухгалтерском учете и от-четности. - 2002. - № 4. - С. 56 – 64.

[4]Сафонова М.Ф. Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар, 2017.стр.35.

[5]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сонли Қарори, 10.07.2019й.

тушунчаларининг моҳиятини тўлиқ ўрганиш ҳамда солиқ тўловларини харажатлар сифатида тан олиш масалаларини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ тўловларини тўлаш бўйича солиқ мажбурияти вужудга келади. Солиқ кодексининг 85-моддасида солиқ мажбурияти қуйидагича эътироф этилган: “Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир”[1].

Солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак. Молиявий ва солиқ ҳисоботлардаги маълумотларни объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида даромадлар ва харажатларни тан олиш қуйидагича эътироф этилган: “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади”[2].

Бухгалтерия ҳисобининг 18-сонли “Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад” номли халқаро стандартида тан олиш қуйидагича баён этилган: “Айнан бир операция ёки бошқа ҳодисага тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар бир вақтда тан олинади; бу жараён одатда даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги деб номланади”[3]. 18-сонли БҲХСга мувофиқ даромадлар ва харажатлар бир даврга тааллуқли бўлиши керак.



1-расм. Солиқ харажатлари таркиби

Бизнинг фикримизча, солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг

[1]Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, ЎРҚ №599, 30.12.2019й.
[2]Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли Қонуни, 13.04.2016й.
[3]“Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад” номли 18-сонли БҲХС.

вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак деб ҳисоблаймиз. Меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак деган хулоса қилинди.

Илмий тадқиқот натижалари асосида солиқ харажатлари таркибига қуйидагиларни киритишни таклиф қиламиз (1-расм):

Биз томонимиздан таклиф қилинган солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлигини таъминлайди.

О.И.Очилов – ТМИ таянч докторанти

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада инвестициялар ҳисобини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бунда инвестицияларни ҳисобга олишга мўлжалланган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, молиявий инвестиция, узоқ муддатли инвестициялар, қисқа муддатли инвестициялар, бухгалтерия ҳисоби счёти.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы совершенствования учета инвестиций на правовой основе. Разработаны научные предложения по совершенствование национального стандарта бухгалтерского учета в бухгалтерских счетах.

Ключевые слова: инвестиции, финансовые инвестиции, долгосрочные инвестиции, краткосрочные инвестиции, бухгалтерская счета.

Abstract. The issues of improving investments accounting by legal basis have been described in the article. Scientific proposals on elaboration of national accounting standard aimed to recording invstments in accounts have been developed.

Keywords: investment, financial investment, long-term investment, short-term investment, accounts.

Республикамизда иқтисодиётни жадал ривожлантириш борасида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг ижоюий натижаларини бермоқда. Биргина “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2019 йилда ҳам бир қатор юқори ўсиш суръатларига эришилганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Жумладан, “...тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди [1] ”. Дарҳақиқат, инвестициялар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.-Т.: “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январ, №19 (7521).

иқтисодиётни ривожлантириш ва юқори макроиқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам ушбу фаолиятга кенг жалб қилинишига замин яратмоқда. Корхоналарда инвестиция фаолиятининг тобора ривожланиб бориши ва ушбу фаолиятдан олинаётган даромадлар ҳажмининг ортиб бораётганлиги уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалаларини ҳам долзарб вазифага айлантирмоқда.

Бугунги кунда инвестициялар ҳисоби бўйича мавжуд қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим мунозарали жиҳатлар ва ўзаро номувофиқликлар мавжудлиги мазкур ҳужжатларни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш орқали улар тўғрисида ишончлик ахборотларни шакллантириш ва молиявий ҳисоботларда очиб беришга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикасининг 21-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” (21-сонли БҲМС) номли миллий стандартидир. Қуйида ушбу стандартда инвестицциялар учун мўлжалланган счётлар, уларнинг қўлланилиши бўйича мавжуд фикр ва мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчимиз.

21-сонли БҲМСга кўра инвестицияларни, ҳисобга олиш учун бир қанча счётлар мўлжалланган, буларнинг энг асосийларига:

0600 - Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар;

0800 - Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар;

5800 - Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларни киритиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобида узоқ муддатли инвестициялар қуйидаги таркибий қисмларга бўлинган ҳолда юритилади:

0610 - Қимматли қоғозлар

0620 - Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар

0630 - Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар

0640 - Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар

0690 - Бошқа узоқ муддатли инвестициялар.

Ушбу таркибий қисмларга бўлинган узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиувчи счётларнинг бир қанча камчиликлари мавжуд бўлиб, фикримизча, уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

Биринчидан, 0610 – Қимматли қоғозлар кўринишидаги инвестициялар эканлиги барча фойдаланувчилар учун тушунарли, аммо, шўъба, қарам, чет эл капиталига мавжуд бўлган корхоналар ҳамда бошқа узоқ муддатли инвестицияларнинг таркиби мавҳумлигича қолган. Яъни, шўъба, қарам, чет эл капиталига мавжуд бўлган корхоналарга қимматли қоғоз кўринишида инвестиция қилинадиган бўлса, бу инвестиция 0610 – Қимматли қоғозлар счётида амалга оширилиши ёки тегишлича, 0620-0690 – счётларда ҳисобга

олинишини на счётлар режасидан на 0610-0690 счётларга ҳисобга олинадиган инвестициялар тўғрисида маълумот берувчи манбалардан билиш мумкин. Бу эса, айнан, қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар ёки айнан турли жамият ва корхоналарга қилинган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ олиш имконияти бермайди. Агар мазкур ахборотларни етарлича, алоҳида таркибий қисмлари бўйича олишнинг имконияти бўлмас, бундай гуруҳларга бўлган ҳолада унинг ҳисобини янада чигаллаштиришдан маъно қолмайди.

Иккинчидан, мазкур счётда айнан қайси турдаги инвестициялар ҳақида сўз юритилганлигини ҳам билиш мумкин эмас, Яъни, турли жамиятларга қилинган инвестициялар, молиявий инвестициялар ёки бошқа турдаги инвестициялар эканлигини билиш имконияти мавжуд эмас.

Учинчидан, шўъба, қарам, чет эл капиталига мавжуд бўлган корхоналарга қилинган инвестицияларни муддати бўйича ҳам ахборот олиш имконияти мавжуд эмас, чунки уларнинг ҳисоби фақат узоқ муддатли инвестициялар таркибида мавжуд. Қисқа муддатли ёки бошқа инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар таркибида шўъба, қарам, чет эл капиталига мавжуд бўлган корхоналарга қилинган инвестициялар ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Бир вақтнинг ўзида капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлардан ҳам шўъба, қарам, чет эл капиталига мавжуд бўлган корхоналарга қилинган капитал қўйилмалар ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти йўқ. Шундай экан, фақат узоқ муддатли инвестициялар таркибида шўъба, қарам, чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестицияларни алоҳида юритишдан маъно қолмайди. Барибир алоҳида мазкур субъектларга киритилган инвестициялар тўғрисида тўлиқ маълумот олишнинг умуман иложи йўқ.

Юқорида келтирилганидек, қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш, бухгалтерия ҳисобида 5800 - Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда амалга оширилиб, унинг таркиби қуйидагича:

5810 - Қимматли қоғозлар

5820 - Берилган қисқа муддатли қарзлар

5890 - Бошқа жорий инвестициялар.

Биз томонимиздан узоқ муддатли инвестициялар ҳисобини юритиш қисқа муддатли инвестициялар ҳисобини юритиш билан бир-бирига мувофиқ бўлиши кераклиги, улар муддати бўйича бир-биридан фарқланиши лозимлиги ғоясидан келиб чиқадиган бўлсак, бу счётнинг таркиби ҳам талаб даражасида эмас.

Тўғри, 0610 ва 5810 счётлари бир бирига мазмунан мос тушади, яъни, узоқ ва қисқа муддатли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар. Аммо, 5820-берилган қисқа муддатли қарзларнинг қисқа муддатли таркибида ҳисобга олиниши масалани чигаллаштиради. Бунда, биринчидан бир субъект томонидан бошқа бир субъектга ҳеч қандай моддий ёки бошқа кўринишдаги нафни кўзламасдан қарз берилиши инвестиция эканлигининг ўзи мунозарали. Чунки, назария ва амалиётдан кўрдикки, 5820 счётда айнан шундай қарзлар

ҳисоби юритилади. Агар қисқа муддатли берилган қарзлар инвестиция сифатида тан олиниб, шунга мос бухгалтерия счётида ҳисобга олинса, унда узоқ муддатли қарзлар ҳам узоқ муддатли инвестиция таркибида ҳисобга олиниши лозим. Аммо, инвестиция тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бунга йўл қўймайди. Чунки инвестициянинг ўз мазмун ва категория сифатидаги моҳяити бор. Бундан ташқари, 5890 счётнинг номланишини қайта кўриб чиқиш лозим. Ваҳоланки, барча меъёрий-услубий ҳужжатларда “қисқа муддатли инвестициялар” жумласидан фойдаланилган. Шу боис, фикримизча, 5890 счёт номланишини ҳам “бошқа жорий инвестициялар” эмас “бошқа қисқа муддатли инвестициялар” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

S.S. Kamolova– Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi
M.M. Qarshiyeva– Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi

QURILISH KORXONALARI FAOLIYATI TAHLILINING YO‘NALISHLARI

Annotatsiya: maqolada hozirgi kunda qurilish korxonalari faoliyatida tahlil qilishning o‘ziga xos hususiyatlari va ob’ektlari to‘g‘risida to‘xtalib o‘tilgan bo‘lib, qurilishda tender asosida faoliyat yuritish xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarni bankrot holatiga tushib qolmasligi, davlat mablag‘ining talon-taroj qilinishini oldini olish va qurilish sohasida erkin raqobat muhitini shaklantirishdan iborat.

Kalit so‘zlar: Tender, talon-taroj, erkin raqobat, foyda, rentabillik, ta’sir qiluvchi omillar.

Аннотация: В данной статье говориться, как можно на сегодняшний день в деятельности строительного предприятия, предотвратить разграбление государственного финансирования и сформирование среды свободной конкуренции в строительной сфере.Вести тендер на основе хозяйственной деятельности субекта, чтобы не обанкротится. А также об обектах про особенности анализа деятельности строительного предприятия.

Ключевые слова:Тендер, расхищение, свободная конкуренция, прибыль, рентабильность, влияющие факторы.

Abstpact: The article about specific features and it justs of analyzing cousfouction raw activity, it based on tender, runlest the position if bankrapcy of household subjects prevent the lundering and form the sphere of competitions.

Key words: tender, plundering, free competitivenies, benefits, factories of rentable, influence.

Mustaqillikning dastlabki yillaridanoq davlat qurilish va erkin iqtisodiyotni barpo etish borasida erishilgan natijalar hamda dunyo hamjamiyati tomonidan ularning e’tirof etilishi rivojlanishining “ozbek modeli”ni naqadar to‘g‘ri tanlangan yo‘l ekanligini isbotladi. Rivojlanishning mazkur modeli natijasi tufayi mamlakatimizda Iqtisodiy o‘sishning barqaror va muvozanatlashgan sur’ati ta’minlanmoqda.

Iqtisodiyotdagi tarkibiy o‘zgarishlar natijasida qurilish ishlari hajmining o‘sish sur’ati yuqoriligini ko‘rish mumkin. Mamlakatimizda amalga oshirilgan qurilish

ishlari va xizmatlari tarkibiy tuzilishini tahlili ularning asosiy qismi yangi ob’ektlarni qurilishi evaziga amalga oshirilgannini ko‘rsatmoqda. Mamlakatimizda qurilish ishlari uchun davlat byudjeti va xususiy investorlar tomonidan milliardlab mablag‘ajratilmoqda.

Hurmatli prezidentimiz tomonidan davon yo‘lini ochilisi va ishga tushirilishi qator yillardagi orzularni amalga oshirilishidir desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ushbu vazifalarni amalga oshirilishida qurilish ishlarini bajaruvchi sub’ektlar tomonidan amalga oshirilishi qurilish ishlari va xizmatlari hajmini tahlil qilshni ob’ektiv zaruriyatga aylantirmoqda.Chunki bozor munosbatlari sharoitida qurilish bilan shug‘ullanuvchi korxonalar asosan xususiylashtirilgan bo‘lib, ularning ko‘p nodavlat shaklidagi xo‘jalik yurituvchi sub’ektlardir. Maml;akatimizda amalga oshirilayotgan qurilishlarning asosiy qismi ijtimoiy ob’ektlar bo‘lib, ularni moliyalashtirish davlat byudjeti hisobidan amalga oshirilmoqda. Bu holat ham qurilish bilan shug‘ullanuvchi sub’ektlar faoliyatini tahlil qlishni taqozo qiladi.

Ta’kidlash joizki, qurilish bilan shug‘ullanuvchi sub’ektlar faoliyatini tahlil qilishning ob’ektiv zaruriyati quyidagilardan iborat:

Birinchidan, qurilish tashkilotlari tender asosida tanlab olinib, bunda bajarilayotgan ishning hajmi va qiymati tezkor tarzda baholab borishni talab etadi.

Ikkinchidan , qurilish bilan shug‘ullanuvchi xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarni bankirotga tushirib qo‘ymaslik choralarini izlab ko‘rish ham tahlil orqali amalga oshiriladi.

Uchinchidan, davlat mablag‘ining talon-taroj qilinishi oldini olishni ta’minlash lozim. Buniing uchun ham uning faoliyatini tezkor tarzda tahlil qilib boorish zarur.

To‘rtinchidan, mamlakatimizda barcha sohalar singari qurilish sohada erkin raqobat muhiti shakillandi. Bu esa quruvchi korxonalarni bankirotligini baholashni, bozor va ish faolligini oshirishni tqozo qiladi. Shu bilan birga har bir korxonada axborot xavfsizligini ta’minlash masalasi ham ko‘ndalang bo‘lib qoladi. Bunda axborotlardan ichki va tashqi foydalanuvchilarga tegishli tarzda etkazish masalasi muhim bo‘lb boradi. Bu masalalarga baho berish ham tezkor tahlil orqali amalga oshiriladi.

Hozirgipaytda Iqtisodiy tahlilni takomillashtirish dolzarb vazifalardan biridir. Bizning fikrimizcha, qurilish tashkilotlarida iqtisodiy tahlilni takomillashtirishning yo‘nalishlari quyidagilardan iboratdir.

Birinchidan, qurilish bilan shug‘ullanuvchi sub’ektlar (korxonalar) faoliyatini tahlil qilishning nazariy asoslarini, bozor munosabatlari va mulkchilik shakillari talablaridan kelib chiqqan holda shakillantirish. Bunda mazkur soha tahlilining mazmuni, predmeti, metodi, ob’ekti, tarkibiy tuzilishi, vazifalari, tashkil qilishning o‘ziga xos xususiyatlari, turlari va unda qo‘llaniladigan usullar kabi masalalarning yoritilishi ko‘zda tutiladi. Qurilish sub’ektlari faoliyatini tahlil qilishda boshqaruv va moliyaviy tahlil shakillarining tarkibi va xususiyatlarini ochib berish.

Ikkinchidan, bozor munosbatlari sharoitida qurilish ob’ektini qo‘lga kiritishda tender shartlari talablariga javob berish imkoniyatini yaratish, qurilish sub’ektlarining texnik salohiyati , undagi fan va texnika yutuqlaridan foydalanish darajasiga baho berish, ob’ektni tenderda yutib olishning sirlari va undagi

ishtirokchini baholash va tahlil qlishning o‘ziga xos xususiyatlari.

Uchinchidan, qurilish sub’ektlari faoliyatining ish natijasiga baho berish va tahlil qilish. Qurilayotgan ob’ektning tayyorgarlik holatiga tezkor tarzda alohidaob’ektlari bo‘yicha va umumiy tarzda baho berish. Qurilish- montaj ishlari sifatiga baho berish va tahlil qilish. Barcha ish natijalari sifatida ta’sirqiluvchi omillarni aniqlash va ularning ta’sirini baholash.

To‘rtinchidan, qurilish sub’ektlarining moddiy- texnika ta’minotiga baho berish va tahlil qilish. Bevosita qurilish materiallari bilan ta’minlanganllikni tezkor tarzda baholash va tahlil qilishning o‘ziga xos xususiyatlari. Qurilish materiallaridan samarali foydalanish yo‘llarini ishlab chiqishda omillar tahlil usullaridan foydalanish imkoniyatlarini ochib berish.

Beshinchidan, qurilish –montaj ishlari tannarxiga baho berish, ularning alohida moddalari bo‘yicha tahlil qilish yo‘llarini ishlab chiqish. Qurilish- montaj ishlari tannarxini kamaytiruvchi omillar va ularni baholash yo‘llarini o‘rganish bo‘yicha tegishli tavsiyalarni ishlab chiqish. Sohada xarajatlarni kamaytirishning ichki imkoniyatlarini axtarib toppish va xarajatlar sam,aradorligini oshirish yo‘llarini ko‘rsatib berish.

Oltinchidan, qurilish sub’ektlarining molyaviy natijalariga baho berish va tahlil qilish, unda foyda va renabellik ko‘rsatkichlariga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlash, ularning ta’sirini hisoblash yo‘llarini ko‘rinb chiqish orqali ichki imkoniyatlarni safarbar qilish usullarini ishlab chiqish.

Yettinchidan, Qurilish sub’ektlarining moliyaviy holatiga baho berish va tahlil qilish. Sohada moliyaviy tahlilning tarkibini aniqlash va uni baholashning zamonaviy usullarini ishlab chiqish. Moliyaviy tahlilda moliyaviy koefgitsentlardan foydalanishga alohida ahamiyat berish va moliyaviy tahlilning tezkorligini ta’minlash bo‘yicha tegishli chora- tadbirlar ishlab chiqish. Moliyaviy tahlilning qurilish bilan shug‘ullanuvchi sub’ektlarda qo‘llanilishining o‘ziga xos xususiyatlarini ochib berish.

Agar, qurilish bilan shug‘ullanuvchi sub’ektlarning faoliyatini tahlilini takomillashtirish bo‘yicha tavsiya etilayotgan yo‘nalishlar amaliyotda qo‘llanilib o‘z yechimini topsa, o‘ylaymizki, sohaning faoliyatiga baho berish hamda uni tahlil qilishda, undan ichki va tashqi foydalanuvchilarning ham manfaatlariga to‘g‘ri keladigan tahlil aniq yaratilgan bo‘lar edi.

Qurilish korxonalarining asosiy iqtisodiy ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarini mahsulot (xizmat)larni ishlab chiqarish va sotish tahlilidan boshlash kerak. Mahsulot (xizmat)larni ishlab chiqarish qiymat ko‘rsatkichlari bo‘lib yalpi va tovar mahsulotlari hisoblanadi.

Qurilish korxonalarining mahsulotiga bino va inshootlarning qurilish-montaj ishlarini bajarish, shuningdek bino va inshootlarni ta’mirlash, rekonstruksiya va modernizasiya qilish, kengaytirish ishlari kiradi. Qurilish mahsulotlarining asosiy ko‘rsatkichi tovar mahsuloti (qurilish-montaj ishlarini bajarish qiymati) va sotilgan mahsulot (mahsulot (xizmat)ni sotishdan tushgan tushum) hisoblanadi.

Mahsulot (xizmat) qiymati amaldagi bahoda, ya’ni joriy davrdagi bahoda va taqqoslama bahoda ifodalanishi mumkin. Taqqoslama bahoni qo‘llash mahsulot

(xizmat) qiymatini bir yildagi bahoda ifodalashni anglatadi. Chunki qurilish montaj ishlari bir necha yilda bajarilishi mumkin.

Mahsulot (xizmat)ning dinamikasini tahlilida ishlab chiqarish hajmi o‘zgarishi amaldagi va taqqoslama bahoda ifodalanadi. Agar ma’lum davrda amaldagi bahoda hisoblangan mahsulot ishlab chiqarish hajmi oshsa, lekin taqqoslama bahodagi mahsulot ishlab chiqarish hajmi kamaysa, bu mahsulot (xizmat)ning bahosini oshganligi hisobiga mahsulot ishlab chiqarish hajmi o‘zgarganligini ko‘rsatadi.

Qurilish korxonalarining qurilish va ta’mirlash ishlarini, qurilish materiallarini ishlab chiqarish korxonalarining mahsulotlarini ishlab chiqarish va sotish qiymatlarini ifodalovchi ko‘rsatkichlar quyidagi jadval bo‘yicha farqlanadi.

Qurilish mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmining amaldagi o‘zgarishini aniqlash uchun natural ko‘rsatkichlarni ko‘rsatish kerak. Lekin ko‘p hollarda ishlab chiqarish hajmini natural ko‘rsatkichlarda ifodalash mumkin emas. Shuning uchun mahsulot (xizmat)larni ishlab chiqarish va sotish hajmi – qurilish-montaj ishlarini bajarish qiymati va ishlarni sotishdan tushgan tushum qiymat ko‘rsatkichlarida umumlashtirish orqali qo‘llaniladi.

Qurilish mahsulotlarining qiymatini tahlili smeta hajmlari asosida alohida ish bo‘yicha yoki umuman qurilish bo‘yicha o‘tkazilishi mumkin. QMIlarning smeta qiymati quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

a) bevosita xarajatlar;

b) bilvosita xarajatlar;

v) smeta foydasi.

Bevosita xarajatlar – Bu QMIlarning bajarish bilan bog‘liq xarajatlardir. Ularga material resurslar qiymati, quruvchi ishchilarning asosiy ish haqi, mashina-mexanizmlarning ekspluatatsiya xarajatlari kiradi.

Bilvosita xarajatlar – bu qurilish ishlab chiqarishni boshqarish, tahlil qilish, xizmat qilish bilan bog‘liq xarajatlardir.

Smeta foydasi – bu qurilish ishlari qiymatiga kiritiladigan normativ foydadir.

У.А.Ширинов – СамИСИ катта ўқитувчиси

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ БОҒЛАМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда филиаллар ва боғламалар ўртасида бўладиган муоммоли операциялар бўйича ечимлар ўрганилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисоиёт, телекоммуникация, боғламалар, даромад, харажат, филиаллар, нақд пул.

Аннотация: В статье рассматриваются решения проблемы взаимодействия между филиалами и дочерние в сфере телекоммуникационных услуг в цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровая экономика, телекоммуникации, связи, выручка, стоимость, филиалы, денежные средства.

Abstpact: The article explores solutions to the problem of interoperability between

branches and affiliates in telecommunications providers in the digital economy.

Keywords: digital economy, telecommunications, linkages, revenue, cost, affiliates, cash.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда телекоммуникация хизматларининг ўрни беқиёсдир. Телекоммуникация хизматлари бозори мамлакатимизда аста секинлик билан ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштиришни тақазо қилмоқда.

Бугунги кунда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда филиаллар ва боғламаларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки барча асосий ҳисоб китоблар ва хизматлар кўрсатиш айнан филиаллар ва боғламаларнинг асосий вазифасидир. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи асосий бош корхона ўзининг филиаллари ва боғламалари учун алоҳида низомлар ишлаб чиқади ва улар ушбу низомлар орқали ўз фаолиятларини юритишади.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар филиаллари ва боғламалари ўз ҳисоб тизимига эга, лекин тугалланган балансга эга эмас. Мавжуд ҳисоб тизими бугунги кунда корхона маблағларининг ҳаракатини ва қолдиғини тўлиқ ҳамда аниқ акс этириб бермайди. Бунга сабаб биллинг тизими ва ҳисоб маълумотлари ўртасида узулишларнинг мавжудлиги ва ахборотларни солиштиришда инсон омилининг иштироки мавжудлигидир. Бундан ташқари мижозлардан қабул қилинган пул маблағларининг (нақд ва нақдсиз пуллар) ўша куннинг ўзида банк ҳисоб варағида акс эттирилмаслиги ҳисоб маълумотларининг ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Сохага доир меъёрий хужжатларни ўрганганимизда филиаллар ва боғламаларнинг асосий вазифаларни аниқлаб олдик.

Филиалларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Телекоммуникация хизматларига бўлган талабни қондириш, уларнинг рўйхатини кенгайтириш ва даромад олиш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;
- Мавжуд телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва янгиларини қуриш йўли билан шу жумладан, телекоммуникация тармоқларини барпо этиш ва ишлатиш борасида жаҳон ютуқларини амалга тадбиқ этиш асосида телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини техник жиҳатдан қайта қуроллаш, ривожлантириш ва такомиллаштиришни амалга ошириш.

Ҳар бир мижоз телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш учун хўжалик юритувчи субъект жойлашган худудга келиб хизматлар учун нақд пул тўловларини амалаг ошириши мумкин. Бундай тўловлар мижозга патта ёзиб бериш орқали ҳамда кирими ва чиқим касса ордерларини расмийлаштириш, касса китобини юритиш орқали расмийлаштирилади. Мижозга патта ёзиб бериш орқали пул маблағи биллинг тизимида ўш захотиёқ акс эттирилади, лекин бухгалтерия ҳисобида фақатгина ойнинг охирида акс эттирилади, натижада пул маблағларини назоратини бир мунча сусаяди ва

талон тарожликка асос яратиб қўяди. Бу эса ўз навбатида боғламаларда нақд пул тушумлари ҳисоб китобини такомиллаштиришни тақазо этади.

Мижозлардан терминаллар ва пул кўчириш йўли билан тўловларни қабул қилишда ҳам бир мунча муоммоли вазиятлар мавжуд. Жумладан, филиалга хизмат кўрсатувчи банкларнинг барча туманларда мавжуд эмаслиги. Бу эса хар бир банк операция учун қўшимча маблағларнинг сарфланишига олиб келмоқда. Филиал ҳисобига ўтказиш учун сарфланган вақт ва меҳнат сарфи бу соҳада ҳам ҳисоб китобларни такомиллаштиришни тақазо этади.

Биз тадқиқотимиз натижасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик (1 жадвал).

1 жадвал

Телекоммуникация филиаллари ва боғламаларининг ҳисоб тизимидаги боғлиқликлар

Т/Р	Операциялар мазмуни	Ҳозирги тизим	Тавсия қилинаётган тизим	Авфзалликлар
1	Асосий хисоб рақам мавжудлиги	Мавжуд	Мавжуд эмас	Барча боғламалар филиалнинг асосий ҳисоб рақами билан ишлайди. Банк ҳисоб китоблари камаяди
2	Нақд пул тушумини акс эттириш	Ой охирида акс эттирилади	Тўланган куни акс эттирилади	Пул маблағини тўлиқ назорат қилинади
3	Тўлов терминаллари бўйича операциялар	Бошқа банк терминналаридан фойдаланилади	Филиалга хизмат кўрсатувчи банк терминалларидан фойдаланилади	Банк бўйича бўладиган ҳисоб китоблар камаяди, ортиқча тўловларнинг олди олинади
4	Пул ўтказиш йўли билан бўладиган ҳисоб китоблар	Бошқа банк хизматидан фойдаланилади	Филиалга хизмат кўрсатувчи банк хизматидан фойдаланилади	Банк бўйича бўладиган ҳисоб китоблар камаяди, ортиқча тўловларнинг олди олинади

Юқоридаги жадвалда берилган таклифлар асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини беришни таклиф қиламиз:

2 жадвал

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар филиаллари ва боғламаларининг ҳисоб тизимидаги бухгалтерия ўтказмалари

Т/Р	Операциялар мазмуни	Ҳозирги тизим	Тавсия қилинаётган тизим	Авфзалликлар
1	Нақд пул тушумини акс эттириш	1. Нақд пул мижоздан қабул қилинганда Дт 5010 (Боғлама) Кт 6315 (Боғлама) 2. Кассадан ҳисоб китоб счётига топширилганда Дт 5110 (Боғлама) Кт 5010 (Боғлама)	1. Нақд пул мижоздан қабул қилинганда Дт 5010 (Боғлама) Кт 6315 (Боғлама) 2. Кассадан Филиалнинг транзит счётига	1. Боғлама бухгалтери қўшимча тўлов топшириқномаси шакиллантиримайди. Бунда вақт ва қоғознинг ортиқчи сарфи олди олинади. 2. Боғлама банк

		3. Боғламанинг хисоб китоб счётидан Филиалнинг хисоб китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 4. Банк хизмати учун Дт 9430 (Боғлама) Кт 5110 (Боғлама)	топширилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5010 (Боғлама)	хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади. 3. Нақд пул тушуми ўша куниёқ филиал хисоб рақамида акс эттирилади.
2	Тўлов терминаллари бўйича операциялар	1. Пластик карта орқали тўлов қабул қилинганда Дт 5710 (Боғлама) Кт 6315 (Боғлама) 2. Терминал ҳисоб рақамидан асосий ҳисоб рақамига ўтказилганда Дт 5110 (Боғлама) Кт 5710 (Боғлама) 3. Боғламанинг хисоб китоб счётидан Филиалнинг хисоб китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 4. Банк хизмати учун Дт 9430 (Боғлама) Кт 5110 (Боғлама)	Ҳар бир тумандаги боғламага филиалга хизмат қилувчи банкнинг терминалларини ўрнатилади 1. Филиал пластик карта орқали тўлов қабул қилинганда қуйидаги ўтказмани беради Дт 5710 Кт 6315	1. Терминал орқали тўлов пули ўша куниёқ филиал хисоб рақамида акс эттирилади. 2. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади. Пул маблагларидан фойдаланиш самарадорлиги максумум тезлашади.
3	Пул ўтказиш йўли билан бўладиган ҳисоб китоблар	1. Пул ўтказиш йўли билан тўлов қабул қилинганда Дт 5110 (Боғлама) Кт 6315 (Боғлама) 2. Боғламанинг хисоб китоб счётидан Филиалнинг хисоб китоб счётига ўтказилганда Дт 5110 (Филиал) Кт 5110 (Боғлама) 3. Банк хизмати учун Дт 9430 (Боғлама) Кт 5110 (Боғлама)	Мижозлар билан филиал ўртасида шартнома тузилади ва барча тўловлар тўғридан тўғри филиалнинг асосий ҳисоб рақамига тушади. 1. Филиал пул ўтказиш йўли орқали тўлов қабул қилинганда қуйидаги ўтказмани беради Дт 5110 (Филиал) Кт 6315 (Филиал)	1. Пул ўтказиш йўли орқали тушган тўлов пули ўша куниёқ филиал хисоб рақамида акс эттирилади. 2. Боғлама банк хизмати учун тўловни амалга оширмайди. Биллинг тизимига абонент хисоб ракамига туловни киритишда биргина маъсул ходим тамонидан амалага оширилади. Бунда корхонада ортиқча харажатни олди олинади.

Юқоридаги таклифлар “Ўзбектелеком” АК филиаллари ва улар боғламаларида ҳисоб тизимини янада яхшилашга ва компания сарф харажатларини тежашга, бухгалтерия иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

X.X.Musayev – mustaqil tadqiqodchi
Sh.Z.Jalilov – SamISI magistranti
A.A.Annayev – SamISI magistranti

INVESTITSION MUHITNI SHAKLLANTIRISHGA TASIR QILUVCHI OMILLAR

Annotatsiya: maqolada mamlakat investitsion muhitini shakllantirishga ta'sir qiluvchi omillar tahlil qilingan. Hozirgi kunda O‘zbekistonda investitsion muhitni shakllantirish yo‘nalishlari hamda investitsion muhitning holati ko‘rsatilib o‘tilgan.

Kalit so‘zlari: iqtisodiyot, investitsiya, investitsion muhit, ijtimoiy omillar, siyosiy omillar, iqtisodiy omillar, huquqiy omillar.

Abstpact: the article analyzes the factors affecting the country's investment climate. Currently, the investment climate and investment climate trends in Uzbekistan are presented.

Key words: economy, investment, investment climate, social factors, political factors, economic factors, legal factors.

Аннотация: в статье анализируются факторы, влияющие на инвестиционный климат страны. В настоящее время представлен инвестиционный климат и тенденции инвестиционного климата в Узбекистане.

Ключевые слова: экономика, инвестиции, инвестиционный климат, социальные факторы, политические факторы.

Mamlakatimizda makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur'atlarini saqlab qolish, uning raqobatbardoshligini oshirish bevosita investitsiyalarni keng jalb qilish va ulardan samarali foydalanishga bog‘liq. Davlatning iqtisodiyotdagi ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulkchilikning huquqlarini himoya qilishni yanada kuchaytirish, viloyat, shahar va tumanlarni kompleks va muvozanatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, investitsiyalarni yaxshilash yo‘li bilan mamlakat iqtisodiyoti va mintaqalariga xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Investitsiyalarni iqtisodiyotimizdagi ahamiyati to‘g‘risida Muhtaram Prezidentimiz shunday degan edilar: "Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘sishiga erishgan. Shu sababli ham investitsiya - bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg‘or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi"[1]

O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ham mamlakatimizda investitsion muhitni shakllantirish, qulay ishbilarmonlik muhitini yaratishga qaratilgan ustuvor yo‘nalishlar belgilangan. Ular quyidagilardan iborat:

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so'zi, 2018 yil 29 dekabr.

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni keng rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik tuzilmalarining faoliyatiga davlat, huquqni muhofaza qiluvchi va nazorat idoralari tomonidan noqonuniy aralashuvlarning qat'iy oldini olish;
- investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish.[1]

2019 yilda jami jalb qilingan xorijiy investitsiyalar 4.2 milliard so‘mni tashkil qildi. Bu 2018 yilga nisbatdan 3.7 milliard so‘mga ko‘pdir. Muhim tarmoqlarga investitsiyalarni keng jalb qilish quyidagi omillarga bog‘liq: siyosiy omillar, iqtisodiy omillar, ijtimoiy omillar va huquqiy omillar.



1-rasm. Investitsion muhitga ta'sir qiluvchi omillar

Bundan har biriga alohida to‘xtalaib o‘tadigan bo‘lsak, ularning har biriga ham bir qancha qismlar kirib ketadi.

Siyosiy omillar quyidagilardan iborat:

* Davlatning investitsiyalar, xususan, xorijiy investitsiyalar bo‘yicha siyosati;
* davlatning iqtisodiyotga aralashish darajasi;
* damlakatning xalqaro shartnomalarga qo‘shilganlik darajasi
* mamlakatning xalqaro bitimlarga rioya qilishi;
* siyosiy ahvolning barqarorligi (siyosiy harakatlar, to‘qnashuvlar, qo‘shni davlatlarning osoyishtaligi);
* siyosiy hokimiyatning maqsadli harakati;
* davlat apparatining samarali ish yuritishi;
* ko‘p partiyaviylik va siyosiy guruhlarning mavqei;
* soliq, valyuta, narx, pul-kredit siyosatining investitsiya siyosatiga uyg‘unligi;
* mamlakatdagi ekologik vaziyat va hukumatning ekologik

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" to'g'risidagi farmoni, 2017 yil 7 fevral, PF-4947, 2017-yil 7-fevral.

sog‘lomlashtirish bo‘yicha siyosati ko‘lami.

Iqtisodiy omillar quyidagilardan iborat:

* mamlakatning iqtisodiy ahvoli;
* inflyatsiya darajasi;
* soliq imtiyozlari;
* bojxona tartibi;
* mamlakatning tabiiy va xom ashyo resurslari holati;
* ishchi kuchi holati va qiymati;
* ishchi kuchidan foydalanish tartibi;
* muayyan tovarlar uchun talab va taklif;
* raqobat va bahoning erkinligi;
* valyuta konvertatsiyasi va milliy valyuta kursining barqarorligi;
* bank foiz stavkalari;
* mamlakatning tashqi iqtisodiy aloqalari;
* mamlakatning geografik-hududiy jihatdan joylashuvi (tabiiy ofatlar, dengiz va quruqlik yo‘llari, iqlim sharoiti).

Ijtimoiy omillar quyidagilardan iborat:

* xususiy mulk hamda xorijiy investitsiyalarga nisbatan mahalliy aholi munosabati;
* mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli;
* aholining mafkuraviy qarashlari va ularning turli-tumanligi;
* mamlakatda turli millatlikka nisbatan mavjud munosabat;
* aholining savodxonlik darajasi;
* ishchi-mutaxassislar malakasi, ko‘nikmalari va tajribalarining o‘sib borishi va unga intilish;
* yangiliklar va turli xil ixtirolarga aholining munosabati va ularni qabul qilish darajasi. Huquqiy omillar quyidagilardan iborat:
* investitsiya faoliyati huquqiy asoslarining mustahkamlik darajasi;
* investitsiya faoliyatini bevosita ta'minlovchi huquqiy asosning mustahkamlik darajasi;
* investitsiya faoliyatining me'yoriy asoslari (farmonlar, qarorlar, qonunlar, nizomlar, yo‘riqnomalar va h.k.).

Mamlakatimiz iqtisodiyotiga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmi oshib borayotganligiga qaramasdan, tarmoqlar iqtisodiyotida qulay investitsion muhitni shakllanishiga salbiy ta'sir qilib kelayotgan ma’lum mavjud. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o‘zining Oliy Majlisga Murojaatnomasida shunday degan edi: “Islohatlarimizga jiddiy to‘sqinlik qilayotgan”Yashirin iqtisodiyot”ga barham berilmas ekan, sog‘lom raqobat ham, qulay investitsiya muhiti ham shakllanmaydi.”[1]

Ushbu to‘siq va kamchiliklar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

* Yuqori inflyatsiya darajasi hamda uning investitsion muhitga ta'siri kuchliligi.

[1] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so’zi, 2020 yil 24 yanvar

* Bank kredit foiz stavkalarining baland darajada ekanligi.
* Infratuzilmaning rivojlanmaganligi.
* Nozorat organlarining investorlar faoliyatiga asossiz aralashuvlari hamda ular faoliyatiga noqonuniy noqulayliklar keltirib chiqarish holatlari mavjudligi.
* Soliq va bojxona to‘lovlarining balandligi.
* Davlat qarzlarining meyordan ortiqchaligi.
* Mamlakatdagi korrupsiya darajasi.
* Davlatning moliyaviy va soliq siyosatidagi o‘zgarishlarning kutilmagan yuqori darajasi va juda tez fursat ichida o‘zgarishi.

Yuqorida keltirilib o‘tilgan kamchiliklarni bartaraf etish asosida mamlakatimiz investitsion muhiti yana yaxshilash mumkin.

Tadqiqot natijalarimizga asoslanib investitsiya muhitini yanada yaxshilash maqsadida quyidagi taklif va tavsiyalarni beramiz:

- Milliy iqnisodiyot tarmoqlariga chet el investitsiyalarga bo‘lgan talab va ehtiyoj ilmiy asoslangan bo‘lishi kerak.
- Mamlakatimizda yaratilgan jozibador investitsiya muhitdan samarali foydalanish.
- Jalb qilingan investitsiyalar samaradorligini oshirish yo‘llarini ishlab chiqish.
- Jalb qilingan investitsiyalar monitoringini kuchaytirish va ularni turlari bo‘yicha takomillashtirish.

Xulosa o‘rnida aytib o‘tish mumkin-ki, investitsiya iqtisodiyotni rivojlantiruvchi asosiy vosita ekan, uni mamlakat iqtisodiyotiga kirib kelish hajmini oshirish muhim hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiyotiga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshirish uchun eng avvalo qulay investitsion muhitni shakllantirish talab etiladi. Qulay investitsion muhitni shakllantirishda eng avvalo unga ta'sir qiluvchi omillarni o‘rganib chiqish talab etiladi. Investitsion muhitni shakllantirishga ta'sir qiluvchi omillarni ta'sirini ijobiy tarafga burish asosida qulay investitsion muhitni shakllantirish mukin. Qulay investitsion muhit shakllantirish asosida mamlakat iqtisodiyotini jadal rivojlantirishga erishish mumkin. Chunki qulay investitsion muhit yaratish asosida milliy iqtisodiyotga kirib kelayotgan investitsiyalar hajmini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so‘zi, 2020 yil 24 yanvar
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining "O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi" to‘g‘risidagi farmoni, 2017 yil 7 fevral, PF-4947, 2017-yil 7-fevral.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Р.М.Мусаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.
А.А.Тураев – СамИСИ ассистенти
И.Б. Қодиров– СамИСИ магистранти

ИННОВАЦИОН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА СОЛИҚ ТИЗИМИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА СОЛИҚ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Аннотация: мақолада солиқ имтиёзлари мазмуни, солиқларни қўллашда солиқ хизматларини ташкил этиш, солиқ хизматларининг устувор жихатлари ёритилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ сиёсати, солиқ имтиёзи, солиқ хизмати, солиқ базаси.

Аннотация: в статье описывается содержание налоговых льгот, организация налоговых служб при применении налогов, приоритеты налоговых услуг.

Ключевые слова: налог, налоговая политика, налоговый вычет, налоговая служба, налоговая база.

Abstract: The article describes the content of tax benefits, the organization of tax services in the application of taxes, and the priorities of tax services.

Keywords. tax, tax policy, tax deduction, tax service, tax base.

Мамлакатимиз юксалиш тараққиёт йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармонига биноан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”таркибидаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” доирасида “солиқ юкини камайтириш ва солиқ қа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” каби мақсадларнинг мавжудлиги бу соҳага катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.[1]

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни

[1] Ш.М.Мирзиёев: “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тугрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли фармони.

янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш зарур бўлмоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.[1] Ушбу юқорида келтирилган конунлар замирида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белилаб берилди.

Ҳозирги кунда солиқ юкининг камайтириб бориши хўжалик субъектларининг реал даромадларини оширишга уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга ва рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Бугунги даврда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш солиқ юкининг енгиллаштирилиши асосан хўжалик субъектларини даромадларидан солиқ олишни камайтириш, самарасиз солиқ турларини аниқлаш ва тартибли бекор қилиб бориш ва солиқ солиш базаси бир хил бўлган солиқларни соддалаштириш орқали солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда намоён бўлмоқда. Умуман солиқ сиёсатининг таркибида бу борада юз бераётган катта ўзгаришларни содир бўлиши изчил солиқ имтиёзларини тақдим этилиши орқали таъминланмоқда. 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин.

Ҳусусан, ҳозирги кунга қадар иқтисодий адабиётларда "амалдаги солиқ имтиёзлари", "солиқ имтиёзларини жорий этиш", "солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш", "солиқ имтиёзларини оптималлаштириш", "самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш" каби сўзларга ёки фикрларга дуч келинмоқда[2]. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тартибда мунозарасиз тартибда ёритиб келинмоқда. Бундай ҳолатларни мавжудлиги солиқ имтиёзларидан фойдаланишда давлатнинг роли гўё четлатиб ўтилгандай туйилмоқда. Амалда эса давлатнинг бу борадаги роли бениҳоя каттадир.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларини қўлланилишида давлатнинг роли энг аввало солиқ имтиёзини тақдим этиш билан боғлиқ хизматларда намоён бўлади. Шундай қилиб юқорида қайд этилган сўзларнинг мазмун-моҳияти

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонуни

[2] Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Сам.: 2003; Маликов Т.С. Солиқ имтиёзлари хусусида баъзи мулоҳазалар // "Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари, ТМИ, ЎзМУ. 2011 йил 26 февраль. – Т., 2011, 28-б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. диссертацияси, Т.: 2011 й. 22 б. ва бошқ.

“тақдим этиш хизматлари”да намоён бўлади. Тақдим этиш хизмати давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, асосий диққатни солиқ имтиёзлари ва уни давлат томонидан тақдим этиш ҳолатларига қаратиш зарурияти юзага келмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш инновацион технологияларни кенг жорий этишни ва бу борада янги марраларга чиқишни таъминлашнинг ишончли йўли солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини такомиллаштириш замонавий йўналиш сифатида қаралмоғи муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича солиқ хизматларини, энг аввало шу куннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни модернизациялаш техник янгилаш ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадларига хизмат қилмоғи лозим.

Бундай вазифани нафақат илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларисиз амалга ошириш, балки мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда инновация соҳалариги. энг аввало устувор ва барқарор даражада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Уларни молиявий-иқтисодий методларга таянган ҳолда, яъни солиққа тортиш ва солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш эса шак-шубҳасиз, муҳимдир. Жаҳон амалиётиннг кўрсатишича, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш инновацион технологияларни кенг жорий этишни давлат томонидан рағбатлантиришни бевосита ва билвосита йўлларни тақдим этиш хизматлари ёрдамида амалга оширилиши муҳимдир. Юқоридаги жараёнлар тегишли ташкилотлар ва дастурларни молиялаштириш орқали ресурсларни ажратиш йўли билан амалга оширилса, бу тўғридан-тўғри (бевосита) рағбатлантириш хизматларини тақдим этилишини ифодалайди. Улар тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштиришни ва бюджет субсидияларини тақдим этиш билан боғлиқ хизматларини кўрсатилишини ўз ичига қамраб олади.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этишни эгри (билвосита) рағбатлантириш бўйича тақдим этиладиган солиқ хизматлари асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади (чизма).

Корхоналар фаолиятини солиқ орқали рағбатлантиришларда солиқ имтиёзларини конкрет турларини тақдим этиш механизмларини аниқлашда қуйидагиларни:

— солиқ имтиёзлари олиш ҳуқуқини берувчи хизматларни илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг аниқ турлари ва уларга қилинган харажатларнинг минимал ҳажмлари;

— тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари бўйича хизматлар корхонанинг ўлчами, минтақа, тармоқ, ишлаб чиқариш тури, ишлаб чиқариш технологияси, солиқ кредити фоиз ставкасининг даражаси, солиқ

имтиёзларининг юқори чегараси (фоиз ставкаларининг даражаси ёки абсолют ўлчами)ни ҳисобга олиш зарур.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва инновация ишлари соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналарни солиққа тортишда қуйидаги солиқ имтиёзларини давлат томонидан тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Корхоналарнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзлари маълум даражада илм-фан ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бироқ, ҳозирги шароитда уларни етарли даражада деб бўлмайди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:



Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биринчидан, корхона (ташкилот)лар ўз-ўзини молиялаштириш ҳажмларининг ўсишига ва инновацияларга, инвестициялашга рағбатни кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлардан фойдаланиш (хусусан, солиқ суммаларини камайтириш, солиқ чегирмаларини жорий этиш, амортизацион имтиёзларни қўллаш ва ҳ.к.);

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштиришнинг ташқи манбаларини тақдим этилишини енгиллаштириш. Бунда давлат кафолатлари, кредитларни суғурталаш, имтиёзли субсидиялаштириш ва ҳ.к. хизматларни тақдим этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

Учинчидан, янги молиявий инструментлардан фойдаланиш усулларини тақдим этиш ва бу борада давлатнинг ролини ошириш;

Тўртинчидан, молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан ва шунингдек, хусусий шахсларнинг маблағларидан фойдаланишни кенг йўлга

қўйишга ва бундай жараёнлардаги рискларни давлат томонидан ҳимояланишини таъминлаш;

Бешинчидан, имтиёзли хорижий капитални жалб қилиш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида такомиллаштириш - уларни оптималлаштиришнинг асосий замонавий йўналиши эканлигини назарда тутиб, бу борада юқорида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда рақобатдошликни таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис солиқ имтиёзларини тақдим этиш хизматларини давлат томонидан тартиблаштирилиши масаласини айнан шу йўналишда такомиллаштириш ҳозирги пайтда бутун дунё мамлакатлари, жумладан, мамлакатимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини асосий йўналишларини белгилашда муҳим чоралардан бири сифатида эътироф этилиши лозим.

Ҳозирги кунда Солиқ кодексига киритилаётган ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга, турли инновацион хўжалик субъектларига солиқ имтиёзлари доирасида тақдим этиладиган жараёнлар доирасида давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштириш таъминланади.

Н.Н. Мавланов – ТМИ доценти, PhD

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СКОРИНГ МОДЕЛИ

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқилган инновацион тавсифдаги “Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели” номли электрон дастурнинг аҳамияти ёритиб берилган. Бунда ишланманинг амалдаги миллий ва хорижий ўхшаш моделлардан фарқли жиҳатлари ва афзалликлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар. Кредитга лаёқатлилик, баҳолаш мезони, комплекс таҳлил, кредит риски, кредит рискини пасайтириш, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, скоринг модели, электрон дастур.

Аннотация. В статье освещена роль электронной программы по “Скоринговой модели анализа кредитоспособности” инновационного характера, разработанная профессорами-преподователями и исследователями Ташкентского финансового института. Также, раскрыты отличительные стороны и преимущества действующихна практике национальных моделей и зарубежных аналогов с данной разработкой.

Ключевые слова. кредитоспособность, критерии оценки, комплексный анализ, риски по кредитам, снижение рисков по кредиту, финансовые показатели, нефинансовые показатели, скоринговая модель, электронная программа.

Abstpact. Information has been described in the article about the significance of

innovation software that titled “The scoring model of creditworthiness analysis” which worked out by teachers and investigators of Tashkent institute of finance. Advantages and differences of the development from existing national and international similar models have been showed in the article.

Keywords. Creditworthiness, assess criterion, complex analyses, credit risk, decreasing credit risk, financial performances, non-financial performances, scoring model, software.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб, бу соҳада кўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва мазкур муносабатлар сўнгги йилларда янада тубдан такомиллаштирилмоқда. Бу борада “Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”(1) масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2018 йил 23 мартадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қарорда “потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш ...” ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки, банклар фаолиятида қўлланиладиган турли кредит скоринг моделлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонавий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида энг мақбул мижоз танлаб олинади ҳамда кредит рискини сезиларли пасайтиришга эришилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредитга лаёқатлиликни аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискини пасайтириш балки, корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискини қисқартиришга тайинланганлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида кредит скоринг моделидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам корхона учун кутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида энг мақбул мижозларни аниқлашда кредит скоринг модели муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Европа мамлакатлари банк тизимида SAS Credit Scoring, EGAR Scoring, Transact SM (Experian-Scorex), K4Loans (KXEN), Clementine (SPSS), "Business Neuro-Systems", Basegroup Labs, Diasoft, Clementine (SPSS) ҳамда "Business Neuro-Systems" (Россия), Basegroup Labs, Diasoft (Украина), FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг модели бўйича турли дастурлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Қайд этиб ўтиш керакки,амалдаги скоринг моделлари мижоз тўғрисидаги киритилган маълумотни фақат қайта ишлаш билан чекланмай, балки келажакдаги хатти-ҳаракатларини олдиндан баҳолаш имкониятига ҳам эга.

Республикамиз тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

1-жадвал

Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонлари[1]

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Қк)	Қк > 2	2>Қк>1	1>Қк
2.Ликвидлилик коэф. (Лк)	Лк > 1,5	1,5>Лк>1	1>Лк
3. Мухторлик коэф. (Мк)	Мк > 60%	60%>Мк>30%	30%>Мк

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезонларида қуйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффициентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффициентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

Шу каби ҳолатлар корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини бермаяпти.

Шунингдек, республикамиз тижорат банкларида қўлланилаётган скоринг таҳлил тизими ҳам корхоналарни кредитга лаёқатлилигинитўлиқ баҳолаб бера олмайди.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган корхонани кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад кредит олувчи корхонанинг кредитга лаёқатлиликни баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб корхоналарни танлаб олиш имконияти яратилади. Натижада эса кредит риски сезиларли камайишга эришилади.

Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш йўлида Тошкент молия институти олимлари томонидан “Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели” номли такомиллаштирилган электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан

[1]Алимарданов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 й.

гувоҳнома олинди (№DGU 05087. 05.03.2018 й.).

Миллий иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни ҳамда хорижий тажрибаларни мужассамлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини берувчи мазкур электрон дастур республикамиз тижорат банклари фаолиятида фойдаланишга мўлжалланган. Мазкур дастур корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини кенг кўламда ҳамда аниқ таҳлил қилади, уни ишончли ва тезкор баҳолай олади.

Дастурда корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун ўндан ортиқ мезонлардан фойдаланилган, шунингдек у бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлайди. Маълумотлар ушбу кўрсатилган уч (ўзбек рус, инглиз) тилларидан ҳохлаган бирида юкланса айни пайтда натижалар фойдаланувчининг эҳтиёжига кўра ўзбек, рус, инглиз тилларида олиниши мумкин. Олинган натижалар аниқлиги ва ишончлилиги билан бошқа дастурлардан афзал аҳамиятга эга. Мутахассислар учун дастур билан ишлаш мураккаб тавсиф касб этмайди.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш мезон(критерий)лари кўпайтирилди ва уларнинг ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолати бешта синф асосида амалга оширилади. Бу билан кредитга лаёқатли корхоналарни танлаш имконияти кўпаяди.

“Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели”ни бошқа усулларга нисбатан яна бир афзал жиҳати унда маълумотлар автоматлаштирилган тизимда қайта ишланишидир. Бунда:

- инсон омили таъсири камаяди;
- жорий харажатлар қисқаришига олиб келади;
- операцион рискни камайтиришга имкон беради;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолаш қисқа вақтда амалга оширилади;
- мижоз учун ўзи тақдим этган маълумотлар асосида кредитга лаёқатлиликни баҳоланиши банкга нисбатан ишончини ортишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларда кредитга лаёқатлилик таҳлилини рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, инновацион дастур асосида амалга ошириш тижорат банклари томонидан кредит рискини аниқ ҳисоблаш ва кредит ажратиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Зайнитдин Эшонқулов – Самарқанд вилояти имоми, СамДУ магистранти.

МУЗОРАБА – ИШОНЧЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ: ИСЛОМ ОЛАМИДА ҚАНДАЙ АМАЛ ҚИЛАДИ?

Аннотация: мақолада ислом оламида ишончли молиялаштириш тизим, хусусан музорабанинг амал қилиш тартиби қараб чиқилган. Унда музрабанинг қай ҳолатларда қандай қўлланилишига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Калит сўзлар: музораба, исломий банк, молиялаштириш, мушорака, ширкат, шерикчилик, шартнома.

Аннотация: В статье рассматривается система доверительного финансирования в исламском мире, в частности, порядок осуществления музарабы. Она также обращает особое внимание на то, как и в каких условиях применяется музараба.

Ключевые слова: музараба, исламский банк, финансирование, мушарака, ширкат, товарищество, договор.

Abstract: The article discusses the system of trust financing in the Islamic world, in particular, the procedure for the implementation of mudarabah. It also pays particular attention to how and under what conditions mudarabah is used.

Keywords: mudarabah, Islamic bank, financing, musharakah, shirkah, partnership, contract.

Музораба – исломий банкларнинг актив амалиётларида банкнинг бирон-бир инвестицион лойҳаларга капитал қўйилмаларни назарда тутади. Чунки мазкур молиялаштириш усулининг асосида ётган тамойилларга мувофиқ лойҳани молиялаштириш, уни амалга ошириш ва фойдалилиги молиялаштирувчининг (рабб ал-мол), яъни банкнинг зиммасида бўлганлиги, шунингдек, бошқа айрим сабабларга кўра музораба аксарият исломий банклар амалиётида кенг қўлланилмади.

Аггарвал ва Юсуф томонидан ўтказилган тадқиқотларда, хусусан, фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган механизмлар ахлоқий хатарлар (moral hazard) паст бўлган кам бюджетли лойиҳалардагина самарали ҳисобланиши қайд этилган. Ўта юқори ахлоқий хатарлар мавжудлиги сабабли, банклар музораба ва мушоракадан фойдаланишни камайтиришга ёки уларни умуман ишлатмасликка интиладилар.

Мушорака (ширкат, шерикчилик). Замонавий мусулмон фиқҳидаги компаниялар таснифи нуқтаи назаридан мушорака ўзида мулкий шерикчиликни акс эттиради. Қоидага кўра, узоқ муддатга тузиладиган мушорака шартномасига мувофиқ икки ёки бир неча шахслар ўз омонатларини умумий лойиҳага бирлаштирадилар ва улушли қатнашув тамойилида компания тузадилар. Иштирокчилар ўртасида фойдани тақсимлаш механизми ва ҳар бирининг улуши тарафлар томонидан махсус шартномада белгиланган бўлади. Шу билан бир вақтда зарарлар томонлар ўртасида киритилган капитал улушга мутаносиб тақсимланади. Фақат капитал эгаси (рабб ал-мол) йўқотишлар хатарни ўз бўйнига оладиган музораба шартномасидан фарқли равишда, қўшма корхона

муваффақиятсизликка учраган тақдирда, мушорака шартномасига мувофиқ ҳар бир томон ўзи киритган капитални йўқотиш хавфини зиммасига олади.

Исломий банк учун мушорака музораба механизмидан кўра, аксарият ҳолларда қулайроқ ҳисобланади. Музробадан фарқли ҳолда, мушорака асосида тузилаётган шерикчиликда капитал эгаси лойҳани бошқариш ва шу орқали ахборотдан бехабарлик ҳамда у билан боғлиқ ахлокий хатарларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга аралашиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Масалан, музораба механизмидан фойдаланиш билаан боғлиқ амалётлардаги устуворликнинг мушоракага асосланган амалиётларга алмашиниши 1980-йиллар ўрталарида "Фейсал Исламик Бэнк оф Судан"га фойда ва самарадорликни ошириш имконини берди.

Исломий банклар амалиётида мушорака, мазкур шартнома шакли бўйича томонларнинг ҳуқуқи кўламига боғлиқ ҳолда бир неча шаклларга ажратилади. Мушораканинг мана шундай шаклларидан бири муфовазадан фойдаланишда, иштирокчилар (шериклар) қўшма корхонага тенг улушларни киритадилар ва компаниянинг мулкини тасарруф этишда тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Муфовазадан фарқли равишда айнан шакилдаги шерикчиликда иштирокчилар капитал миқдори ва ваколатларда тенг бўлмасликлари мумкин. Иштирокчиларнинг бири (мажоритарий) капиталда кўпроқ улушга эга бўлади ва корхонани бошқаради, бошқаси эса (миноритарий) расман бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлса-да, ҳақиқатда бошқарув қарорлари қабул қилишга таъсир кўрсата олмайди.

Исломий молиявий муассасалар ва механизмларнинг шиддат билан ривожланишини қувиб ета олмаётган замонавий мусулмон фиқҳига мушораканинг яна икки шакли: доимий ва камайиб борувчи шакллари маълум.

Доимий мушораканинг асосий хусусияти шуки, компаниянинг бутун фаолияти давомида шерикларнинг фойда ва зарардаги иштироки мутаносиблиги ўзгармайди. Шундай бўлса ҳам, бу шерикларни ўз улушларини тасарруф этиш, шунингдек, уни сотиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Худди ғарб юриспруденцияси сингари, мусулмон фиқҳида ҳам корхона фаолиятини давом эттираётган шериклар уни тарк этган шерикнинг улушини сотиб олишда устувор ҳуқуқга эга бўладилар.

Низом жамғармасига иштирокчи томонидан киритилган омонат аниқ белгиланган миқдорда, воқеликда мавжуд бўлиши ва кечикмасдан компания ихтиёрига келиб тушиши шарт. Келажакда келиб тушиши тахмин қилинаётган пул маблағлари, масалан, бошқа корхонанинг фаолиятидан олинадиган фойда ёки қарз капиталга бадал сифатида ҳисобланиши мумкин эмас, чунки бу ортиқча ноаниқликни вужудга келтиради. Шу билан, бозор қиймати бўйича ҳисобга олинадиган мулклар ёки бошқа пуллик эквивалент бўйича ҳиссадорлар маъқуллаган бадалларни киритиш мумкин. Ҳар бир муассис ширкатнинг бошқа иштирокчиларини капиталини тасарруф этишга вакил қилади. Лекин бу амалиётда компания бошқаруви ва самарадорлигини сусайтириши сабабидан иштирокчилар аввалдан, бошқа таъсисчиларнинг жорий фаолиятига аралашмасдан уларнинг бири ёки айрим гуруҳ томонидан

компания фаолиятини бевосита бошқаришни амалга оширишини келишиб оладилар. Бошқаришни амалга оширувчи шерик қолган иштирокчиларнинг маблағлари ишониб топширилган ўзига хос ишончли шахс бўлгани боис, у бу ҳолатда компания учун нафақат фойда, балки зарар ҳам келтириши мумкин, худди музорабадаги каби, агар зарар унинг виждонсизларча иш юритиши натижасида вужудга келса ва ширкат фаолиятига зиён етказса, у ҳолда у бунинг учун жавобгар бўлади. Музорабадан фарқли равишда, бундай ҳолатларда бошқарувчи шерикдан таъминот (кафолат ёки гаров) тақдим этишни талаб қилишга рухсат этилади.

Доимий мушоракадан фарқли тарзда, камайиб борувчи мушоракада бир ёки бир неча томон маълум белгиланган муддат тугагач, компаниядаги ўзининг улушини сотиш нияти борлигини аввалдан эълон қилади. Шунга боғлиқ ҳолда, томонлар ўртасида лойихани тарк этган иштирокчининг улушини лойиҳада қолган иштирокчилар тарафидан маълум вақт ўтгач ёки маълум бир воқеа содир бўлгач, сотиб олиш ҳақида келишувга эришиш мумкин. Мусулмон фиқҳи улушларни бир марталик тўловлар ёки даврий бадалларни (шу жумладан ўз фойдасидан тушган тушумлар ёки ташқи манбалар ҳисобидан) тўлаш орқали сотиб олишга рухсат беради.

Мушорака ўзининг турли модификацияларида халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида кенг тарқалган: лойихавий молиялаштиришда, ипотека кредитида, экспорт-импорт амалиётларини молиялаштиришда ва ҳ.қ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сезиларли ўрин эгаллаган мамлакатлар иқтисодиётида мушорака кенг қўлланади. Масалан, Суданда исломий банклар фермерлар билан мушорака асосида шартнома тузадилар. Шартнома шартларига кўра, банк фермерга зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитларни тақдим этади. Биргаликдаги лойиҳаларга фермернинг хиссаси ер, меҳнат ва бошқарув кўникмалари кўринишида бўлади. Фойда томонлар ўртасидаги шартномага мувофиқ тақсим қилинади. Масалан, “Суданиз Исламик Бенк”да фермер 30% соф фойда олади, қолган 70% банк ва фермер ўртасида мазкур қўшма корхонага қўшилган ҳиссага мувофиқ тақсимланади.

С.И.Самиев - Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА УНГА ХОС БЎЛГАН ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Аннотация. Нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо берилган ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: нефть ва газ саноати, инвестицион фаолият, асосий капиталга инвестициялар, асосий капиталга инвестицияларнинг технологик ва такрор ишлаб чиқариш таркиби, инвестицияларни молиялаштириш манбалари.

Аннотация. дана оценка современному состоянию инвестиционной деятельности предприятий нефтегазовой промышленности и разработаны

показатели определения его тенденций.

Ключевые слова: нефтегазовая промышленность, инвестиционная деятельность, инвестиции на основной капитал, технологическая и воспроизводственная структура инвестиций на основной капитал, источники финансирования инвестиций.

Abstpact. The current state of the investment activity of the oil and gas industry has been assessed and indicators of trends have been developed.

Keywords: oil and gas industry, investment activities, investment in fixed assets, technological and reproduction structure of fixed capital investments, sources of investment financing.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир субъектнинг соғлом фаолият кўрсатиши, унинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлиги, бошқа омиллар билан бир қаторда, кўп жиҳатдан ўша субъект томонидан қай тарзда инвестицион фаолиятнинг амалга оширилаётганлигига боғлиқ. Инвестицион фаолиятнинг қай тарзда амалга оширилаётганлиги эса, охир-оқибатда, унинг молиялаштириш масалаларига бориб тақалади. Бу билдирилган фикр бозор иқтисодиётининг барча субъектларига, шу жумладан, нефть ва газ саноати корхоналарига ҳам бир хилдек тегишли. Бир вақтнинг ўзида, Республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни, дастлаб, бу ердаги инвестицион фаолиятнинг ҳозирги аҳволига баҳо бермасдан ва унга хос бўлган хусусиятларни аниқламасдан ҳал қилишнинг иложи йўқ. Шу сабабли бу ерда, энг аввало, республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, юқоридаги масалаларни бир неча аспектларда кўриб чиқиш мумкин. Лекин бу жараёнда биз ихтиёрийликка йўл қўймасдан амалиётдаги реал вазиятдан келиб чиқишга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар ва уларга тегишли бўлган масалаларни, фикримизча, қуйидаги кетма-кетликда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1) инвестицияларнинг умумий таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

2) асосий капиталга инвестицияларнинг таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

3) инвестицияларнинг технологик таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

4) асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

5) асосий капиталга инвестициялар молиялаштириш манбаларининг таркиби ва таркибий тузилмаси орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

6) асосий капиталга инвестицияларнинг яхлит ва тармоқлар бўйича умумий иқтисодий самарадорлиги орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

7) асосий капиталга инвестицияларнинг қопланиш кўрсаткичлари орқали характерланадиган инвестицион фаолият;

8) бевосита (тўғридан-тўғри) хорижий инвестицияларнинг кўлами орқали характерланадиган инвестицион фаолият.

Бизнинг фикримизча, республикамиз нефть ва газ саноати корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги аҳволига баҳо бериш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлашда юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни кўрсатилган кетма-кетликка риоя этган ҳолда бажариш инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришда илмий ва амалий жиҳатдан етарли даражада асосланган қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади.

С.Б. Юнусова– преподаватель Ташкентский финансовый институт кафедры «Оценочное дело и инвестиции»

РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВО В РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В ЭКОНОМИКИ

Аннотация: В статье рассматриваются государственно-частное партнерство и его преимущества в эффективной реализации инфраструктурных проектов с использованием сильных сторон партнеров.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, государственный сектор, частный сектор, инфраструктура.

Annotatsiya: Maqolada davlat-xususiy sheriklik va uning hamkorlarning kuchli tomonlaridan foydalangan holda infrastruktura loyihalarini samarali amalga oshirishdagi afzalliklari ko‘rib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: davlat-xususiy sheriklik, davlat sektori, xususiy sektor, infrastruktura.

Abstract: The article discusses public-private partnership and its advantages in the effective implementation of infrastructure projects using the strengths of partners.

Keywords: public-private partnership, public sector, private sector, infrastructure.

Если идет речь о государственно-частном партнерстве, то возникает вопрос о его важности. ГЧП позволяет реализовывать общественно значимые проекты в широком спектре отраслей. Стоит отметить, что опыт зарубежных стран показывает, что государственно-частное партнерство эффективно используется в модернизации инфраструктуры и создании новых источников экономического роста. Партнерство между государственным сектором и частным сектором существовало давно, но в большинстве случаев государственный сектор является заказчиком и плательщиком, а частный сектор выполняет заказ. Обычно это подразумевает большую предоплату со

стороны государства. Или же государство передает сервисы частному сектору через аутсорсинг и соответственно оплачивает.

В настоящее время в Узбекистане реализуется Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны до 2021 года. Данной Стратегией определено обеспечение сбалансированности и устойчивости национальной экономики, увеличение в ее структуре доли промышленности, сферы услуг, малого бизнеса и частного предпринимательства. Наряду с этим предусматривается проведение активной инвестиционной политики, направленной на модернизацию, технического и технологического обновления производства, реализации проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры.

Как видно, успешная реализация мероприятий предусмотренных в Стратегии действий потребует значительных инвестиций. Одним из путей привлечения инвестиций для решения задач, намеченных в Стратегии действий, является широкое использование государственно-частного партнерства.

В настоящее время в Узбекистане создана правовая основа для развития ГЧП. В частности, в 2018 году принято специальное Постановление Президента Республики Узбекистан «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного партнерства» и 2019 году принят Закон «О государственно-частном партнерстве». То есть в стране созданы правовые и институциональные условия для формирования и развития ГЧП.

В отличие от многих стран, уверенно ставших на путь инновационного развития, в Узбекистане инновационные проекты реализуются недостаточно активно. Следовательно, необходимо координировать усилия в части создания инновационной инфраструктуры, развития инновационного предпринимательства, улучшения взаимодействия органов государственной власти с существующими компонентами инновационной инфраструктуры, к числу которых относятся научно-исследовательские и образовательные центры, инфраструктура финансирования инноваций и инновационные компании. Основой для взаимодействия должны послужить механизмы ГЧП.

Опыт применения государственно-частного партнерства в научно-технологической и инновационной сферах в западноевропейских стран показывает, что данный механизм используется там, где государство и бизнес имеют взаимодополняющие интересы, но при этом не в состоянии действовать полностью самостоятельно и независимо друг от друга.

Учитывая недостаточный опыт применения ГЧП проектов в Узбекистане, важно выделить проблемы, которые требуют своего решения. Проблемы государственно-частного партнерства в сфере инновационного развития экономики вытекают из существующих объективных факторов и рисков использования ГЧП при реализации инновационных проектов. К числу этих проблем можно отнести следующие:

– во-первых, недостаточный опыт в осуществлении эффективного

взаимодействия между государственным и частным бизнесом;

– во-вторых, несовершенство существующего законодательства в стране;

– в-третьих, отсутствие достаточного опыта в решении вопросов, связанных с предоставлением налоговых льгот организациям, вовлеченным в инновационную деятельность и реализующим объекты интеллектуальной собственности на внутреннем и рынке, и стимулированием потребителей наукоемкой продукции и другие.

На основании изложенного выше материала можно сформулировать следующие выводы:

– существующая законодательная база в настоящее время в целом не препятствует реализации проектов ГЧП;

– каждый регион должен иметь разработанную программу долгосрочного развития инфраструктуры с активным использованием элементов ГЧП;

– государству необходимо стимулировать регионы к реализации партнерских проектов в инновационном сфере;

– с целью повышения привлекательности проектов ГЧП необходимо организовать конкуренцию между регионами, которая может обеспечиваться:

– уровнем налоговой нагрузки;

– количеством рисков, которые принимает на себя субъект при реализации проекта.

Р.У.Бегиева – магистрант Банковско-Финансовая Академия

ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ

Аннотация: В статье анализируются влияние и польза блокчейна для банковской деятельности, а также рассматриваются особенности внедрения блокчейн-технологий в коммерческие банки Узбекистана. Выделены основные цели, особенности и преимущества блокчейн-технологий. Рассмотрены отдельные примеры применения методов инновационных технологий.

Ключевые слова: банковская система, блокчейн, банковский сектор, коммерческие банки, эффективность, перспективные технологии.

Аннотация: Мақолада банк фаолияти учун блокчейн таъсири ва фойдаси, шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларида блокчейн-технологиясини жорий қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Блокчейн-технологиясининг асосий мақсади, хусусиятлари ва афзалликлари кўрсатилган. Инновацион технологияларни қўллашнинг алоҳида намуналари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: банк тизими, блокчейн, банк сектори, тижорат банки, самарадорлик, истиқболли технологиялар.

Abstract: The article analyzes the influence and benefits of blockchain for banking, and also discusses the features of the introduction of blockchain technologies in commercial banks of Uzbekistan. The main goals, features and advantages of blockchain technologies are highlighted. Some examples of the application of innovative technology methods are considered.

Keywords: banking system, blockchain, banking sector, commercial banks, efficiency, promising technologies.

Как известно, внедрение современных технологий в мировую банковскую систему и предоставление банковских услуг на этой основе является одной из глобальных проблем. В коммерческих банках нашей страны современные технологии не пользуются спросом. Понимая это, Президент Ш.Мирзиёев обратился к этой проблеме в своем обращении к Олий Мажлису: «Необходимо развивать банковскую систему и рынок капитала». Банковская система отстает на 10-15 лет от современных технологий. У нас нет ни персонала, ни закона. Это наша ситуация, нравится нам это или нет. Обширная трансформация состоится в 2020 году... Также был принят Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-3832 от 3 июля 2018 года «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан», направленный на развитие цифровых технологий в сектор экономике.

Таким образом, как отмечает глава нашего государства, основной целью реформ банковского сектора является обучение коммерческих банков “работать на клиента”.

В современных условиях развития, на фоне быстро изменяющихся технологических процессов, особый интерес в банковской системе различных стран проявляется к инновационным технологиям, которые, по утверждению их разработчиков, способны в значительной степени повысить эффективность деятельности банков. При этом стоимость внедрения данных технологий весьма высока, и для того чтобы их окупить, необходим продолжительный период времени.

Технология блокчейн в последнее время стала актуальной темой обсуждения в международном финансовом секторе. Развитые страны, например, Сингапур, Япония, США, Великобритания, стремительно внедряют данную технологию, осознавая ее преимущества. В 2017 году крупнейшие российские банки «Сбербанк» и «Альфа-банк» провели первую платежную транзакцию с помощью технологии блокчейн.

Блокчейн может решить множество проблем, с которыми постоянно сталкиваются банки и финансовые организации. Технология Blockchain обеспечивает высокий уровень безопасности при хранении и передаче данных, открытую и прозрачную сетевую инфраструктуру, децентрализацию и низкую стоимость операций. Эти характеристики делают блокчейн действительно перспективным и востребованным решением даже в крайне консервативной и ограниченной банковской индустрии В Узбекистане внедрение технологии блокчейн было законодательно закреплено постановлением Президента.

Внедрение блокчейн-технологий является частью более стратегии по цифровой трансформации банковских операций. Блокчейн позволит коммерческим банкам Узбекистана снизить эксплуатационные расходы на конкурентном рынке, который становится все более коммерциализи-

рованным. Анализируя все вышеизложенное можно сделать вывод о том что тема нашего исследования является на сегодняшний день актуальным.

Применение блокчейна предоставит банкам ряд преимуществ. Зарубежные банки высоко оценили такие преимущества, как снижение уровня мошенничества, ошибок и затрат на документооборот, поддержание уровня конкурентоспособности, упрощение процедур обработки транзакций.

Для извлечения полноценной выгоды из данной технологии в первую очередь банки Узбекистана должны создать инфраструктуру глобальной сети. Платежная системы: GlobUzCard и Humo.

Интегрированная с международными платежными системами, может служить в качестве данной инфраструктуры. С каждым годом в Узбекистане количество банковских пластиковых карт увеличивается, и полноценное внедрение системы GlobUzCard и Humo в том числе приведет к росту числа банковских карт. Это, в свою очередь, увеличит количество международных транзакций.

Так что банки Узбекистана, преследующие цель за сравнительно короткое время обслуживать транзакцию и полноценно и безопасно управлять сложными клиринговыми операциями с участием иностранных банков, должны будут внедрить технологию блокчейн. Многие зарубежные банки всё еще продолжают экспериментировать с блокчейном, чтобы определить, в какой сфере данная технология будет наиболее эффективной. Период экспериментов может занять долгое время.

В целом на применение технологии влияют как внешние, так и внутренние факторы или условия.

В первую очередь банкам Узбекистана необходимо создать соответствующую информационно-коммуникационную инфраструктуру и бизнес-среду. Чтобы полноценно внедрить блокчейн, его должны будут использовать и другие участники финансового рынка. Также необходимо внести изменения в банковское законодательство, так как существующие законы имеют ограничения. Таким образом, для массового внедрения технологии блокчейн в условиях банковского сектора Узбекистана, по нашему мнению, может понадобиться до 2023 года.

Блокчейн, как часто обобщенно называют все технологии распределенных реестров, представляет собой новый тип систем организации базы данных, позволяющий широкой группе участников получать практически одновременный совместный доступ к общим данным, с беспрецедентным уровнем конфиденциальности. Указанные технологии -обеспечат автоматизацию практически всех процессов в коммерческом банке при сочетании методов управления информацией и финансами с искусственным интеллектом.

В связи с этим уже сегодня можно отметить основные направления, которые в перспективе в ближайшем времени претерпят изменения: Большинство кредитных и финансовых учреждений не могут выполнять свою работу без ряда посредников, в то время как их участие делает услуги этих учреждений намного дороже. Внедрение блокчейна позволит отказаться от

ненужных посредников и предоставить клиентам и банкам более дешевые услуги.

Благодаря технологии блокчейн эти процессы становятся прозрачными. можно описать следующим образом:

первый, банк-импортер будет иметь возможность пересмотреть договор купли-продажи, разработать условия кредитования и представить обязательство по выплате экспортному банку в режиме реального времени;

второй, экспортный банк рассмотрит предоставленное платежное обязательство и, как только оно будет одобрено, SmartBlock будет создан на блокчейне для покрытия условий и обязательств по блокировке;

третий, способствующие финансированию торговли через блокчейн, не требуют, чтобы доверенный посредник принимал на себя риск, устраняя необходимость в банках-корреспондентах.

В заключение необходимо отметить, что коммерческие банки, работающие в стране, будут способствовать дальнейшему повышению эффективности банковских услуг за счет внедрения современных технологий, в том числе технологии блокчейн, и предоставления международных услуг.

Мы полагаем это даст возможность повысить уровень рейтинга до «А», в списке самых популярных в мире суверенных рейтинговых компаний, таких как Fitch Ratings, Moody's и Standard & Poor's, которые до этого присваивали нашим банкам.

Список литературы

1. Обращение Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева Олий Мажлису от 24 января 2020 года. https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/22/murojaatnoma/
2. Закон Президента Республики Узбекистан «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан » от 3 июля 2018 года за № ПК-3832. https://lex.uz/docs/3806053.
3. Блокчейн в банковской сфере и другие важные инициативы по внедрению технологии. Журнал ForkLog - информационный ресурс о криптовалютах, блокчейне и децентрализованных технологиях. [Электронный ресурс]. – URL: https://forklog.com/blokchejn-v-bankovskoj.
4. Волкова Е.С., Писин В.Б., Соловьев В.И. Современные подходы к применению методов интеллектуального анализа данных в задаче кредитного скоринга. Финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 34, С. 2044–2060
5. Евтушенко А., Поляков Е. По цепочке до России. [Эл. ресурс]. – URL: https://www.gazeta.ru/tech/
6. Как россияне выбирают банковские карты. Magram market research - независимое исследовательское агентство полного цикла http://www.magram.ru/ news/kak_rossiyane_vybirayut_bankovskie_karty.html
7. Хаджиев М.Р., Батукаева Л.С.-Э. Потенциал использования технологии Blockchain в банковской сфере. Брянск: Брян. гос. инженерно-технол. ун-т. 2018. С. 511-515.
8. Financial services technologies in 2020 and beyond: revolutionary changes. Global Annual Review 2018. PricewaterhouseCoopers is an international network of companies offering consulting and audit services. [Эл рес]. – URL: http://www.pwc.com/fstech2020
9. Frictionless Business. Accenture Consulting. [Электронный ресурс]. – URL: https://www.accenture.com/ca-en/insight-technology-partners-ecosystem

V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”

А.А.Фаттахов – ТДИУ, профессор, и.ф.д.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САВДОДА МАРКЕТИНГ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо фаолияти маркетинг функциялари асосида янада ривожланиб бормоқда. Ушбу мақолада савдо фаолиятида маркетинг функцияларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: савдо, маркетинг функциялари, талабни шакллантириш, сотишни рағбатлантириш, сервис, сотувдан кейинги сервис.

Аннотация: В условиях инновационной экономики торговая деятельность развивается дальше на основе маркетинговых функций. Эта статья будет посвящена улучшению маркетинговых функций в сфере продаж.

Ключевые слова: продажи, функции маркетинга, формирование спроса, стимулирование сбыта, сервис, послепродажное обслуживание.

Abstpact: In an innovative economy, trading activities are further developing on the basis of marketing functions. This article will focus on improving marketing functions in sales activities.

Keywords: sales, marketing functions, demand formation, sales promotion, service, after-sales service.

Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо фаолияти самарадорлигига, улгуржи ва чакана савдо айланмасининг ривожланиши ҳамда ўсишига маркетинг функцияларини қўллаш асосида эришилади. Савдо фаолиятида маркетинг функциялари даставвал ишлаб чиқариладиган маҳсулотни самарали сотиш учун оптимал сотиш тармоғини ташкил қилиш, шу жумладан, чакана ва улгуржи дўконлар тармоғи, оралиқ сақлаш омборлари, техник хизмат кўрсатиш пунктлари ва кўргазма залларини яратиш, товар ҳаракати йўналишларини аниқлаш, транспортировка, юклаш ва тушириш ишлари, таъминот тизими ва ҳоказоларни ташкил қилишдан иборат.

Шунингдек, савдо фаолиятида маркетинг функцияларига тижорат иши билан боғлиқ жараёнлар ҳам киради, яъни олди-сотди битимлари бўйича музокараларни тайёрлаш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш кабилар.

Савдо фаолиятида маркетинг функциялари доирасида амалга ошириладиган тадбирлардан энг муҳими бу талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш ҳисобланади. Савдо фаолияти амалиётидан

маълумки, товар хариди харидор тўловига қобилиятли ва товар унга зарур бўлгандагина амалга ошади. Лекин товарни харид қилиш учун унинг истеъмол хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Бундан ташқари, бозорда одатда битта эҳтиёжни қондирадиган бир нечта товарлар мавжуд бўлади ва харидор улар орасидан танлашга мажбур бўлади. Истеъмол хусусиятлари номаълум бўлган товар бундай вазиятда сотиб олинмайди, ваҳоланки, инсон янгиликларга нисбатан ҳар доим бироз хавфсираш билан қарайди. Айнан ана шу тўсиқни йўқотиш талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш маркетинг тадбирларининг асосий вазифаларидан биридир.

Талабнинг шаклланиши харидорга товарнинг мавжудлиги ҳақидаги хабарни етказиш, бу товар орқали қондириладиган эҳтиёжлар ҳақида унга маълумот бериш, бу эҳтиёжларнинг қондирилиш сифатини исботловчи далилларни келтиришдан иборат. Талабни шакллантириш тадбирлари — реклама, кўргазма ва ярмарка фаолияти, PR, шахсий сотув, инновацион маркетинг технологияси бўлган мерчендайзинг ёрдамида потенциал харидорлар онгида товар ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, пировардида харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёни билан якунланади. Савдо фаолиятида талабни шакллантириш янги товарларни потенциал харидорларга таништириш ва бозорни маълум улушини эгаллашдан иборатдир.

Сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган харидорга қаратилган. Сотишни рағбатлантириш тадбирининг вазифалари — мазкур товарнинг кейинги харид қилинишига, яъни харидорнинг такрорий харидини таъминлаш, катта партияларни сотиб олишга, фирма ва харидор ўртасида мунтазам тижорат алоқаларини рағбатлантиришга қаратилган. Савдо фаолиятида сотишни рағбатлантириш асосий товарларга қўшимча товарларни қўшиб бериш, чегирмалар бериш кабилар орқали амалга оширилади.

Одатда, харидорлар ва сотувчилар (воситачилар, агентлар, дилерлар)га йўналтирилган сотишни рағбатлантириш тадбирларини фарқлайдилар. Харидорларга нисбатан сотишни рағбатлантириш келишилган шартларда товарни харид қилаётганларга сезиларли тижорат фойдасини таклиф қилишдан иборат. Бу, даставвал, қуйидаги манфаатлардир:

– чегирмалар — сотиб олинадиган товар партиясининг ҳажми учун;

– «бонус» чегирмалари — муайян товар харидларининг мунтазамлиги учун;

– муддатни узайтириш шаклидаги кредит, бошланғич тўловнинг йўқлиги, товарни харид қилишда маълум суммадаги пул кўринишидаги «совға»;

– товар намунасини йирик партияни харид қилишга умид қилиб бепул тарқатиш;

– товарни вақтинчалик «синаб кўриш» учун фойдаланишга бепул топшириш;

– ишлатилган маҳсулотни янги нарса учун дастлабки тўлов сифатида қабул қилиш.

Сотишни рағбатлантириш тадбирларига шунингдек қўйидагилар киради:

– потенциал истеъмолчилар вакиллари учун янги товарларнинг махсус тақдимотлари;

– ишлаб чиқарувчи корхоналарга экскурсиялар;

– бозорга янги товарни киритишга бағишланган пресс-конференциялар;

– товарнинг янги моделини чиқаришга ўтиш муносабати билан нархларни пасайтириш;

– харид қилинган товарга қўшиб бериладиган кўпон лотереялари;

– товар имижини шакллантириш.

Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо фаолиятида маркетинг функциялари доирасида харидорларга кенг кўламли сервис хизматларни кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Савдо билан боғлиқ ҳолда икки кўринишдаги, хариддан олдинги сервис ва хариддан кейинги сервис амалга оширилади.

Савдо корхоналарида савдодан кейинги сервислар ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса харидорларни янада савдо хизматига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга кўмаклашади. Хариддан кейин амалга ошириладиган сервислар қуйидагилардан иборатдир:

– товарни етказиб бериш учун ўрам, шунингдек, совға ўрами;

– ўзгартиришлар хизмати;

– етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж хизмати;

– асбоб-ускуна, жиҳозларни ишлатишдан олдин кўрсатмалар бериш;

– алмаштириш (қайтариб бериш мумкинлиги);

– эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш;

– кафолат вақт оралиғида таъмирлаш хизмати, қўшимча кафолатлар.

Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо фаолиятида маркетинг функцияларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– бевосита савдо усуллари, яъни тўғри маркетинг (директмаркетинг)дан фойдаланиш. Бу муайян реакцияга эга бўлиш мақсадида харидор билан бевосита мулоқот қилиш учун фойдаланадиган коммуникация воситаларининг комплексидир. Тўғри маркетинг усулларига асосланган ҳолда каталог бўйича, почта, телефон, интернет ва интерактив хизматлар ёрдамида савдо фаолияти ташкил этилади;

– савдо тармоқларини яратиш, савдо брендини шакллантириш, ўзига қарашли савдо каналлари (агентлик, дилерлик ва б.қ.) фаолиятини йўлга қўйиш;

– электрон савдони амалга ошириш, савдо автоматлари орқали савдони ташкил этиш ва бошқалар.

А.Т.Мардонова– СамДУ, «Кадрлар менежменти ва бизнес» кафедраси доценти

КОРХОНАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва иқтисодиётдаги ўрни тадқиқ этилган. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг замонавий усуллари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инновацион фаолият, тизимлилик, инновацион стратегия, статистика, методика, таваккалчилик, механизм.

Аннотация: В статье исследованы механизмы совершенствования управления инновационной деятельности предприятия и их роль в экономике. Проанализированы современные методы управления инновационной деятельности.

Ключевые слова: инновационная деятельность, системность, инновационная стратегия, статистика, методика, риск, механизм

Abstract: In the statement it is observed an improvement of innovational management of firms and their position in economics. Modern ways of management in innovational process have been analayzed.

Key words: innovation, economic system, banking system, innovation strategy, statistics, management, innovational process, analysys.

Инновацион фаолият – бу ишлаб чиқаришда янги ёки такомиллаштирилган махсулот турини ўзлаштириш, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи амалиётга жорий этиш, истеъмолчилар учун ёки махсулот рақобатдошлилигини оширувчи янада сифатли таркибга эга бўлган махсулотлар ишлаб чиқариш жараёнидир. Инновация эса – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларига эга бўлган махсулотларни (товар, махсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эхтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни иқтисод қилади ва инсонларнинг турли хил хаёт ва фаолият сохаларида турлича самара беришини таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқариш соҳасини инновацион ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Иқтисодиётимизни модернизациялаш жараёнларида мамлакатимиз маҳсулотларини экспорт қилувчи ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва янги бозорларни ўзлаштириш чора-тадбирлари давом эттирилмоқда.

Инновацион фаолиятни бошқариш механизми у ёки бу субъектнинг инновацион ривожланиш мақсади йўналишидан келиб чиқиб, ўзида турли усул ва воситалар йиғиндисини мужассамлаштиради. Инновацион соҳадаги

бошқарув қарорларининг натижавий тайёр маҳсулотга айланишини таъминловчи самарали механизмни ишлаб чиқиш миллий корхоналаримизнинг бугунги кундаги долзарб масалаларидан биридир.

Инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён ва шу каби тушунчалар бизнинг хар кунги хаётимизда, корхона фаолиятида ва иқтисодиёт тармоқларининг турли жабхаларида мустахкам ўрнашиб олмоқда. Ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг рақобатдошлилигини оширишда, бозорда мавқеини мустахкамлашда ва харидоргир махсулот ишлаб чиқаришда инновациялар мухим омиллардан бири хисобланади.

Айни пайтда мазкур механизмнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган инновацион фаолиятни ташкил этишнинг методик асосларини шакллантирмай туриб, масалани ҳал этиш мумкин эмас. Шунинг учун инновацион фаолиятнинг табиати ва мазмун-моҳиятига турлича қарашлар мавжуд бўлган бир пайтда хўжалик субъектлари мавжуд имконият ва чекланишларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада самаралироқ сиёсат ишлаб чиқишга имкон берувчи аниқ таклифларга эҳтиёж сезадилар. Шу нуқтаи назардан, инновацион фаолият методикасини ишлаб чиқиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Фикримизча, инновацион фаолиятни ташкил этишнинг таклиф этилаётган методикаси қуйидаги тамойилларга асосланади:

– мақсадлилик;

– тизимлилик;

– ташкил этувчи барча таркибий қисмларнинг концептуал бирлиги.

Мазкур методикани ишлаб чиқишнинг асосий мақсади саноат корхоналари инновацион фаолиятини ташкил этиш бўйича маълум дастур яратиш ҳисобланади. Қўйилган мақсаддан келиб чиқувчи вазифалар қуйидагилардан иборат:

– корхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш ишларининг мазмуни ва мантиқий изчиллигини таъминлаш;

– инновацияларнинг яратилиши ва тарқалиши бўйича корхонанинг барча бўғинлари ҳамда хизмат бўлимлари фаолиятининг мувофиқлигини таъминловчи мос ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш;

– инновацион фаолиятнинг муайян жиҳатлари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

– корхонада инновацион фаолиятнинг мақсадлилиги ва тизимлилигини таъминлаш;

– корхонада инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил этиш.

Ушбу методика қуйидаги асосий таркибий қисмлардан ташкил топади:

1. Инновация тушунчасини ҳамда инновацион фаолиятнинг мазмунини аниқлаштириб олиш.

Инновация муаммоси билан шуғулланувчи республика ва чет эл олимларининг тадқиқотларини ўрганиш натижасида инновация, инновацион фаолият, инновацион жараённинг мазмун мохиятига турлича ёндашувлар борлиги аниқланди. Кўпгина иқтисодий адабиётларда биринчилардан бўлиб инновацион жараёнларнинг таърифини, турларини ва умуман инновацион

фаолият назариясига мухим хисса қўшган олим сифатида австриялик иқтисодчи олим Йозеф Шумпетерни таъкидлаб ўтишади.

Фикримизча, “инновация” тушунчаси янгилик касб этувчи ва фойдали самарага эга бўлган илмий, тадқиқот, техник ва бошқа мақсадли фаолиятларни акс эттиради. Инновацияга берилган таърифларнинг турлилиги инновацияларга давлатнинг ҳамда ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг зарурий талабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида инновацион фаолиятни бошқаришнинг энг тўғри методологиясини ишлаб чиқиш имкониятини яратади ва мос равишда, бошқариш объекти – инновацион фаолиятнинг қуйидагича аниқ таърифи ҳосил бўлади.

2. Корхонада инновацион фаолиятнинг ташкилий тузилишини ишлаб чиқиш. Инновацион фаолият танлаб олингандан кейин унинг, мақсадли йўналиши инновацион вазифаларнинг тузилишини аниқлаб беради. Бунда корхонанинг ҳажми, ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотининг ҳажми ва номенклатураси каби турли омиллар юқори аҳамият касб этади. Шунинг учун, инновацион фаолиятни бошқариш ҳар бир турдаги корхона учун алоҳида характерга эга. Бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган умумий жиҳат шундан иборатки, у бутун ташкилий тузилмага узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бундан ташқари, турлича даражаларда бошқарув қарорларини шакллантирувчи турли бўғинлар фаолиятини мувофиқлигини таъминлаши ҳам зарурий шартлардан ҳисобланади. Чунки, алоҳида маҳсулот тури бўйича ҳам, бутунлигича барча йўналишлар бўйича ҳам инновацион лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш корхона учун бир хил даражада муҳим аҳамиятлидир.

3. Инновацион стратегияни ишлаб чиқиш.

Корхонанинг инновацион стратегияси агрессивлик (ҳужумкорлик) даражасига кўра турлича фарқланиши ёки ўзида мудофаа хусусиятини ҳам касб этиши мумкин. Стратегик менежментда агрессивлик тушунчаси корхонанинг ўз технологияси, маҳсулотлари турлари ва маркетинг стратегиясига ўзгариш киритишининг тезлиги ва радикаллиги даражасини акс эттиради. Инновацион менежментга мос ҳолда таъкидлаб ўтиш жоизки, инновацион стратегиянинг агрессивлиги, биринчи ўринда, ишлаб чиқилган ва жорий этилаётган янгиликнинг радикаллик даражасига боғлиқ. Корхонанинг инновацион агрессивлигини белгилашда инновацияларни яратиш частотаси, жорий этиш тезлиги, инновацион-инвестицион фаолиятни молиялаштириш кўлами кенглиги ва инновациянинг бозор маркетингининг интенсивлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион стратегияни танлашда амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг ноаниқликлари ва таваккалчиликлари каби бир қанча кўрсаткичларни эътиборга олувчи кўпқиррали модель асос қилиб олиниши лозим.

4. Инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш методикаси.

Инновацион фаолият таҳлили қуйидаги йўналишларни ўз ичида

мужассамлаштириши зарур:

– корхонанинг ўз бўш пул маблағлари ва умумий молиявий ҳолати таҳлили;

– инновацион лойиҳалар учун харажатлар таҳлили;

– кўриб чиқилаётган, жорий этишга қабул қилинган, жорий этилаётган, жорий этилган ва рад этилган лойиҳаларнинг тузилмавий таҳлили;

– инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни ҳисобга олиш тизимини тадқиқ этиш;

– жорий этилган инновацион лойиҳаларнинг корхонанинг бутун хўжалик фаолияти натижаларига таъсирини баҳолаш;

– корхонанинг моддий ресурслари ва кадрлар базаси салоҳиятининг инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги таҳлили;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш самарадорлигининг интеграл кўрсаткичлари;

– корхонанинг инновацион ривожланишига ташқи муҳит таъсирининг таҳлили.

5. Инновациялар маркетинги методикаси.

Маркетинг фаолияти ўзида бозорни комплекс тадқиқ қилиш, инновацияларни яратишни режалаштириш, уларнинг рақобатбардошлиги, нарх сиёсати, силжитиш, сотувини ташкил этиш ҳамда сервис хизмат кўрсатишни тезлаштиришни назарда тутади.

Бугунги кунда кўп корхоналарда маркетинг асосида инновациялар яхши йўлга қўйиляпти. Таклиф этилаётган методиканинг таркибий қисмларига корхона фаолиятининг аниқ шароитидан келиб чиқиб, қўшимчалар киритилиши ва улар кенгайтирилиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, аниқ бир турдаги корхонада инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантиришга ёрдам берувчи зарур методик асослар корхонанинг ўзига хос хусусиятларига кўра ўз-ўзини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолиятни ташкил этишнинг таклиф этилаётган методикаси мамлакатимиз корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш учун зарур асос бўлиб, бу борадаги ишларнинг амалга ошириш тезлигини орттиришга хизмат қилади. Зеро, миллий корхоналаримизда инновацион ишлаб чиқаришнинг жадаллик билан ривожлантирилиши улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ортишига ва жаҳон бозорида етакчилик ўрнини мустаҳкамлашга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Акбархужаева З.З. «Инновацион менежмент ».Укув услубий мажмуа. ТДИУ, 2016 йил

2.Фатхутдинов Р.А. “Инновационный менеджмент” СПб.: Питер, 2004. 400 с.

А.Р. Исмаилов – ТДИУ, “Корпоратив бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада корпоратив бошқарув тизимини инновацион ривожлантириш истиқболларини ҳамда акциядорлик жамиятларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштириш орқали корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: Корпоратив бошқарув тизими, акциядорлик жамиятлари, акциядорлар, қимматли қоғозлар, инновация, инвестиция, хусусийлаштириш.

Аннотация: В данной статье рассмотрены институциональные основы, нормативно-правововые документы, определяющие и регулирующие взаимоотношения в акционерных обществах, а также вопросы совершенствования и повышения эффективности корпоративного управления.

Ключевые слова: Система корпоративного управления, Акционерное общество, акционеры, ценные бумаги, инновация, инвестиция, приватизация.

Abstpact: In this article, the institutional framework was contemplated for further amendments in regulatory documents in order to define and regulate relations in joint-stock companies, as well to tackle issues of improving and increasing the efficiency of corporate governance system in Uzbek joint-stock companies.

Keywords: Corporate governance system, joint-stock venture, shareholders, shares, innovation, investment, privatization.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий дастури ҳисобланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш иқтисодиётни кейинги йилларда ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони билан қабул қилинган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инноватсион ривожлантириш Стратегияси”да ҳам корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича чора- тадбирлар белгиланиб, улар ҳозирда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мазкур ҳукумат қарорлари асосида белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш йўлларини аниқлаш бу борада муҳим изланишларни олиб боришни тақозо этади. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини ўрганиш, корпоратив бошқарув соҳасидаги муаммолар ва ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш, ва шу асосда, миллий корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув тизими, унинг ички ва ташқи элементларини ўрганиш учун анализ ва синтез, тизимли ѐндашув усулларидан, миллий

корпоратив бошқарув тизимидаги муаммоларни аниқлаш учун илмий мушоҳада усулидан, ҳамда миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар асосида инноватсион ривожлантириш истиқболларини белгилаш учун абстракт-мантиқий усулдан фойдаланилди. Халқаро стандарт сифатида асосан Г20/ИҲТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари танлаб олинди.

Жаҳонда корпоратив бошқарувни инновацион ривожлантириш масалалари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) нинг корпоратив бошқарувда мослашувчанлик ва мутаносилик мавзусига доир тадқиқотида кенг ёритилган. Мазкур мақолада таъкидланишича, ўзгарувчан бизнес секторини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан амалга ошириладиган тартибга солиш чоралари бизнес юритишнинг янги ва инновацион амалиётларини ҳам инобатга олиши керак. Шунинг учун ИҲТТ нинг корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ, янги тажрибалар эгалланган ҳамда бизнес шароитлари ўзгарган пайтда корпоратив бошқарув тизимининг турли қоидалари қайта кўриб чиқилиши, ва зарур ҳолларда, уларга тузатишлар киритилиши лозим.

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда акциядорлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, акциядорлик жамиятлари бутун дунёда замонавий корхоналарни ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда хусусий мулкнинг пайдо бўлиши иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлишига олиб келди: мулкдорларнинг тартибга солиш ва синфи, шунингдек, янги ташкилий-ҳуқуқий шакллар, бу эса индивидуал неоплазмаларнинг иқтисодий фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади. Акциядорлик жамияти барча акциядорлар томонидан ягона ҳуқуқий асосда жамланган ҳолда хусусий мулкни сотишнинг ўзига хос шаклини таъминлайди ва жамият томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ушбу корхона фаолиятини молиявий ресурс билан таъминланишига олиб келади. бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётида акционерлик жамиятларини ривожлантиришни, уларни қўллаб-қувватлашни талаб этади.

Бу борада «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонда келтирилганидек:

- давлат мулкини хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкининг хусусийлаштирилган объектларнинг базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

- саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш;

-корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш, корхонларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини

кучайтириш каби вазифаларни белгиланганлиги соҳанинг келгуси ривожланишива самарадорлигини оширишга асос бўлади

Акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини чиқариши ва жойлаштириши маҳсулотни кенгайтириш, модернизация қилиш ҳамда диверсификация қилиш учун маблағларни жалб қилишнинг кучли ва ноодатий усулидир. Бироқ сўнгги йилларда қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик компаниялари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга эътибор қаратилмаганлиги, инвестицияларни жалб қилиш мақсадида таҳлил қилиш ва амалга ошириш масалаларини кўриб чиқилмаётганлиги уларнинг фаолиятининг асосий тамойиллари эътибордан четда қолаётганлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари акцияларининг паст даражада капиталлашуви ва етарлича юқори ликвидликка эга эмаслиги қимматли қоғозлар бозоридан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш учун акциядорлик жамиятларининг мавжуд ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида агросаноат комплекси акциядорлик компаниялари фаолиятининг реал ишлаб чиқариш секторига инвестицияларни жалб қилиш учун самарадорлигини ошириш концептуал жиҳатларини ривожлантиришни талаб қиладиган саноатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик компаниялари сифатини баҳолаш муҳимдир. Бу борада авваламбор, инвестиция жараёнлари ва фонд бозори муддатларини оптималлаштириш асосида акциядорлик компаниялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва илмий асосланганлигини тасдиқлаш лозим.

Акциядорлар қимматли қоғозлар билан акциядорлик мулкини бошқариш жараёнига бўлган эҳтиёжнинг кўплиги ва уларнинг қийматига таъсир кўрсатадиган омилларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида тушунмовчиликлар ушбу мавзу доирасида тадқиқотлар олиб борилишини тақазо этмоқда. Бунинг учун ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан қимматли қоғозлар бозоридан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш зарурати, яъни барқарор ва тўлиқ фаолиятнинг йўқлиги билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш лозим.

Бизнинг фикримизча, жаҳон молия бозорида хаёлий ва реал капитал ҳажми ўртасидаги бу фарқ бозор иқтисодиётига хос бўлган номукаммалликлар, яъни хусусий мулк эгалари томонидан корхона қийматини баҳолаш назарияси ва ташкилот қийматини бошқариш воситаларини қўллашда ташкилотнинг қийматига таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичларнинг тўлиқ эмаслигини келтириб чиқаради. Компаниянинг қиймати - бу ўз активлари давлат томонидан белгиланадиган бизнеснинг потенциали, бизнеснинг қийматини ўсиши фақат унинг салоҳияти ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда номоддий, асосий воситалар,

ходимлар ва бошқалар ҳисобланади. Бу ҳолда аниқ пул оқими бизнес салоҳияти ва сифатли тоифанинг миқдор (харажат) индикатори, шунингдек, бизнес салоҳиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш воситаси бўлиб, унинг қийматини максимал даражада оширишни англатади.

Хусусий мулк эгалари томонидан узоқ муддатли салоҳиятга ва ташкилотнинг қийматига таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичларнинг тўлиқ бўлмаган ҳисоб-китоби келажакда соф нақд пул оқимининг қийматини нотўғри аниқлашга яъни, алоҳида ташкилот даражасида "молиявий пуфакчалар" шаклланишига олиб келиши, компаниянинг ҳақиқий салоҳияти ҳамда унинг молия бозоридаги қиймати ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради.

Акциядорлик жамиятларининг капиталида давлат иштироки нафақат ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш ва назорат қилиш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлигини ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, бир ватор вазифаларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- иқтисодиётнинг давлат мулклари орқали тартибга солинишини тартибга солувчи глобал тенденциялар мавжудлиги;

- бундай тартибга солишнинг энг яхши усуллари ва воситаларини топиш ва иқтисодиётда давлат мулкининг самарадорлигини ошириш;

- корхона қийматини бошқариш назариясини амалиётга татбиқ этишга ва корхона қийматини бошқаришга қаратилган ўзгаришлар.

Шундай қилиб, тадқиқот муаммолари иқтисодиётда давлат мулкининг самарадорлиги пастлигидан иборат бўлиб, у ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш учун энг яхши усул ва воситаларни излаш лозим бўлиб, бу борада занжирли қимматли қоғозлар бозори ёрдамида ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш асосида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, фикримизча қуйидаги вазифаларни талаб қилади:

- акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ички ва ташқи тажрибасини ўрганиш, уларнинг фаолият юритиш механизмидаги ўзига хос хусусиятларини ҳамда ўз ва жалб қилинган капиталини шакллантириш;

- акциядорлик компаниялари фаолиятининг молиявий механизмини белгилаш;

- акционерлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва қимматли қоғозлар бозоридан фойдаланган ҳолда инвестицияларни жалб этиш;

- иқтисодий аҳамиятга эга, фаолият тамойиллари, акциядорлик компаниялари самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- акциядорлик компаниялари молиявий механизмини ишлаш тартибини тизимли равишда тасдиқлади;

- жамиятларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш

бўйича тенденциясини белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда, қимматли қоғозлар бозоридан ишлаб чиқаришни инвестициялашнинг ҳудудий механизмининг ривожланиш даражаси, шунингдек, унинг ривожланиши ва шаклланишига таъсир этувчи омиллар, унинг ташкил этилиш мақсадлари, усуллари ва принципларини аниқ белгилаш, акциядорлик компаниялари самарадорлигини ошириш йўллари ва усулларини илмий асосда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М.Г. Умарходжаева, Д.Б. Бегматова, А.Р. Исмаилов “Корпоратив бошқарувнинг институционал асослари”, ТДИУ, 2019.
2. Н.Т. Урмонов, А.Р. Исмаилов «Корпоратив бошқарув: принциплар, сиёсат ва амалиёти”, ТДИУ, 2019.
3.М.Г. Умарходжаева., Шермухамедов А.К. «Системы корпоративного управления»., ТГЭУ, 2019.

С.М.Рахимова – Урганч Давлат Университети Туризм ва иқтисодиёт факультети 1-босқич таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада тиббий хизматлар бозори ривожланиш шароитида уларни қўллаб-қувватлаш ва соҳага оид меёрий-хуқуқий масалалар келтирилган.

Калит сўзлар: тиббий хизмат, тиббий хизматлар истеъмолчиси , ижтимоий тенгсизлик, тиббий суғурта, хусусий сектор, соғлиқни сақлаш қарорлари.

Аннотация. В статье рассматриваются правовые и нормативные вопросы в сфере поддержки рынка медицинских услуг и их поддержки**.**

Ключевые слова: медицинские услуги, потребитель медицинских услуг, социальное неравенсто, медицинское страхование, частный сектор, услуги здровоохранения.

Abstract.The article outlines the legal and regulatory issues in the field of medical services market support and their support.

Key words: health care, health care consumers, social inequality, health insurance, private sector, health care services

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида асосий эътибор жамият ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилмоқда. Ушбу ислоҳотлар унинг соҳаларини кенг ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган. Айниқса, бугунги кунда ана шундай такомиллашиб бораётган ижтимоий соҳа жамиятнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, унга 2013 йилда давлат бюджетининг 59,3 фоизи ажратилган бўлса 2018 йил якунларига қадар эса бу кўрсаткич 60 фоизга этди. Ижтимоий соҳа ўз ичига фан-таълим, маданият-спорт ҳамда соғлиқни сақлаш ёки тиббиёт соҳаларини олади. Ушбу соҳаларни кенг тараққий қилдириш ўз навбатида йилларда 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон

Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори билан изчил амалга оширилмоқда.

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги боис, республикамизда банк-молия, суғурта, реклама, алоқа ва ахборотлаштириш, маиший, ҳуқуқий соҳалар ўзаро алоқада ва комплекс равишда ривожланмоқда ҳамда бошқа хизматларни сервис сифати даражасида кўтарилишига муҳим замин яратмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш жараёнлари такомиллашмоқда, жумладан, бу ҳолатларга сервис фаолияти таъсир қилмоқда ёки тўла “сервислашмоқда”. Аввало, хизматлар кўрсатиш соҳаси хизмат ва сервис ташкилий қисмларидан иборат бўлиб, бу ерда сервис хизматга қараганда замонавийлиги, ихчамлиги, қулайлиги, технологиялардан фойдаланиш мумкинлиги ҳамда аҳоли эҳтиёжини тўлиқ ва талаб даражасида кондириш каби тамойилларга асосланади. Шулар қаторида тиббиёт соҳасидаги хизмат кўрсатиш жараёнлари юқоридаги хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Бунда аҳолининг соғлигини сақлаш биринчи ўринда туради ва давлат томонидан ҳуқуқий кафолатланади. Айниқса, Ўзбекистонда аҳолининг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган тиббий хизмат олиш мустаҳкамланган. Жумладан, конституциянинг 40-моддасида аҳоли қатлами, яъни ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги келтирилган.

Аввало, республикамизда тиббий хизматни ташкил этишдан асосий мақсад –мураккаб шароитда, жумладан ҳалокат оқибатларида, шикастланишда, бахтсиз ҳодиса содир бўлганда, заҳарланганда ва юқумли касаллик тарқалганда шошилинч чора-тадбирларни ташкил этиш ва улар орқали инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишдан иборат. Бу борада давлат тиббий хизматнинг сифатли ва самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Шу сабабли, бугунги кунда бу соҳа энг устувор соҳаларга айланиб қолди. Шунинг учун ҳам, бундай йўналишдаги тиббий хизмат ривожланмоқда ва унинг вазифаларини ўрганиш такомиллашмоқда. Чунончи, қонунга асосан тиббий хизмат бепул кафолатланган ва аҳоли қатламлари учун қўшимча тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва сифат даражасида сервис даражасига кўтариш асосий устувор масала бўлиб ҳисобланган боис, мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тиббиёт масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Аҳолининг барча қатлами учун малакали тиббий хизматдан бепул фойдаланиш имконияти яратиб берилди. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига алоҳида имтиёзлар жорий қилинди. Шу билан бирга, пуллик тиббий хизмат

кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳам етарли шарт-шароит яратиб берилди. Аммо, бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш шарт ва имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот шаклланмаган. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда инсон, яъни фуқароларнинг соғлигини сақлашга доир ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш ва уларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 1996 йил 29 августда “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва натижада улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қонунга биноан инсон, бемор қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

-тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи томонидан ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатилишини талаб қилиш;

-ўзи томонидан шифокор ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

-санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

-белгилангант артибда ўз илтимоси бўйича бошқа мутахассислардан маслаҳат олиш;

-маълумотларнинг сир сақланишини талаб қилиш;

-тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

-тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлигига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплатиш;

-ўз ҳуқуқини ҳимоя қилдириш учун адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилишини талаб қилиш;

-ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили томонидан даволаш-профилактика муассасаси раҳбари ёки бошқа мансабдор шахс, юқори бошқарув органи ёки судга шикоят билан мурожаат қилиш.

Шу билан бирга, 2009 йил 21 майда қабул қилинган “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарор аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий хизмат сифатини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Гарчи 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган.

“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор билан тасдиқланган 2012-2015 йилларга мўлжалланган дастур доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги янада ошмоқда.

Булардан ташқари, тиббий хизматлар кўрсатилишини кафолатлашда Вазирлар Маҳкамаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида даҳлсиз ҳуқуққа эга бўлиб, бу орган томонидан ёши, жинси, миллати, ирқи, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий

мавқеидан қатъий назар, фуқаролар соғлиги сақланиши таъминланади ва уларнинг камситишлардан ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўз ваколатлари доирасида тиббий хизмат кўрсатишда даволаш-профилактика, санитария, эпидемияга қарши, радиация ва экология масалалари юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаради. Бу ҳужжатлар давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Чунки, келажак "фидоийлари" бўлган тиббиёт соҳасида "сервислашиш" жараёни ана шундай хизматлар шаклланганлиги боис, аҳолининг саломатлиги ва соғлигини тўла тиклашга эришилади ҳамда барча мижозлар, яъни беморларнинг умумий аҳволи яхшиланади.

Умуман олганда, тиббиёт соҳасидаги кўрсатиладиган хизматларнинг "сервислашув" жараёни туфайли соҳадаги юз бериши мумкин бўлган имкониятлар чуқурлашмоқда ҳамда унинг тараққиёти такомиллашмоқда. Жумладан, бу сервиснинг сифати, маданияти ва хавфсизлиги каби унсурларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу соҳадаги "контакт" зонаси тиббий хизмат кўрсатувчи билан
хизматдан фойдаланувчи ўртасидаги алоқаларни тўла таъминлайди ва сифатли хизмат кўрсатилади.

S.K.Boyjigitov – SamISI, Marketing kafedrasi assistenti
S.R.Ravshanov – SamISI, MR-319 guruh talabasi

MARKETINGDA TO‘G‘RI REKLAMALAR YARATISH VA TANLASH

Annotatsiya: Ushbu maqolada bugungi kunda marketing iqtisodiyotning yetakchi bo‘g‘ini sifatida shakllanishi va tovarlar haqidagi axborotlarni reklama vosita orqali iste’molchilarga yanada tezroq yetkazib berish, unda to‘g‘ri reklamani yaratish masalalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: marketing, reklama, iste’molchi, reklama vositalari.

Аннотация: В этой статье рассказывается о том, как маркетинг в настоящее время является ведущим сектором экономики и как предоставлять более актуальную информацию потребителям посредством рекламы, создавая правильную рекламу.

Ключевые слова: маркетинг, реклама, потребитель, рекламные инструменты.

Abstpact: This article highlights how marketing is now the leading sector of the economy and how to deliver more relevant information to consumers through advertising, creating the right advertising.

Keywords: marketing, advertising, consumer, advertising tools.

Biz bilamizki, hozirda juda katta partiyalarda mahsulotlar ishlab chiqarish korxona va firmalarida ishlab chiqarilmoqda. Nafaqat mahsulot balki g‘oyalar sotiladigan bozorlar ham rivohlangan bir davrda ya’ni bozor iqtisodiyoti davrida

takliflarning koʻpayib ketishi, raqobatchilarning ortib borganiga guvoh boʻlamiz va oʻzaro raqobatda narxli raqobat va narxsiz raqobat turlaridan foydalanayotganlarining guvohi boʻlamiz. Katta partiyalardagi tovarlar boʻladimi yoki donalab sotiladigan mahsulotlarmi yoki gʻoylar boʻladimi, barchasini tez va oson sotish uchun reklamaning oʻrni benihoya kattadir. XXI asr axborot texnologiyalari davrida reklama berish shu darajada rivojlanib ketdiki, yuksak choʻqqilarga koʻtarildi desak mubolagʻa boʻlmaydi.

Reklama lotincha "reklamo" – baqirmoq, qichqirmoq, jar solmoq[1] degan maʼnolarni anglatadi, yaʼni biror bir narsani ommaga yetkazish uchun ishlatiladi. Reklamaning paydo boʻlish tarixi juda qadimiy, Yunoniston va Qadimgi Rimda ogʻzaki va yozma reklama, hatto Tovar belgisi qoʻyib tamgʻalash yoʻli bilan tovarlar reklama qilinganligi haqida maʼlumotlar bizgacha yetib kelgan. Hozirgi shakldagi reklama ilk marta AQShda paydo boʻlgan. U yerda XIX asrning 2-yarmida birinchi reklama agentliklari faoliyat koʻrsatgan va reklama katta daromad keltira boshlagan. Dastlab yozma reklama xaridorlarni doʻkon va unda sotiladigan tovarlardan xabardor qilish vazifasini bajargan. Bu ish taxta lavha yozish va vitrinalar tashkil etish orqali amalga oshirilgan. Keyinchalik reklama potensial xaridorga nashrlar orqali murojaat shkaliga aylandi – afishalar, gazetalar, kitobalar, jurnallarda axborot-reklama eʼlonlari paydo boʻldi. Reklama ishiga ommaviy axborot vositalari (matbuot, radio, televideniya, kino) jalb etildi. Reklama bir necha vazifalarni bajaradi:

- tovarlar va xizmatlar isteʼmolchilarni xabardor qilish, maʼlumot berish vazifasi – reklama eʼlonlarida Tovar va xizmatlarning sifati, ishonchliligi, ularni qoʻllash sohalari, ishlab chiqaruvchilari va sotib olish yoʻllari haqida maʼlumot beriladi;
- ishontiruvchi – reklama mavjud tovarga isteʼmolchi va xaridorlarning moyilligini oshirishga xizmat qiladi:
- eslatuvchi – reklama mavjud, ammo bir qadar unutilgan talabni, xaridorlarning oʻzlari uchun maʼlum boʻlgan tovarlarga munosabatni kengaytirishda muhim oʻrin tutadi.

Reklama haqida Robert Kiyosaki juda koʻp gapirgan va reklamaning ahamiyatini oʻzining kitoblari aks ettirgan. U oʻzi iqtisodiyot yoʻnalishida tahsil olib shu sohada oʻqishini yakunlagan. Lekin uning taʼkidlashicha , "Agar menda qayta imkoniyat boʻlganda Marketing tarmoqlar boʻyicha yoʻnalishida tahsil olgan boʻlardim…"[2] - deydi Kiyosaki. Buning isbotini esa uning kitoblarida koʻrishimiz mumkin. Agarda siz uning kitoblarini diqqat bilan oʻqib chiqsangiz uning shu darajadagi qiziqtiradigan va bilintirmaydigan reklama usulidan foydalanganligini guvohi boʻlasiz. Men "Yollanma ishchining tadbirkorga aylanishi" nomli kitobida shuning guvohi boʻldim. U kitobda " "Rich Dad Company" uncha yirik kompaniya boʻlmasa-da, "Time Warner", "Time Life", "Infinity Broadcasting" kabi dunyodagi eng taniqli nashriyotlar bilan hamkorlik qilishini bilib olasiz…"[3] deydi va shu

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Reklama
[2] Yollanma ishchining tadbirkorga aylanishi 1-kitob. Toshkent. "Kitobdornashr" 2019. 60-bet
[3] Yollanma ishchining tadbirkorga aylanishi 1-kitob. Toshkent. "Kitobdornashr" 2019.18-bet

yerda u o‘z sirini ochadi. Buni e’tibor bilan o‘qigan odam tezda tushunib yetadi. Sababi u kitobi davomida shunaqa reklamalar qiladiki ulardan o‘nlab misollar keltirishim mumkin. Robert kitobi davomida ajoyib bir mavzulardada gap yuritadi va o‘z fikrini yakunlamasdan uning davomini boshqa bir kitobga yo‘naltiradi. Bu kitoblar esa “Time Warner” nashriyotida nashr qilingan kitoblardir. Shu bilan birga yana bir qator reklamalarni o‘zining kitobida joylagan.

Masalan, bir ajoyib jumlasida Tomas Fridmenning “Yer tekis” kitobidan iqtibos keltirmoqchi[1] ligini aytadi va juda qiziqtiradigan iqtibos keltiradi, ya’ni Tomas Fridmenning kitobiga o‘quvchilarning qiziqishini uyg‘otadi va siz o‘zingiz bilmagan holda Tomasning kitobini xarid qilasiz va bu aslida reklama edi. U kitobning davomida yana bir jumla keltiradi “…biznesning bunday turlari yordamida hosil qilish mumkin bo‘lgan ko‘nikmalarning foydasini yaxshiroq tushuntirish uchun “Biznes maktab” deb nomlangan kitobcha ham yozganmiz…”[2] , albatta sezib turganingizdek reklama yaqqol bilinib qolgan. Bu kabi misollarni bir talay keltirishimiz mumkin. Yana shu kitobdagi 65-betni ham o‘qib chiqishingizni tavsiya qilaman. U reklamani ajoyib yo‘lini topgan.

Hozirgi aytib o‘tganlarimni o‘qib turib qiziqib balki siz ham kitobni sotib olib aytgan joylarimni qidirib ko‘rarsiz va bu ham reklama bo‘lib qolyapti. Bu kitobni o‘qib chiqishni tavsiya qila olaman. Sababi juda yaxshi tavsiyalar berilgan.

Keling shu yerning o‘zida bir reklama yasab ko‘ramiz:

“Mashhur qo‘shiqchi Maykl Jekson o‘lgan degan xabarlarga qaramasdan, uni hayotda ko‘rgan odamlar bor va bu odamlarning fikricha, u hozirda… Ba’tafsil bu yerda.” Xo‘sh ma’lumotlarga qiziqib qoldingizmi? Robertning reklamalari ham deyarli shu darajada faqat “Chiroyli” qilib tuzilgan. O‘z reklamangizni yaratayotganda bunday usullardan ham foydalanib ko‘ring.

Inson psixologiyasi juda qiziq va xilma-xildir. Har bir odamning o‘ziga yarasha dunyoqarashi va fe’l-atvori bor. Odamzod tug‘ilibdiki, biri achchiq ovqatlarni yoqtirsa, biri shirinliklarni, biri urushni yoqtirsa, biri tinchlikni shu kabi misollardan ko‘rishimiz mumkinki, inson ongi, ruhiyati xilma-xildir. Lekin inson ongiga ranglar orqali uning kayfiyatidan kelib chiqib qaralsachi? Insonning kayfiyati tushgan bo‘lganda yoki uning miyasi, ruhiyati tushkun holatga tushishi uchun “Xira” ranglarning o‘ziga yarashi o‘rni bor. Shu kabi “Yorqin” ranglar esa uning kayfiyatini ko‘taradi. Sariq va qizil ranglar esa uning qonini qaynatadi va o‘zida ochlik hissini ham uyg‘otadi. Shuning uchun ham o‘sha mashhur fast food chi “Mc Donald’s” ham o‘z brendi uchun shu ranglardan foydalangan. Suv reklamalarida ko‘zimizga och havorang ko‘k ranglar ishlatilishini guvohi bo‘lamiz. Sababi suvning sofligini inson miyasiga yetkazish va bu suvning naqadar toza va musaffoligini ko‘rishimiz mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi bayrog‘ida ham moviyrang musaffolikni bildiradi va albbatta qizil esa tomirimizdagi qonni ifodalaydi. Biror xil gazli ichimlikni ko‘rsatadigan paytida muzga ichimlikni soladi va havo issiq paytida mazza qilib ichayotgan odamni tasvirlashadi va bu bilan sizni chanqatish holatiga olib kelishadi

[1] Yollanma ishchining tadbirkorga aylanishi 1-kitob. Toshkent. “Kitobdornashr” 2019.33-bet
[2] Yollanma ishchining tadbirkorga aylanishi 1-kitob. Toshkent. “Kitobdornashr” 2019.61-bet

va bu ham to‘g‘ri tanlangan reklama. Faqatgina ranglarning o‘zigina emas balki shakllar ham inson psixologiyasiga ta’sir ko‘rsatadi. AQSHda soat sotadigan do‘konlardagi soatlarning ko‘rsatib turgan vaqtini ko‘rganmisiz? U soatlar har doim 10 dan 10 daqiqa o‘tganligini guvohi bo‘lasiz. Bunda ham ajoyib xiyla ishlatilgan. Soat shakliga e’tibor beradigan bo‘lsangiz u tabassum qilib turganini ko‘rasiz. Bu esa sizni u soatni olishga undaydi.

Sababi hammasi bir xil bo‘lsa siz baribir o‘zingizga yoqqanini tanlaysiz va urfdan qolgan yoki ustamasi yuqori bo‘lgan soatlar ham bir xil sotilaveradi. Bu kabi misollarni yetarlicha keltirishimiz mumkin. Albatta o‘z reklamangizga e’tiborli bo‘ling va reklamangizni to‘g‘ri yarating.

Д.Х.Абдуллаев – ТДИУ магистранти

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ҲАМДА МАРКЕТИНГНИ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган менежментни яъни бошқарувни оптималлаштириш ва уни самарали олиб бориш масаласи, шунингдек соҳадаги маркетинг тизимини янада самарали йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган ҳолда тегишли таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Менежмент, иқтисодиёт, кадрлар, бошқарув, маркетинг, диверсификация, меҳнат потенциали, малака, мотивация, рақобатбардош кадрлар, интеграция, меркетинг тизими ва бошқалар.

Аннотация: В данной статье представлены соответствующие предложения и рекомендации о том, как оптимизировать и эффективно управлять управлением в секторе услуг при переходе к цифровой экономике, а также о проблемах разработки более эффективной маркетинговой системы в отрасли.

Ключевые слова: Менеджмент, экономика, персонал, менеджмент, маркетинг, диверсификация, трудовой потенциал, квалификации, мотивация, конкурентоспособный персонал, интеграция, система сбыта и многое другое.

Abstract: This article presents relevant suggestions and recommendations on how to optimize and effectively manage management in the service sector in the transition to digital economy, as well as the challenges of developing a more effective marketing system in the industry.

Keywords: Management, Economics, Personnel, Management, Marketing, Diversification, Labor Potential, Qualifications, Motivation, Competitive Personnel, Integration, Merketing System and more.

Президетимизнинг парламентга қилган ўз мурожаатномаларида ҳам иқтисодиётмизни ривожлантириш тўғрисида «Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч

бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади»[1] дея таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

Юртимизда ҳам иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар қандай фаолиятни янгилаш ва ривожлантириш аввало, уни амалга ошириш усулларини такомиллаштириш ҳисобига рўй беради. Шундай экан, ҳар қандай фаолият юритишнинг инновацион стратегиясини аниқловчи бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган инновацион концептуал ёндашувларни жорий этиш зарурати пайдо бўлади.

Хусусан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистонда амалга оширилаётган инновация ва инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инновацион ва инвестицион лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда”[2]

Менежмент классиги - илмий менежмент асосчиси Ф.Тейлор таъкидлаганидек: “ҳатто эски жиҳозлар (асбоб-ускунлар) билан ҳам ишни яхши ташкил этиш, янги жиҳозлар билан ёмон ташкил этилганидан ҳар доим яхши”[3].

Бошқариш самарадорлигини ошириш ва унинг фаолиятини яхшилашнинг замонавий усулларидан бири - бу Lean Production (Тежамкор ишлаб чиқариш) концепциясини жорий этиш ҳисобланади. Жаҳон бозоридаги кўпгина муваффақиятли компаниялар ўзларининг ютуқлари ва ҳолатларини ушбу ёндашув самарадорлиги билан намоён этишмоқда.

Бошқарув илм-фан сифатида инсон билимларининг мустақил соҳасига XX аср бошларида ажралди. Бу фан ўзининг ўрганиш предметига, ўзига хос муаммоларига ва уларни ҳал қилиш билан боғлиқ ёндашувларга эга. Мазкур фан асосини минг йиллик амалиёт тўплаган ва бошқарувнинг концепциялари, назариялари, принциплари, шакллари ва усуллари тарзида тақдим этилган бошқарув ҳақидаги билимлар мажмуи ташкил этади. Ўзининг юз йилдан ортиқ тарихи давомида бошқарув фани, одамларнинг бошқарув жараёнидаги мақсадга йўналтирилган фаолиятининг қонун ва қонуниятлари, принциплари, вазифалари, шакл ва усулларини ўрганувчи ўз назариясини ишлаб чиқди. Ҳозирги пайтда менежмент атамаси турли соҳаларда қўлланилётганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш менежменти, хизмат кўрсатиш менежменти, сифат менежменти, инновацион менежмент, давлат бошқарув менежменти, кадрлар менежменти, молиявий менежмент ва ҳоказо.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Тошкент. 24 январь, 2020 йил // e: www.parliament.gov.uz

[2] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь. №11.

[3] Фредирик Тэйлор Уинслоу // «Основные принципы научного менеджмента» // 1911года. стр 47.

Менежмент бошқарувда банд бўлган одамлар билан чамбарчас боғланган. Инсон фаолиятининг бу соҳадаги моҳияти, бошқарув ва мазкур фаолиятни амалга оширувчилар, менежерлар деб номланади. Менежер касбий тайёргарликка эга бўлган раҳбардир.

1-жадвал

Менежмент объекти[1]

Инновация	Ишлаб чиқариш	Бозор
Кадрлар	**МЕНЕЖМЕНТ**	Молия
Давлат ва ташкилотлар	Сифат	Ахборот

Менежерлар меҳнати хусусиятлари, мақсад ва вазифаларини илгари суриш ва уларга ўз вақтида самарали эришиш йўлида кўплаб одамларни бирлаштиришга қаратилган фаолият тури бўлган бошқарув моҳиятидан келиб чиқади. Бундай фаолиятни амалга ошириш чоғида менежер ҳал қилиши талаб этиладиган бир талай муаммоларга узлуксиз дуч келади. Ўз иш куни давомида унга 400 гача турли ишларни бажаришга тўғри келади. Уларни тавсифлаш ва синфлаш мақсадида менежмент соҳасидаги олимлар бу ишларни функцияларга бирлаштиришни таклиф этдилар. Масалан, А.Файол, М.Мескон ва бошқа олимлар эса менежер бажариши керак булган ролларни аниқладилар. Г.Мицберг бундай ролларнинг ўнтасини, уч соҳага тақсимлаган ҳолда қуйидаги кўринишда белгилади.

Бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун менежер, Р.Дафт фикрича, концептуал, инсоний ва техник кўникмаларга эга бўлмоғи зарур. Концептуал кўникмалар инсоннинг ташкилотни яхлит бир бутунлик ва айни чоғда, унинг қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани аниқ ажрата олиш билан боғлиқ когнитив (билиш) қобилиятларидир.

Менежернинг фикрлаши, унинг ахборотни ўзлаштира олиши, унинг режалаштириш, стратегик фикрлаш, яъни ташкилотнинг узоқ муддатли истиқболларини баҳолай олиш қобилиятидир. Бу кўникмалар барчага керак, бироқ юқори даражадаги бошқарув раҳбарлари учун улар, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Инсоний кўникмалар менежернинг одамлар билан ишлай олиш, шунингдек, бир команда аъзоси сифатида улар билан самарали ҳамкорлик қила олиш қобилиятидир. Бу нарса менежернинг ўз ходимларига бўлган муносабатида, уларни қандай рағбатлантиришида, фаолиятини қай тарзда мувофиқлаштиришида, ўзи қандай ибрат кўрсатаётганида ўз зиддиятларини қай тарзда бартараф этаётганида намоён булади. Глобаллашув ва турли-туман ишчи кучларининг ўсиб бориши туфайли инсоний кўникмаларнинг роли тобора ортиб бораётир.

Маркетинг тутган ўрни истеъмолчилар онгида шаклланган образ, янги маркани қабул қилиш маркетинг коммуникацияларни акс эттиради.

Маркетинг назариясида “мовий океан” стратегиясининг асосчилари У.Чан Ким, Рене Моборн ҳисобланиб, маркетингнинг ананавий ёндашуви

[1] Веснин В.Р. Менеджмент в схемах и определениях. Учебное пособие. – М.: Проспект, 2012. -128с.

ҳисобланган рақобатбардошлик стратегияларидан фарқли равишда рақобатсиз бозор яратишга қаратилган ёндашувни таклиф этишди[1].

“Мовий акеан” стратегиясининг асосий негизида инновация ва қимматдорлик ётиши, ушбу стратегиянинг жаҳонда маркетинг стратегияси сифатида тан олинишини таъминлади. “Мовий океан” бозорга икки ёндашув асосида қаралади: алвон океан ва мовий океан.

Алвон океан – бугунги кундаги чегаралари аниқланган, ўйин қоидалари ҳаммага маълум бозорни ифодалайди. Ушбу бозорда иштирокчилар кўпайган сари рақобат ва бозор учун курашлар кескинлашади ва бу бозорда фаолият юритаётганларнинг яшаб қолиши, ўсиши ва фойда олиш истиқболлари тоборо шубҳали бўлади. Инновацион товарлар ҳам оммавий истеъмол товарларига тезликда айланади, ўсиб борувчи рақобат ушбу “океан сувлари”ни қип-қизил рангга ўзгартириб боради – яъни рақобат кураши кескинлашиб боради.

Мовий океан – бу ҳали яратилмаган тармоқлар бўлиб, улардаги рақобат ҳеч кимга хавф туғдирмайди, чунки ўйин қоидаларини энди шакллантириш лозим бўлади.

Жаҳон амалиётида корхоналар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган асосий маркетинг тадбирлари қуйидагилардир: инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш; бозор тадқиқотларини самарали ташкил этиш; рақобатбардошликни оширишнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш; кластерларини шакллантириш; электрон савдо тизимини халқаро даражада йўлга қўйиш; миллий брендлар нуфузини ошириш; “ақлли” кийимлар ва технологиялар яратиш; сотишнинг инновацион усулларини жорий этиш.

Маркетинг нуфузи (имижи) истеъмолчиларга таклиф этилаётган инновацион маҳсулот ёки хизматнинг уларнинг хоҳишига мосланган ҳолда кўрсатиш ва тақдим этишдан иборат. Нуфуз (имиж)нинг ташкилий томондан номланиши, савдо маркасининг таклифи, нархи, марканинг ғояси, логатип, рангли таклифи, рационал ва эмоционал аргументлари, қадоқлаш, маҳсулот дизайни, ҳиди, ишлаб чиқариш технологияси, куй, реклама маҳсулоти, компанияни бошқариш маданияти, маҳсулот ёки хизмат сифати, ассортимент сотув шахобчалари, маркетинг коммуникациялари мазмуни ҳамда структураси ва ҳоказолардан иборат. Фикримизча ҳозирги инновацион шароитлардаги кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда, корхона ва ташкилотларда бошқарувнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун қуйидаги таклифларни амалиётга жорий этиш юқори самара беради деб ўйлаймиз:

1. Директорлар кенгаши ва менежмент ўртасидаги ижтимоий мустақилликни таъминлаш.

2. Директорларнинг ваколатлари муддатларига чеклов ўрнатиш, шунингдек, уларнинг хилма-хил ташкилотлардан бўлишини таъминлаш.

[1] Чан Ким, Рене Моборн. //Стратегия голубого океана//. – Москва: HIPPO, 2005г. Стр154.

3. Директорларни қобилиятлари, малака ва тажрибалари асосида қатъий танлаш.

4. Коррупция рискини камайтириш мақсадида барча даражаларда аудит қўмиталарини жорий этиш.

5. Киберхавфсизликни ошириш, хусусан, ички ахборотларни бошқариш, хайкерлик ҳужумларини бартараф этиш, директорлар кенгаши учун платформалар хавфсизлигини таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, тўртинчи саноат инқилобига ўтиш шароитида акциядорлик жамиятлари корпоратив ахборот тизимларини такомиллаштириш, бошқарув фаолиятига блокчейн технологияларини кенг жорий этиш, бошқарув ва назорат органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга, мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиши суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Тошкент. 24 январь, 2020 йил // e: www.parliament.gov.uz

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январь. №11.

3. Фредирик Тэйлор Уинслоу // «Основные принципы научного менеджмента» / 1911 г. стр 47.

4. Веснин В.Р. Менеджмент в схемах и определениях. Учебное пособие. – М.: Проспект, 2012. -128с.

5. Чан Ким, Рене Моборн. Стратегия голубого океана. – М.: HIPPO, 2005. Стр154.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”

М.Қ. Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,
С.А.Бабаназарова – СамИСИ ўқитувчиси
Ҳ.Н.Очилова – СамИСИ магистранти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга мурожаатномаси ва Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқиб, ундаги ўзгаришлар қандай ва қайси йўналишда амалга оширилиши масаласи бўйича айрим фикрлари билан ўртоқлашилган. Шунингдек, унда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қўйилган устувор вазифалар ва бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, таълим соҳасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги хусусида ўз фикрларини асослаган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, интизом, маънавий юксалиш, иймон-эътиқод, коррупция, коррупциясиз олий таълим, тажриба майдони, назария ва амалиёт, интеллектуал мулк.

Аннотация:Статья основана на Послании Президента Парламенту и Концепции развития высшего образования до 2030 года с некоторыми идеями о том, как и в какие изменения будут внесены. Он также наметил их приоритеты для реформирования системы высшего образования и какие меры должны быть приняты в контексте образования.

Ключевые слова: образование, образовательные услуги, дисциплина, духовное развитие, вера, коррупция, высшее образование без коррупции, пространство опыта, теория и практика, интеллектуальная собственность.

Abstpact: The article is based on the President's Address to the Parliament and the Concept for the Development of Higher Education until 2030, with some ideas on how and in which changes will be made. It also outlined their priorities for reforming the higher education system and what measures should be taken in the context of education.

Key words: education, educational services, discipline, spiritual development, faith, corruption, higher education without corruption, experience space, theory and practice, intellectual property.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Бу босқичда ривожланиш даражаси ўз-ўзидан содир бўлмайди. Энг аввало, шунга мос кадрлар, техника ва технологиялар керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Энди масалага реал қарайлик. Бугунги аҳволимиз қандай, малакали кадрларнинг жамиятдаги ҳиссаси ва ўрни талабга жавоб берадими? Албатта, бу саволларга жуда кўтаринки мамнуният билан жавоб бериш қийин. Чунки бугунги кунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг атиги 35 фоизидан сал ортиқроғи олий маълумотли. Қолган 65 фоиз аҳоли ўрта махсус ёки ўрта маълумотли кишилар. Ривожланган мамлакатларда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 80-90 фоизи олий маълумотга эгалигини инобатга оладиган бўлсак, ўзимизда аҳвол қай ҳолатда эканига изоҳнинг ҳожати йўқ. Мурожаатномада 2020 йилда мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш вазифаси белгиланди.

Бугунги кунда ҳар бир киши замонавий билимларни ўзлаштирган, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Бундай одат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Бизнинг ҳаводан нафас олишимиз, ҳар куни озиқланишимиз – узлуксиз ҳаётий эҳтиёжимиз. Худди шундай чинакам маърифатли ва маданиятли бўлиш учун интилиб яшаш ҳам кундалик ҳаётий эҳтиёжимизга айланиши керак. Зеро, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда билимни ўзлаштириш ҳам, чинакам маърифатга интилиш ҳам, юксак маданият соҳиби бўлиш ҳам бир лаҳза кечиктириб бўлмайдиган жараёнга айланди. Бунга бефарқликни, энг аввало ўзининг, тараққиётнинг ва ниҳоят, жамиятнинг душмани, деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга оид устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Ушбу кенг кўламли вазифаларни бажаришда нафақат олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, балки бутун халқимизнинг фаол иштироки тақозо этилади.

Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида қўйилган устувор вазифалар ва бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, таълим соҳасида қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига эътиборни қаратишни лозим, деб топдик.

Биринчидан, олий таълимда муваффақиятга эришишнинг энг устувор йўналишларидан бири унда қатъий интизомни жорий қилиш зарур. Интизом йўқ жойда билим ҳам, тарбия ҳам муваффақиятли бўлмайди. Интизом бўлмаган жойда вақт йўқотилади.

Интизом фақат дарсни ўз вақтида бошлаб, вақтида тугатиш билан

чекланмайди. Бу ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўз бурчини чинакамига белгиланган тартибда адо қилиши билан ҳам боғлиқ. Талабаларнинг барчаси дарсга келгани билан у билимни тўкис қилиши учун ўзи ҳам изланиши, ўқиши керак. Илм олишда шундай йўл тутмаса, у ҳам таълим олиш интизомини бузган бўлади. Бу ҳам катта зарар.

Иккинчидан, олий таълим фақат назарий билим бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Бунда назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш лозим. Бунинг учун ҳар бир олий ўқув юртида ўзининг соҳаси бўйича замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ва тажриба майдончалари бўлиши зарур. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тажриба майдончаси сифатида шаҳардаги илғор меҳмонхоналар билан шартнома асосида фаолият кўрсатади. Бевосита ўзининг қошида миллий таомлар тайёрлайдиган, юқори сервис хизматлари кўрсатиш жараёни ташкил қилинган ошхонаси мавжуд. Институт қошида туристик фирма фаолият кўрсатади. Банк иши кафедраси қошида вилоятда жойлашган бир қанча тижорат банкларининг тажриба филиаллари мавжуд. Талабалар ҳам бевосита банкларда амалий машғулотларда қатнашади. Бундай тажриба ва амалиёт бошқа кафедраларда ҳам мавжуд. Ушбу тажриба майдончаларида назарий билимлар билан бирга, амалий кўникма уйғунлиги таъминланади. Аммо илм-фан ва амалиётнинг тўлиқ уйғунлигини таъминлаш учун булар етарли эмас. Ушбу фаолиятни янада кенгайтириш зарур.

Учинчидан, олий ўқув юртларида тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорларнинг махсус буюртмалари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Шунда аксарият талабанинг иш жойи улар диплом олгунча аниқ бўлади. Улар эртага қаерда, қандай ишлаши кераклигини билади. Талабанинг амалиёт ўтайдиган жойи ҳам аниқ шу корхона ҳисобланади. Бундай ҳолатда талаба олий ўқув юртини битиргунча назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга эришади. У шунчаки ўқимайди, балки буюртмачининг талабига мос мутахассис бўлишга ҳаракат қилади. Ушбу масалада ҳали анча ишларни амалга оширишга тўғри келади. Бу борада 2019/2020 ўқув йилидан иш бошланди. Буни кенгайтириш ва такомиллаштириш керак бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, талаба бир мутахассислик бўйича диплом олиб, шу соҳада иш бўлмаса, бутунлай бошқа соҳада фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Бу эса айнан шу талаба учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар. Яъни, жамиятга ўз соҳаси бўйича нафи тегадиган битта мутахассис бесамар “йўқолди”, дегани бу.

Тўртинчидан, олий таълим тизимида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқот ишлари мужассам бўлган интеллектуал мулкни тижоратлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун интеллектуал мулкнинг баҳоси ва бозори бўлиши керак.

Бугунги кунда моддий неъматларнинг бозори ва баҳоси аниқ. Шу туфайли ушбу соҳа жамият тараққиётига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Аммо интеллектуал мулкни шакллантириш унчалик осон иш эмас. Унга

йиллар давомида машаққатли меҳнат эвазига эришилади. Бироқ ушбу меҳнат қадрланмаётганлиги унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли биринчи галда интеллектуал мулкнинг баҳосини аниқлайдиган низом ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳозир жамиятдаги муаммони ўйлаб топадиган ҳам, унинг ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқадиган ҳам, сўнгра амалиётга шу ишни жорий қилинг, деб "ялиниб" юрадиганлар ҳам илмий ходимлар, олимлар. Бундай ҳолат илмий ишга, интеллектуал мулкнинг соҳиби бўлишга қизиқиш уйғотмаяпти олимларда. Ҳозир олимларимиз фақат ойлик маоши оширилганлиги туфайли мазкур соҳада фаолият кўрсатишга қизиқиб, ҳаракат қилмоқда. Аммо бу ерда ҳам анча камчиликларимиз бор. Турли интеллектуал мулк соҳиблари мавжуд. Лекин уларга ҳақ тўлаш ўртасидаги тафовут шу интеллектуал мулкдаги тафовут билан мос келмайди. Шу нуқтаи назардан, Мурожаатномада таъкидланган педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизими жорий этилиши интеллектуал мулкнинг қадрланишига хизмат қилади.

Бешинчидан, олий таълим тизимида ўқитиш таркиби ва тартибини ҳам ўзгартириш керак. Олий ўқув юртидаги ҳозирги дастурлар асосан мутахассис бўлишга, эртага қандайдир бир ташкилотда ишлашга, ишлаб турган идора, корхона ва муассасада фаолият олиб боришга йўналтирилган. Олий ўқув юртларига ёшларни қамраб олиш даражаси 50-60 фоизгача ошириладиган бўлса, улар диплом олгандан кейин ҳаммасини ҳам фаолият кўрсатаётган идора, корхона ва муассасаларда ишга жойлаштириб бўлмайди. Давлат ташкилотларида ҳар йили эҳтиёжга яраша иш ўрни бўшамайди. Тадбиркорлар ҳам тегишли иш ўринлари билан фаолиятини давом эттиради. Улардаги яратилган янги иш ўринлари ҳам мазкур эҳтиёжни тўлиқ қондириш имконини бермайди. Бундай шароитда битирувчи талабаларни ўзини ўзи иш билан таъминлайдиган принципда янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда яшаш кўникмасини шакллантирган ҳолда мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш лозим. Бунда ҳар бир битирувчи ўзига ўзи иш жойини яратса, деярли шунча иш жойи ташкил бўлади. Олий маълумотли ёшларни шу йўналишда тайёрлаш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Олтинчидан, талабаларни юқори малакали кадрлар этиб тарбиялаш масаласи қўйилмоқда. Бу бугунги тараққиётимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Аммо шундай кадрларни тайёрлайдиган педагоглар етарлими, деган саволга жавоб бериш қийин. Ҳозирги авлод педагоглари соҳа ходимларига эътибор берилмаган паллада шаклланган кишилардан иборат. Олий ўқув юртини яхши ўқиб битирган жуда кўп талабалар бошқа соҳага, айримлари хорижга кетиб қолди. Ҳозирги педагоглар эса катта танлов билан қабул қилинган эмас. Шу туфайли, очиғини тан олиб айтиш керак, айрим педагогларимиз жамиятимизда содир бўлаётган кескин ўзгаришлардан орқада қолиб кетмоқда. Албатта, булар эскича ўқитиш, эски билим билан дарс ўтиш ишларини давом эттирмоқда. Бу йўл билан олий ўқув юртлари талабаларга билим эмас, диплом берадиган муассасага айланиб қолади. Энди олий ўқув

юртида ишлайдиган ўқитувчининг малакаси ва савиясига баҳо берадиган, юқори талаб қўядиган вақт келди, деб ўйлаймиз.

Еттинчидан, “Коррупциясиз олий таълим”га эришиш жамиятимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бири сифатида баҳоланмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Коррупция элементлари асосан олий ўқув юртларига кириш имтихонларида кузатилар эди. Бунга кейинги йилларда деярли барҳам берилди. Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини бундан кейин ҳам оптималлаштириш жараёни давом этиши бунга асос бўлади, албатта.

Ҳаётимиз кўрсатдики, қаерда коррупция элементлари бўлса, ишнинг сифати бўлмайди, адолат муҳити бузилади. Булар инсон руҳиятига ўта салбий таъсир қилади. Адолат бўлмаган жойда одамларда ишонч йўқолади. Ишонч йўқотилгач, одамларни рози қилиб бўлмайди. Шу туфайли коррупция элементларини нафақат таълим, балки барча соҳаларда бутунлай бартараф қилиш зарур ва бунда жамиятнинг барча қатлами фаол бўлиши керак.

Саккизинчидан, олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Ушбу тадбир олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратади. Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 10 та олий ўқув юрти ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтди. Шулар қаторида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳам бор.

2020 йил барчамиз учун алоҳида масъулиятли, ҳар бир киши ўзини сафарбар қиладиган синов йили бўлади. Чунки эски иш услуби ва унга бўлган муносабатлар билан белгиланган юқори марраларни эгаллаб бўлмайди. Бу барчамиздан ўз фуқаролик бурчимизга бутунлай янги масъулият билан ёндашмоғимизни талаб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртлари ўртасида ҳам кескин рақобат муҳити шаклланган бўлиши лозим. Шундай ҳолатда соҳанинг ривожланиши учун яна бир муҳим ва таъсирчан омил пайдо бўлади. Бунинг учун ҳам нодавлат олий ўқув юртларининг ривожланишига ҳам кенг йўл очиб бериш лозим. Олий ўқув юртлари қуруқ диплом эмас, шу билан бирга мукаммал билим берадиган даргоҳга айланган бўлиши керак.

М.С.Ашуров – Фарғона политехника институти доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА SMART-ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИ

Аннотация. Мақолада smart - технологиялар тушунчаси ва моҳиятини тизимли равишда ўрганишга харакат қилинган. Таълим тизимига smart - технологияларни жорий этиш тамоиллари умумлаштирилиб, унинг таълимни ривожлантириш нуқтаи - назаридан кўриб чиқилган, уларни таълим жараёнига жорий этининг асосий йўналишлари тавсифланган. Муаллиф таълимда smart - технологиялардан фойдаланиш зарурлигини асослаганлар.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, кадр, олий таълим муассасалари, тамоил, таълим, smart –технология.

Аннотация. В данной статье ситемно изучены понятие и значение smart – технологий. Обобщена система внедрения smart –технологий в систему образования, рассмотрен с точки зрения его влияния на развитие образования, охарактеризованы основные направления внедрения в процесс образования. Автор обоснавал необходимость исползования smart –технологий в образовании.

Ключевые слова: информационные технологии, персонал, вузы, принцип, образование**,** smart - технологии**,**

Abstract. This article systematically explores the concept and importance of smart technologies.The system of introducing smart technologies into the education system is generalized, it is considered from the point of view of its influence on the development of education, the main directions of implementation in the education process are described. The author substantiated the need to use smart technologies in education.

Key words: information technology, personnel, universities, principle, education, smart - technology

Бугунги кунда республика ҳукумати томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг асл ва асосий мақсади халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш эканлигини эътироф этиш асло муболаға бўлмайди.

Шу мақсадда мамлакатимизда кейинги йилларда Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли барча жабҳаларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди[1].

Бу каби вазифаларни замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлай оладиган, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрлар орқали амалга ошира оламиз. Бундай кадрлар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим тизимида тайёрланади.

Бу эса таълим тизими, айниқса, олий таълим тизимининг олдига юксак вазифа ва масъулиятларни юклайдики, уларни амалга ошириш учун, айниқса олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш, таълим олувчилардаги интелектуал салоҳият, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, инновациявий таълим технологияларини ўзлаштириш ва уни татбиқ этишни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.lex.uz.

5544-сонли “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонида ўқув-тарбия жараёнига янги таълим дастурларини, замонавий педагогик технологиялар ва smart-технологияларни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада яхшилаш (электрон модуллар ташкил этиш ва масофавий ўқитишни жорий этиш) таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган[1].

Smart технологияси – бу ишлаётган мақсадларни ташкил этиш, ишни бажаришнинг мақбул вақтини белгилаш, ресурсларнинг етарли эканлигини аниқлаш, шунингдек, барча иштирокчилар учун тушунарли ва аниқ вазифаларни тақдим этиш, барча мавжуд ахборотларни бошланғич босқичдаёқ умумлаштиришга имкон берувчи замонавий ёндашувдир.

Smart атамаси 1954 йилда менежмент назариясининг муаллифи Питер Друкер томонидан амалиётга жорий этилган. Бу ҳаттоки сўз эмас, балки қўйилган мақсаднинг бешта хусусиятини ўз ичига олувчи сўзлар аббревиатураси бўлиб, у қуйидагича, яъни: Specific - аниқ, Measurable - ўлчанадиган, Achievable - эришадиган, Realistic - амалий, Timed- вақт бўйича талқин қилинади.

Замонавий дунёда Smart технологиялар жорий этилишини талаб этаётган соҳалар доираси кенгайиб бормоқда, шаҳар хўжалиги ва инфратузулмаси, транспорт, тахлил, коммуникация, энергетика, хавфсизлик, экология, атроф-муҳитни мониторинг қилиш ва бошқалар.

Бугун IT технологиялар инсон ҳаётнинг барча жабҳаларига, шу жумладан таълимга ҳам кириб бориб, янги технологиялар асосида, бошқа имкониятларни очиб бермоқда.

Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши натижасида одатдаги ва етарли даражада ўзининг имкониятлари чегараланган анъанавий таълим ва электрон ўқитишнинг бирикиши натижасида смарт-таълим (smart education) кириб келмоқда.

Таълимда смарт технологияларни қўллашдан мақсад рақамли жамият ва ақлли иқтисодиётда муваффақиятли ишлаш учун зарур бўлган кўникмаларни таъминлашдан иборатдир, яъни мавжуд таълим тизимини Smart иқтисодиёт ва Smart жамиятнинг янги талабларига мувофиқ такомиллаштириш зарурати ҳисобланади.

Бугунги кунда смарт-таълимнинг ягона бир шакллантирилган концепцияси мавжуд эмас. Чунки у ўзида бир-бирини инкор этувчи, аммо муайян инновациявий имкониятларга эга бўлган кўплаб технологик, ташкилий, педагогик қарорларни акс эттиради.

“Smart технологиялар” тушунчаси яқин вақларда оммалашди, бироқ, “Smart” тушунчасини ташкил этувчилари илм дунёсида сўнгги 60 йилдан буён маълумдир. Ушбу тушунча аввал аэрокосмик тадқиқотлар сохасида

[1] Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон

пайдо бўлди ва ўзаро боғлиқ ҳолда бошқа тармоқларда ҳам фойдаланила бошлади.

“Smart”- бу ташқи муҳит билан ўзаро бир - бирига таъсири натижасида юзага келадиган тизимлар ёки жараёнларнинг хусусиятидир ва у

- ташқи муҳитда юзага келадиган ўзгаришларга зудлик билан таъсир қилувчи;
- ўзгарувчан шароитларга мослаша олувчи;
- мустақил ривожланиш ўз-ўзини назорат эта олувчи;
- натижага самарали эришишга имкон берувчидир.

“Smart”нинг энг асосий хусусиятларидан бири ташқи муҳит билан ўзаро таъсирланиши ва мослашувчанлигидир. Унинг ушбу хусусияти мустақил аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам шаҳар, университет, таълим, жамият ва бошқаларда қўллаш имкониятини беради. Қирқ йил аввал ушбу хусусият очилган эди, бироқ, технология рижожланиш даражасининг пастлиги натижасида кўплаб тизимлар ёки жараёнларда кўзда тутилган хусусиятларга эришишга имкон бермас эди.

Юқорида маъқуллаб ўтилганидек, смарт объект ёки жараёнларни ташқи муҳитнинг ўзгаришларига тезлик билан мослашишга имкон бериш хусусияти билан замонавий ижтимоий ривожланишда, айниқса, таълимда кўп талаб этилмоқда. Таълим тизимида янги иқтисодий ва ижтимоий самаралар олишга имкон берувчи smart таълим концепциясини янгидан шакллантириш ахборот ва коммуникация технологияларининг ютуқларига асосланади. Демак, “smart - таълим” тушунчасини аниқлаштиришга, унинг асосий хусусиятларини очиб беришга харакат қиламиз. Smart -таълим ўзида шундай таълим парадигмини акс эттирадики, унинг асосида ахборот смарт технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини амалга оширишнинг мослашувчанлигини таъминловчи янги турдаги таълим тизими ётади. Smart таълим парадигмини амалга ошириш ўзгарувчан ижтимоий, иқтисодий ва технологик муҳит билан ўзгарувчан ва мослашувчан ҳамкорликни талаб қилувчи билим, тажриба, кўникма ва компетенцияни эгаллашга йўналтирилади. Smart - таълим таълим эҳтиёжларини ва қизиқишларини қаноатлантириш учун глобал ахборот жамияти имкониятларидан фойдаланишни таъминлаши керак.

Smart таълимнинг асосий тамоилларини шакллантирамиз, у қуйидаги жадвалда келтирилган:

1- жадвал

Smart таълимнинг асосий тамоиллари

№	Тамоил	Фаолият
1	Таълим дастурларида ўқув вазифаларни ечиш учун долзарб маълумотлардан фойдаланиш.	Таълим ва бошқа ҳар қандай фаолиятда ахборот оқимининг тезлиги ва хажми зудлик билан ўсиб бормоқда. Мавжуд ўқув материалларини машқ қилдиришга қаратилган масала ва моделлар билан эмас, билки, талабаларни амалий вазифаларини ечишга, реал вазиятдаги шароитларда ишлаш-

		га тайёрлаш учун реал вақт тартибида келиб тушувчи қўшимча маълумотлар билан тўлдириб бориш зарур.
2	Талабаларнинг маънавий, тадқиқот, лойиҳа фаолиятини мустақил ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш.	Ушбу тамоил мутахассисликка оид масалаларни ҳал этишда ижодий ёндашиш, мустақил ахборот ва тадқиқот фаолиятига тайёр мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.
3	Ўқув жараёни тақсимланган таълим муҳитида амалга оширилади. Вақт ва жойдан мустақиллик, ҳаракатчанлик, ҳар доимгидек, узлуксизлик ва таълимий маълумотлардан фойдаланиш қулайлиги	Ҳозирда таълим муҳити фақат институт ёки университет ҳудудида амалга оширилади. Бунда эса таълим университет ёки институт ҳудуди, масофавий ўқитиш тизими (LMS) билан чегараланмайди. Таълим жараёни узлуксиз, касбий муҳитда, касб фаолияти воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Шунингдек, касбий малака ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятларини бера олиши керак.
4	Талабалар ишлаб чиқариш, корхона ва ташкилотлар ҳисобланган касбий жамият билан ўзаро ҳамкорликда бўлади.	Касбий муҳит нафақат мутахассислар тайёрлаб бериш бўйича буюртмачи, балки, ўқув жараёнининг бевосита иштирокчисига айланади. АКТ талабаларга касбий жамият ишида иштирок этиш, касбий вазифаларни хал этилишини кузатиб бориш каби янги имкониятларга эга бўлади.
5	Таълимнинг мослашувчанлиги ва индивидуал таълим олиш имконияти пайдо бўлади.	Таълим тизимига ишловчи фуқароларни кенг жалб этиш касбий фаолият турларининг тез-тез алмашиши, технологияларнинг жадал ривожланиши ҳисобига таълим соҳаси сезиларли даражада кенгаяди. Университет, институтларнинг вазифаси талабаларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ келувчи таълим хизматларини таъминлайди.
6	Таълим фаолиятининг хилма-хиллиги	Таълим фаолиятининг хилма-хиллиги талабалар учун уларнинг соғлиғи билан имкониятлари, моддий ва ижтимоий шароитларига мувофиқ келувчи ўқув жараёнининг воситаларидан фойдаланиб таълим дастурлари ва курсларини ўрганиш бўйича кенг имкониятлар яратиб беришни талаб қилади.
	Талабанинг хоҳиш ва шахсий имкониятлари нуқтаи назаридан мослашувчан машғулот	Машғулотни ҳар бир талабанинг параметрлари, қобилияти, жумладан: бошланғич билимлари, тажрибаси ва кўникмалари; ўқиш услуби; машғулотнинг ҳар қандай вақтида физиологик ва психологик ҳолати бўйича созлаш имконини беради.
	Узлуксизлик	Ишлатилган воситалардан қатъи назар, ўқиш учун тенг имкониятлар яратиб, ўқув жараёнининг узлуксизлиги ва таълимий маълумотларнинг яхлитлигини амалга ошириш имкониятини беради.

Юқоридаги тамоиллар олий таълим муассасаларида юқори даражадаги технологик, ташкилий ва педогогик маҳоратни талаб этади. Бу эса бизнинг олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган барча профессор - ўқитувчиларга жуда катта маъсулият ва мажбуриятни юклайди, ўқитишда илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллаш, халқаро стандартлар асосида ўқитишнинг замонавий усулларини жорий этишга катта аҳамият беришни талаб этади.

Бунинг учун олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади.

Нурмат Соғинов – психология фанлари номзоди, , Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра профессори, доцент

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Айрим одамлар аскарликдан бошқа ишга ярамаганидек,
баъзи кишилар олимликдан бошқасига ярамайди.
Георг Лихтенберг[1]

Аннотация: мақолада соҳасида хизмат кўрсатувчи кадрлар тайёрлашнинг маънавий-руҳий жиҳатлари, уларнинг шаклланишида миллий қадриятларнинг ўрни, амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар:кадр, кадрларни танлаш, тайёрлаш, кадрнинг психологик тайёрлиги, мотив, миллий қадриятлар, маънавий-руҳий тайёрлик, маънавият.

Аннотация: в данной статье речь идет о нравственно-психических аспектах подготовки кадров данной отрасли, место национальных ценностей в их формировании, о мерах по их формированию.

Ключевие понятии:кадр, отбор кадров, психологические подготовленность кадра, мотив, национальных ценностей, морально-психические подготовленность кадра.

Abstpact: in this article we are talking about the moral and psychological aspects of training personnel in this industry, the place of national values in their formation, and measures for their formation.

Keywords: person, selection of personnel, psychological preparedness of the personnel, motive, national values, moral and psychological preparedness of the personnel.

Ўтган 2019 йил ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишда

[1] Лихтенберг Г. Мутолаа – “қарз олмоқ”. //Тафаккур. 2012. № 1. –Б.98.

Президент Шавкат Мирзиёев “Мени энг катта хавф нимада, деган савол қийнайди. **Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида.** Минг афсуски, энг оғир масала шу”[1],деганларининг ўзиёқ халқ ҳўжалининг у ёки бу соҳасида фаолият олиб борувчи малакали кард масаласига қай даражада муҳим аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Халқимизда “Етти ўлчаб бир кес!” деган мақол бор. Бирон-бир нарсани (темир, ёғоч, латта ва ҳ.к.) ўлчаш ёки кесишда бу мақолга амал қилиш ўринлидир. Лекин, бу ерда гап,ўта мураккаб, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт соҳасида хизмат кўрсатувчи, таъбир жоиз бўлса аҳолининг энг илғор, замонавий қатламиҳақида бораяпти. Рақамли истисодиёт билан шуғулланувчи, илм-маърифатли КАДР, дегани - бу бугунги кунимизнинг энг илғор вакили деганидир. Аристотел, агар биз аҳлоқ бобида эмас, илм бобида илгарилаб бораётган бўлсак, унда биз олдинга эмас, орқага кетаётган бўламиз, - деб таъкидлаганидек, бу соҳа вакиллари илм бобида, замонавий технологияларни билиш борасида ўз замондошларидан илгирилаб кетган бўлсалар-у, бироқ аҳлоқ борасида, маънавият борасида ортда қолаётган бўлсалар, ўз тили, миллий менталитети, миллий қадриятларини билиш борасида ортда қолаётган бўлсалар, унда улардан маҳаллий кадр сифатида кутилаётган натижага эришиш мушкул. Шунинг учун бу соҳа кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш соҳага муносиб кадр сифатида шакллантириш учун уларнинг шахсий психологик, маънавий оламига ҳам жиддий эътибор бериш лозим. Рақамли иқтисодиёт соҳасида хизмат қилувчи кадрларни ўз соҳаси сир-синоатларини билиши билан бирга, айни вақтда, уларнинг ўзлиги билиши, ким эканликларини англаши, “ким учун” ва “нима учун” шу касбни бажараётганлигини тўла англаб, тушуниб етишига эришиш зарур. Бунинг учун улар илм-маърифатли бўлиши, ўз ўтмишини, ўтимиш мутафаккирлари маънавий меросини яхши билиши, ўз миллий қадриятларини пухта англай оладиган бўлишларикерак.

Албатта бу ниҳоятда муҳим ва масъулиятли вазифа. Чунки, Республикамиз халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларидасоғлом маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий, муҳитнинг ҳукм суриши, халқимиз, миллатимиз, мамлакатимизнинг порлоқ истиқболи, аввало айнан шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқ.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур: “Тажрибамдан кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”[2]-деб таъкидлаганларидек, шундай азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли кадрни танлаш, жойига қўйиш вазифасининг муваффақиятли хал этилиши, соҳа ходимларининг оқилона

[1]Шавкат Мирзиёевнинг 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқидан. 55 / 15.08.2019 187124. kun.uz /ЎзбекистонПрезидент матбуот хизмати.

[2] Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Т.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр,2011. – Б.84.

қарор қабул қилишларига, уларнинг қасбий маҳорати (компотентлигига) боғлиқ. Лекин, мутахассиснинг, кадрнинг “азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли” каби сифатларга эга бўлиши, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, жисмоний, махсус тайёргарлигидан ташқари, яна **психологик тайёрлиги** ҳам замон талаби даражасида бўлишини тақозо этади.

Кадрнинг у ёки бу касбга, у ёки бу фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ҳақида гапирилганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу тайёрлик ўзида жуда кўп жиҳатларни мужассамлаштиради. Яъни, ходим, малакали кадр сифатида, касбга ҳуқуқий, жисмоний, сиёсий, педагогик, тиббий ёки бошқа жиҳатларга кўра тайёр бўлиши (етилиши) зарур. Унинг бундай тайёрлик даражасини маълум бир меъёрий ҳужжатлар, ўлчамлар билан аниқлаш мумкин. Масалан, жисмоний ёки тиббий тайёрлигини - унинг ёши, жисмоний имкониятлари, тиббий текширувлардан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномаларга эгалиги, ҳуқуқий, сиёсий, педагогик ёки махсус тайёрлигини - тегишли расмий ҳужжатларга (диплом, сертификат, шаҳодатнома ва бошқ.) эгалиги кабилар билан белгилаш, асослаш мумкин. Бироқ, ҳар қандай кадр учун энг аҳамиятли бўлган жиҳат, унинг касбга психологик тайёрлигини белгилашнинг, “ўлчашнинг” ягона меъёри йўқ. Шунинг учун ҳам кадрнинг касбга психологик тайёрлиги масаласи азал-азалдан энг мураккаб масалалардан бири бўлиб келган. Шу муаммоли масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши, ҳам шахснинг (кадрнинг), ҳам у аъзо бўлган жамоанинг камолоти, ривожланишини таъминловчи энг муҳим, энг зарур омил ҳисобланган.

Кадрнинг психологик тайёрлиги, психологик етуклигининг зарурати бугунги кунларга келиб юзага келиб қолган янги талаб эмас. Инсоният жамияти пайдо бўлибдики, бундай зарурат бўлган ва жамоа аввало шу заруратни бажариш пайида бўлган. Қаердаки, шу зарурат муваффақиятли ҳал этилган бўлса, ўша ерда, ўша жамоада, ўша тузумда ўсиш, ривожланиш бўлган.

Бундай мулоҳазалар кадрни муайян касбга тайёрлаш масаласи нақадар аҳамиятли ва унинг тарихи ниҳоятда узоқ (инсоният тарихи билан тенг) эканлигидан далолат беради. Илк ибтидоий одамлар жамоасида, жамоа аъзоларининг кимлигини билиш ва улар ўртасидаги индивидуал-психологик тафовутларни фарқлаш ва улардан қабила ҳаёти учун оқилона фойдалана олиш зарурати, ҳар қандай ибтидоий жамоанинг яшаш фаолияти учун ҳал қилувчи бўлган асосий икки табиий: “яшаш учун кураш” ва “табиий танланиш” қонунлари таъсири остида белгилаб берилган. Бу заруратнинг бажо этилишида табиийликнинг роли ҳал қилувчи бўлган. Кадрни баҳолаш табиий, самимий, объектив бўлган. Унда аввало, уларнинг жисмоний, психологик имкониятлари инобатга олинган. Маълумки, ибтидоий тузум даври одамларига, қабила томонидан, уларнинг жисмоний имкониятлари, индувидуал-психологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, турли “ном”лар, “таҳаллус”лар берилган. Масалан: “Ўткир кўз”, “Учар кийик”, “Улкан илон” ва ҳоказо. Улар қабилада, берилган “номга” муносиб

вазифаларни бажарганлар. Қайси қабилада, қабила азосига “ном”, таҳаллус тўғри қўйилган бўлса, яъни уларнинг индувидуал-психологик имкониятлари тўғри белгиланган бўлса, шу қабила ва унинг аъзолари, ўша давр учун муҳим бўлган асосий, адолатли, уни бузувчилар учун“ўта шавқатсиз”, табиий қонунлар талабларига жавоб бериб, ўз жони ва наслини сақлаб қолишгина эмас, балки уни жадал ривожлантириш, ўзларида энг мақбул индувидуал-психологик, яшаш учун курашда аҳамиятли сифатларни ривожлантириш имкониятига эга бўлган. Буни ҳақли равишда ҳозирги замон психодиагностикасининг пойдевори дейиш мумкин.

Нафақат ибтидоий жамоа тузимида, балки ундан кейин ҳам у ёки бу жамиятнинг гуркираб ўсишида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан ўринли фойдаланиш, кадрни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйиш масалаларининг оқилона ҳал этилиши муҳим роль ўйнаган. Албатта жамиятнинг тараққий этиши, одамлар турмуш тарзининг жадаллашиб, улар ҳаётида урбанизация даражасининг ортиб боришибиланкадрга бўлган талабларҳам мураккаблашиб борди.

Бу борада кадрнинг индивидуал-психологик хусусиятларини адекват баҳолашзарурати, бошқа ҳар қандай соҳада **арифметик прогрессия** бўйича ортаяпти десак, “Одам-одам” касб классификациясига мансуб,хизмат идоралари кадрлари учун бундай заруратгеометрик **прогрессия** бўйича ортмоқда. Цивилизациянинг илк тонглариданоқ, айни масалага, инсон омили масаласига алоҳида эътибор бериб келинган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Шундай экан, соҳани малакали мутахассис кадр билан таъминлаш муаммоси бирданига хал бўладиган, бир шахс ёки муайян жамоа иши эмас. “Кадрлар тайёрлаш узоқ вақт давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнат қилишни талаб этади”[1]. Бунинг учун соҳага тааллуқли бўлган барча бўғинлар ишини мувофиқлаштириш, улар фаоллигини малакали кадр тайёрлаш мақсадига йўналтириш лозим.

Энг “қиммат махсулот” бўлмиш, кадрларни тайёрлаш муаммосининг ечимларидан бири, уларнинг руҳий-маънавий оламини бойитишдир. Бу эса ўз устида узлуксиз ишлашни тақозо қиладиган, “игна билан чуқур қазиш”-дек машаққатли, лекин, кадр учун бажарилиши шарт бўлган тадбирлардан ҳисобланади.

Маълумки, кадрнинг муайян вазифани бажаришида, унинг шу фаолиятга бўлган мотивацияси муҳим аҳамиятга эга. **Мотивлар** ТИА (ташқи ижтимоий аҳамиятли) ва ИША (ички шахсий аҳамиятли) турларига фарқланади. ТИА мотивлар маълум бир муддат, балким қисқа муддатга кучли бўлиши мумкин, лекин ИША мотивлар истиқболли ҳисобланади.

Шунинг учун жойларга рақамли иқтисодиёт билан шуғулланувчи кадрларни танлаб олиш ва жойига қўйишда уларнинг шахсий манфаатдорлигини ошириш, маънавий-руҳий етуклигини таъминлашга алоҳида

[1] Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. /Баркамол авлод орзуси. Тўлдирилган 2-нашр. –Тошкент:Ўзбекистон /Миллий Энциклопедияси, 2000. – Б. 176.

эътибор қаратиш керак. ИША мотивларга унинг моддий ва шахсий манфаатдорлиги, эътиқоди, йўналганлиги хусусиятлари киради. Кадрнинг бу каби сифатларини аниқлаш борасида чет элларда етарлича тажрибалар орттирилган. Масалан, ўтган асрнинг сўнгги чорагига келиб, чет элларда шахсни ўрганиш, кадрни танлаш баҳолаш, ундан ўринли мақсадларда фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи махсус марказлар, номзодни ўрганиш бюролари ташкил қилинган[1]. Мазкур марказларда шахснинг алоҳида жиҳатларини баҳолашга мўлжалланган психодиагностик воситалар жамланган, улар апробация қилиниб, шахсни ўрганиш методлари, интеллектуал тестлар тизимга солинган.

Ўтган асрнинг 70 йилларидан бу марказлар хизматидан бизнес соҳасида, АҚШда телеграф-телефон компаниялари лабораторияларида қўлланила бошланган. Ҳозирги вақтда бундай марказлар АҚШ, Англия, Япония, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг йирик фирмаларида, масалан, АҚШда – “Женерал-Моторс”, “Форд”, “Женерал-электрик”, “IBM” ва бошқа фирмаларда фаолият олиб боради. АҚШ матбуот органлари маълумотида кўра баҳоловчи марказлар 2000 дан ортиқ компанияларда фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ, бизда Америка ёки Европадагидек шароит ва имкониятлар йўқ. Махсус маълумотга эга, юқори малакали мутахассислар тақчиллигимавжуд. Менталитет, миллий ва ҳудудий хусусиятлардаги тафовутлар ҳам, уларда эришилган ютуқларни тўғридан-тўғри жорий этишда жиддий муаммо туғдиради, ҳатто зиён етказиши ҳам мумкин. Шундай экан, бизнинг ўз усулимиз, йўлимиз бўлиши керак. Таъкидлаш жоизки, бу каби марказларда амалга оширилаётган ишлар биз учун, бизнинг менталите-тимиз учун янгилик ҳам эмас. Фақат, “ҳар қандай янгилик - бу яхши унутилган эскиликдир” дейилганидек, биз ўз аждодларимиз меъросларига назар ташласак, улар билан яқиндан танишадиган бўлсак, олдимизда турган муаммонинг ечимига оид кўплаб маълумотларни кўрамиз. “Шуни унутмайликки, ҳеч ким ҳеч қачон четдан келиб бизнинг ишимизни ўнглаб, оғиримизни енгил қилиб, муаммоларимизни ечиб бермайди. Ўз ҳаётимизни ўзимиз ташкил этишимиз, барча муаммоларни ўзимиз ҳал қилишимиз лозим”[2]. Бунинг учун, аввало ўзимиз ўқишимиз, ўрганишимиз, етук кадр сифатида шаклланиш учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги ҳолатида, бугунги кун кадрини билишда, авваллари бўлганидек шахсий тажриба, соғлом фикр кабилар камлик қилади. Бунинг учун, “Соҳибқирон Амир Темур “Билаги зўр – бирнийиқар, билими зўр, онги баланд – мингни”[3], деб айтганларидек, ҳар ёқлама билимга эга бўлиш лозим. Бундай билимларни ўзлаштириш учун

[1]Ладанов И.Д. Практический менеджмент: Психотехники управления и самотренировки. – М.,1995. – С.382-384.

[2]Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади.(Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами). /И.Каримов. – Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б. 54.

[3] Каримов И.А. Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси. /Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. – Т.:Ўзбекистон, 2010. – Ж.18. –Б. 107.

кучли ирода, қунт, сабр, ўз устида мунтазам ишлаш, кадрлар тайёрлаш самарадор-лигини оширишга эришиш керак. Бу фаолиятнинг муваффақияти шахснинг ички ижобий мотивациясига, маънавий-руҳийтайёрлиги, мавкурасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Инсон фаолиятини психологик жиҳатларининг назарий методологик асоси бўлиб психоанализ таълимоти хизмат қилади. Бу таълимот асосчиси З.Фрейд шахс ҳақида, шахсни шакллантирувчи кучлар ҳақида ёзар экан, онг ости кучлари шахсни ривожланишга ундовчи, хал қилувчи омиллар ролини ўйнашини таъкидлайди. Бу кучлар икки кўринишда: "либидо" ва "мортидо" тарзида намоён бўлади. З.Фрейд либидони индивид фаоллиги асосида ётувчи психик қувват деб ҳисоблаб, уни инсон ҳулқининг устивор мотиви эканлигини таъкидлайди (либидо – яратувчи куч)[1].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки:

- кадрларни тайёрлашда, уларнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган, **маънавий-руҳий тайёргарлиги,** уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун хизмат қилаётганини чуқур англаши ва тушуниши кабилар либидо бўлиб хизмат қилиши керак;

- бунинг учун, бўлажак кадрларни тайёрлашда, уларга миллий қадриятларимиз бўлмиш халқимиз тарихи, аждодларимиз мероси, уларнинг умумбашар цивилизациясига қўшган улуши, у ёки бу илм соҳасида қандай оламшумул чўққиларга эришганлиги кабилар ҳақидаги асосли маълумотлар билан қуроллантириш, демак бундай маълумотларни яна ҳам кўпроқ чоп этилиш ва ўқувчилар эътиборига етказиш керак;

- ўзини ҳам, мамлакатимизни ҳам порлоқ истиқболга олиб борувчи "кўприк"ни мустаҳкам қурилишига ўзининг муносиб улушини қўшиш кабилар, ҳар қандай кадр учун у бажараётган вазифанинг "**ички, шахсий аҳамиятли мотив**"ларга айланишини таъминлайди. Бу эса ҳар бир кадрнинг касбга маънавий-руҳий тайёрлигининг асоси бўлиб хизмат қилади.

А.Турабов – преподаватель, Наваиский Государственной института

ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ

Аннотация: Физическое воспитание и спортивная подготовка молодёжи является очень актуальным. В данной статье анализируются и указываются основные проблемы физического воспитания и спорта.

Ключевые слова: воспитание, молодое поколение, физическая культура, спорт, развитие, проблемы, здоровье, знания.

Annotatsiya: Yoshlarning jismoniy tarbiyasi va sport bilan shug‘ullanishi juda muhimdir. Ushbu maqolada jismoniy tarbiya va sportning asosiy muammolarini tahlil

[1]Psixologik atamalar ruscha – o’zbekcha izohli lug’ati /Psixol. fan. dokt., prof. G’.B.Shoumarov tahriri ostida. /Tuzuvchilar: Sog’inov N.A., Nishonova Z.T., Karimov X.K., Umarov B.M., Usmonov E.Sh. -Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2019.-B-183.

qilingan.

Kalit so‘zlar: tarbiya, yosh avlod, jismoniy tarbiya, sport, rivojlanish, muammolar, sog‘liq, bilim.

Abstract: Physical education and sports training for young people is very relevant. The article analyzes and indicates the main problems of physical education and sports.

Key words: upbringing, young generation, culture, sport, development, problems, health, knowledge.

Физическая культура – это часть (подсистема) общей культуры человечества, которая представляет собой творческую деятельность по освоению прошлых и созданию новых ценностей преимущественно в сфере развития, оздоровления и воспитания людей. Известно, что в целях развития, воспитания усовершенствования человека физическая культура использует возможности индивидуума, естественные силы природы, достижения наук о человеке, конкретные научные результаты и установки медицины, гигиены, анатомии, физиологии, психологии и др.

Устойчивость уровней физической и технической подготовки достигается правильным планированием и проведением тренировок. При этом нужно учитывать принципы физического воспитания и тренировок: научности, всесторонности, сознательности и активности, повторности и систематичности, постепенности, доступности, коллективности в сочетании с индивидуализацией.

Повышенное внимание к использованию средств оздоровительной физической культуры (ОФК) как никогда актуально сегодня. На период конца 2016 года у 40-60 % школьников начальных классов отмечается нарушение осанки, у 30-40% — отклонения в сердечно-сосудистой системе. 55% девочек и 20% мальчиков имеют избыточный вес [1].

Думается, что естественное стремление кафедр решить поставленные задачи сегодня, и в будущем столкнется с рядом проблем, детерминированных нашим прошлым, с его «гонкой» за объемами и цифрами, фундамент которых огромное количество противоречий:

- разнообразие мотивов, социально и личностно значимых потребностей, чрезмерная унификация содержания, форм, методов, средств обучения воспитания;
- необходимость формирования потребностно -мотивационной сферы студентов в процессе физкультурно-спортивной деятельности и предписывающий, регламентирующий характер ее организации, в которой ограничен учет интересов, духовной культуры личности;
- большие потенциальные возможности эмоционально-эстетического развития в физкультурно-спортивной деятельности и их низкий содержательно-эмоциональный компонент, объединяющий и

ограничивающий ее привлекательности;

- стремление молодежи к состязательности, сравнению своих способностей и возможностей в различных сферах физической культуры, спорта и ограниченное, регламентированное включение ее в

соревновательную деятельность, преимущественно в рамках обязательного курса «Физическая культура»;

- стремление молодежи к самосовершенствованию и саморазвитию и отсутствие необходимых знаний, операционных умений, самоуправления и методически обоснованного само программирования своей деятельности;
- наличие программно-целевой основы всего учебно-воспитательного процесса и отсутствие необходимого содержательного обеспечения и профессиональной направленности учебных занятий и вне учебной физкультурно-спортивной деятельности по ряду направлений профессионального обучения [2].

Неразрешенность отмеченных и других противоречий привела к тому, что на сегодняшний день физическое образование и воспитание студенчества не оправдывает социальных ожиданий.

Негативные результаты усугубляются снижением возможностей полноценного питания, нерационального расписания учебных занятий, отсутствием действенной профилактики медицинского обслуживания, необходимостью подработки студентов для обеспечения прожиточного бюджета и др. Как результат – состояние здоровья, физическая подготовленность студентов старших курсов к завершению профессионального обучения существенно ухудшается. К физическому воспитанию приобщается лишь незначительная часть выпускников. Резко ограничивается на 3-5 годах обучения участие студентов в спортивной деятельности.

Все это приводит к тому, что в процессе профессиональной деятельности состояние здоровья ограничивает многим выпускникам возможность полноценной реализации своего творческого потенциала, сокращает их творческое долголетие.

Вузовская физическая культура, играющая роль в гуманитарной подготовке специалиста, представляет для студенческой молодежи особую, превосходящую ценность, восполнить которую в последующие годы в полной мере невозможно.

Особая роль физической культуры отведена в процессах профессионально прикладной физической подготовки, цель которой – развитие тех качеств, умений, навыков и специальных навыков, которые будут положительно влиять на конкретные трудовые, рекреационные процессы и действия. Так, физическое воспитание, органически связанное с идейно-нравственным воспитанием, формирует высокие личностные качества человека и гражданина.

Нормальное физическое развитие способствует нормальному развитию таких качеств, как память, внимание, высокие уровни устойчивости, восприятие, наблюдательность, умственная работоспособность. На занятиях по физическому воспитанию индивидуум усваивает рациональные приемы жизнедеятельности, рациональных действий, правила личной и

общественной гигиены, закаливания и т.п., что положительно влияет на умственное развитие, на процесс умственного воспитания, интеллект.

Список использованные литературы:

1. Евсеев, Ю. И. Физическая культура / Ю. И. Евсеев. – Изд. 5-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 378 с.: ил. – (Высшее образование).
2. Виленский, М. Я. Физическая культура и здоровый образ жизни студента: учебное пособие / М. Я. Виленский, А. Г. Горшков. – 2-е изд., стер. – Москва: КНОРУС, 2012. – 240 с. – (Бакалавриат).

С.А.Бабаназарова – СамИСИ ўқитувчиси

“КОРРУПЦИЯСИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ” МОДЕЛИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: мақолада “коррупциясиз олий таълим” модели ва уни шакллантириш омиллари қараб чиқилган. Коррупцияга йўл қўйилмаслик учун қонунлар билан бирга ҳар бир инсонни боқарадиган унсурлардан илм, иймон, интизом, виждон каби фазалатлар шаклланган бўлиши лозимлиги асосланган. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги таъминлангач адолат қарор топиши, ҳаммасининг биргаликда ҳаракати оқибатида юқори натижадорликка эришиш мумкинлиги ҳам асосланган.

Калит сўзлар: коррупция, адолат, илм, иймон, интизом, натижадорлик, масъулият, бировнинг ҳаққи, модел.

Аннотация: В статье рассматривается модель высшего образования без коррупции и факторы, ее формирующие. Чтобы предотвратить коррупцию, она основана на том факте, что элементы, которые питают каждого человека, должны быть сформированы из таких качеств, как знание, вера, дисциплина и совесть. Это также основано на том факте, что, как только эта взаимосвязь будет достигнута, можно добиться справедливости и добиться высокой эффективности путем совместных действий.

Ключевые слово: коррупция, справедливость, наука, вера, дисциплина, эффективность, ответственность, чье-то право, модель

Abstpact: The article examines the model of higher education without corruption and the factors that shape it. To prevent corruption, it is based on the fact, the elements that nourish each person should be formed of such qualities as knowledge, faith, discipline, and conscience. It is also based on the fact, once these interconnectedness are achieved, justice can be achieved, and high efficiency can be achieved through joint action.

Key words: corruption, justice, science, faith, discipline, efficiency, responsibility, someone's right, model.

Жамиятимиз тараққиётини ривож топдирадиган, самарали фаолиятини таъминлайдиган жуда кўп омиллар билан бирга, унинг тараққиёттига салбий таъсир кўрсатадиган, одамлар руҳиятида ишончсизликни уйғотадиган омиллар ҳам мавжуд. Улардан бири ҳамо коррупция балосининг сақланиб қолаётганлигидир. Ушбу салбий омилнинг таъсири, нафақат иқтисодий, балки муҳим маънавий емирилишга олиб келади. Оқибати сиёсий аҳволни ҳам бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли коррупция

элементларини нафақат таълим барча соҳаларда бутунлай бартараф қилиш лозим бўлади. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: **“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”[1].** Бунинг ҳам муҳим омилларидан бири илм ва иймонни бирга олиб бориш, илм ва маърифатнинг ҳамоҳанглигини таъминлаш лозим бўлади.

Бугунги кундаги амалга оширилаётган таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган барча ҳаракатлар ушбу тизимни келажакда коррупция балосидан бутунлай ҳоли қилишга қаратилмоқда. Ушбу масала таълимдаги ислоҳотларни амалга оширишда энг устувор вазифалар даражасига кўтарилди. Соҳада “**Коррупциясиз олий таълим”га эришиш** жамиятимизнинг энг оғриқ нуқталаридан бири сифатида баҳоланмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланди, десак, айни ҳақиқат. Коррупция элементлари асосан, олий ўқув юртларига кириш имтихонларида кузатилар эди. Бунга охирги йилларда кириш имтихонларини қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш оқибатида деярли барҳам берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари бундан кейин ҳам оптималлаштирилади. Хусусан, ушбу жараённинг давом этишини давлатимиз раҳбари парламентга қилган мурожаатномасида: “Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур”, деб таъкидлади. Ҳаётимиз кўрсатдики, қаерда коррупция элементлари бўлса, ишнинг сифати бўлмайди, адолат муҳити бузилади. Булар инсон руҳиятига ўта салбий таъсир қилади. Адолат бўлмаган жойда одамларда ишонч йўқолади. Ишонч йўқотилгач одамларни ҳеч нарса билан рози қилиб бўлмайди.

Жамиятда инсон азиз ва мукаррам бўлиб қолиши учун, бугунги ривожланиш босқичидаги талабига жавоб бериш учун ҳар бир кишидан талаб қилинадиган нарса иймон, илм ва интизом. Иймонли одам албатта илм эгаллашга интилиб яшайди. Иймонли ва илмли одам албатта интизомли бўлади. Агар одам иймонли бўлиб, ислом илмини ўзлаштирган бўлса, беш вақт намознинг ўзи ҳар қандай кишини интизомли қилишга ундайди ва шу одатни сингдириб боради. Ҳар бир намозни ўз вақтида ўқиши керак. Олдин ҳам ўқиб бўлмайди, маълум муддат ўтгандан кейи ҳам ўқиб бўлмайди. Бунга одатланган одам ҳаётда ибодатдан ташқари ишларни ҳам вақтида қилишга кўникиб қолади.

Ушбу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, иймон, илм ва интизом бир-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 4 бет.

бири билан узвий боғлиқ экан. Учаласи мужассам бўлган инсон олий таълим тизимида ишласа ёки ўқиса ҳам етарли муваффақиятларга эришиш мумкин. Жумладан, иймонли, илмли ва интизомли педагог коррупцияга йўл қўймайди. Ўзини-ўзи идора қила олади. Коррупция аралашмаган таълим жараёнида адолат бузилмайди. Адолат бор жойда мувоффақиятнинг ҳам бўлиши табиий. Ушбу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Коррупциясиз олий таълимни шакллантириш, адолатни таъминлаш ва натижадорлик модели

Расмдан кўриниб турибдики, натижадорликка эришиш учун энг аввало, иймонли, илмли ва интизомли педагог бўлиши керак экан. Натижадорлик билан ушбу унсурлар ўртасида “Коррупциясиз таълим” ва адолат турибди. Ушбу боғлиқлик ҳам кўрсатиб турибдики, барча мувоффақиятларнинг бошланиши иймонли, илмли ва интизомли кишиларнинг борлиги билан боғлиқ экан. Бу педагог бўладими, раҳбар бўладими, талаба-ўқувчиларнинг ота-онаси бўладими ҳаммага баробар. Тан олиб айтиш керак, айрим ҳолларда таълимдаги коррупцияга ота-оналар ҳам сабабчи. Чунки, болам қийналмасин, у енгилгина баҳосини олсин, деб кўп ҳолларда ота-оналар “чопиб юради”лар. Боласини яхши кўрган ота-она энг аввало, унинг ўқишини қаттиқ назорат остига олиш керак. Бунинг ўрнига боласига “раҳми келиб”, уни тўғри йўлидан адаштириб, “чўлоқ” қилиб қўймоқдалар.

M.M. Qarshieva – Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi
S.S. Kamolova – Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi
F.Bobonazarova – Samarqand moliya va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi

TA’LIM JARAYONIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI

Annotatsiya: maqolada ayni vaqtda Respublikamizda ta’lim tarbiya jarayonida o‘quvchilarga zamonaviy axborot texnologiyalari asosida ta’lim berish, axborot texnologiyalar sohasidagi yangi izlanishlar bilan tanishtirib borish, o‘qitishning faol usullarini bilish va qo‘llay olish hisobga olingan.

Kalit so‘zlar: Internet tizimlari, Axborot texnologiyari vositalari, tadqiqotchilik va izlanuvchanlik, animatsiya, grafika, multiplikatsiya, telekonferensiyalar, uzliksiz ta’lim, masafoviy ta’lim.

Аннотация : В данной статье говорится о возможностях в процессе обучения нформационных технологий. В настояее время в нашей республике в процессе обучения и воспитания на основе совершенной информационной технологии, ознокомлять и давать обучения молодому поколению в сфере информационной технологии новые исследования, знать активные методы обучения и их выедрения.

Ключевые слова: Интернет, средства информационной технологии, исследование, и находчвость, анимация, графика, мультипликация, телеконференции, непрерывное образование, дистанционное обучение.

Abstpact: The artide deals with teaching with the help of informational technologist new changes in this sphere comprehension and usage if active methods of teaching.

Key words: Internet system, devices of information and technologist research and investigation, animation, graphies, multiplication, teleconferences, continious edication and distance education.

Bugun kunda Respublikamizda o‘rta maxsus, kas-hunar ta’limi sohasiga alohida e’tibor qaratilayotgan ekan, farzandlarimizni chin ma’nodagi mukammal insonlar qilib tarbiyalashimiz lozim bo‘ladi. Shu mas’uliyatni his qilgan kasbdosh-larimiz, ta’lim tizimi xodimlari o‘zgacha bir shijoat g‘ayrat bilan oldinga intilish-moqda. Ayni vaqtda Respublikamizda tan olingan, e’tirof qilingan tajribalar soni ko‘payib salmog‘i oshib bormoqda va u ta’lim-tarbiya jarayonida tobora kengroq qo‘llanilmoqda. O‘quvchilarga zamonaviy axborot texnologiyalar asosida ta’lim berish, o‘quvchilarning fanga, mutaxassisligiga va o`qishga nisbatan bo`lgan qiziqishlarini oshiradi.

Dars jarayonini ijodiy bosqichga ko‘tarilishda axborot texnologiyalari muhim rol o‘ynaydi, axborot texnologiyalarining asosiy maqsadi esa o‘qitish tizimida o‘quvchilarni o‘quv materiallarini mustaqil ravishda o‘rganish va rivojlantirish, darsning faol ishtirokchisiga aylantirishdir. Ta’lim berish jarayonida har bir o‘quvchi o‘zining shaxsiy fikr yoki g‘oyalariga asoslanishi hamda ularni o‘zgartirish ham mumkin ekanligini o‘quvchilar ongiga singdirib borishimiz lozim. Chunki ta’lim yosh avlod tarbiyasi bilan uzviy bog‘liqdir. O‘quv - tarbiya jarayonining axborot-metodik ta’minotini amalga oshirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarning bajaradigan asosiy vazifasi – ikki tomonlama muloqotni ta’minlashdir. Teskari aloqasiz, o‘qituvchi va o‘quvchi orasidagi doimiy muloqotsiz o‘qitish mumkin emas. O‘qitish mustaqil o‘qishdan farqli o‘laroq ta’rifiga muvofiq muloqotli hisoblanadi. Ta’limn shaklida muloqot imkoniyati o‘quv jarayonini tashkil etish shakli, o‘qituvchi va o‘quvchining bir joyda va bir vaqtda bo‘lishini taqqozo qiladi.

O‘qitishning muammoli metodi axborot texnologiyalarining o‘quv jarayo-nini qandaydir muammoni qo‘yish va uni hal qilish echimlarini izlash sifatida tash-kil qilishga oid imkoniyatlaridan foydalanadi. Asosiy maqsad ta’lim oluvchilarning bilish faolligini oshirishga maksimal darajada ko‘maklashishdan iborat. Ta’lim jarayonida olinayotgan bilimlar asosida turli toifadagi masalalarning echilishi, shu-ningdek, qo‘yilgan muammoni hal qilish uchun zarur bo‘ladigan qator qo‘shim-cha bilimlarni olish va tahlil qilish ko‘zda tutiladi. Bunda axborotni to‘plash, tartib-

lashtirish, tahlil va uzatishga oid koʻnikmalarni egallashga alohida eʼtibor qaratiladi.

Axborot texnologiyalar sohasidagi yangi izlanishlar bilan tanishish, oʻqitishning faol usullarini bilish va qoʻllay olish har bir oʻqituvchining oldiga qoʻyayotgan zamon talablari hisoblanadi. Eng soʻnggi texnik yutuqlar koʻpincha taʼlim jarayonida oʻzining munosib oʻrnini egallagan, bu maʼnoda axborot-texnologiyalari ham istisno emas. Oʻquv jarayonida kompyuterlardan foydalanish boʻyicha dastlabki tajribalar hisoblash texnikasidan foydalanish taʼlim jarayoni samaradorligini sezilarli darajada oshirishi, bilimlarni hisobga olish va baholashni yaxshilashi, qiyin vazifalarni hal qilishda oʻqituvchining har bir taʼlim oluvchiga yakka tartibda yordam berishini taʼminlashi, yangi kurslarni yaratish va qoʻyishni osonlashtirish kabi imkonyatlarni berishini koʻrsatdi.

Oʻquv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish foydalanuvchilarning tafakkur koʻnikmalarini va murakkab vazifalarni hal qilish malakalarini rivojlantirishning yangi yoʻllarini ochib beradi, taʼlimni faollashtirish uchun prinsipial yangi imkoniyatlarni taqdim qiladi. Axborot texnologiyalari auditoriya va mustaqil mashgʻulotlarni yanada qiziqarli, dinamik va ishonchli, oʻrganiladigan axborotning katta oqimini oson oʻzlashtiriladigan qilish imkonini beradi.

Axborot texnologiyalari vositalarining taʼlimning boshqa texnik vositalariga qaraganda asosiy ustunliklari nozikligi, taʼlimning turli modellari va algoritmlariga sozlash, shuningdek har bir taʼlim oluvchining xatti-harakatlariga yakka tartibda reaksiya qilish imkoniyati sanaladi. Bunday vositalardan foydalanish taʼlim jarayonini yanada faollashtirish, unga tadqiqotchilik va izlanuvchanlik xarakterini bagʻishlash imkonini yaratadi.

Axborot texnologiyalari vositalari oʻquv jarayonida quyidagi eng muhim jihatlari bilan alohida ahamiyatga egadir:

– oʻzini-oʻzi nazorat qilish va tuzatib borishi;

– oʻrganilayotgan fanlarni namoyish etishi va ularning dinamik jarayonini koʻrsatishi;

– fan mavzularida animatsiya, grafika, multiplikatsiya, ovoz kabi kompyuter va axborot texnologiyalardan foydalanishi;

– oʻquvchi-talabalarga fanni oʻzlashtirish uchun strategik koʻnikmalar hosil qilishi va boshqalar.

Axborot texnologiyalari vositalarining amaliy tomoni ulardan oʻquv jarayonida foydalanish va kelgusida taʼlim tizimida oʻquv jarayoni uchun maʼlumotlar omborini yaratish va virtual stendlar yaratishdek muhim vazifani amalga oshirishga zamin hozirlaydi va bizga katta imkoniyatlar yaratib beradi.

Hozirgi kunda taʼlim jarayonini texnik vositalarsiz tasavvur qilib boʻlmaydi. Maktablarda, litsey va kollejlarda, oliy taʼlimda axborot texnologiyalarini qoʻllash orqali dars oʻtish oʻquvchilarga berilayotgan axborotni tez va oson etib borishini, ularni tushunarli va xotirada yaxshi saqlanishining asosi boʻladi. Bundan tashqari oliy taʼlim tizimida telekonferensiyalarni tashkil qilinganligi taʼlim jarayonining yutuqlaridan biridir. Bu orqali talabalar fikr almashishlari, erkin fikrlash va oʻz fikrini toʻgʻri va aniq etkazish qobiliyatiga ega boʻladilar. Internet tizimlari orqali

jahonning boshqa mamlakatlarida ro‘y berayotgan voqea-hodisalar, tadbirlar, ta’lim jarayonining yangiliklari va yutuqlari haqida ma’lumotlarga ega bo‘ladilar. Demak, axborot texnologiyalari – talabalarning bilimlarini rivojlantiradigan, ularning texnika va ijtimoiy jarayonlarni boshqarish bo‘yicha imkoniyatlarini kengaytiradigan, ma’lumotlarni tashkil etish, ishlab chiqish, tiklash, uzatish usullari va texnika vositalari bo‘lib xizmat qilar ekan.

Yangi texnika va texnologiyalarning tez rivojlanishi, turli axborotlar ko‘lamining keskin ortib borishi bilan xarakterlanadi. Mana shunday ulkan axborot oqimida bo‘lajak mutaxassis nafaqat o‘zini yo‘qotmasligi, balki ularga nisbatan tegishli ilmiy, mafkuraviy, g‘oyaviy immunitet hosil qilgan bo‘lishi lozim. Bularning barchasi ularda axborot texnologiyalaridan foydalanish madaniyatining zarur darajada shakllangan va rivojlangan bo‘lishni taqozo etadi. Bunda axbortlarni faqat qabul qilish emas, balki ularni saqlash, uzatish va ulardan foydalanish madaniyati ham ko‘zda tutiladi. Axborotlar bilan ishlash jarayoni ancha murakkab va qiyin jarayondir. Bo‘lajak mutaxasislar birinchi navbatda axborotlarni topish manbalarini yaxshi bilishi, axborotlarni qayta ishlashga oid tegishli ko‘nikma va malakalarga ega bo‘lishi, bu sohada o‘zining analitik fikrlash qobiliyatini, tanqidiy va ijodiy fikrlash ko‘nikma va malakalarini rivojlantirib borishi talab etiladi.

Haqiqatdan ham, hozirgi zamon kishisining o‘qish jarayoni faqat maktab, kollej, oily ta’lim muassasasida bilim olishi bilangina tugamaydi, u uzliksiz davom etadi. Uzliksiz ta’lim tizimi – zamon talabidir. Shuning uchun hozirgi vaqtda nafaqat kunduzgi, balki zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslangan masofaviy ta’limga ham katta ehtiyoj sezilmoqda. Dunyoning ko‘plab mamlakatlarida masofaviy ta’lim imkoniyatlari keng foydalaniladi.

Axborot texnologiyalariga asoslangan har qanday jamiyat o‘z fuqoralarining hayotdagi o‘zgarishlarga qiyinchiliklarsiz moslashishi, faol faoliyat ko‘rsatib mustaqil qarorlar qabul qila olishdan manfatdordir. Kadrlar tayyorlash sohasida yangi ming yillikda, jamiyatda yashaydigan va menat qiladigan shaxs albatda ma’lum kasbiy sifatlarga ega bo‘lishi lozim, degan tasavvur shakllangan. Xususan, yangi ming yillikda yashaydigan inson:

- o‘zgarayotgan hayotiy sharoitlarga tez moslashishi, zaruriy bilimlarni mustaqil o‘zlashtirishi va ulardan amaliyotda mohirona foydalanishi;
- axborotlardan mustaqil ravishda oqilona foydalanish, ma’lum masalalarni tadqiq etish uchun ma’lumotlar to‘play olishi, ularni tahlil etishi, muammolarini hal etishga oid farazlarni ilgari surishi;
- muloqatmand bo‘lishi, turli ijtimoiy guruhlar bilan muloqatga kirishib, har xil sohalarda hamkorlikda ishlay olishi, yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan ziddiyatli holatlarning oldini olishi yoki bunday holatlardan mohirona chiqib ketish yo‘llarini bilishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1.HakimovaM.F., Xo‘jaevN. Pedagogiktexnologiyalar. O‘quvqo‘llanma – T.: «Fantexnoligiyalari», 2008..
2.Omonov X.T va b. «Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat».Toshkent; 2009.
3. M. Aripov va b. Axborot texnoligiya Toshkent; «Noshir», 2009..
4. A.Sattorov.«Informatika va axbrot texnoligiyalari» Toshkent; 2002.
5. A.Sattorov. «Ma’lumotlar bazasini boshkarish sistemasi». Toshkent.

Sh. N. Eshpulatov – SaDU Pedagogika kafedrasi o‘qituvchisi
G. S. Pardayeva – SaDU Pedagogika kafedrasi o‘qituvchisi

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHDA LOYIHA TEXNOLOGIYASINI QO‘LLASH XUSUSIYATLARI

Annotasiya: Maqolada talabalarning kasbiy tayyorlash jarayonida loyihalash va uning rivojlanayotgan jamiyatimizning talablari asosida ta’limning samaradorligini oshirishdagi o‘rni yoritilgan.

Kalit so‘zlar: insonparvarlashtirish, tizimli, loyhalash, ijod.

Аннотация: Данная статья посвящена проблеме проектирования в профессиональной подготовке студентов, согласно которой проектирование занимает один из основных мест в процессе образования и служить для эффективного обеспечения организации подготовки специалистов разных уровней, которые отвечают всем образовательным требованиям современного развивающего общества.

Ключевые слова: гуманизация, системность, проектирование,творчество.

Abstpact: This article is devoted to the problem of design in the vocational training of students, according to which design takes one of the main places in the educational process and serve to effectively ensure the organization of training of specialists of different levels who meet all the educational requirements of a modern developing society.

Key words: humanization, system, design, creativity.

Jadal rivojlanib borayotgan mamlakatimiz ta’lim tizimi oldiga, innovasion va raqmli iqtisodiyot sharoitda, xizmat ko‘rsatish sohasiga yoqori malakali kadrlarni tayyorlash vazifasini qo‘ymoqda. Oliy o‘quv yurtlari tomonidan xizmat ko‘rsatish sohasi mutaxassislairni tayyorlashni insonparvarlashtirish muammosini yechish yo‘llarini aniqlash, o‘quv fanlarining o‘qitilishini ixchamlashtirish va jadallashtirish yo‘li bo‘yicha, ham talabalarning yakka tartibda bilim orttirish fazilatlarini, ularning qiziqishlari, moyilliklarini hisobga olinishini ta’minlash bo‘yicha izlanishlar olib borilmoqda. Kasbiy ta’limda malakali mutaxasislarni tayyorlash sifati muammolarini tahlil qilish jarayonida innovasion texnologiya sifatida pedagogik loyihalash namoyon bo‘ladi. «Pedagogik loyihalash - pedagogning pedagogik masalalarni yechishga qaratilgan ketma-ket o‘zaro bog‘liq harakatlari tizimi yoki oldindan rejalashtirilgan pedagogik jarayonning amaliyotga ketma-ket mujassamlanishidir»[5]. Loyihalash muammosi o‘zining rivojlanish tarixiga ega. «Pedagogik loyiha» atamasi ko‘proq quyidagi ma’noga ega bo‘lgan pedagogik ishlarda uchraydi: ta’limda, loyiha - ta’lim tizimini loyihalashtirishga qaratilgan holda rasmiylashtirilgan pedagogik g‘oyalar, pedagogik jarayonlar va texnologiyalar majmuasi, shuningdek ularning amaliy joriy etilish dasturlaridir [1]. Bu holda loyihalash, Ye.S.Zair-Bekning fikricha, bor narsani nimaga aylan-tirish zarurligi yuzasidan g‘oyalar va harakat dasturini ishlab chiqarishdan iborat. Ishlab chiqilgan g‘oyalar va harakat dasturi (mazkur tadqiqotda – talaba shaxsining o‘ziga xos

ta’limiy yunaltirilganligi) loyihalash mahsuli sifatida ro‘y beradi[4].

Loyihalash kasbiy faoliyat sohasi sifatida texnika, qurilish, ishlab chiqarishda paydo bo‘ldi, so‘ng iqtisodiyot, boshqarish, ijtimoiy sohadagi faoliyatga, xususan, pedagogik faoliyatga tarqaldi. V.Ye.Radionovaning fikricha, loyihalashning ko‘p qirrali madaniy-tarixiy fenomeni o‘z faoliyatining barcha sohalarida hozir bo‘lgan istalgan kishi-ning hayotiy faoliyatning tub mohiyatidan kelib chiqadi. Ilmiy yoki amaliy jihatdan kasbiy pedagogik faoliyat bu qatorda mustasno emas[6].

Kishining maqsadga muvofiq harakati shu faoliyatdan olinishi mumkin bo‘lgan natijalarni rejalashtirilishiga bog‘liqligi oldindan aniqlangan. Asrlar davomida pedagog o‘zining kundalik ta’lim berish va tarbiyalash amaliyotida turli-tuman qarorlarni qabul qilishga to‘g‘ri kelgan va bu aynan uning shu kabi qarorlarning oqibatlarini yakka tartibda rejalashtirishiga, uning oldingi amaliy tajribasi ostida ishlab chiqilgan kasbiy his-tuyg‘usiga asoslangan.

Mashhur o‘zbek pedagogi Abdulla Avloniy o‘z asarlarida ko‘p marta o‘z diqqatini pedagogikaning vazifalarini tahlil qilishda, uning tarbiya haqidagi fan sifatida tarbiyaviy faoliyatning san’at sifatidagi ahamiyatini yoritishga qaratdi. Abdulla Avloniyning fikricha, «tarbiya san’atlarning oliysidir, san’at esa hali mavjud bo‘lmagan tomon intiladi, uning oldida ijodiyotining kelajakdagi maqsadi va g‘oyaviy siymosi gavdalanadi»[1]. Mutafakkir pedagoglar qoldirgan boy ijodiy merosdan olingan misollar shuni ma’lum qiladiki, ular pedagogik rejalashtirish (loyihalashtirish) qadimdan muhokama markazida bo‘lganligini ko‘rsatadi. Keltirilgan fikrlar, shubhasiz, hozirgi zamon pedagoglarining ishlarida mavjud bo‘lgan pedagogik rejalashtirish vazifalarini chuqurroq tahlil qilish uchun boshlang‘ich nuqta vazifasini o‘taydi. Loyihalash - bu muhitni fikran o‘zgartirishdir. Loyiha axborot muhiti doirasidagi faoliyat natijasi, buyum esa - moddiy obektlar muhitidagi faoliyat natijasidir[3]. Shu yondoshuvdan kelib chiqib, Ya.Ditrix tomonidan loyiha buyumni mavhum tasavvur etishni beruvchi tushunchalar tizimi, deb tushuntiriladi; yig‘ma tahlil natijasida olingan moddiy jamlanma xususiyatlari majmuasi, u yig‘ma tahlil natijasida olinadi va ijodiy yoki ijro etish niyatini ifodalaydi. U holda loyihalashga harakatning ayrim usulini tanlash sifati-da qaraladi, xususiy holda - tizimli harakatning mantiqiy asosi sifatida tushuniladi. Loyiha - loyihachi tomonidan bunyod etilgan yangi bino, u holda loyihalash jarayonining o‘zini ijodiyot tarzida qarash mumkin, ya’ni biror yangi narsani hosil qilish jarayoni, deb. Ijodiyotning mohiyati falsafada o‘rganiladi. Dialektik materializm nuqtai nazaridan, «ijodiyot - kishining haqiqatning obektiv qonunlari asosida odam va odamzod maqsadi va ehtiyojiga muvofiq tabiiy va ijtimoiy dunyoni o‘zgartiruvchi faoliyatidir»[3]. Ijodiyot o‘zining takrorlanmaslik, asillik va ijtimoiy-tarixiy noyobligi tavsiflanadi. Ijodga qo‘yilgan vazifani amalga oshirish maqsadi bo‘lgan ixtirochilikday pragmatik qarash ham tuzish-qurishdek tuyuladi. Loyihalash ijodiy jarayon sifatida, ilhomlanish, hissiy cho‘kish, tafakkur va tasavvurning birgalikda ishlashi, ongning eng ko‘p o‘tkirlashuvi, qo‘yilgan maqsadga erishish yo‘llari va uning natijasi munavvarligi hamda eng yorqinligi kabi bosqichlarni bosib o‘tadi. Loyihalash muammolari tadqiqotchilari bu faoliyatning ijodiy turdaligi haqidagi fikrni quvvatlaydilar. P.Xill, ijodiyotni «fikrning ma’lumlar

chegarasidan tashqari tomonga muvaffaqiyatli uchishidir»[7], «loyihalay olish - bu bir vaqtda xam fan va xam san'atdir»[7] -deb umumlashtiradi, ya'ni ham ilmiy va ham amaliy ijodiyotning belgilariga egadir.

Shu nuqtai nazardan loyiha texnologiyasi – talabalarda o'ziga xos ijodiy amaliy ko'nikma va malakalarini shakllantiradi va rivojlantiradi, bu esa ta'lim va tarbiya berishning muvaffaqiyati va natijasini kafolatlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Avloniy A. Turkiy guliston yoxud axloq. - T.: O'qituvchi, 1992. 49 bet.
2. Громыкина Т.С. Проектирование как основа повышения коммуникативного образования студентов института искусств и культуры. www.jeducation.ru/3_2009/119.html
3. Дитрих Я. Проектирование и конструирование: Системный подход / Пер. с польск. - М.: Мир, 2001. 23 с.
4. Заир-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию. Дис. ... доктора пед. наук. - СПб, 1995. 40 с.
5. Реформы в сфере образования - стратегический интерес страны. www.edu.uz/modules/news/article.php.
6. Родионов А.С. Структурное моделирование как метод исследования учебно-познавательной деятельности школьников (на материалах физики, математики и трудового обучения). Дис. . канд. пед. наук. - М., 2007. 180 с.
7. Хилл П. Наука и искусство проектирования. Методы проектирования, научное обоснование решений / Пер. с англ. - М.: Мир, 2003. 54 с.

Д.Х.Абдуллаев – ТДИУ магистранти
Ш.К.Хасанов – ТДИУ магистранти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, СОҲАГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги инновацион ривожланиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини модернизация қилиш масалалари ўрганиб чиқилган. Шу жумладан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига етук малакали кадрларга бўлган эҳтиёж юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, соҳага рақобатбарбош кадрларни тайёрлаш ва уларнинг меҳнат салоҳиятини оширишга доир таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Модернизаялаш, кадрлар, малака, меҳнат салоҳияти, мотивация, рақобатбардош кадрлар, интеграция, меҳнат ресурслари ва бошқалар.

Аннотация: В этой статье рассматриваются проблемы модернизации сектора услуг в контексте современного инновационного развития и перехода к цифровой экономике. В частности, учитывая высокий спрос на высококвалифицированные кадры в сфере услуг, были даны предложения и рекомендации по развитию конкурентоспособных специалистов в отрасли и их трудового потенциала.

Ключевые слова: Модернизация, кадровое обеспечение, навыки, трудовой потенциал, мотивация, конкурентоспособное кадровое обеспечение, интеграция, трудовые ресурсы и др.

Abstpact: This article explores the challenges of modernizing the service sector in the context of current innovative development and the transition to a digital economy. In particular, given the high demand for highly qualified personnel in the service sector, suggestions and recommendations on the development and competitiveness of the industry's competitive human resources are presented.

Keywords: Modernization, staffing, skills, labor potential, motivation, competitive staffing, integration, labor resources and more.

Ҳар қандай жамият ривожланиши натижасида анъанавийликдан замонавийликка ўтади. Бу иқтисодий муаммолар гирдобидан чиқиш жараёнини ҳам англатади. Модернизация айнан жамиятни замонавийликка айлантиришнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам дунёда модернизация сиёсатини амалга оширмаган ёки амалга оширмаётган давлат деярли йўқ. Ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ҳам ҳар бир мамлакат иқтисодиётини модернизацияланишини талаб этади.

Президетимиз парламентга қилган ўз мурожаатномаларида «Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади» [1] дея таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшиланиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон мустақилликдан кейинги қисқа давр ичида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш бўйича бой тажрибага ҳам эришди. Буни мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уни ривожланиш борасидаги олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатда кўриш мумкин.

Жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнларнинг тезлашиши, глобаллашув фаолиятини кучайиши миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини такомиллаштириб бориш заруратини қўяди. Иқтисодчи олимлар А.Аузан, К.Келимбетовлар ҳам «....глобализация шароитида иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун модернизация ишларини амалга ошириш нафақат муҳим балки, ривожланишнинг зарурий шарти ҳисобланади[2]» -деб таъкидлашган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Тошкент. 24 январь, 2020 йил // e: www.parliament.gov.uz

[2] Аузан А., Келимбетов К. Социокультурная формула экономической модернизации. // Вопросы экономики 2012 г. No 5. С 38.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги бой тажриба шу соҳани модернизациялашда муҳим роль ўйнайди. Бу борада машҳур иқтисодчи олим А.Маддисон «The World economy: a millennial persperctive» номли асарида модернизация босқичига ўтиш қийинчилиги ҳақида тўхталиб, қуйидаги фикрни билдирган: «мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда ЯИМнинг аҳоли жон бошидаги ҳажмини ошириш муҳим аҳамият касб этишини, модернизация босқичига ижтимоий ларзаларсиз ўтиш ниҳоятда мушкул эканлигини, бунга фақатгина, иқтисодий ўсиш суръати юқори ва барқарор даражага эга бўлган мамлакатлар ўтиши мумкинлигини тушунтирган»[1].

Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш жараёни назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибани талаб этади ва у мамлакат тараққиёти учун янги бир давр ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизациялаш иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқларини модернизациялашдан кескин фарқ қилади. Масалан: қишлоқ хўжалигини модернизациялашда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш, ер ресурслари унумдорлигини ошириш, экологик мувозанатни сақлаш ёки соҳани экспорт салоҳиятини кескин кўтариш назарда тутилади. Саноат тармоқларини модернизацияси ҳам тикланмайдиган ресурсларидан имкон қадар самарали фойдаланишни назарда тутади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизацияланиши эса асосан қуйидаги имкониятларни яратиб беради: хизмат турларини кўпайтиради; хизматлар ҳажмини оширади; хизматларнинг сифатини яхшилайди; хизмат кўрсатиш тезлигини оширади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялашнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. У хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларида банд бўлган ходимларнинг қисқаришига олиб келса, айримларида эса аҳоли бандлигини таъминлайди. Масалан: тиббиёт соҳасидаги янги технологиялар бир вақтнинг ўзида беморнинг қон босимини, юрак урушини ҳамда қон таркибини аниқлаш имконини беради. Бунда бемор ўз хастилиги бўйича яна бошқа бир шифокор кўригидан ўтишга хожат қолмайди. Демакки, шу соҳадаги мутахассислар таркибида кадрлар қисқариши содир бўлади. Таълим соҳасида эса модернизация жараёнининг кучайиши янги иш ўринларини очиш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги модернизацияни яхлит бир кўринишда қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бандлик нуқтаи назардан қараш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизацияланиш жараёнида қуйидаги муаммолар келиб чиқади:

- хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ошириш муаммоси;

[1] Maddison A. The World Economy: A Millennial Persperctive. OECD. 2001.

- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоси.

Бунда модернизация меҳнат унумдорлигини оширсада, бироқ ушбу соҳада банд ходимларнинг янада кўпроқ хизмат кўрсатиш учун рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш муаммосини қўяди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ичидан энг мураккаби, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосидир. Ушбу муаммо меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётганларни иш билан таъминлаш муаммосидан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмасини ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш муаммоларидан анча қийин ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг малакавий кўникмаси ёки меҳнат унумдорлиги ЯИМ ҳажмининг камайишига ва сифатига таъсир этсада, мамлакат тараққиёти учун ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурслари эса ишсизлар сонини оширади. Хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларнинг малакасини оширишдир.

Меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларнинг хусусиятлари эса хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларининг хусусиятларидан бир мунча фарқ қилади. Масалан: юқори кўникма ва малака оширган ҳолатда меҳнат бозорига кириб келиш, янги хизмат турларини жорий этиш, сифатли хизмат кўрсатиш, соҳада банд бўлишга бўлган хоҳиш ва юқори мойилликка эга бўлиш ва ҳоказо.

Умуман, аҳолини иш билан таъминлашда юқорида айтиб ўтилган икки хил ёндашувлар мамлакат тараққиёти учун ишсизларни хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этишда муҳим роль ўйнайди ва қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига иш билан банд бўлишга бўлган талабнинг ортиши;
2. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини ортиши;
3. Хизмат кўрсатишнинг янги турларини вужудга келиши;
4. Хизмат кўрсатиш соҳасида унумли иш билан банд бўлиш имкониятининг пайдо бўлиши[1].

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш муаммолари ва уларнинг ечимларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосага келинди ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди: “илмий адабиётларда ва тадқиқот ишларида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси фақатгина меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни, айрим ҳолларда эса иқтисодиётдаги банд аҳолининг қисқариши оқибатида юзага келадиган ишсизларни бандлигини таъминлаш бўйича фикр мулоҳазалар юритилган”. Аммо хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини бандлигини таъминлаш

[1] Мардонов Б. // Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш муаммолари ва уларнинг ечимлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1. 2017 й. 13 5б.

бўйича аниқ, эътиборга молик ишлар амалга оширилмаган. Ҳатто, бу борада иқтисодий адабиётларда бирон –бир фикр ва мулоҳазалар юритилмаган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизацияланиш жараёнида аҳоли бандлиги кескинлашади. Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш натижасида юзага келадиган муаммони бартараф этишда «Соҳада банд бўлган ходимларнинг қисқариши» нуқтаи назаридан қарашни, аҳоли бандлигининг кескинлашишини олдини олиш учун эса қуйидаги икки хил ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилади:

Биринчиси, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш;

Иккинчиси, меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни иш билан таъминлаш.

Бугунги кескин рақобатчилик ва иқтисодий глобаллашув шароитида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг тайёргарлик сифати, уларнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар ўткир муаммога айланмоқда. Бунинг устига, мамлакатимиз таълим тизимида, хусусан олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг эришилган даражаси халқаро майдонда эътироф этилди деган фикр-мулоҳазалар билан чегараланиб қолмасдан, унинг сифат жиҳатларини янада ошириш йўлида тўхтаб қолмаслигимиз, бу борадаги ишларимизни янада янги босқичга кўтаришимиз лозимдир.

Мазкур масалалар бугунги кунда олий маълумотли кадрларга нисбатан меҳнат бозорида юзага келган вазият, халқаро глобаллашув жараёнлари кучайиши, савдо, сиёсий-иқтисодий, манавий-ижтимоий ва бошқа жараёнларнинг кескинлашиши натижасида инновацион иқтисодиётни барпо этиш йўлида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ва қилинаётган ишлар, мамлакатимиздаги улкан ислоҳотлар ва истиқболдаги режаларнинг натижасида ўта муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Кадрларга таълим бериш тизимини ташкил этишда инновацион ёндашув

РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ	
Объектив омиллар	Субъектив омиллар
Таълим олишни талабанинг кундалик эҳтиёжига айлантириш	Таълим беришни профессор-ўқитувчининг кундалик эҳтиёжига айлантириш
Ўқув услубий жараённинг холати	Ўз фанини чуқур билиши
Ахборот-коммуникацион	Замонавий педогогик маҳорат
Таълим-тарбия жараёни ҳолати	Таълим жараёнига инновацион ёндашув (ҳар бир дарсда бирор бир янгилик киритиш, ёки янгилик бериш)
Олий таълим муассасаси имижи	

Ҳозирда 32 та хизмат кзрсатиш ва бизнес соҳаларига кадрлар тайёрловчи турли муассасалар ва ташкилотлар хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг асосий вазифаси тадбиркорлик ва ишбилармон субъектларнинг фаолиятини

бошланғич босқичида ривожлантириш учун қулай муҳит бизнес-инкубация жараёнини ташкил қилиш, ахборот-маслаҳат тизимида юқори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини амлга оширишга ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш соҳасида ва кичик бизнесда эса малакали кадрларни тайёрлаш, касб-хунарга ўргатишга қаратилган қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этмоқда.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтиш миқёсида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқиш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун илмий ва техник соҳа ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларни юқори малакали мутахассисларини илғор таълим муассасаларида ўқитишнинг лозимлигидир.

2-жадвал

Меҳнат салоҳияти билан меҳнат фаоллиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик[1]

Меҳнат фаоллиги ва Меҳнат салоҳияти		
Умумий меҳнат қобилияти	Професионаллик, билимдонлик, касбий қобилиятлар	Ижтимоий-руҳий тайёрлик
Жисмоний маълумотлар	Маълумот даражаси	Ҳаётий қадриятлар тизимида меҳнат
Саломатлик ҳолати (жисмоний, руҳий)	Касбий билимлар	Шахс онги ва ижтимоий ваколартларининг даражаси
Ишлаш қобилияти	Меҳнат кўникмалар, тажриба	Шахсий ва ижтимоий хусусиятлар
Ёш	Тафаккур (иқтисодий, бошқарув)	Касбга ихтисослашиш ва мослашиш
Ҳаётий цикл босқичи, оиланинг ривожланиш босқичлари	Етакчилик	Меҳнат мотивацияси ва меҳнатга бўлган муносабат

Меҳнат фаоллиги – бу ходимг меҳнат салоҳиятининг амалга оширилиши борасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида ёлланма ходимнинг сифат тавсифи. Ушбу таркибий модель, унда ажратилган блоклар ва кўрсаткичлар шахс меҳнат салоҳиятининг ҳолати орқали меҳнат фаоллигига тайёрликни, яъни умумий меҳнат қобилиятини, касбий билимдонликни, меҳнат қилиш учун ижтимоий-руҳий установкани тавсифлайди.

Меҳнат фаоллиги мураккаб тузилишга ва турли томонларга эга. Унинг таркибини таркибий модель сифатида тасвирлаш мумкин. Унда инсонларнинг хатти-ҳаракат шакллари ва моделини ташкил қилувчи муайян ҳаракатлари ва қилиқлари фаолликнинг турли томонлари кесишувида ҳосил бўлиши кўрсатилган.

Кадрлар салоҳияти – меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти ва касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғимларида

[1] А.Б.Хайитов, Г.А.Адилова, Н.У.Арабов. Персонал мотивацияси. Маъруза матни, 2013. 59-б.

ва жамоатчилик ишлаб чиқаришда қатнашиш билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ва имкониятларини ифодалайди[1].

Кадрлар салоҳияти – микдорий тавсиф беришдан ташқари корхона персоналининг сифат тавсифи хам муҳим ахамиятга эга бўлиб, у корхона ходимларнинг мазкур ишлаб чиқаришга касбий ва малакавий жихатдан яроқлилик даражаси билан аниқланади. Бу ерда биринчи ўринга «мутахассислик», «касб», «малака», каби тушунчалар киради[2].

Корхоналарда ишчи кучи умуман кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, атроф-муҳит, аклий, жисмоний, ва асаблар кучланиши, бошқариш усуллари ва хоказолар. Айниқса меҳнат учун ижтимоий шаротлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Корхона персонали ёки кадрлар таркиби ва унинг ўзгариш маълум бир сифат, микдор ва тузилмавий тавсифларга эга бўлиб улардан фаолиятини режалаштириш ва ҳисобга олишда фойдаланилади. Ишчи кучи меҳнат фаолиятини тўхтатиши билан яна меҳнат ресурси тусини олади. Шу сабабли меҳнат ресурси меҳнат салоҳиятидан Ўз меҳнати билан ишлаб чиқаришда иштирок этиш имкониятига кўра фарқланади. «Меҳнат салоҳияти», «ишчи кучи», «меҳнат ресурслари» тушунчалари бир-биридан фарқ қилади.

Жамият муваффақияти, унинг бозор муносабатларини шаклланишида муҳим ўрин тутиши аниқ бир мақсадга йўналтирилган ходимлар билан олиб бориладиган ишга бевосита боғлиқдир. Бунинг учун жамиятда ҳар тарафлама пухта ишлаб чиқилган кадрлар сиёсатига амал қилиш зарур. Унинг ҳар бир қирраси ходимлар салоҳиятини оширишга тааллуқли муаммони ҳал қилади.

3-жадвал

Ишчининг меҳнат салоҳияти[3]

<table>
<tr><td colspan="3">Ишчининг меҳнат салоҳияти</td></tr>
<tr><td>Руҳий физиологик салоҳият – асаб тизимининг турлари, ишчанлиги, иродаси, соғлик даражаси, қобилияти ва меҳнатга бўлган муносабатлари</td><td>–</td><td>Ижтимоий-шахсий салоҳият – инсон эҳтиёжи иерархиясига қараб қизиқиши, қадриятлари, меҳнатга бўлган муносабатлар меъёри, ижтимоий етуклиги ва фуқоролик онги</td></tr>
<tr><td colspan="3">Касбий малака салоҳияти – умумий ва махсус билимнинг ҳажми, чуқурлиги ва турли даражадалиги,</td></tr>
</table>

Меҳнат салоҳияти ишчи кучининг сифат кўрсаткичлари йиғиндисини акс эттиради, яъни у бир ишчининг салоҳиятли имкониятларини рўёбга чиқариш шаклида инсон омилини фаоллаштириш ва амалиётда қўллашни таъминлашдан иборат. Ишлаб чиқаришнинг буюмлашган омилларида сифат кўрсаткичлари шахсни такомиллаштиради ва истеъмол неъматларини яратади. Ишчининг меҳнат салоҳияти доимий кўрсаткич сифатида эмас,

[1] А.Хайитов. «Инсон ресурсларини бошқариш» ўқув услубий мажмуа. Тошкент: Иқтисодиёт, 2018 йил 316.б
[2] Шаховой В.А., Шапиро С.А. Мотивация трудовой деятельности. Учебное пособие. - М.: ООО «Вершина», 2003.Стр. 247.
[3] “Персонал мотивацияси”ўқув услубий мажмуа. И.Садиқова, Ф.Назарова ва бошқалар. Тошкент: ЎзМУ нашриёти/ 2014й.70-б.

балки меҳнат жараёнида ривожланиб бориш хусусиятига эга. Мамлакатимиз олий таълим тизимида юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бу тизимнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур вазифанинг нечоғлик самарали ҳал этилиши мамлакатимизда амалга ошириб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятимиз ҳаётини тубдан қайта қуриш борасидаги мақсадларга эришишни таъминлашга ката таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки, амалиётдан маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарадорлиги бу борада белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар қилинадиган мутахассисларнинг касбий етуклигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Фикримизча, таълим ва амалиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлаш, кадрларни амалиётда ишлашга тайёрлаш, илм-фан ютуқларини таълимга кенг жорий қилиб бориш, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мустақил таълим ОТМда инновацион таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Шу билан бирга, жамиятда олий маълумотли мутахассисларнинг юқори нуфузини таъминлаш ҳам инновацион таълимни ривожлантиришдаги мақсадимиздир.

Демак, бугунги ижтимоий жамиятимизда кучли инновациялар юз бераётган бир шароитда чинакам лидерлик сифатларига эга бўлган раҳбарларни шакллантириш, улардаги қобилиятларни ривожлантириш ва жамият тараққиётига ҳиссасини қўшишига имкон яратишда менежмент фани доирасидаги янгиликлар, раҳбар-кадрларни стратегик бошқарувга тайёрлаш масалаларининг ўрганилиши энг долзарб муаммолардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аузан А., Келимбетов К. Социокультурная формула экономической модернизации. // Вопросы экономики 2012 г. No 5. С 38.
2. Maddison A. The World Economy: A Millennial Persperctive. OECD. 2001.
3. Мардонов Б. // Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш муаммолари ва уларнинг ечимлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1. 2017 й. 135б.
4. А. Хайитов. «Инсон ресурсларини бошқариш» ўқув услубий мажмуа. Тошкент: Иқтисодиёт, 2018 йил 316.б
5. Шаховой В.А., Шапиро С.А. Мотивация трудовой деятельности. Учебное пособие. - М.: ООО «Вершина», 2003.Стр. 247.
6. “Персонал мотивацияси”ўқув услубий мажмуа. И.Садиқова, Ф. Назарова ва бошқалар. Тошкент: ЎзМУ нашриёти/ 2014й.70-б.

VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

И.А. Усманов – доцент СамГАСИ, к.э.н.,
Ф.Ш.Усманов – студент группы ИК-219 СамИЭС

ФАКТОРЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Аннотация. Данная статья посвящена анализу основных факторов, обеспечивающих рост валового внутреннего продукта Республики Узбекистан. В ней исследуются количественные характеристики макроэкономических показателей за последние годы.

Ключевые слова: валовый внутренний продукт, инвестиции, конечное потребление.

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички махсулоти ўсишини таъминлаб берувчи асосий омилларнинг тахлилига бағишланган. Унда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг охирги йиллардаги миқдорлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ялпи ички махсулот, инвестициялар, якуний истеъмок

Abstract. This article is devoted to the analysis of the main factors ensuring the growth of the Gross Domestic Product of the Republic of Uzbekistan. It examines the quantitative characteristics of macroeconomic indicators in recent years.

Key words: Gross Domestic Product,investments, final consumption

Начало 2020 года ознаменовано значимым событием в истории нашей страны. 24 января Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев обратился к вновь избранному парламенту страны с Посланием, в котором определены стратегические задачи по дальнейшему развитию экономики и общества. «…наша главная задача заключается в обеспечении макроэкономической стабильности и сдерживании инфляции в процессе экономических реформ». [1] Результатом решения данной задачи является обеспечение высоких темпов экономического роста.

Экономический рост понимается как динамика увеличения производства товаров и услуг в стране, сопровождающаяся ростом доходов и повышением благосостояния населения. Экономический рост отражает количественные изменения в экономике государства и является частью экономического развития. Под экономическим развитием подразумевают рост объемов производства, научно-технический прогресс и повышение уровня и качества жизни населения.

Дальнейшее развитие экономики являются одним из важных направлений, определенных в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. В ней предусмотрены достижение

макроэкономической стабильности и устойчивых темпов роста экономики и ее отраслей, углубление структурных и институциональных преобразований, повышение конкурентоспособности производимой продукции за счет углубленной переработки минерально-сырьевых ресурсов, развитие потенциала регионов, районов и городов, интенсивное развитие сельского хозяйства. [2]

Важным показателем экономического роста является показатель величины валового внутреннего продукта (ВВП). Вместе с тем, более точным показателем уровня благосостояния и качества жизни выступает ВВП на душу населения. Для оценочно-сравнительного анализа представим данные Государственного комитета по статистике Республики Узбекистан показателей реального ВВП и ВВП на душу населения с 2012 по 2019 годы (таблица 1).

Таблица 1.

Динамика изменения показателя валового внутреннего продукта (ВВП) Республики Узбекистан.

Годы	ВВП государства (млрд.сум)	ВВП на душу населения (тыс.сум)	Годовые темпы роста ВВП, %	Темпы роста ВВП на душу населения, %
2019	511838.1	15242.0	105.6	103.6
2018	407514,5	12339,1	105,4	103.6
2017	302536,8	9340,8	106,0	102.7
2016	242495,5	7614,2	113,3	104.3
2015	210183,1	6715,4	111,1	105.6
2014	177153,9	5759,7	109,5	105.4
2013	144548,3	4779,5	108,3	105.9
2012	120242,0	4038,4	112,7	105.8

Данные таблицы свидетельствуют, что ВВП Узбекистана в 2018 году составил 407,5 трлн сумов и по сравнению с 2017 годом вырос на 5,4%, ВВП на душу населения составил 12,3 млн сумов и вырос на 3,3%. Наибольший вклад в прирост ВВП внесла промышленность, которая выросла на 10,6% относительно 2017 года. Положительная динамика в данной отрасли была обеспечена за счет роста добавленной стоимости горнодобывающей промышленности и разработки карьеров — на 28,2%, обрабатывающей промышленности — на 6,4%, других отраслей промышленности — на 4,7%.

По предварительным данным за январь – декабрь 2019 года ВВП республики составило 511,8 трлн.сум, Наибольший вклад в прирост ВВП внесли промышленность и строительство, а объем строительных работ, по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, вырос на 35,2%. Как отмечают эксперты, темпы экономического роста обусловлены положительной динамикой в основных отраслях экономики.

Современный этап развития экономики Узбекистана начался с 2016 года, когда был объявлен политический курс на ускоренное развитие

экономики и демократизацию всех сторон общественной жизни. Тогда, выступая на совместном заседании Олий Мажлиса 14 декабря 2016 года, Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил следующее: «Модернизация отраслей и регионов, повышение их конкурентоспособности, развитие экспортного потенциала всегда будут находиться в центре нашего внимания. Для этого надо еще более активно привлекать во все сферы иностранные инвестиции, передовые технологии, в том числе информационно-коммуникационные. Именно на этой основе мы сможем достичь увеличения до 2030 года объема валового внутреннего продукта более чем в 2 раза. Чтобы добиться такого роста ВВП, достаточно обеспечить среднегодовые темпы прироста на уровне 4,8%». [3]

Теоретические исследования эффективности факторов экономического роста, с учетом количественных и качественных показателей, выявили, что повышение их эффективности связано с уровнем занятости, увеличением объёма основного капитала, ростом доли сбережения, эффективным распределением ресурсов. Они, в свою очередь, повышают качественную характеристику интегрального показателя, который выражает эффективность факторов роста экономики в стране, такие как эффективность труда, капиталоотдача, капиталоёмкость, материалоёмкость и энергоёмкость реального сектора экономики, объем экспорта, уровень конкурентоспособности производства. Кроме этого, повышение факторов экономического роста также связывают со стабильным развитием политической, социальной и экологической систем.

На современном этапе развития Узбекистана повышение эффективности экономического роста можно достичь, во-первых, увеличив объем капитала в соответствии с изменением численности трудовых ресурсов, а во-вторых – повысив возможности эффективного использования человеческих ресурсов.

В первом случае целесообразно повышение объёма инвестиций в экономику и эффективности их использования, определение новых источников инвестиций и вложения их в реальный сектор. Анализ показывает, что в 2012–2019 гг. объём инвестиций в основной капитал стабильно рос и к 2019 г. составил 37,1% от общего размера ВВП государства. Можно заметить что доля инвестиций в ВВП в 2019 году увеличилось более чем на 7% относительно 2018 года (Таблица 2).

Таблица 2.

Динамика изменения объемов инвестиций в экономику Республики Узбекистан в 2012-2019 гг.

Годы	Инвестиции в основной капитал (млрд. сум)	ВВП государства (млрд.сум)	Доля инвестиций в ВВП (в процентах)
2019	189924,3	511838.1	37,11
2018	124231,3	407514,5	30,48
2017	72155,2	302536,8	23,85

2016	51232,0	242495,5	21,12
2015	44810,4	210183,1	21,31
2014	37646,2	177153,9	21,25
2013	30490,1	144548,3	21,09
2012	24455,3	120242,0	20,33

Необходимо отметить, что на объем инвестиций в основной капитал непосредственное влияние оказывает уровень национального сбережения, который по данным Центрального Банка Республики Узбекистан на январь – июнь 2019 г. составил 10,2 млрд. долл, средняя сумма сбережений на душу населения составляет расчетно 1134 доллара. В свою очередь, на уровень сбережений большоё влияние оказывают инфляционные ожидания населения. Переход центрального банка на инфляционное таргетирование явилось толчком для реального снижения инфляции и увеличения сбережений.

Для повышения отдачи человеческого капитала необходимо обратить особое внимание на обеспечение непрерывного повышения квалификации трудовых ресурсов, развитие инновационной деятельности, модернизацию национальной экономики на основе использования новых современных технологий. Как отмечается в Послании Президента «…нам прежде всего необходимо воспитать кадры новой формации, выступающие инициаторами реформ, обладающие стратегическим видением, глубокими знаниями и высокой квалификацией». [1] Для этого необходимо направить инвестиции в науку и инновации и обеспечить и эффективность.

Одним из важнейших элементов валового внутреннего продукта являются расходы на конечное потребление домашних хозяйств. Именно они занимают наибольший удельный вес в ВВП страны (55% за 2018 год) и обеспечивают его прирост среди других составляющих элементов, тем самым влияя на экономический рост (таблица 3). Расходы на конечное потребление домашних хозяйств состоят из расходов на конечное потребление, государственных расходов на конечное потребление и расходов на конечное потребление некоммерческих организаций, обслуживающих домашние хозяйства.

Таблица 3.

Динамика изменения расходов на конечное потребление домашних хозяйств в 2012-2018 гг.

Годы	Расходы на конечное потребление домашних хозяйств (млрд.сум)	Темп роста (%)
2018	223635,1	125,2
2017	178585,6	118,5
2016	150644,0	118,3
2015	127249,2	121,2
2014	104930,1	122,7
2013	85485,3	125,1
2012	68298,8	127,5

Как показывают данные таблицы 3, темпы роста расходов на конечное потребление домашних хозяйств имеют положительную динамику за весь анализируемый период. Особо отметим рост конечного потребления в 2018 году. Не меньший темп роста показателя можно прогнозировать и по результатам 2019 года.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что проводимые реформы в экономической сфере обеспечивают устойчивые темпы роста ВВП страны на среднесрочный период. Вместе с тем, дальнейший экономический рост требует проведения активной инвестиционной политики, развития человеческого потенциала, а также совершенствования государственного регулирования в сфере повышения качества жизни населения.

Список использованной литературы:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 24 января 2020 года.
2. Стратегия действий по дальнейшему развитию Узбекистана в 2017-2021 годы. Указ Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года.
3. Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева, посвященный итогам 2016 года и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Источник: http://fundamental-economic.uz/article.
4. Официальный сайт Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике. Ежеквартальные доклады и пресс-релизы. www.stat.uz

Э.А.Муминова – доцент кафедры “Экономика” Ферганский политехнический институт

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “БЛОКЧЕЙН” ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОХАЛАРИДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада иқтисодиёнинг тармоқ ва сохаларида айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари кўрилган. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида амалиётида жорий қилинган блокчейн дастурлари келтирилган. Блокчейн технологиясини қўллаш мумкин бўлган тармоқ ва соҳалар келтирилган бўлиб, улардан кутилаётган натижалар ёритилган.

Калит сўзлар: блокчейн технологияси, сунъий ақл, молиявий хизмат, ақилли хукумат, соғлиқни сақлаш, крипто – активлар.

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы развития цифровой экономики в отраслях и сферах экономики, в частности в сфере обслуживания. В том числе приведены программы используемые на практике с использованием технологии блокчейн в сфере обслуживания. Приведены отрасли и сферы, в которых возможно использование технологии блокчейн и освещены ожидаемые результаты их внедрения.

Ключевые слова: технология блокчейн, искусственный интеллект, финансовые услуги, умное провительство, здравоохронения, крипто-активы.

Abstract: The article discusses the development of the digital economy in industries and sectors of the economy, in particular in the service sector. Including the programs used in practice using blockchain technology in the service sector. The industries and areas in which the use of blockchain technology is possible and the expected results of their implementation are highlighted.

Keywords: blockchain technology, artificial intelligence, financial services, smart government, healthcare, crypto assets.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитида электрон ҳужжат айланиши тизимларини жорий этиш, электрон тўловларни ривожлантириш ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш рақамли иқтисодиётнинг асосий омиллари сифатида кўрилади. Жумладан, иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимиз томонидан 2020 йил “Илм-маърифат ва рқамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилинганлиги бунинг яққол кўринишидир.

2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ: лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қилиб белгиланди; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида самарали корпоратив молиявий бошқарувни ташкил этиш, самарали молиявий режалаштиришларни амалга ошириш жараёнида крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, «блокчейн» технологияларидан фойдаланиш амалиётини жорий қилиш; корпоратив молиявий бошқарувни амалга оширишда "блокчейн" технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш; хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари бўлиб ҳисобланмаслик масалалари белгиланди.

«Блокчейн» технологиялари (маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиялари), «сунъий ақл», суперкомпьютерлар имкониятларидан фойдаланиш, шунингдек, крипто-активлар бўйича фаолият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларидан бири ҳисобланади. «Блокчейн» технологиялари нафақат иқтисодиётнинг кўплаб секторларига, балки давлат бошқаруви тизимига балки хизмат кўрсатиш соҳаларига ва бошқа жамоатчилик муносабатларига аста-секин жорий этилмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш мамлакат иқтисодиётининг имкониятларини кенгайтиришга, ундаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик муаммоларни тез ва арзон ҳал қилиш имкониятини яратади. Мазкур жараёнда йирик катта миқдордаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларни қайта ишлаш, турли даражадаги платформалардаги транзакциялар алмашинуви тезлигини ошириб, қўшилган қиймат яратилиш занжирларини трансформациялашувига олиб келади. Айнан иқтисодиётни рақамлаштириш орқали

жамиятдаги мавжуд барча платформани қамраб олган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларига, иқтисодиётда яратилаётган қўшилган қийматлиликка, бандлик муаммосига, даромадлилик даражасига, харажатларни оптималлаштиришга ҳамда савдо сотиқни тезлаштиришга таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётни глобаллашув жараёнида йиғилиб бориладиган кенг ҳажмли маълумотлар базаси, уларни сақлаш, қайта ишлаш, улар хавфсизлигини таъминлаш муаммолари юзага келиб боради. Бу борада блокчейн технологияси қатор қулайликларга эга бўлиб, булутли сақлаш платформалари, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси, ақллишартномалар каби платформаларнинг ишлатилиши натижасида катта ҳажмда йиғилган маълумотлар базасини сақлаш, қайта ишлаш ва улар хавфсизлик чораларини кўриш имконияти юзага келади.

Тармоқлар доирасида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали барча фойдаланувчилар ва учинчи томонлар ўртасида маълумот алмашинув доирасининг кенгайиши, алмашинув вақтининг тезлашиши, жараёнларнинг соддалашиши, тақсимот вазифаларининг аниқ белгилаб олиниши, йиғилган маълумотлар базасига таянган ҳолда молиявий режалаштириш юзасидан қарорларни асосли қабул қилиниши, келгуси даврларга мўлжалланган прогнозларни ишлаб чиқилишига хизмат қилувчи дастурий таъминотлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

1-жадвал

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида амалиётида жорий қилинган блокчейн дастурлари

Молиявий хизмат турлари	Активлар бошқаруви, суғурта даъволарини амалга ошириш, трансзакцион тўловларни бошқариш
Smart Property (Мулкий уносабатлар)	Нақд ва нақдсиз тлов тизимларини амалга ошириш, SmartCar, Smartphone
Smart Government (ақлли ҳукумат)	Электрон паспорт тизими, туғилганлик, никоҳ гувоҳномалари, шахсни идентификациялаш, смарт коммунал хизматлар, ақлли ҳамжамият, ақилли шаҳар, ақилли боғча, ақилли мактаб лойиҳалари
IoT Smart Health Care (IoT Smart соғлиқни сақлаш)	Ақлли жиҳозлар, таъминот - занжирли сенсорлар, шахсий соғлиқни сақлаш, ёзувларни сақлаш, электрон архив, ақилли медицина, ақилли суғурта

Ривожланаётган технология сифатида, блокчейн турли соҳалар ва доменларда узилиш қобилияти туфайли аниқ ривожланиб боради. Ушбу технология контсептсияни исботлайдиган кўпроқ амалий ҳаракатлар билан ўзини тасдиқлаши кутилмоқда. Бузғунчиликни аниқлаш соҳасида блокчейн технологияси ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бизнингча бугунги Ўзбекистон иқтисодиётининг қўйидаги тармоқ ва соҳаларида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали миллий иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнини тезлаштиришга, шаффофликни таъминлашга, коррупцион схемаларни бартараф этишга, хуфиёна иқтисодиётни барҳам беришга хизмат қилган бўлар эди:

- Микро ва макро даражадаги молия тизимида;

- Суғурталаш тизимида блокчейндан фойдалашин;
- Давлат бошқарув тизимида;
- Электрон тижоратлаштириш жараёнида;
- Саноат соҳасига блокчейн технологиясини тадбиқ этиш;
- Логистика жараёнига тадбиқ этилиши;
- Интеллектуаль мулкни ҳисобга олиш жараёнида;
- Таълим тизимига блокчейн технологиясини жорий этиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимида.

Тармоққа таълуқли бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш орқали жараёнлар ва қонуниятлар шаффофлигини таъминлашга эришилади, шунингдек келгуси даврга мўлжалланган илмий асосланган прогнозларни юқори аниқликда қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари катта ҳажмда йиғилган тармоққа таълуқли маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда турли даражадаги критик таҳлилларни амалга ошириш, рақобат бозоридаги контрагентлар билан ишлашга доир илмий асосланган прогнозларни юқори даражадаги аниқлик билан башоратлаш, шунингдек, барча таъсир омиллар ҳисобини математик аналитик башоратлаш усуллари орқали келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан аниқлаш уларни бартараф этиш юзасидан қарорларни қабул қилиш имконияти яратилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакат инвестицион муҳитини ривожлантиришда иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни муҳим аҳамият касб этиб, бу борада интернет ресурсларга бўлган талабнинг қондирилиш даражаси таъсири юқори бўлиб, ижобий томонлари билан бир қаторда, бугунги кунда қатор муаммоли вазиятлар бўйича чора тадбирларни ҳам ишлаб чиқишни талаб этади. Жумладан:

Биринчидан, иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш юзасидан тегишли чора тадбирларни амалга ошириш;

Иккинчидан, интернет тармоғининг узлуксизлигини таъминлашда электр энергетика таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, альтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш, шунингдек, арзон энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг турли тармоқларини рақамлаштириш жараёнида юқори квалификацияга эга бўлган мутахассисларни кадрлар бозарига етказиб берувчи таълимнинг узлуксиз такомиллашиб борувчи махсус рақамлаштирилган платформасини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий иқтисодий чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

Тўртинчидан, мамлакатимиз миқёсида фаолият юритаётган алоқа операторлари томонидан кўрсатилаётган интернет хизматлари пакетларининг доимий мониторингини амалга ошириш ҳамда таклиф этилаётган интернет пакетлари таннархини пасайтириб бориш юзасидан алоқа компаниялари фаолияти назоратини кучайтириш юзасидан чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

L.N.Khalikova – Associate Professor of the Department of Vocational Education SamIES,
B.Yuldashev – student of SamIES

CHALLENGES TO IMPROVE THE DIGITAL ECONOMY IN UZBEKISTAN

Abstpact: In modern times, information technology is developing at a very fast pace. There is no area where modern digital technologies are not used. Around the world, including Uzbekistan, the transition to a digital economy is taking place at a rapid pace. One of the main indicators of the country's development is the formation of the digital economy and e-government. To achieve this, it is considered important the possibility of widespread use in all sectors of modern communications, the Internet and mobile Internet communications. The digital economy and modern information technologies create a lot of opportunities to increase the competitiveness of our country in the world market.

Keywords: digital economy, digital technologies, e-government, information technology, Internet communications.

Annotasiya: Hozirgi vaqtda axborot texnologiyalari juda ham tez suratlarda rivojlanib bormoqda.Biror bir soha yo‘qki zamonaviy axborot texnologiyalari kirib bormagan bo‘lsa.Butun dunyoda, jumladan O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyotga o‘tish jadal suratlar bilan olib borilmoqda.Raqamliiqtisodiyotni va electron hukumatni shakllanganligi mamlakatni rivojlanganligining asosiy ko‘rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Bunga erishish uchun zamonaviy aloqavo sitalaridan, internet aloqa, mobil internet aloqa imkoniyatlaridan barcha tarmoqlarda keng foydalanish muhum xisoblanadi. Mamlakatimizni jahon bozoridagi raqobatbardoshligini oshirishda raqamli iqtisodiyot va zamonaviy axborot texnologiyalar juda ko‘plab imkoniyat eshiklarini ochadi.

Kalit so‘zlar: raqmli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, electron hukumat, axborot texnologiyalar, internet aloqa.

Аннотация: В современных условиях информационные технологии развиваются очень быстрыми темпами. Нет ни одной сфере, где не используются современные цифровые технологии. Во всем мире, в том числе и в Узбекистане высокими темпами происходит переход к цифровой экономике. Одним из основных показателей развития страны является формирование цифровой экономики и электронного правительства. Для достижения этого считается важным возможность широкого использования во всех отраслях современных средств связи, интернет и мобильной интернет связи. Цифровая экономика и современные информационные технологии создают очень много возможностей для повышения конкурентоспособности нашей страны на мировом рынке.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, электронное правительство, информационные технологии, интернет-коммуникации.

Well-known Swedish economist and Nobel laureate Gunnar Mьrdal wrote in his 1968 book "The Asian Tragedy" that he had a deep analysis of the developing economies. not the lack of capital, but the lack of highly qualified specialists.

The increasing role of modern information technology in the development of economic relations, in the production of goods and services has led to competition among states and manufacturers around the world. Formation of digital economy is

becoming a priority in economically developed countries, including the USA, Great Britain, Germany, Japan, etc.

In most developed countries, the National Strategic Program for Digital Economy and Society is adopted. For example, the German Strategy for Digital Development (Digital Strategy 2025) and other European Union countries (Digital Agenda for Europe).

The Republic of Uzbekistan also adopted the program "Digital Economy 2030". In particular, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № PP-3832 dated 03.07.2018 "On measures for the development of digital economy in the Republic of Uzbekistan", "Further modernization of the infrastructure for the development of digital economy" Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for introduction of digital economy, e-government and information systems in public administration of the Republic of Uzbekistan" dated 13.12.2018 ".

Formation of digital economy and e-government is one of the main indicators of development of the country. To achieve this it is necessary to use modern means of communication, Internet and mobile Internet in all spheres. But to manage any high-tech, you need experts who can make the most of it.

In our country, specialists in digital economics are being trained to solve human resource problems. In the 2019-2020 academic year at the Samarkand State University, a Master's degree program in digital economics is in place. Doctor of Philosophy (PHD) and Doctor of Science (Doctor of Science - DSC) have been established at the Higher School of Business and Management of the Republic - Institute for training scientific and scientific-pedagogical personnel on the specialty "Digital economy and international digital integration". According to the decision of the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated August 30, 2019, the passport, the composition of the Scientific Council and the Workshop of the Council were approved [3. (Article dated 06.09.2019]]. .

But this is not enough to build the knowledge and skills of the digital economy and e-government for the entire population of the country, so it is important to create short-term courses in the form of business trainings and online lessons. without the knowledge.

Another important issue is that all segments of the population, tourists, legal entities, individuals, and all members of the public have access to high-quality and affordable Internet access, mobile Internet access to take full advantage of the digital economy and e-government services. In the mountainous, steppe and remote areas of the country, access to mobile Internet services opens up many opportunities. Internet speed is very important in the search, transmission and reception of information. . This is particularly important when it comes to internet trading or stock trading, video conferencing and online conversations. Because in modern society, information is the most important. To sum up, digital economics and modern information technology are opening up a lot of opportunities to enhance our country's competitiveness on the world market, as we have already

seen. Effective use of all opportunities will increase the national wealth of the country and contribute to the prosperity of our people.

The list of references used

1. Higher School of Economics - National Research University
Reported with the World Bank - Moscow - 9-12 April.
2. "History of Economic Education" Asatullayev X, Djumonov D, Allabergenova Z, Husanova D. Tashkent -2014.
Internet sites
3.https: //Kun.uz
4. https://Lex.uz
5. https://Uza.uz

М.М.Паязов – Фарғона политехника институти доценти, и.ф.н.,
Ш.И.Комилжанов – Фарғона политехника институти, Менежмент йуналиши талабаси

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА 2019 – ЙИЛ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

Аннотация. Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий йўналишларидан ҳисобланган ҳизматлар соҳасида аҳолининг 50 % дан кўп қисми фаолият олиб боради ва шу билан бирга истеъмолчиси ҳамдир. Шу сабабли соҳани тез фурсатда рақамлаштириш ва 2020 – йил 24 январдаги Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаларини бажариш талаб этилади.

Калит сўзлар. Иқтисодиёт, хизматлар соҳаси, инновацион технология, рақамли иқтисодиёт, анъанавий хизматлар, молиявий ресурслар, инвестициялар

Аннотация. Сфере услуг является одним из ключевых секторов экономики Ўзбекистана, более 50% населения заняты в сфере обслуживания и это также его потребители. Поэтому необходимо ускорить цифровизацию в этом отрасли и выполнять задачи перейти к цифровой экономике, как об этом говорится в Послании Президента Мирзоеву от 24 мая 2020 года к Олий Мажилису.

Ключевые слова. Экономика, услуги, инновационные технологии, цифровая экономика, традиционные услуги, финансовые ресурсы, инвестиции

Abstract. The service sector is one of the key sectors of the economy of Uzbekistan, more than 50% of the population is engaged in the service sector, and these are also its consumers. Therefore, it is necessary to accelerate digitalization in this industry and fulfill the tasks of moving to the digital economy, as stated in the Address of President Mirzoyev from May 24, 2020 to the Oliy Majilis.

Key words. Economics, services, innovative technologies, digital economy, traditional services, financial resources, investments

Бутун дунёда иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим қонуниятларидан бири, иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги ва миллий иқтисодиётда хизматларнинг роли тобора ортиб бораётган ҳисобланади, бу хизматлар

соҳасида фойдаланиладиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар улушининг ортиши билан изоҳланади.

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан хизматлар соҳасининг муайян ривожланиши юз беради. Бу ерда, хусусан, соҳада иш билан бандликнинг ошиши, меҳнатни техник жиҳозланишининг ўсиши, илғор технологияларнинг жорий этилиши кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорни кунлик ва шахсий талабдан келиб чиқган ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир.

Иқтисодий соҳада хизматлар соҳасининг ўсиши бозор шароитидаги, кўрсатилган хизматлар учун тўловни қабул қилиш тезлиги ва материал сарфининг камлиги, бу қўшилган қийматнинг ошиши ва пировардида ялпи ички маҳсулотнинг ошишига олиб келадиган муҳим омиллар билан боғлиқдир.

Буларнинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, суғурта ва бошқа хизмат турларисиз амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, хизматлар товарлар савдосининг ажралмас қисми ҳисобланади (айниқса техник жиҳатдан мураккаб), чунки товарларни сотиш асосан сотиш вақтида кўрсатилаётган хизматлардан ва сотишдан кейинги хизматлардан иборат ривожланаётган тармоқни талаб қилади.

Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига республикада 386,0 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 253 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,0 % га ошди.[1]

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши сезиларли даражада салмоғлидир. Шундай қилиб, 2019 йил 1 октябрь ҳолатига, у 65,7 % ни ташкил этди.

Таққослаш учун: кузатилган даврда саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши - 17,8 %, қурилиш - 9,2 % га этди ва атига 7,3 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар улуши (37,6 %) юқоридир. Бунинг сабаби ушбу фаолиятнинг юқори даромадлилиги ва кетган харажатларни тез қоплай олишида.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларни кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 9,7 % га тенг.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар умумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 6,0 % га етди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши 3,1 % ни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,0 % ни ташкил этди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳасида янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотлар сони (47,0 минг бирлик) ўтган йилга нисбатан 22,2 минг бирликга кўпайди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан савдо фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг ўсиши 3,2 баравар ёки 19,2 минг бирликга кўпайди.

Шу билан бирга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар орасида ўсиш кузатилмоқда. Уларнинг сони 2,5 минг бирликга кўпайди ва 5,4 минг бирликга тенг бўлди.

Шу билан бирга, бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган корхоналар ва ташкилотларнинг камайиши қайд этилди. Уларнинг сони 0,8 минг бирликга камайди ва 8,8 минг бирлик даражасида қайд этилди.

Инновацион технологияларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 135 572,0 млрд. сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 27 263,0 млрд. сўмга ошди. Таққослама эквивалентда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 12,7 % ни ташкил этди.[1]

Инновацион технологияларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 135 572,0 млрд. сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 27 263,0 млрд. сўмга ошди. Таққослама эквивалентда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 12,7 % ни ташкил этди.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти - мамлакатнинг иқтисодий ўсишининг муҳим элементидир. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳити учун барча шароитлар яратилмоқда, хорижий сармоядорлар учун кенг қамровли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими амал қилмоқда ва такомиллашти-

рилмоқда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши умумий инвестиция ҳажмининг 25,2 % ни ташкил этди ва 33 685,3 млрд. сўмга тенг бўлди.

Хизматлар соҳасининг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида транспорт ва сақлаш (22,0 %), савдо (13,0 %), таълим (11,5 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (8,9 %) улуши, шунингдек, ахборот ва алоқа (6,4 %) устунлик қилади.[1]

Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлиги 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб бердию. Унга кўра хизматлар соҳасини ҳам ўрни бўлиб, бу соҳани рақамли иқтисодиёт орқали ривожлантириш орқали мамлакатда инфляция ва ишсизлик каби маркоиқтисодий кўрсаткичларни тартибга солиш назарда тутилган.

2020-2022 йилларда **хизматлар соҳасининг** ўсиш суръатларини 5,7-6,2 фоизга қуйидагилар ҳисобига ошириш прогноз қилинмоқда:

- хизмат кўрсатиш корхоналарининг савдо, маданий ва оммавий объектлар ва йирик транспорт магистраллари яқинида жойлашиши;
- инсон салоҳиятини ривожлантириш учун тенг имкониятларни таъминлайдиган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш;
- соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали алоқа ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш;
- рақамли иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш;
- йўл қурилиши, пуллик йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт ва логистика марказларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш;
- республиканинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш;
- кенг турдаги савдо хизматларини тақдим этиш билан замонавий савдо тизимларини кенгайтириш йўли орқали савдо соҳасида рақобат муҳитининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш. [2]

Шундай қилиб, мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан рақобатлашар экан. У доимо замон билан бирга юрмоғи керак, бунинг учун “2020 - йил Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш “ йилида тўлалигича хизматлар соҳасини рақамлаштириш аҳолига қулай ва сифатли хизматлар таклиф этишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2019- йил 1-октябр ҳолатига макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, 2019.09 – 20 bet
2. Ўзбекистон Респуьликаси Молия Вазирининг 2020-2022- йилларга мўлжалланган бюджет прогнози ,2020 – 12 bet

Д.Худайберганов – УрДУ, Туризм кафедраси мудири, и.ф.н.
Ф.Юсупова – УрДУ, Меҳмонхона хўжалигини бошқариш кафедраси ўқитувчиси

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим фикрлар баён этилган ва уни келажакда кенг тараққий қилдириш ва амалга ошириш бўйича устувор йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар. Рақамли иқтисодиёт, инвестиция, ахборот технологиялари, электрон ҳужжат, IT-парк, платформа, корпоратив тармоқ, электрон тадбиркорлик.

Аннотация. В данной статье освещаются ключевые моменты развития цифровой экономики в Узбекистане и намечаются приоритеты для ее дальнейшего развития и внедрения в будущем.

Ключевые слова. Цифровая экономика, инвестиции, информационные технологии, электронная документация, IT-парк, платформа, корпоративная сеть, электронный бизнес.

Abstract. This article highlights key points in the development of digital economy in Uzbekistan and outlines priorities for its further development and implementation in the future.

Keywords. Digital Economy, Investment, Information Technology, Electronic Documentary, IT Park, Platform, Corporate Network, Electron Business.

Биламизки, давлат бошқаруви тузилмаларини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, қулай инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори[1] қабул қилинди. Кейинчалик, рақамли иқтисодиётга ўтиш ва мазкур тизимли иқтисодиётни ривожлантириш асосий устувор вазифа бўлиб қаралди. Чунки, юқори тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини чуқур эгаллаш лозим. Бу орқали иқтисодий юксалишга эришиш мумкин. Бунинг учун аввало барча соҳаларга ахборот технологияларини қўллаш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида республикамизнинг “Халқаро ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8-поғонага кўтарилганлиги айтиб ўтилган. Бу поғонани янада кўтариш учун барча вазир ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан самарали фойдаланишлари лозим. Ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун инфратузилма, маблағ ва меҳнат ресурслари талаб қилинади. Шу боисдан ҳам, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилда тўлиқ амалга оширилади ва давлат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирига айланади.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом қилдириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва таклифи билан 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб номланди. Мазкур 2020 йил рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш йили бўлади.

Бу борада иқтисодиётнинг рақамли секторини шакллантириш ва самарали ривожлантириш борасида давлат томонидан муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Шунга асосан, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилиб, электрон тўловлар ривожланади ва электрон тижорат соҳасида норматив-ҳуқуқий база яратилади. Хусусан, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган "IT-парк" ташкил этилади. Бундан асосий мақсад ҳар бир иқтисодий фаолиятни электрон кўринишда амалга ошириш ва унинг статистик маълумотларни электрон ва онлайн кўриш имконига эга бўлишдир.

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими ҳисобланади. Бу тушунча интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деб ҳам аталади. "Рақамли иқтисодиёт" атамасини биринчи бўлиб, 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте амалиётга киритган. Шундан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган бошқача иқтисодиёт эмас, балки янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделларини яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш сифатида талқин қилинади.

Рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириши билан бирга ортиқча харажатларни ҳам камайтиришга хизмат қилади. Жумладан, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада рақамли технологияларни кенг жорий қилиб, натижадорликни ошириш, кишилар турмушини яхшилашга имкон беради. Рақамли иқтисодиётнинг белгилари қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши билан ажралиб туради:

- юқори даражадаги автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотларнинг электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг қулайликлари сифатида қуйидаги вазифаларни айтиш мумкин:

- тўловлар учун ҳаражатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўл

кира ва бошқа ресурслар тежаб қолинади);

- товар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

- рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари кенгаяди;

- фидбек (истеъмолчи фикри) ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади;

- унинг тезроқ, сифатлироқ ва қулайроқ тамойили ёрқин намоён бўлади.

Ана шуларни эътиборга олган ҳолда республикамиз минтақаларида рақамли иқтисодиётга ўтиш амалга оширилиб бошланди ва бу иқтисодиёт ахборот технологиялари платформаларида фаолият кўрсатади. Унинг самарали ишлаши ўз навбатида платформанинг янги моделларини яратишни тақозо этади.

Аввало, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ўз навбатида алоқа, ахборотлаштириш, консальтинг ва баҳолаш хизматларини кўрсатиш асосида таъминланади. Жумладан, 2018 йилда мазкур хизматлардан баҳолаш хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият кўрсатган ва уларнинг умумий улуши 100 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 6 фоизга тенг бўлган.

Мазкур баҳолаш хизматларининг ривожланиши рақамли иқтисодиёт таркибида бўлиб, у ўз ичига молиявий, банк ва тижорат операцияларини холис амалга ошириш, гаров таъминотининг объектив базасини яратиш ҳамда давлат мулкини хусусийлаштиришни самарали ва тўғри амалга ошириш хизматларини олади. Бундай кўринишдаги ишларни самарали амалга ошириш натижасида ҳар бир корхона ва ташкилотлар ўртасида шартномани расмийлаштириш ва ижро учун узатиш, фармойишларни тайёрлаш ва ижро этиш ҳамда бизнес фаолиятини баҳолаш бўйича хизмат кўрсатиш жараёни онлайн ва электрон кўринишда бўлишини таъминланади. Ана шуларга мувофиқ, республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади ҳамда мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш орқали келажакда рақамли иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга эришилади:

- электрон тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини қўллаш учун активлар айланмаси соҳасидаги иқтисодий фаолиятни жорий этиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда интеллектуал амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш;

- ахборот технологияларига ихтисослашган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама янада ривожлантириш;

- хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларини жорий қилиш учун зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

- рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоя, технология ва ишланмаларни жорий этиш ҳамда давлат органлари ва

тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Умуман олганда, республикамизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида электрон тижорат ва иқтисодий фаолиятни самарали амалга ошириш ҳамда уни ривожлантириш электрон тўлов айланишларини ташкил қилиш, электрон ҳисоботнинг тўғри юритилишига имкон беради. Натижада, минтақанинг ташқи иқтисодий алоқалари таъминланади ва экспорт-импорт муносабатларининг самарали амалга оширилишига ҳам эришилади.

Л.А.Насирова – Г.В.Плеханов номли Россия иқтисодиёт университети “Меҳнат иқтисодиёти ва бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: мақолада рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишидаги блокчейн, рақамли платформа, рақамли маълумотлар, телекоммуникация инфратузилмалари каби қатор унсурлари кўрсатилган. Рақамли иқтисодиётга оид республикамиздаги ўзгаришлар кўриб чиқилган. Рақамли иқтисодиётнинг меҳнат бозорига таъсири натижаси кадрларга бўлган талабнинг ўзгариши тенденциялари кўрилган. Инсон капиталини ўсишини секинлантирувчи қатор тўсиқлар кўрсатилган ва уларни бартараф этишга оид таклифлар берилган.

Калит сўзлар. рақамли иқтисодиёт, блокчейн, рақамли маълумотлар, Рақамли платформа, телекоммуникация инфратузилмаси.

Аннотация: в статье приведены элементы формирования и развития цифровой экономики, а именно блокчейн, цифровая платформа, цифровые данные, телекоммуникационная инфраструктура. Рассмотрены преобразования в цифровой экономики Республики, а также последствия воздействий цифровой экономики на рынок труда и ее влияние на изменение спроса на кадры. Проанализированы барьеры, замедляющие темпы роста человеческого капитала и даны предложения по их устранению.

Ключевые слова: цифровая экономика, блокчейн, цифровые данные, цифровая платформа, телекоммуникационная инфраструктура.

Abstpact: The article describes the elements of the formation and development of the digital economy, such as the blockchain, digital data, digital information, telecommunication infrastructure. Transformations in the digital economy of the Republic are viewed in the article, as well as the consequences of the digital economy effects on the labor market and its impact on changes in demand for personnel are. Barriers slowing down the growth rate of human capital are analyzed and proposals for their elimination are given there.

Key words: digital economy, blockchain, digital data, digital platform, telecommunication infrastructure.

Кейинги йилларда илғор технологиялар ва инновацияларнинг ўсиб бораётганлиги роли ҳисобига дунёда тўхтовсиз ўзгаришлар кузатилмоқда. Дональд Тапскотт таклифи билан номланган рақамли иқтисодиёт глобаллашувнинг харакатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. 2022 йилга

келиб жаҳонда IP -трафикнинг глобал хажми секундига 150 700 ГБ ни ташкил этади. Натижада Интернет тармоғида катта миқдорда интернет фойдаланувчиларнинг сони янада купайиши кутилмоқда. [1] Рақамли иқтисодиётнинг миқёси жадал ўсиб бориши рақамли ва мобил технологиялар билан чамбарчас боғлиқ ва у қатор бозорларнинг ўсиши билан ифодаланмоқда. Жаҳондаги мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг ўрни ошиб бормоқда. Республикамизда рақамли иқтисодиётнинг муҳим мақсадлардан бирига айланган рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши, 2019 йилда 2,2 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлашларига кўра: “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этилишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз? Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.”

Рақамли иқтисодиётда бизнес-тизимнинг янги ташкилий тузилмаси – блокчейн ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги Қарорига кўра “Рақамли ишонч” жамғармаси ташкил этилди [2] . Хужжатда рақамли иқтисодиётни, шу жумладан «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва крипто-активлар айланмаси учун платформалар ташкил этиш ҳисобига янада ривожлантириш борасидаги, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари (стартаплари)ни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар белгиланди. 2018 йил 12 ноябрда мамлакатимизда биринчи марта “Доривоситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази” ДУК автоматлаштирилган тизимида блокчейн технологияларининг пилот лойиҳаси жорий этила бошланди. Блокчейн- бу тизим иштирокчилари воситачисиз бир-бирига активларини ишончли тарзда узатиш имконини берувчи технология. Бу маълум бир қоида асосида кетма-кет қўйилган маълумотларни ўз ичига олган блоклар занжиридан иборат. Блоклар орасидаги алоқа фақатгина тартиб рақамлар билан таъминланмасдан, балки ҳар бир блок ўзининг ва ўзидан олдинги блокнинг хеш-суммасини ўз ичига олган бўлади. Кўпинча блоклар занжирининг нусхаси бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўпгина турли комьютерларда сақланади. Бу эса блокларга киритиб бўлингач, ўзгартириш киритишни анча қийинлаштиради ва хавфсизликни кучайтиради.

Блокчейннинг кучли томони – марказлашмаганлиги, бундай хусусият туфайли тўловлар глобал маконда бир зумда ва шаффоф ҳолатда жойини ўзгартира олади. Шунинг учун кўплаб офислар очиш, маъмурий харажатларни кўпайтирадиган юридик шахсларни яратишга ҳожат бўлмайди. Блокчейн ичида озроқ ички мутахасислардан иборат арзон бизнес- тузилмани яратишга имкон беради. Глобал демарказлашув мамлакатлар орасидаги

[1] БМТнинг 2019 йилдаги «Рақамли иқтисодиёт» маърузаси

[2] 2018йил 2 сентябрь «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

чегераларни йўқотишга ва катта мультимиллий компанияларни яратилишига олиб келади. Бу эса бизнес учун фирманинг ички трансакцияларини йирик даражада тежашни англатади. Рақамли иқтисодиётга ўтишда кўпгина муассасалар ўзининг ташкилий шаклини ўзгартиради. Муаммолар тез ва юқори эксперт даражасида ҳал қилинади. Блокчейннинг камчиликлари қаторига давлатнинг солиққа тортиш ва тартибга солиш масалаларидаги пайдо бўладиган катта муаммолар киради. Хуқуқий муаммоларни эса блокчейннинг ўзи тартибга солади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир харакатлантирувчи кучи рақамли платформа ҳисобланади. Рақамли платформа- ягона ахборот муҳитида иқтисодиёт тармоқларининг нуфузли миқдордаги иштирокчиларининг ўзаро манфаатли ва ўзара муносабатларини алгоритмлаштирилган тизимидир. Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги изланувчи ва амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш тизимини, яъни рақамли платформаларнинг тадқиқот инфратузилмасини яратишни зарур деб биламиз. Бу эса рақамли технологияларнинг ҳар бир йўналиши бўйича технологик мустақиллик, глобал даражада рақобатбардошлик ва миллий хавфсизликни таъминлайди. 2019 йил 7 октябрда Ўзбекистонда Uzbekistan Research Online.-республикамизда илмий журналларнинг таҳрирловчи биринчи рақамли платформаси очилди.

Рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳати рақамли маълумотлар ҳисобланади. Ўзбекистондаги муҳим тенденциялар бири интернет фойдаланувчиларнинг сони ошиб бораётганлигида акс этади. Жумладан 2018 йил бошига нисбатан мамлакатимизда интернет фойдаланувчиларнинг сони 20 миллиондан ошди ва 2020 йилнинг бошида Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 22 миллионни ташкил этди.[1] Мамлакатимизда интернет ўтказиш қобилияти 1 200 Гбит/с ташкил этди. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра Интернетнинг ташқи канали бўйича тариф ўтган йилнинг мазкур даври билан таққослаганда 34 фоизга пасайди. ва 1 Мбит/с. учун 56,0 тқс. сум ($5,8) ни ташкил этди. 2020 йилда республика бўйича 12 минг километр алоқа линиялари ва 2200 мобил алоқанинг янги базавий станциялари ўрнатилади. Республикамизда технологиялар инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш борасида қатор имтиёзлар берилган, жумладан узок ва кишлок жойларда телекоммуникация хизматини яратишни таъминловчи ташкилотларга 10 йил фойда солиғи ва ягона солиқ бўйича имтиёзлар берилган ва 1 январь 2022 йилгача бож тўловларидан озод этилган.[2] Шунингдек учинчи шахсларнинг телекоммуникация объектларига аралашуви фақат мулкдорларнинг розилиги билангина амалга оширилиши кўзда тутилган.

Рақамли иқтисодиётда турли тармоқли институционал бошқарув тузилмалар ва электрон хукуматнинг шаклланиши ахборот алмашуви ва

[1] CentralAsia со ссылкой на Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций республики

[2] 2019 йил апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасин ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора –тадбирлар хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ҳамкорлигини кучайтиради. Рақамли иқтисодиётни шаклланиши дастурий қурилмалардан фойдаланишнинг интенсивлашуви, 3D босма, янги материаллар каби фаолиятлар инсон ҳаёти тарзини ўзгартиради. Яна энг муҳим томонларидан бири меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига олиб келади.

Меҳнат бозорининг рақамли иқтисодиётнинг ўсиб бориши натижасида ўзгариши кадрлар масаласига катта таъсирини ўтказади. Оғир сиғимли операцияларнинг қисқариши, заковатни қўллашнинг янги соҳалари ва рақамли кўникмаларни пайдо бўлиши билан боғлиқ ўзгаришлар меҳнат бозорини қамраб олади. Кўп мутахасисликларнинг иш жойлари қисқаради ва янгилари пайдо бўлади. Рақамли иқтисодиётда менеджер ва ходимнинг муносабати тубдан ўзгаради. Келажакда ходимларни ишдан бўшатилишини олдини олиш учун олдинда юрадиган илғор таълим имкониятларидан фойдаланиш зарур бўлади. Бунинг учун рақамли иқтисодиётни олиб боришда янги мутахасисликларга бўлган талаб ошиб боради.

Ўзбекистонда бозор трансформацияси рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб бериши мақсадида олий таълимни такомиллаштириш ва рақамли иқтисодиётдаги соҳани биладиган кадрлар билан таъминлаш- энг муҳим масалалардан бирига айланди. Рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало турли даражаларда турли тармоқ ва рақам компетенцияларига эга бўлган жамғарма ва инсон капитали ёрдамида аниқланади. Юқори билимли инсонлар, ҳаётнинг фаровонлиги ва сифати ижтимоий –иқтисодий ривожланишнинг бош драйверлари ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда замонавий рақамли иқтисодиётнинг талабларига жавоб берадиган инсон капиталини олиб борувчилари бўлган ва ахборот-тармоқ хусусиятлари ва компетен-циялари ривожланган юқори даражали мутахасислар зарур бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030 миллий стратегияси” Концепциясини тасдиқлашга оид Қарори мамлакатимиз аҳолисини рақамли саводхонлигини ошириш мақсадларига катта замин яратди. Дастурнинг асосий масалаласи мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни яратиш учун хуқуқий, техник, ташкилий ва молиявий шароитларни яратиш ва уларни узвийлик билан хорижий мамлакатларнинг рақамли иқтисодиёти билан боғлашдан иборат. Республикамизда аҳолини рақамли саводини оширишда Digital CASA лойиҳаси турли укув дастурларини қўллаб қувватлаш, аҳолини рақамли саводҳонлигини оширишга ёрдам бериш ва иқтисодиётни рақамли трансформация мақсадида етишмаётган мутахасислар муаммосини ҳал қилишга кўмаклашиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида инсон капиталини ўсишини секинлантирувчи қатор тўсиқлари бор. Уларга иш берувчиларнинг мотивация тизимининг талаби ходимларнинг амалдаги имкониятига мос келмаслиги; корпоратив таълимнинг етарли даражада эмаслиги, иш ҳақи ва иш жойларидаги ўзгаришлардан ҳавотир бўлиш,

муқобил иш билан бандликнинг ўсиш суръатларининг пастлиги каби муаммолар киради. Рақамли иқтисодиётнинг ўсиши инсонларнинг фаровонлик даражасини ошиб бориши билан боғлиқлиги туфайли бундай тўсиқларни бартараф этиш учун аҳоли даромадларини яшаш минимуми даражасигача ислоҳотлаштириш заруриятини келтириб чиқади. Инвестицияларни инновацион майдончалар бўлмиш маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларига янада кўпроқ йўналтириш аҳамияти ортиб боради. Шундай қилиб, биз Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги қатор қирраларни кўриб чиқдик. Келтирилган фикр ва маълумотлар асосида қуйидаги масалалар ва таклифларни кўрсатиб ўтамиз:

- республикамизда меҳнат бозори талабларига мос равишда инсон капиталини олиб борувчилари бўлган юқори даражали мутахасисларни етиштириш учун олий таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- рақамли платформаларнинг тадқиқот инфратузилмасини яратишни юзага келтириш;
- республикамизда телекоммуникацион инфратузилма ва алоқанинг ўсиш суръати ҳали етарли даражада юқори эмаслиги туфайли давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб –қувватлаш тизимини янада кучайтириш;
- тўловларнинг ўрни истеъмолчилар харакатида кам жой олганлиги ва улардаги хизмат кўрсатиш сифатининг паст даражада эканлиги аҳолининг рақамли саводхонлигини ошишида катта тўсиқ бўлмоқда;
- .ракамли саводхонликни янада ошириш мақсадида аҳоли орасида рақамли кўникмаларни етарли бўлиши учун абонентларни ADSL (FTTx и GPON) ва янада тезкор технология VDSLга ўтишида қатор имтиёзлар берилиши зарур.

М.Б.Каланова – СамИСИ, “Сервис” кафедраси ўқитувчиси

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТИ – ИСТЕЪМОЛЧИ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ ЙЎЛИДА

Аннотация: ушбу мақолада умумий овқатланиш корхоналарида хизматлар таснифи хусусида фикр юритилган. Хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра турли мамлакат ва минтақаларда хизматлар ва таснифлагичлар сон ҳамда таркиб жиҳатидан фарқ қилишлиги тўғрисида алоҳида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: умумий овқатланиш корхоналари, эҳтиёж, овқатланиш хизмати, хизматлар таснифи.

Аннотация: В данной статье рассматривается классификация услуг на предприятиях общественного питания. Отдельные данные о количестве и составе услуг и классификаторах различаются в зависимости от страны и региона в зависимости от уровня развития сектора услуг.

Ключевые слова: предприятия общественного питания, потребности, услуги общественного питания, классификация услуг.

Abstract: in this article discusses the classification of services in catering.

Separate data on the quantity and composition of services and classifiers differ depending on the country and region, depending on the level of development of the services sector.

Key words: public catering enterprises, needs, public catering services, classification of services.

Умумий овқатланиш тарихан товар айирбошлаш жараёнини бир тури сифатида қаралиб келинган, бугунги кунда умумий овқатланиш савдо соҳаси каби товар айирбошлаш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Лекин, умумий овқатланиш соҳасидаги жараён савдодан фарқ қилади. Улар ўртасидаги фарқлар улар бажарадиган ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик функциялардан келиб чиқади. Умумий овқатланиш соҳаси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча бўғинларида иштирок этади, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол. Умумий овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш функцияси таомларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлади. Умумий овқатланиш корхоналарининг ишлаб чиқариш функциясига қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотлар ва хом ашёларни таъминотчилардан умумий овқатланиш корхоналарига ташиб келишни ташкиллаштириш; хом ашё ва маҳсулотларни сақлаш; маҳсулотни пиширish, яъни истеъмол қилиш даражасига етказиш; тайёр маҳсулотни порциялаш; порцияланган таомларни истеъмол қилиш жойига етказиш. Уларнинг тақсимот функцияси эса аҳолининг айрим қатламларини пулсиз ёки имтиёзли овқатлар билан таъминлаш жараёнида намоён бўлади. Буларга шифохоналар, боғчалар, санаториялар, интернатлар, дам олиш уйлари, қуролли кучлар соҳасида, айрим хўжалик субъектлари мисол бўла олади.

Умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги талаблар асосида мулкдор деб белгиланадиган қуйидаги турларга бўлинади: ресторан, вагон-ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона ва бошқалар.

Умумий овқатланишнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, унинг хизматлар мазмунига таъриф берадиган бўлсак, у қуйидагича ифодаланиши мумкин.

Умумий овқатланиш хизмати деганда аҳолининг озиқ-овқатлар, таомлар истеъмолига қаратилган эҳтиёжларини қондиришга йўнатирилган умумий овқатланиш корхоналари ва якка тадбиркорларнинг фаолияти тушунилади. Умумий овқатланиш хизматлари ҳам бошқа барча хизматларга хос хусусият бўлган, хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолини бир замон ва макондалиги билан хусусиятланади. Умумий овқатланиш озиқ-овқатларни тайёрлаш, айирбошлаш билан бирга уларнинг истеъмолини ҳам ташкил этади. Истеъмолни ташкил этиш жараёни туб мазмунига кўра хизмат жараёнидир.

Хизматлар таснифи хусусида фикр юритилганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра турли мамлакат ва минтақаларда хизматлар ва таснифлагичлар сон ҳамда таркиб жиҳатидан фарқ қилади. Дунёда мавжуд хизматлар ва таснифлагичларнинг ягона умумжаҳон эътирофидаги шакли мавжуд

бўлмагани учун ҳам хизматларнинг миллий хусусиятлардан келиб чиқувчи турларини ўзида мужассамлаштирган ягона таснифлагич бўлмоғи лозим.

Хизматларнинг халқаро савдосини бошқариш, тартибга солиш мақсадида Халқаро Валюта Фонди уларни икки гуруҳга ажратади:

1. Олди-сотди қилинадиган хизматлар;

2. Олди-сотди қилинмайдиган хизматлар.

Хизматларни бундай таснифлаш асосан халқаро савдода иштирок этиши нуқтаи назаридан келиб чиққан бўлиб, иккинчи гуруҳдаги хизматлар ҳам аслида олди-сотди қилинади. Бу фақатгина мамлакат ёки минтақа ичида айирбошлангани учун ҳам халқаро савдода иштирок этмайди.

БМТ хизматларга нисбатан бошқача ёндашиб, тан олинган, мавжуд барча хизматларнинг 12 гуруҳга ажратилган 160 турини эътироф этади. Россия Федерациясиясида хизматларнинг икки хил таснифлагичи амал қилади:

1. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи;

2. Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар таснифлагичи.

Россия Федерациясининг «аҳолига кўрсатиладиган хизматлар таснифлагичи»га мувофиқ умумий овқатланиш хизматлари бир неча турларга бўлинади. Турли умумий овқатланиш корхоналари томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган умумий овқатланиш хизматлари махсус стандартларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши кераклиги белгилаб қўйилган. Амалдаги ГОСТР 50764-95 «Умумий овқатланиш хизматлари»га мувофиқ умумий овқатланиш хизматлари Россия Федерациясида қуйидаги турларга бўлинади:

- овқатланиш хизматлари;
- кулинария ва кондитер маҳсулотларини тайёрлаш бўйича хизматлар;
- истеъмолни ташкил қилиш хизматлари ва хизмат кўрсатиш;
- кулинария маҳсулотларини сотиш бўйича хизматлар;
- маданий хизматлар;
- ахборот консултатив хизматлар;
- бошқа хизматлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида алоҳида ажратилган ҳолда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар таснифлагичи мавжуд эмас. Шундай экан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларга «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи (ФТБХУТ)»да алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кузатишлар ва социологик сўров натижалари аҳолининг умумий овқатланиш соҳаси таклиф этаётган хизматларга бўлган талаб ортиб 25 бораётганини кўрсатаётган бўлсада, статистик маълумотлар соҳанинг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши жуда секин ўсаётганини кўрсатади. Чунки бугунги кунда статистика умумий овқатланиш хизматларини «Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматларнинг таснифлагичи» асосида уч гуруҳини ҳисобга олиб боради. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш

керакки, ушбу таснифлагич орқали тартибга солинадиган озиқ-овқатлар чакана савдоси, овқатланишни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш хизматлари бандларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари хизматларни таснифлашда уларга қўйиладиган талаблар хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Халқаро доирада бундай талаблар савдо ва умумий овқатланиш хизматларига нисбатан бир хилда ўрнатилган. Уларга мўлжалланган мақсадга мувофиқлик, етказишнинг ўз вақтидалиги ва аниқлиги, хавфсизлиги ва экологик тозалиги, қулайлиги, эстетиклиги, хизмат кўрсатиш маданиятига мувофиқлиги, ижтимоий мўлжалланганлиги, ахборотлилиги ва бошқа талаблар киради.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, умумий овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва халқ эҳтиёжини янада тўла қондиришнинг энг муҳим омилларидан бири истеъмолчилар талабини ўрганиб, унга таом ва пазандалик махсулотларининг янги турларини жорий этиш ҳамда талаблар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февраль “2016-2020 йилларда хизмат соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори
2. Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Бухоро-2006.

У.Х. Беглаев – ТДАУ таянч докторанти

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ВЕТНАМ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: мақолада дунё мамлакатларида балиқчиликнинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда соҳа фаолиятини такомиллаштириш, шу билан бир қаторда Ветнам балиқчилигини ривожлантиришга қаратилган мақсадларига алоҳида эътибор бериш бўйича тавсиялар келтирилган

Калит сўзлар: балиқчилик, такомиллаштириш, озиқ-овқат, ташкил этиш, озуқа базаси,ишлаб чиқарувчи, балиқ маҳсулотлари, таббий балиқ, балиқ хўжаликлари

Аннотация: В статье предлагаются рекомендации по текущему состоянию рыбного хозяйства в мире и совершенствованию отрасли, в том числе ее внимание к развитию вьетнамского рыболовства

Ключевые слова: рыболовство, оздоровление, продовольствие, организация, кормовая база, производитель, рыбопродукты, натуральная рыба, рыбные фермы

Abstract: The article offers recommendations on the current state of fisheries in the world and the improvement of the industry, including its attention to the development of Vietnamese fisheries.

Key words: fishing, health improvement, food, organization, forage base, producer, fish products, natural fish, fish farms

Табиий балиқ захираларини сақлаб қолиш ва балиқчилик саноатининг ўсишини таъминлаш учун ҳар бир мамлакат ўзида мавжуд имкониятлардан

фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Балиқчиликни ривожлантириш нафақат мамлакатимиз балки бутун дунё миқёсида долзарб масала бўлиб бормоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти(ФАО) ҳисобларига кўра дунёда инсонлар томонидан истеъмол қилинадиган балиқнинг ярмидан кўпи аквакультурада етиштирилмоқда.

Қуйидаги бешта Осиёдаги давлатлар аквакультура бўйича еткачилик қилмоқдалар,Хитой – умумий ишлаб чиқаришнинг 62 фоизи,Ҳиндистон – 7 фоизни,Индонезия – 6 фоизни,Вьетнам – 5 фоизни,Бангладеш – 3 фоизни ташкил этмоқда.

Дунё бўйича балиқ етиштириш 2025 йилга келиб кўпгина мамлакатларда сезиларли даражада камайиши прогноз қилинган бўлиб, (1-жадвал) бунда Африка давлатлари Гана -18,4%га, Лотин Америкаси давлати Аргентина -16,7%, Япония -2,2%, Жанубий Африка -3,9%, Янги Зелландия -3,1%, Россия -3,1%, Канада 3,9 % га камайиши кутулмоқда. Бу эса ўсиш сурьатини пасайишига олиб келади. Аҳолини ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак озиқ овқат муаммоси юзага келиши мамлакатлар балиқ маҳсулотига бўлган талабни фақатгина импорт қилиш йўли орқали таъминлаши мумкин бўлади.

1-жадвал

Балиқ хўжаликларининг асосий иқтисодий модели 2013-2015 йиллар натижаларини 2025 йилга мўлжалланган прогнози[1]

	Балиқ маҳсулотлари			**Балиқ истемоли**		
	2013-15 йиллар учун ўртача	**2025 йил**	**2025 йил 2013 йилга нисбатан**	**2013-15 йиллар учун ўртача**	**2025 йил**	**2025 йил 2013 йилга нисбатан**
	Минг тонна	Минг тонна	%	Минг тонна	Минг тонна	%
Дунё бўйича	**146 648**	**177679**	**21,2**	**20,2**	**21,8**	**7,9**
Ривожланган мамлакатлар	**31 917**	**33 950**	**6,4**	**22,7**	**23,4**	**3,1**
Шимолий Америка	8 381	9 339	11,4	23,6	24,3	3
Канада	801	851	6,2	22,5	21,8	-3,1
АҚШ	7 580	8 488	12	23,7	24,6	3,8
Европа	**15 568**	**16 605**	**6,7**	**20,8**	**22,2**	**6,7**
Европа иттифоқи	11 082	12 181	9,9	22	23,9	8,6
Норвегия	274	317	15,7	53,3	55,3	3,8
Россия	3 171	2 979	-6,1	22,1	21,1	-4,5
Океан орти мамлакатлар	**760**	**1 014**	**33,4**	**27**	**31,7**	**17,4**
Австралия	646	893	38,2	27,3	33	20,9
Янги Зеландия	115	122	6,1	25,5	24,7	-3,1
Бошқа мамлакатлар	**7 207**	**6 992**	**-3**	**26,5**	**24,6**	**-7,2**

[1] Манба: ОЕСД ва ФАО

Япония	6 362	6 035	-5,1	50,2	49,1	-2,2
Жанубий Африка	417	430	3,1	7,7	7,4	-3,9
Ривожланаётган давлатлар	**114 732**	**143 730**	**25,3**	**19,6**	**21,5**	**9,7**
Африка	10 881	14 655	34,7	10	10,2	2
Шимолий Африка	2 803	3 553	26,8	15,6	16,7	7,1
Миср	1 875	2 446	30,5	20,9	22,5	7,7
Африканинг шарқий қисми	8 078	11 102	37,4	8,9	9,1	2,2
Гана	639	656	2,7	23,9	19,5	-18,4
Нигерия	2 097	2 910	38,8	11,8	12,5	5,9
Лотин Америкаси	**6 302**	**8 476**	**34,5**	**10**	**12,2**	**22**
Аргентина	207	192	-7,2	4,8	4	-16,7
Бразилия	1 972	2 841	44,1	9,6	12,7	32,3
Чили	253	314	24,1	14,2	16	12,7
Мексика	1 610	2 117	31,5	12,8	14,9	16,4
Перу	675	969	43,6	21,8	27,6	26,6
Осиё мамлакатлари	**97 549**	**120 599**	**23,6**	**23,5**	**26,4**	**12,3**
Хитой	54 128	66 747	23,3	39,5	47,2	19,5
Ҳиндистон	7 755	9 758	25,8	6	6,7	11,7
Индонезия	8 896	11 206	26	35	39,4	12,6
Филиппин	3 091	3 703	19,8	31,2	31,9	2,2
Жанубий Корея	2 924	3 340	14,2	58,4	64,3	10,1
Таиланд	1 859	1 879	1,1	27,5	27,4	-0,4
Вьетнам	3 275	3 846	17,4	35,4	37,7	6,5
Ривожланмаган мамлакатлар	**12 170**	**15 978**	**31,3**	**13,2**	**13,6**	**3**

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак балиқ асосан озиқ-овқатда истеъмол қилинганлиги сабабли балиқнинг йилдан йилга истеъмоли ортиши кутилмоқда. 2025 йилга келиб балиқ истеъмоли 21,8 килограмм (тирик вазнда), яъни бошланғич даражага нисбатан ўсиш саккиз фоизни ташкил этади.

Глобал масштабда аквакультурада Осиё етакчи континент ҳисобланиб аквакультурадиги умумий улуши 73,8 млн.тонна, балиқ ҳажмининг 89 фоизни ташкил қилмоқда.

Прогноз бўйича етиштириладиган балиқ маҳсулотларини 2025 йилга келиб асосий қисмини Осиё мамлакатлари бериши маҳсулотга бўлган талабнинг кескин ортиб боришини кўриш мумкин (1-расм).

Бу ерда асосий балиқ маҳсулотлари Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келишини 73% ҳисобга олсак бошқа мамлакатларда ўз ўзидан талаб кескин ортиши бу табиий ҳол. Шу билан бирга балиқ ва балиқ маҳсулотларининг нархи ҳам кескин ошиши кузатилиши мумкин.

Балиқчилик бутун дунёдаги миллионлаб инсонлар учун озиқ-овқат ва даромаднинг муҳим манбалари ҳисобланади. Балиқ дунёдаги энг машҳур

озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб қолмоқда ва балиқ экспортининг ярмидан кўпи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2014 йилда Ветнам денгиз маҳсулотлари бўйича дунёдаги учинчи йирик экспортчи бўлиб, Таиланд экспортини сезиларли даражада қисқартирди.

Ветнам Жанубий Хитой денгизининг ғарбий қирғоғида жойлашган бўлиб, мамлакатнинг қирғоқ бўйи узунлиги 3260 км. Мамлакатда 3000 дан зиёд орол очиқ денгизда тарқалган. Ветнам сув ҳавзалари майдони 1,700 минг гектарни ташкил қилади.

Бунда балиқчиликни ривожлантириш учун 811,7 минг гектар чучук сув, 635,4 минг гектар шўр сув ва 300 000- 400 000 гектар сув ҳавзаларини ташкил этади. Буларнинг барчаси тез ривожланаётган балиқчилик соҳаси учун идеал шароит ҳисобланади.



1-расм 2025 йилда дунёда балиқ истемолини ўсиши[1]

2013 йил 16 августдаги 1445ҚД-ТТ қарорига биноан, 2020 йилга қадар балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинган бўлиб, 2020 йилга қадар балиқчилик секторини тўлиқ ривожлантириш ва 2030 йилга қадар соҳани тўлиқ модеринизация қилиш режаси ишлаб чиқилган. Режага асосан кенг қамровли самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулдорлик, сифат, самарадорлик, рақобатбардошлик, халқаро иқтисодиётга қўшилиш, фермерларнинг турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш ва экологик муҳитни ва балиқ овлаш манбаларини ҳимоя қилиш ва денгиз ва ороллларда миллий мудофаа ва хавфсизликни таъминлашга ёрдам бериш келтириб ўтилган.

2016 йилда майда қисқичбақа 44%, пангасиус 24%, бошқа денгиз маҳсулотлари 16%, лаққа балиқ 7%, моллюскалар 7%, краблар 2% экспорт қилинган бўлса, 2017 йилга келиб майда қисқичбақалар 46%(2 % га кўпроқ), пангасиус 21% (-3% га камроқ), бошқа денгиз маҳсулотлари 16%, лаққа балиқ 7%, моллюскалар 9% (2 % га кўпроқ), краблар 1%(1 % га кўпроқ), экспорт қилинган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки Ветнамда балиқ етиштириш йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Ветнам балиқчилик ассотсациясини 2020 йилгача мўлжалланган бир қатор махсус мақсадлари қуйидагилардан иборат:

[1] ФАО. Состояние мирового рыболовства и аквакультуры 2016. Вклад в обеспечение всеобщей продовольственной безопасности и питания. Рим. 216 стр.

2016 йилда экспорт қилинган маҳсулотлар	2017 йилда экспорт қилинган маҳсулотлар[1]





- жами балиқ овлаш ҳажми йилига 7 миллион тоннани ташкил этиш, шундан балиқ овлаш ҳажми 35 фоизни, денгиз маҳсулотлари етиштириш 65 фоизни ташкил этиши лозим;
- денгиз маҳсулотлари экспорти қиймати ўртача 11 миллиард АҚШ долларини ташкил этиш, йиллик ўртача ўсиш суръатини 7-8 фоизни ташкил этиш (2011-2020 йилларда);
- экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг улуши 50% га етказиш;
- балиқ овлаш бўйича ишчиларнинг тахминан 50 фоизи ўқитиш;
- ишчиларнинг ўртача даромади уч баравар кўпайтириш;
- денгиздан маҳсулот йиғим-теримнинг йўқолиши ҳозирда 20% дан 10% гача камайтириш.

Ветнамда балиқчилик сектори миллий иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди, яъни ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 4-5 фоизини ва миллий экспорт даромадининг 9-10 фоизини ташкил этади .

Балиқчилик соҳасида 4 миллиондан ортиқ киши бўлиб шу соҳада ишлаб келмоқда. Кўп йиллар давомида кучли ўсиб боргани учун Ветнам денгиз маҳсулотлари етказиб берувчи давлатлар қаторига киради ва денгиз маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилади.

Ривожланган мамлакатлар балиқчилик соҳаси таҳлил қилинганда сув ресурси иқтисодиёти юқори бўлган давлатларда бу соҳани ривожлантириш ва замонавий технологияларни қўллаш, замонавий бошқарув тизими мукаммалиги ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўсиш кўрсатгичи нисбатан юқорилиги кузатилди. Шу боис хориж тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимизда тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

[1] http://seafood.vasep.com.vn/685/onecontent/fishery-profile.htm

Н.Р. Хўжақулова – ҚарМИИ таянч докторанти

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада доривор ўсимликларни етиштиришнинг мазмун-моҳияти очиб берилган ва қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асосларини бўйича илмий таклиф берилган.

Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, самарадорлик, иқтисодий асос.

Аннотация: В статье представлена сущность выращивания лекарственных растений и представлено научное предложение об экономических основах выращивания лекарственных растений в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: лекарственные растения, эффективность, экономическая основа

Abstract: In the article the essence of the cultivation of medicinal plants is presented and the scientific proposal on the economic bases of cultivation of medicinal plants in agriculture is presented.

Keywords: medicinal plants, efficiency, economic basis

Ўсимликлар ўтмишга, ҳозирга ва келажакка боғлиқ. Биз уларни ўғиз сутли озиқ-овқатлар, табиатнинг парфюмерияси, нозик дори-дармонлар, тинч боғлар, фойдали билим, сирли тарих ва муқаддас амалиётлар билан бирлаштирамиз.

Ҳозирги даврда тиббиётда қўлланиладиган дори-дармонларнинг 40-47 % ўсимлик хом ашёларидан олинади. Ўсимликлар мураккаб тузилишга эга бўлган жонли табиий кимёвий лабаратория бўлиб, оддий ноорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ёки бирикмаларни яратиш қобилиятига эга. Доривор ўсимликларнинг қуритилган ўти, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, қиёми, тошчойи, эфир мойи ва бошқаларидан дори-дармон тарзида фойдаланилади.

Жаҳонда доривор ўсимликларни етиштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар ушбу соҳани ривожлантиришни таъминлаш, доривор ўсимликларни етиштиришда ва уларнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳамда томорқа ер эгаларида доривор ўсимликларни етиштириш халқаро андозаларга мос турларини такомиллаштириш ва диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ўсишида доривор ўсимлмкларни улушини мунтазам ошириб бориш масалаларига қаратилган. Ушбу йўналишлар қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс тадқиқотлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти жаҳон ва мамлакатимиз олимлари диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, XXI асрда доривор ўсимликларни

етиштириш янги босқичга кўтарилди ва дунё иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланиб бормоқда.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вақтда олиб бораётган ислоҳатларга қарамасдан, афсуски, жойларда кўплаб муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Мамлакатимиз аҳолисини дори-дармон билан таъминлаш одамларни қийнаётган долзарб муаммолардан биридир. Бу масалани ҳал этиш мақсадида яқин вақт ичида аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10—12 минг тури бор. Мингдан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармокологик ва дориворлик хоссалари текширилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд. Шулардан ҳозирги вақтда 250 тури илмий табобатда ишлатилмоқда. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар асосан турли тупроқ иқлим ҳудудларида жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни ўстириб етиштирадиган махсус хўжаликлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда табиий ҳолда ўсаётган қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни захиралари инсонлар таъсирида камайиб бормоқда. Бунинг ўрнини тўлдириш ва халқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ва уларни Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган минтақаларда экиб ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистонда фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар хомашёси билан таъминлаш мақсадида яқин йиллар ичида доривор ўсимликларни экиб ўстирадиган фермер ва ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.[1]

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилганлигини қайд этиш жоиз. Бироқ, амалга оширилган ишлар кўламига қарамасдан бу соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор.

Аммо мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг турларини ўзимизга ва ҳудудлар эҳтиёжига мос равишда жойлаштириш, улар томонидан қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг самарадорлиги ва сифатини баҳолаш ва таҳлил қилиш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва иқтисодий адабиётларда кам ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш соҳасини ривожлантириш жараёни, хусусиятлари ва йўналишлари, уни иқтисодий фаолликдаги ўрни, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, бу тоифадаги субъектлар олдида турган муаммоларни ёритиш борасидаги илмий ишланмалар етарли ва мукаммал эмас.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори

Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларининг илмий – назарий ва усубий асослари соҳанинг самарадорлигини юксалтиришга, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштиришнинг илмий - назарий, ҳуқуқий ва услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масаладир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги тавсияларни бажарилиши мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг йўналишлари ҳамда истиқболларига аниқлик киритиш;
- доривор ўсимликларни етиштиришда чет эл тажрибалари мисолида ривожлантириш масалаларини ўрганиш;
- доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш, соҳага инновацион жараёнларнинг татбиқ этилаётган шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида хизмат курсатиш фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўлларини такомиллаштириш;
- истиқболда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришни ривожлантириш ва даромад манбаларини ошириш муаммолари, мазкур кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг мамлакатимиз ва ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятлари аниқлаш, соҳага инновацияларни жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганиш доривор ўсимликларни етиштириш ва самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал қилишда ҳамда уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини алоҳида тадқиқ этишда асос бўлиб хизмат қилди.

Ж.Р.Қосимов – Қарши давлат университети мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада мева-сабзавотчилик соҳаси ривожлантириш орқали аҳоли дароматларини ошириш имкониятлари, мева-сабзавот ишлаб чиқаришда замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: мева-сабзавотчилик, озиқ-овқат саноати ,экспрот, мева-сабзавотчилик кооперацияси, аҳоли дароматлари

Аннотация: В этой статье освещается потенциал увеличения доходов населения за счет развития плодоовощного сектора, увеличения производства высококачественной, конкурентоспособной и ориентированной на экспорт продукции на основе современных ресурсосберегающих технологий в производстве фруктов и овощей, а также быстрого развития пищевой промышленности.

Ключевые слова: Фрукты и овощи, пищевая промышленность, экспресс, фруктовые и овощные кооперативы, доходы населения

Abstract: This article highlights the potential of increasing the income of the population through the development of the fruit and vegetable sector, increasing the production of high-quality, competitive and export-oriented products based on modern resource-saving technologies in fruit and vegetable production, and the rapid development of the food industry.

Keywords: Fruit and Vegetable, Food Industry, Express, Fruit and Vegetable Cooperatives, Population Income

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳаси аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиб, ўтган йиллар давомида соҳага ихтисослашган кооперациялаш тизими фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавот ишлаб чиқаришда улкан имкониятларга эга. Аҳоли фаровонлигини доимо ошириб боришда халқимиз турмуш тарзига энг яқин ва тез натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалигида юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Мавжуд салоҳиятимизни тўлиқ ишга солишимиз, унга яраша катта даромад олишимиз зарурлигини инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳада юқори шиддат билан ислоҳ қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек,”Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик ва ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.Парламентимиз, ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди”[1].

Қишлоқ хўжалигида кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, ...фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»[1] билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар самарали ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳудудларидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини, уларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш юзасидан илмий таклифлар ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалиги кооперацияси соҳасида норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Булар, хусусан, «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарорлар ва бошқа ҳужжатлардир. «Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлабчиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда»[2], — дейилади ҳужжатда.

Қарор билан ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиш иинститути жорийэ тилмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳонда юзага келган озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин жаҳон миқёсида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши аҳоли сони ва уларнинг талаблари ўсишидан орқада қолаётганлиги мазкур масала ўз илмий ечимини топа олмаётганлигини кўрсатади. Шу боис соҳани барқарор ривожлантириш, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ихтисослаштириш, инновацион технологиялар ва усулларни қўллаш орқали ихтисослашган фермер хўжаликлари сонини оптималлаштириш, самарадорлик даражасини комплекс статистик тадқиқ этиш,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 февраль.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор, 2019йил,19 декабрь.

рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш асосий йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳаси аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиб, ўтган йиллар давомида соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.Бунга эришиш учун экин ва навларни тўғри танлаш, ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробарга ошириш, исрофгарчиликларни олдини олиш, маҳсулот-ларни сақлаш, логистика масалалари, экспортни тўғри ташкил этиш лозим.

Бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда бундай мевазорлар, айниқса интенсив усулдаги боғлар етарлича ташкил этилмаётгани, боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларнинг иқтисодий самарадорлиги ўта паст даражада қолаётгани, қатор туманларда минглаб гектар эски боғлар йиллар давомида ҳосил бермаётган каби баъзи муаммолар мавжуд. Шу сабабли ҳозирги кунда “маҳсулот етиштириш – харид қилиш – сақлаш ва қайта ишлаш – аҳоли” занжирини ташкил этадиган кооперация тизими жорийэтилмоқда.Ҳозирги вақтда тажриба синов мақсадида юртимизда 41 та мева-сабзавотчилик йўналишида қишлоқ хўжалиги бирлашмаси ташкил этилган.

Бирлашмаларга қарийб 27 минг минг гектардан ортиқ майдонда фаолият юритувчи 1 минг 128 та фермер хўжалиги, 22 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, 29 та экспортёр, 10 та тайёрлов корхоналари ва 3 та бошқа ташкилотлар жами 1192 та субъект аъзо бўлган.Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилди, кластерларга ажратилган қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда – 67 фоизни, чорвачиликда – 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда – 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Кластер усулида етиштирилган хомашёни қайта ишлаш уни тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконини бермоқда. Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Шу муносабат билан қўйидаги хулоса олинди. Ўзбекистонда бир нечта йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорга бириктириш зарур.

И. Б.Маттиев – СамГИИЯ кафедра педагогики и психологии независимый научный исследователь

ДУХОВНЫЕ ЦЕННОСТИ И РЕЛИГИОЗНЫЕ НОРМЫ ПРИ ОХРАНЕ ЗДОРОВЬЯ

Аннотация: в данной статье говорится о духовных ценностях и религиозных нормах при охране здоровья, и как эта система действует в мире ислама. А также, рассматриваются современные нормы здравоохранения в сфере бизнеса и оказания услуг по столпам ислама.

Ключевые слова: здравоохранение, духовные ценности, религиозные нормы, сфера бизнеса и услуг, отношение между людьми, общественная задача.

Аннотация: ушбу мақолада саломатликни асрашда қадриятлар ва диний нормалар тизими тўғрисида ҳамда бу тизимнинг ислом оламида қандай амал қилаётганлиги борасида сўз юритилган. Шунингдек, ислом арконлари бўйича бугунги кунда бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги саломатликни асраш нормаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Саломатликни асраш, қадриятлар, диний нормалар, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий вазифа.

Abstract: This article describes spiritual values and religious standarts in health care and the operating of this system in the world of islam. And it’s discussed about modern health standards in the field of business and services on the tables of islam.

Keywords: Health care, spiritual values, religious standards, the field of business and services, relationship between people, social task.

Ислам, как и другие религии мира, их ценности и религиозные нормы уделяет особое внимание принципам системы здравоохранения. [1] Структура принципов посвящается вопросам здравоохранения в процессе оказания услуг населению, деятельности предпринимательства и малого бизнеса. Взаимоотношения между людьми в различных экономических, торговых сферах, в организации и проведении прямого преобразования с особым вниманием относились к проблеме здоровых отношений с исламскими нормами, и эти отношения развивались. Такого рода исламские нормы защиты и сохранения здоровья и здорового образа жизни доведены до мусульман через Коран, хадисы, требования Шариата. [3] Они служили созданию правильных отношений между мусульманами и людьми в целом. Согласно этому, в этой статье мы рассмотрим, что собой представляют исламские нормы здравоохранения в сфере бизнеса и оказания услуг.

Религией Ислама разработаны все необходимые стандарты и требования соблюдения здорового образа жизни для своих последователей, то есть верующих во всех аспектах общественной жизни и применены к повседневной жизни мусульман. Ярким примером этому можно указать то, что все вещи, которые вредны для здоровья человека признаются нечистым. От муминов в исламе требовали не только веры и соблюдения норм для содействия и поощрения здорового образа жизни, но и строгого послушания правилам. В современных обществах практика защиты здоровья человека является очень распространенным явлением. Защита здоровья человека,

пропаганда здорового образа жизни, здоровья людей стала одним из важнейших направлений государственной политики. [4]

Пророк (SAW) молвил своим верующим, что пока не наступит старость, ценить молодость, пока не заболеешь, ценить здоровье, пока не наступит смерть, ценить жизнь. Столпы исламской религии здоровья, молодости, и сама жизнь, как благословение Божие да наполнится, и поэтому эти благословения дар божий, которые не следует забывать, что необходимость сохранения их прописал. Так как здоровье - это Благодать Бога, Творца, все поступки и действия, которые будут подрывать здоровье и не признательность к здоровью считались неправильным и грехом. Здоровье считается таким благословением, что слуга Бога держит ответ перед ним, если неуважение по отношению к здоровью, то они должны будут в ответе в потустороннем мире по исламским нормам. Утверждали и воспитывали, так как здоровье – это дар божий, то надо сохранить в том виде каким его получил, оберегать и защищать его. Кому же Творец дарит здоровье?! Он дарит его своим любимцам. Таким образом, отмечается, что здоровье является бесценным богатством и защитить его является одним из ежедневных задач каждого верующего мусульманина.

Дар здоровья был признан в качестве здоровья тела и здоровья души. Среди норм охраны здоровья имеются доктрины молитвы, омовения перед молитвой, посты, личные правила жизни здоровья, чистота жилья и окружающей среды, норм ежедневной гигиены, стандартов чистоты, система моральных ценностей, направленных на здоровье. Эти нормы считались обязательными для верующих. [2]Если верующий мусульманин равнодушен к ним, это считалось как грех. Их выполнение считалось обязательным. Другими словами, все требования, которые создал бог, необходимы для здоровья нашего тела и души интерпретируется как благости Божьей любви к человеку. Бог назначает своим слугам только полезности, а что бесполезно он отменял. Чтобы человек жил здоровым, его движения, пища должны быть в норме, как чистый воздух, чистая окружающая среда, а также осуществление равномерности производительности, стабильности и постоянства.

По словам Пророка, многие люди не ценят две вещи. Это здоровье и отдых. В хадисах отмечены, что люди цель должны просить от бога две вещи, чтобы создать желательную цель. Это, прежде всего, уверенность в себе, надёжность и доказуемость, а во-вторых, здоровье. После того, как после надёжности есть здоровье, это считалось человеческим счастьем, благополучием. Если человеческое тело и душа будут здоровыми, безопасно проживает на своей родине, если есть пища, которым он может питаться, то это эквивалентно наличию мира в руках этого человека.

Вся данная информация составляет структуру закономерностей как должен жить человек, что нужно считать святым, как должен относиться к себе и окружающим, как реагировать, как пользоваться благами Бога в пути к Могущественному.

Однако не только сам человек здоровье должен сохранять, но все люди

вокруг должны его беречь. В этом контексте представители бизнеса и сферы услуг должны воздержаться от того, что вредно для здоровья их окружающей среды и стремление не только к материальному богатству, но и духовному богатству, создание предпринимательства на основе исламских принципов.

В Исламе экономические диалоги и отношения строятся по правилу "если не запрещено, это разрешено". Таким образом, человек, занимающийся бизнесом и предпринимательской деятельностью, не должен заниматься деятельностью, которая несёт угрозу для здоровья людей, не гнаться только за материальным благом, а заниматься предпринимательством, основанный на моральные ценности, соответствующим исламским нормам. Поскольку, человек является временным руководителем земных благ и материальных ресурсов, только во времени данным богом. Все сущее во Вселенной - это имущество Творца. В том числе все вещи, которые использует человек в течении своей жизни, тоже является имуществом Творца. Человек считается халифом Бога на земле, т.е. управляющим. (Коран, аль-Бакара, 30). В соответствии с этим, человек несет ответственность за состояние земли, за защиту и сохранение земных благ за рациональное использование их.

Здоровье считается даром Аллаха. За этот дар человек ответит в конец света. Настоящий дар относится к физической, материальной и духовной пище. Всё это содержит важное место для охраны здоровья.

В сегодняшний день по столпам Ислама в Исламском индексе Доу-Джонсом был разработан и принят на практике современные законные и незаконные действия для в сфере бизнеса и оказания услуг. По ним следующие действия в сфере бизнеса и оказания услуг считаются незаконными:

- вести любую деятельность в сфере имущества и оказания услуг, запрещённых в исламских столпах;
- торговля негодных товаров, скрыть недостатки товара, неверное взвешивание товара;
- использовать правильные весы, поскольку в торговле несправедливость считается грехом;
- сдержаться от нанесения вреда торговле и в оказании услуг другим, вредить другим без причины считается грехом;
- Торговля, действие, разрешённое Аллахом, а сделки, организованные неправильно, думая только о своих собственных интересах , это вредить другим служителям Бога, значит, вредить самому Творцу;
- Любая практика, особенно, если это связано с потребностями человека, которые позволяет излишки; В Исламе излишество – это яростное стремление к накоплению имущества, которое является слишком большим, употреблять пищу больше положенного, чем потребности потребителя; производить товары свыше спроса;

Человеческое тело рассматривается в религии Ислама, как долг данный Богом. Так как это дар Творца, человеку предназначается необходимость держать его в чистоте и здоровье. И когда наступит час, человек должен

будет вернуть Творцу долг, т.е. человеческое тело.

С другой стороны, человеческое тело священно не только для владельца, но и для окружающих вас. Соответственно, совершать действия, наносящие ущерб здоровью других, зная, отказаться защитить здоровье других людей считается большим грехом. Таким образом, эквивалентная чистота – это пол веры по исламским нормам. Все вещи и действия, которые вредят здоровью человека, в Исламе считается незаконным.

По Исламским доктринам здоровье человека, его собственность и богатство. Итак, все действия и поступки, приносящие угрозу на здоровье человека, осуждены и признаны незаконным. Как любая собственность за здоровьем человек должен ухаживать, следить за его ростом, содержать в чистоте и здоровье человеческое тело. Осуждены различные татуировки на человеческом теле. Это считалось, как порча и загрязнение тела, т.е. дара от Бога. Человеческое тело, также рассматривается как материальное и как источник духовности. Было обязательным развитие человеческого тела как источник духовности. Утверждалось, что нужно обогащать и наполнят источник духовности красивыми, чистыми и полезными вещами.

Таким образом, концепция охраны здоровья и исламской системы ценностей не только ответственность и обязанность отдельных лиц, но общество также является ответственным. В данном мероприятии отводится важная роль сфере бизнеса и оказания услуг. Их обязанность уважать служителей Творца, производить товары и оказывать услуги, которые не будут вредить здоровью людей.

Список использованные литературы:

[1] Исом Юсуф. Пища, употреблённая Пророком. - Узбекистан: Ташкентский исламский университет Издательство Ассоциация, 2014. - 108 с.
[2] Ислам. Энциклопедия. - Т:. Национальная энциклопедия, 2004. - 320 с.
[3] Коран. Перевод и интерпретация. Шейх Абдулазиз Мансур. Ташкент: 2006, 618 стр.
[4] Мусурмонова О. Абдурахимова Ф. Рыскулова К .. Учебный курс для подготовки к семье местных девушек на основе здорового образа жизни . Узбекистан, 2006. 32 с.

Феруза Гулбаева – ҚарМИИ магистранти

КОРХОНАЛАРДА САНОАТ КЛАСТЕР КООПЕРАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада саноат корхоналарида кластер тизимини ривожлантириш орқали саноат кооперациясини ташкил этиш йўллари ва уларнинг асосий йўналишлари очиб берилган.

Калит сўзлар: кластер, кооперация, саноат тармоғи, инвестиция, интеграция.

Аннотация: В статье рассматриваются пути и основные направления промышленной кооперации через развитие кластерных систем на промышленных предприятиях.

Ключевые слова: кластер, сотрудничество, отраслевые сети, инвестиции,

интеграция.

Abstract: The article explains the ways and main directions of industrial cooperation through the development of cluster systems in industrial enterprises.

Keywords: cluster, co-operation, industry networking, investment, integration.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикасининг деярли барча вилоятлари ўз катта-кичик кластерларига эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ элни фаравон, халқни бой қилувчи инновацион ғояларидан бири — кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда”[1]. Кластер тизими мамлакатимизда барча иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришнинг «локомотиви» бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтди. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий бозор муносабатларини кенг жорий этиш мақсадида саноат ва пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз кераклиги таъкидланди. Келгусида барча саноат ва иқтисодиёт бошқа тармоқларида тўлиқ кластер тизимига ўтилади.

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган саноат «Кластер»лар яратишдир[2].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида замонавий бозор муносабатларини жорий этиш мақсадида кластерларни шакллантириш мақсада бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инженеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш — инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.

Корхоналарнини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга қаратилган инновацияларни жорий этиш саноат соҳасида:

- юқори технологияли тармоқларнинг маҳаллий хом ашё ресурслари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашни чуқурлаштиришга мўлжалланган фаол агросаноат сиёсатининг зарур механизмларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;
- мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, шунингдек, унинг аҳоли учун максимал ҳаммабоплиги ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича дастурларни тайёрлайди;

[1]Тадбиркорликни ривожлантириш ва Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 11 сентябр куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектори йиғилиши. Халқ сўзи. 2019 йил 12 сентябр. №189 (7416)

[2] Раҳматов М. Зарипов Б. -«Zamin nashr» нашриётида чоп этилган «кластер — интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш» 2019й.

- энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли корхоналарни» концепциясига асосланган корхоналарни ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шаклларини жорий этади;
- корхоналарнинг ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, устувор корхоналарни дорамадларини жиддий ошириш ва корхоналарни корхоналарининг молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этади;
- корхоналарни маҳсулотларининг савдо бозорлари ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтириш, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга кўмаклашади ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги маълумотларига асосан савдо ва инвестициялашда Ўзбекистон пахтасини асосий сотиб олувчилар Бангладеш (29%), Хитой (26%), Жанубий Корея (7%) и Эрон (5%).

“Ўзбекенгилсаноат” компаниясини маълумотларига кўра 2015-2020 йилларда мамлакатда текстил тармоқларини модернизация қилиш учун 1 млрд доллар сарфланади. Пахтани ички қайта ишлаш дастури бўйича пахта-толаси 44 фоиздан 2020 йилга келиб 70 фоизга оширилади ва шунга асосан текистиль маҳсулотлари 800 млн.доллардан 1,5 млрд долларга оширилади.

Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари ва кластер тизими муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг электротехника маҳсулотлари ва маиший электромаҳсулотларни экспорт қилиш кўламини кенгайтириш, уларнинг экспорт бозорларида ўз ўрнини ва улушини ошириш мақсадида турли халқаро ахборот ресурсларда ва кўргазмаларда миллий брендларни илгари суриш, саноати ташкилотлари салоҳиятини намойиш этиш ва: ташқи бозорларда маҳсулотлар экспорт инфратузилмаси тизимини яратиш ва такомиллаштириш учун:

- Тожикистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасида савдо уйлари ва шоу-румлар очиш;
- «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг ваколатхоналарини очиш;
- Туркияда - маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, уюшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга салоҳиятли харидорларни топиш;
- Хитойда- Хитой компаниялари томонидан Ўзбекистон Республикасига инвестиция жалб қилиш имкониятларини ўрганиш.

Чет эллик шериклар ва салоҳиятли мижозлар билан семинарлар, расмий учрашувлар ташкил этиш орқали Республика ичида ва хорижда ташкил этиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этиш, жумладан «Cabex» (Россия), «AQUA THERM» (Россия, Озарбайжон, Қозоғистон), «Астана Экспо» (Қозоғистон), «Элком Украина» (Украина) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида саноат кластерларнинг ривожланишида сезиларли даражада таъсир этгани ҳолда уларга ёрдам бермоқдалар.Саноат кластерлар стратегияси жозибадорлиги бўйича мамлакатимизда мис ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратиш ва салоҳиятли инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Techno Cable Group» МЧЖ ҚК (Тошкент вилоятида) кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва янги саноат маҳсулот турларини чиқариш (Лойиҳанинг умумий қиймати 1,4 млн доллар)мақсадида:

- технологик ускуналарни тайерлаш ва етказиб бериш;
- технологик линияларни ишга тушириш ишларини олиб бориш;
- лойиҳанинг ўрганиш учун қўшма ишчи гуруҳ тузиш;
- сармоявий битимни ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- лойиҳа бизнес-режасини/техник иқтисодий асосини тайёрлаш;
- объектни ишга тушириш ва шунингдек,:
- «Uzkabel» АЖ ҚК да кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 3,3 млн доллар)
- «Industrial Holding» МЧЖ (Россия) компанияси билан замонавий кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 7,0 млн доллар ва йиллик қуввати 46 минг км)
- «Elsewedy Electric» компанияси (Миср) томонидан кабел-сим маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 20,0 млн доллар ва йиллик қуввати 10 минг км)
- «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК да электромобиллар учун қувватлаш қурилмалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 2,0 млн доллар ва йиллик қуввати 500 дона)
- «Texno Park» МЧЖ томонидан лифт ва эскалаторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 9,25 млн доллар ва йиллик қуввати 2 000 дона)
- «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖ да замонавий энергия тежамкор иссиқлик қурилмалари ва тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 2,2 млн доллар ва йиллик қуввати 5 минг дона)
- «FalkPorscheFiberglass» МЧЖ да шиша тола ва шиша толали маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташқил қилиш. (Лойиҳанинг умумий қиймати 7,7 млн доллар ва йиллик 3 минг дона) хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали инвестиция лойиҳаларини кластерли тизимда амалга оширилмоқда.

Саноат корхоналарнинг маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг энг устувор йўли инновацион технологияларни қўллаш, иқтисодиёт тармоқларини том маънода модернизация ва саноат кластер тизимига ўтишдир. Модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг барча корхоналарни каби етакчи саноат соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун саноат кластер комплексида техник ва технологик янгилашдир.

Ҳ.Г. Азизов– ТДИУ мустақил тадқиқотчиси (PhD), Давлат божхона қўмитаси, Божхона институти ходими

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аннотация: ушбу тадқиқотда хорижий давалатларнинг божхона маъмурчилигида рақамли технологиялардан фойдаланаётган илғор амалиёти таҳлил қилинди. Бунда, ривожланган мамлакатлар: АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Сингапур давлатларининг божхона тизимиларида қўлланилаётган самарали механизмлар ва рақамли технологияларни божхона тизимида интеграциялаш масалалари ўрганиб чиқилди.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, электрон ҳукумат, электрон савдо платформалари, рақамли божхона, электрон декларациялаш.

Аннотация: В данном исследовании анализируются лучшие практики зарубежных стран по использованию цифровых технологий в таможенном администрировании. Были рассмотрены вопросы интеграции эффективных механизмов и цифровых технологий, используемых в таможенных системах развитых стран: США, Китая, Южной Кореи, России, Сингапура.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровизация, электронное правительство, платформы электронной коммерции, цифровая таможня, электронное декларирование.

Abstpact: This study analyzes the best practices of foreign countries on the use of digital technologies in customs administration. The issues of integration of effective mechanisms and digital technologies used in the customs systems of developed countries: the USA, China, South Korea, Russia, Singapore were considered.

Keywords: digital economy, digitalization, e-government, e-commerce platforms, digital customs, electronic declaration.

Бугунги кунда дунё миқиёсида рақамли технологияларнинг ўсиши ва уларни амалиётга жорий этишда етакчи давлатларнинг илғор амалиёти барча соҳаларда самарадорликни ошириш имкониятини яратмоқда. Бунда, ривожланган мамлакатларнинг рақамли технологияларни давлат бошқарувида, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг тадбиқ этиши натижасида автоматлашган тизимлари шаклланмоқда. Рақамли технологияларни ривожлантириш туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш, компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, қашшоқлик ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришга эришилмоқда. [Жаҳон банки, 2016 б]. Шундай технологиялардан: электрон савдо платформалари ҳам Осиё давлатларида сезиларли даражада ривожланмоқда. Жахон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра электрон савдо тизимининг осиё давлатларида ривожланганлик даражаси (1 расм) 2016 йилда Ўзбекистоннинг тутган ўрнини кўрсатмоқда.



Расм 1. Осиё давлатларида электрон тижорат ҳажми.[1]

2019 йилга келиб эса Ўзбекистоннинг “Жахон электрон тижорат индекси”да 152 мамлакат ўртасида 93-ўринни эгаллагани ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса Қозоғистондан кейин 2 ўринда эканлигини эътироф этиш жоиз. [2]

Юқорида келтирилган маълумотларга асосан Ўзбекистоннинг электрон савдо, рақамли иқтисодиётга ўтиш борасида амалга ошираётган ишлари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва ушбу йилда ушбу соҳада ислоҳотлар олиб бориш мақсадида Ўзбекистонда 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб белгиланди.[3]

Шундай экан, Ўзбекистонда келгуси йилларда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилиниши мўлжалланган. Қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. «Электрон ҳукумат» тизими танқидий қайта кўриб чиқилади. Пойтахт мисолидаги «IT-парк»лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади. Яқин кунларда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ишлаб чиқиш ишлари якунланади. Ушбу йўналишда ҳукумат ва парламент назорати кучайтирилади”.[4]

Бундан ташқари, мамлакатимизда ташқи савдо алоқаларини такомиллаштириш, унда чегара назоратини оптималлаштириш мақсадида божхона тизимида ҳам рақамли ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, бугунги кунда божхона органлари томонидан 51 та автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва 14та интерактив хизматлар жорий этилган.[5] Шунга қарамай ушбу кўрсатгичлар рақамли иқтисодиётга комплекс ўтиш учун етарли эмас. Чунки жаҳон тажрибаси бу босқичлардан аллақачон ўтиб кетганини кўрсатмоқда.

Сингапур тажрибаси электрон декларациялашнинг автоматлаштирилган

тизими ва "Ягона ойна" тизимига асосланган ягона рақамли савдо майдончаси бозорни таҳлил қилиш ва мижозларни қидириш босқичидан тортиб юкларни кузатиш, ҳисобот бериш ва тўлашга қадар "доимий савдо" механизмини таъминлайди. Сингапур савдо ҳамжамиятиижтимоий тизимлар ва платформаларни, шунингдек давлат тизимларини бирлаштирган савдо ва логистика “IT-ecosystem” тизими сифатида Миллий савдо платформасини яратмоқда.[6]

Рақамли технологияларга асосланган қоғозсиз савдонинг муваффақиятли амалга оширилишининг яна бир мисоли –Жанубий Корея амалиётидир.[7] Бунда Корея "Ягона ойна" механизмига асосланган қоғозсиз савдо майдончасини яратди. Платформа иккита тизимдан иборат: “UtradeHub”-миллий дарча ва божхона органларининг ягона дарчаси- “UniPass”. “UtradeHub” савдо компанияларининг декларантларига 600 дан ортиқ турдаги электрон ҳужжатларни тақдим етиш, сертификатлаш ва лицензиялаш учун электрон аризаларни топшириш ва давлат назорат органлари томонидан бундай аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабарномаларни олиш имконини беради. “UtradeHub” Кореянинг миллий ягона ойнаси ташқи савдо соҳасидаги турли масалалар учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар, шунингдек турли хил савдо ҳамжамиятлари: авиакомпаниялар, денгиз ташувчилари, божхона брокерлари, экспедиторлар, омбор эгалари, банклар, суғурта компаниялари билан боғланган. “UtradeHub” “UniPass” автоматлаштирилган божхона расмийлаштируви тизими билан боғлиқ. Бунда, божхона расмийлаштируви пайтида тарифсиз тадбирларга риоя қилиш, “UniPass” тизимидан тегишли рухсатнома, лицензия ёки сертификат мавжудлигини тасдиқлаш учун миллий ягона ойнага буюртма юборилади. Ушбу икки тизимнинг ишлаши туфайли трансчегаравий битим тузилгандан то электрон тўловларни амалга оширишгача узлуксиз ва қоғозсиз савдо жараёни амалга оширилади.

Хитойда эса, 2016 йил октябр ойида Хитой ҳукумати компаниянинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда давлат назоратига асосланган “Иқтисодий операторларни рағбатлантириш” дастурини (кейинги ўринларда ИОР) бошлади. Ушбу дастурнинг ўзига хослиги шундаки, ҳуқуқбузарликлар содир этган юридик шахсларнинг кредитга лаёқати пасаяди ва давлат назорати эса аксинча, кучайтирилади. Дастур бўйича аккредитациядан ўтган юридик шахслар "Ривожланган ва сертификатга эга компаниялар" деб тан олинади ва давлат органлари, шу жумладан Хитой божхона хизмати томонидан тақдим этиладиган 49 турдаги соддалаштирлган дастурлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.[8]

Ушбу соддалаштиришлар олтита тоифага бўлинади.

1. 1-тоифа - "Яшил йўлак" (Green Lane) товарларни тезкор равишда лицензиялаш, рўйхатдан ўтказиш ва чиқариш чораларини ўз ичига олади. Ушбу тоифага солиқ хизмати томонидан ИОР учун қарздорлик қайд етилмаган "яшил коридор" яратилиши киради.

2. 2-тоифа - "Камроқ текшириш" (Less Inspection) ИОРни текширишлар сонини камайтиришга оид қоидаларни ўз ичига олади.

3. 3-тоифа - "устувор муомала"(Priority Treatment) интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш хизматларига муҳтож бўлган компанияларга имтиёзлар бериладиган чораларни ўз ичига олади - patent олиш, савдо белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва судларда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

4. 4-тоифа - "Соддалаштирилган процедура" ("Simplified Procedure") юридик шахсдан талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини мақбул minimal даражага тушириш чораларини ўз ичига олади.

5. 5-тоифа - "Асосий йўналтирувчи мезон" (Major Reference Benchmark) дастурда иштирок етаётган давлат идоралари томонидан текшириш пайтида зарур бўлган аккредитацияланган ИОР бухгалтерия ҳисоби тизимини юритишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

6. 6-тоифа - "Тажрибалар ислоҳотлар лойиҳаси" (Pilot Reform Project) ИОРга устувор ҳуқуқлар берилишини ва улардан фойдаланиш амалиётини monitoring қилишни назарда тутадиган тадбирларни ўз ичига олади.

ХХР Давлат кенгаши идоралараро маълумотлар алмашиш тизимини яратди, бунинг натижасида Хитой божхона хизмати ИОР тўғрисида маълумот беради ва уни давлат идоралари билан алмашади. Давлат назорати натижалари Тизимга ўтказилади, шунинг учун уни такрорий амалга ошириш талаб етилмайди. Агар корхона ноқонуний фаолиятда, шунингдек белгиланган талаб ва мажбуриятларга риоя қилмаганликда гумон қилинган бўлса, маълумот дарҳол Хитой божхона хизматига юборилади, у ИОР мақомини тўхтатиб қўяди ёки юридик шахсларни тегишли реестрдан чиқаради.

Умумий олганда, божхона соҳасида блокчаин,Интернет маҳсулотлари ва Биг-дата каби замонавий технологиялардан фойдаланиш оммалашиб бормоқда. Жумладан, SAS [9] (“statistical analysis system”, Статистик таҳлил тизими)нинг катта маълумотларига асосланган автоматлаштирилган тизимлар дунёдаги давлат идораларида: Хитой, Белгия, Буюк Британия, Эстония ва бошқа мамлакатларда божхона ва солиқ хавфини бошқариш учун ишлатилмоқда. Катта маълумотлар технологиялари фойдаланувчиларга бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Хусусан, молиявий фирибгарликни текшириш ҳақида гап кетганда, Россия Федерациясининг божхона хизмати SAS ечимларидан фойдаланган ҳолда товарларни нотўғри декларациялаш ва бож тўловларини тўламаслик хавфини баҳолаш бўйича “pilot” лойиҳасидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, рақамли технологиялар жисмоний шахслар учун мустақил божхона расмийлаштируви тизимида биометрия технологиясини фаол қўллаган холда қўлланилмоқда. Аэропортларда шахсларни биометрик идентификация қилиш асосида саёҳатчиларга божхона расмийлаштирувларини божхона ходимларини жалб қилмасдан амалга оширишга имкон берадиган терминаллар ўрнатилган. Бундай дастурлар АҚШ (Global entry), Австралия (SmartGate), Канада (Canpass) ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Жисмоний шахслар ва transport воситаларини идентификациялаш учун божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни аниқлаш учун радиочастоталарни аниқлаш технологияси (АҚШдаги NEXUS, SENTRI дастурлари) қўлланилади. Ушбу

технологиялар нафақат шахсларнинг божхона чегараси орқали ўтишини осонлаштиради, балки келажакда бундай шахсларнинг маълумотлар базалари рақамли активларни ташкил етувчи рақамли божхона платформаларининг бир қисмига айланиши мумкин. Шундай қилиб, бошқа кўплаб соҳаларда бўлгани каби, божхона соҳасида ҳам замонавий рақамли технологияларни жорий етиш ва улардан фойдаланиш натижасида рақамли трансформация жараёнларини амалга ошириш мумкин.

Хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, мамлакатимиз божхона органлари самарадорлигини ошириш учун асосий эътибор қаратиш керак бўладиган масалалар қуйидагилардир:

• божхона маъмурияти ва билимларга асосланган бошқарув назариясининг асосларини - рақамли божхона менежменти назарияси ёки когнитив назарияни ривожлантириш;

• Жаҳон Божхона ташкилоти протоколларининг талабларини ва хавфсизликни таъминлаш ва савдони енгиллаштириш учун доиравий стандартларни ҳисобга олган ҳолда,электрон маъмуриятчилик ва бошқарувнинг (электрон бошқарув) электрон технологияларини ишлаб чиқиш;

•Билимларга асосланган маъмурий ва бошқарув вазифалари мажмуасини ишлаб чиқиш, ягона ахборот платформасини яратиш, ягона услубий асосда истиқболли ИТ технологиялари ва воситаларини таҳлил қилиш ва ечимларни тайёрлаш;

• рақамли божхона маъмурияти ва бошқарувининг тизимлари, ахборот муҳити, дастурий ва техник воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун услубий ва дастурий-техник базани ишлаб чиқиш;

Хулоса ўрнида, мамлакатимиз божхона тизимида амалга оширилиш имконияти мавжуд бўлган кўплаб илғор амалиёт ва механизмлар бошқа давлатларнинг компетент идораларида самарали қўлланилмоқда. Юқорида қайд этилган рақамли технологиядан фойдаланувчи механизмларни божхонатизимида тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса ўз-ўзидан иш унумдорлгини ошириш билан бир қаторда, маълум даражада инсон омилининг салбий оқибатлари: коррупция, фирибгарлик кабиларни олдини олишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. UNCTAD - БМТ Бош ассамблеяси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси - Осиё-тинч океани савдо ва инвестиция ҳисоботи, 2016. 106 б.
2. БМТ Бош ассамблеяси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси - Осиё-тинч океани савдо ва инвестиция ҳисоботи, 2019, 8 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25.01.2020. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
4. Норма.уз ахборот порталининг 2020 йилги мурожаатнома: Президентнинг маърузасидан асосий тезислар https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar

5. Солиқ ва божхона хабарлари газетаси 2019 йил 23 сон нашри. (Электрон ресурс), https://gazeta.norma.uz/uz/publish/doc/text154545_akt_bilan_qurollanib?paper=sbx
6. Кох Дж., Новые подходы для развития «единого окна». Национальнаяторговая платформа как перспективная модель «единого окна» вРеспубликеСингапур [Электронный ресурс] // Международная научно-практическаяконференция по трансграничной безбумажной торговле «Единое окно нагребне нового технологического уклада». URL:http://www.eurasiancommission.org/ru/act/tam_sotr/edinoe_okno/Documents/SWfuture/1_2-RU_Koh_New%20Approach%20in%20SW.pdf
7. Сун Хеун Ха, Трансчегаравий савдода инновация: Жанубий Корея тажрибаси [Электрон ресурс] // Международная научно-практическаяконференция по трансграничной безбумажной торговле «Единое окно нагребне нового технологического уклада». URL:http://www.eurasiancommission.org/ru/act/tam_sotr/edinoe_okno/Documents/SWfuture/1_3_-RU_Rama_Ha_Innovations%20(experience%20from%20KOREA).pdf
8. General administration of Customs People's Republic of China. Official website. URL: http://english.customs.gov.cn
9. Сайт компании SAS,https://www.sas.com/ru_ru/company-information/profile.html

Д.О.Худоёров – ТМИ магистранти
С.С.Ўзоқов– СамИСИ, МР-119 гуруҳ талабаси

БАНДЛИК ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада инновацион тараккиёт йулидаги хорижий мамлакатлар тажрибасида кулланилаётган замонавий бандлик шакллари урганилган, республикамиз шароитларига татбикан ундан фойдаланиш имкониятлари аникданган.

Калит сўзлар: бандлик таркиби, замонавий бандлик шакллари, аутсорсинг, ижара асосидаги бандлик, саноатдаги бандлик, хизмат курсатищдаги бандлик.

Abstract: In article it is studied the forms of employment, used of foreign experience of innovation development, the article analyzes variants of use in the republic.

Keywords: the structure of employment, the modern forms of employment, authoring, the employment of industry, the employment of the service.

Аннотация: В статье изучается формы занятости, использующихся в зарубежной практике инновационного развития, определяется возможности его использования в условиях республики.

Ключевые слова: структура занятости, современные формы занятости, аутсорсинг, занятость в промышленности, занятость в сфере услуг.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хослиги доимо ижтимоий меҳнатнинг аниқ олинган даврдаги хусусиятлари ва ижтимоий- меҳнат соҳаси амал килишининг ижтимоий-иқсодий ва сиёсий жиҳатлари билан белгиланади. Ҳозирги замон иқтисодиёти жиддий ўтиш

жараёнини бошдан кечирмоқда. Мазкур чуқур ўзгаришлар ижтимоий-меҳнат соҳасининг амал килишида у ёки бу тарзда акс этади. Энг аввало, ишчи кучининг тармоқ ва касб- малака таркибида туб сифат ўзгаришларини қайд этиш лозим. Бугунги кунда ишлаб чиқариш технологиялашганлигининг кучайиши туфайли саноат камроқ меҳнат сиғимли бўлиб бормоқда, ривожланган мамлакатларда бу соҳада ишловчилар АҚШ даги бандларнинг 11% идан Германия ва Италиядаги 17-20% игачани ташкил этмоқда . Бу эса айни вақтда ахборотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида банд ишчилар сонини анча купайтиришни талаб этмоқда. Ишлаб чикариш соҳасидан ишдан бушатилганлар шу тарика хизмат курсатиш соҳасининг юкори технологияли тармокдарида интенсив равишда яратилаётган ишчи уринларига утмокдалар. Ҳатто "Иқтисодиётнинг терциализациялашуви" деган тушунча ҳам пайдо булди. Ижтимоий соҳадаги меҳнат ҳам катта аҳамият касб этмокда, бунда согликни сакдаш, таълим, ижтимоий хизмат курсатиш каби тармокдар, яъни инсон капиталининг шаклланиши учун "жавобгар" бўлган тармокдар кўзда тутилмокда. Бу тармокдар ҳам купрок технологияли булиб боради. Натижада бандларнинг касб-малака таркибида олий ва урта махсус маълумотли шахслар устунлик қилади.

Меҳнат ўзига хослигининг ўзгариши бандлар маълумот даражасининг ошишинигина кўзда тутиб колмасдан, балки улардан бажариладиган ишга мохирона ёндошувни ҳам талаб қилади. Экспертлар бу жараённи "ишчининг мавжуд касбий куникма ва малакаларини куллашдан" "кобилиятларини бошкаришга" утиш сифатида кайд этдилар.[1]

Меҳнатнинг ижодий хусусияти, ўз навбатида, уни яккалаштиришни кўзда тутади. Бу мутахассисларга хатто замонавий, юкори даражада индустрлашган меҳнатни унинг ривожланиши янги боскичида хунармандчилик билан таккослаш имконини беради. [2] Замонавий "хунармандчилик", энг аввало, ахборот ишлаб чикариши соҳасида таркалган, номоддий ижод билан боглик ҳамда шунчаки касбий тайёргарлик даражасини эмас, балки интеллектуал ривожланишни ҳам талаб қилади.

Ходимларни танлаш билан шугулланадиган замонавий агентликларнинг айрим кисмлари "бош овчилар" номини олган. Хакикатан ҳам, хар бир ижодий ишчи "донабай товар" ни ўзида мужассамлаштиради ва демакки, юкори даражада индустрлашган ишчилар индустрлашган ишчиларга караганда, камрок ягонадир. Бу нафакат улар томонидан бажариладиган ишларга, балки куп хрлларда иш жойининг ягоналигига тегишлидир. Хатто "телеишчилар" деган тушунча ҳам пайдо булди. Бу купинча одатдаги уй ишчилари эмас, балки юкори малакали бухгалтерлар, маслахатчилар, дизайнерлар, дастурловчилар, сценаристлар ва хклардир. Бундай ишловчиларга "савдо" жараёнида ёллаш шартлари учун

[1] Черняева Д.В. Непрофсоюзные формы представительства работников в коллективных трудовых отношениях.//Труд за рубежом. 2008.№3.с.60.

[2] Шкаратся О. Русская культура труда и управления.// Общественные науки и современность. 2003. №1, с.30-54.

индустрлашган даврда кенг таркалган ижтимоий-меҳнат хукукдарини мухофазалашнинг жамоавий механизмлари камрок даражада зарур булади. Чунки лаёкат уларни иш берувчилар томонидан жуда юкори бахоланадиган бетакрор мутахассисга айлантиради.

Бирок ишчи кучи сифатига бўлган талаблар ошиб бораётганлиги туфайли меҳнат бозорида пасайган рақобатбардошлиги туфайли янги, юкори даражада индустрлашган меҳнат таксимотида "ёзилиш"га лаёкатсиз куплаб ишчилар пайдо булади. Бу ерда алохида шахслар хакида эмас, балки ахолининг бир бутун ижтимоий-демографик гурухдари хакида гап бораётганлигини кайд этиш жоиз. Бундай гурухдарга: катта ёшдаги кишилар, паст маълумот ва малака даражасига эга бўлган шахслар, бола парвариш килаётган, аммо даромад манбаларига мухтож аёллар, меҳнат бозорига биринчи марта чикаётган ёшлар киради. £айд килинган ижтимоий-демографик гурухдарнинг барча вакиллари ҳам ўзгариб бораётган ишлаб чикаришга мослаша олмайдилар ва меҳнат фаолияти давомида мунтазам кайта укдтила олмайдилар. Ёшлар бошка сабабларга кура, "истисно этилганлар" қаторига кириб колишлари мумкин - ёшлар етарли иш тажрибасига эга булмайдилар ва иш жойлари учун усиб бораётган рақобат шароитида ишлаётган ва ижобий "меҳнат тарихи" га эга бўлган ишчиларга ютказиб куядилар. Бундай ишчилар ҳам классик меҳнат муносабатларига тортилмайдилар, уларга тартибга солишнинг тегишли механизмлари татбик этилмайди. Меҳнат бозоридаги пасайган рақобатбардошлилик ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг янги механизмларини, масалан, муддатли меҳнат шартномаларини юзага келтиради. "Қисмий ишчилар", деган тушунча пайдо булди.

Шундай килиб, меҳнатнинг яккалашиб бориши билан бир вактда меҳнат бозорининг ва мос равишда, меҳнат муносабатларининг сегментлашиб бориши жараёни ҳам юз беради. Анъанавий индустриал ва ижтимоий (бюджет) тармокдарда амал қиладиган, ишчиларга муносиб ёллаш шароитларини таъминлайдиган жамоавий-шартномавий механизмлар ва конунчилик томонидан тартибга солинадиган "классик" меҳнат муносабатларидан ташкари, янги меҳнат муносабатлари пайдо булади. Бу муносабатлар жуда турли-туман. Улар энг аввало, хизматлар соҳасининг юкори технологик сегментида вужудга келади. Бунда ишчилар якка тартибда ўзига кулай ва муносиб ёллаш шароитларини "савдолашиш" холатида булмайдилар. Бундан ташкари, Иқтисодиётнинг бир бутун секторлари вужудга келиб, уларда паст рақобатбардош ишчилар меҳнат қиладилар. Улар меҳнат муносабатларининг дастлабки икки гурухига хос бўлган бандликни ижтимоий муҳофазалаш стандартларига даъво қиладилар.

Ўзбекистонда юкорида таъкидланганидек, нотипик бандлик гарчи хали кенг таркалмаган булсада, юкори усиш суръатларига эга. Айникса, иш берувчилар бандлар учун ижтимоий кафолатларнинг паст даражасисиз ҳам нафакат ёрдамчи вазифаларни, балки асосий, ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа- шартномавий тартибга солишнинг етарли кучли

булмаган анъаналари доирасидан ташкари чикишга уринадилар. Бунда хусусий бандлик агентликлари ва иш берувчилар агентлик ишчилари меҳнатидан уларнинг меҳнат хукукдарини химоялаш манфаатларини хисобга олмаган холда фойдаланишни конунан мустахкамлаш жараёнини келтирадилар. Бирок бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда ёллаш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги хизматлар бозорининг ривожланиши мазкур боскичда шу сингари конунни кабул килиш ва амалга ошириш учун хали объектив шарт-шароит етарли эмас. Энг аввало, меҳнат бозори барча субъектларининг манфаатларини хисобга оладиган бандликка кумаклашиш давлат концепцияси зарур. Бандликни тартибга солиш соҳасидаги асосий стратегик вазифаларни хал килишда меҳнат бозори барча институтларининг келишувчанлиги ва ўзаро бир-бирини тулдиришини (шу жумладан, давлат ва нодавлат бандлик хизматлари) кўзда тутадиган концепцияни кабул килмасдан туриб, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш бўйича тегишли конунчиликни ишлаб чикиш вазифасини хал килиб булмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Черняева Д.В. Непрофсоюзные формы представительства работников в коллективных трудовых отношениях.//Труд за рубежом. 2008.№3.с.60.
2. Шкаратся О. Русская культура труда и управления.// Общественные науки и современность. 2003. №1, с.30-54.
3. Научные труды Института народнохозяйственного прогнозирования РАН./ гл.ред.А.Г.Коровкин, М.: МАКС Пресс, 2007. С.189.

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”		
Мухаммедов М. Исхакова С.А.	Влияние коррупции на экономический рост	3
Абдураманов Х.Х	Демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмини шакллантириш	8
Hotamov I.S. Raximov M.O‘.	O‘zbeskiton iqtisodiyotini gii indeksi asosida innovatsion rivojlantirish masalalari	11
Низамов А.Н. Имомов Б.М.	Ўзбекистонда Республикасида иккиламчи металл товар ресурслари бозорини айрим муаммолари	16
Ашурова О.Ю., Эргашева С.Ш.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва либераллаштириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида	19
Эргашев И.И. Рустамов О.А.	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шаклланти-риш жараёнида меҳнат бозорида ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари	22
Жабборов Ж.А.	Вопросы внедрения элементов цифровой экономики в сфере оказания государственных услуг в Республике Узбекистан	24
Якубова Ш.Ш.	Цифровая экономика: сущность и основные аспекты для развивающихся стран	27
Bobonazarova S.A Xamidova S.A. Xushvaqtova Z.A.	Innovatsion rivojlanish sharoitida raqobatning ahamiyati	32
Маттиев И. Б.	Идея «Здорового поколения» - одна из основопо-лагающих идей строительства нового общества	34
Улуғмурадова Н.Б.	Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг инновацион шаклларини ривожлантириш	39
Болтаев Б.С. Зайналова К.Н. Султонов С.Ж.	Рақамли иқтисодиётда меҳнат бозорини тизимли тартибга солиш тамойиллари ва элементлари	41
Ашурова О.Ю., Очилов Ш.Т.	Ўзбекистонда инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг зарурати	44
Қўзибоев Б.	Рақамли иқтисодиётни хизматлар соҳасига жорий қилиш механизмини такомиллаштириш	48
Nuriddinova G.B. Narzullayeva G.S.	Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida umumiqtisodiy va ijtimoiy muammolar	52
Хорунов А.А.	Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти	54

II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Sharipov T.S. O‘roqova M.O‘.	Ekoturizmni rivojlantirish – turizmning taraqqiyoti omili	58
Турдибеков Х.И.	Особенности стратегического анализа развития отрасли туризма	62
Холиқулов А.Н.	Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида туризм ва меҳмонхоналарнинг ўрни, ҳамда уларни ривожлантириш йўналишлари	65
Сайдахмедов Х.М.	Перспективы создания и развития в Узбекистане геотуризма	68
Raximov Z.O. Omonov Sh.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm rivojlanishining o‘ziga xos jihatlari	71
Раимова М.Дж. Махатов С.И.	Туризм соҳасини ривожлантиришга инновациялар тадбиқи	75
Tursunqulov I.A.	O‘zbekistonda turizm infratuzilmasini rivojlantirish	78
Шералиева С.А.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий омиллари	82
Махмудов С.Х.	Тарихий-маданий туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили	85
Шукуров С.И.	Роль больших данных в усовершенствовании туристической отрасли в Республике Узбекистан	90
Зохидов Ф.Ф.	Ички туризм ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини бахолаш: Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл мамлакатлари тажрибаси	94
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”		
Уразов К.Б. Абдурасулов Ж.	Солиқ назорати турлари ва солиқлар аудитининг фарқли жиҳатлари	98
Рафеев Д.Р. Раббимов Э.А.	Телерадио хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг аудити (Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси мисолида)	104
Ташназаров С.Н. Амонов А.А.	Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари давр талаблари даражасида	110
Ибрагимов М.М. Ширинов У.А. Ширинова О.Т.	Суғурта харажатларининиг аудит объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи	113
Мамажонов А.Т. Хожибоев М.	“Бухгалтерия ҳисоби” фани тараққиётининг устувор йўналишлари	116

Абдуллаев А.Б.	Солиқ харажатлари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	121
Очилов О.И.	Инвестициялар ҳисобининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш	125
Kamolova S.S. Qarshiyeva M.M.	Qurilish korxonalari faoliyati tahlilining yo‘nalishlari	128
Ширинов У.А.	Телекомуникация боғламаларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	131
Musayev X.X. Jalilov Sh.Z. Annayev A.A.	Investitsion muhitni shakllantirishga tasir qiluvchi omillar	135
IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Мусаев Р.М. Тураев А.А. Қодиров И.Б.	Инновацион рақамли иқтисодиётга солиқ тизимида солиқ имтиёзларини қўллаш жараёнида солиқ хизматларининг ўзига хослиги	139
Мавланов Н.Н.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели	143
Эшонқулов З.	Музораба – ишончли молиялаштириш: ислом оламида қандай амал қилади?	147
Самиев С.И.	Нефть ва газ саноати корхоналарининг инвестицион фаолияти ва унга хос бўлган тенденциялар	149
Юнусова С.Б.	Роль государственно-частного партнерство в развитии инновационной инфраструктуры в экономики	151
Бегиева Р.У.	Внедрение современных технологий в коммерческие банки	153
V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”		
Фаттахов А.А.	Инновацион иқтисодиёт шароитида савдода маркетинг функцияларини такомиллаштириш	157
Мардонова А.Т.	Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш механизмини такомиллаштириш	160
Исмаилов А.Р.	Корпоратив бошқарув тизимини инновацион ривожлантириш истиқболлари	164
Рахимова С.М.	Хизмат кўрсатиш соҳасида тиббий хизматлар бозори ривожланишининг ташкилий масалалари	168
Boyjigitov S.K. Ravshanov S.R.	Marketingda to‘g‘ri reklamalar yaratish va tanlash	171
Абдуллаев Д.Х.	Инновацион ривожланиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида менежмент ҳамда маркетингни тутган ўрни	174

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”		
Пардаев М.Қ. Бабаназарова С.А Очилова Ҳ.Н.	Олий таълим тизимида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари	179
Ашуров М.С.	Рақамли иқтисодиёт шароитида smart-технологиялар малакали кадрлар тайёрлашнинг асоси	183
Соғинов Н.	Рақамли иқтисодиёт шароитида малакали кадрлар тайёрлашнинг маънавий-руҳий жиҳатлари	188
Турабов А.	Проблемы современного физического воспитания	193
Бабаназарова С.А.	“Коррупциясиз олий таълим” модели ва уни шакллантириш омиллари	196
Qarshieva M.M. Kamolova S.S. Bobonazarova F.	Ta’lim jarayonida axborot texnologiyalarining imkoniyatlari	198
Eshpulatov Sh.N. Pardayeva G.S.	Xizmat ko‘rsatish sohasi mutaxassislarini tayyorlashda loyiha texnologiyasini qo‘llash xususiyatlari	202
Абдуллаев Д.Х. Хасанов Ш.К.	Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш, соҳага малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг меҳнат салоҳиятини оширишнинг устувор йўллари	204
VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Усманов И.А. Усманов Ф.Ш.	Факторы экономического роста Республики Узбекистан на современном этапе	212
Муминова Э.А.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда “Блокчейн” технологиясини хизмат кўрсатиш сохаларида қўллаш масалалари	216
L.N.Khalikova B.Yuldashev	Challenges to improve the digital economy in Uzbekistan	220
Паязов М.М. Комилжанов Ш.И	Ўзбекистон иқтисодиётида 2019 – йил рақамли иқтисодиётга ўтишнинг дастлабки босқичи	222
Худайберганов Д. Юсупова Ф.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	226
Насирова Л.А.	Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши	229
Каланова М.Б.	Умумий овқатланиш хизмати – истеъмолчи эҳтиёжларини қондириш йўлида	233
Беглаев У.Х.	Балиқчилик хўжаликларини барқарор ривожлантиришда Ветнам тажрибасидан фойдаланиш	236

Ё.Қосимов Ж.Р.	Ўзбекистонда мева-сабзавот соҳасини ривожлантириш омиллари	243
Хўжақулова Н.Р.	Доривор ўсимликларни етиштиришнинг иқтисодий асослари	241
Маттиев И. Б.	Духовные ценности и религиозные нормы при охране здоровья	247
Гулбаева Ф.	Корхоналарда саноат кластер кооперациясининг асосий йўналишлари	250
Азизов Ҳ.Г.	Рақамли иқтисодиётда божхона органларининг фаолияти: хорижий тажриба	254
Худоёров Д.О. Ўзоқов С.С.	Бандлик таъминлашнинг инновацион усуллари	259

2020 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 16,75
Буюртма № 8, Адади 80 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй